

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

АКАДЕМИЯ

А. В. НАРБЕКОВ

ДИНШУНОСЛИК  
АСОСЛАРИ

*Ўқув қўйланмаси*

Тошкент – 2008

**Тақризчилар:**

фалсафа фанлари номзоди, доцент  
**А. Ў. Ўтамуродов;**

тарих фанлари номзоди, доцент  
**Э. Қ. Арифджанов**

**Нарбеков А. В.**

**Н-28** Диншунослик асослари: Ўқув қўлланмаси. – Т.:  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 240 б.

Қўлланма Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунлари асосида, диний сиёсатдаги ўзгаришлар, унинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда тузилди. Унда диншунослик фанининг предмети ва вазифалари, диннинг вужудга келиши, илк шакллари, давлат, миллий ва жаҳон динлари хусусида фикр юритилади. Шу билан бирга, диний фундаментализм ва экстремизм, уларнинг мақсад ва таҳди迪, мамлакатимизда олиб борилаётган диний сиёсат каби масалалар батафсил таҳлил қилинади.

ИИВ Академияси тингловчиларига, олий ўқув юртларининг талабалари, ўқитувчилари, шунингдек барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

**ББК 86.3я73**

## СҮЗ БОШИ

Комил инсонни тарбияланш миллий мафкуранинг асосий ғояси ва давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани ижтимоий ҳаётга татбиқ этиши давлат ташкилотлари, муассасалари ва жамоат бирлашмаларининг доимий диққат марказида туради. Зоро, ёш авлод нафақат бизнинг келажагимиз, балки ҳозирги долзарб муаммоларни ҳал этишда илғор ғоялар билан иштирок этувчиdir.

Маълумки, маънавий етук, билимли, мустақил фикрга эга ва жисмонан соёлом авлодни тарбиялаш илғор маориф тизими ва малакали мутахассис кадрлар томонидан таъминланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, шу жумладан ёш авлодга таълим-тарбия бернича катта ютуқдарга эршилди. Маориф соҳасида узлуксиз таълим тизимиға ўтилди. Замонавий ўқув даргоҳлари қурилиб, янги техник воситалар билан жиҳозланди. Гаълим жараёни халқаро тажриба ва миллий менталитетимизни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилди. Билим даргоҳлари янги дарсликлар, қўлланмалар ва ўқув-методик материаллар билан таъминланди.

Ушбу ўқув қўлланма республикамизда олиб борилаётган диний сиёсатдаги ўзгаришлар, унинг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ёзилди. Унда диншунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўз боради. «Дин» тушунчаси, диннинг таркибий қисмлари, вазифалари, вужудга келиш ва жамиятда сақланиб қолиш сабаблари, тарихий даврларда унга муносабат каби масалалар таҳдил қилинади. Мазкур қўлланма диннинг жаҳолат, ақидапарастлик, ўзгалар фикрига тоқатсизлик ва ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи куч эканлиги ҳақидаги нотўғри тасаввурларга қаршилиги тўғрисидаги ижтимоий фикрнинг вужулга келишига кўмаклашади.

Диннинг илк шакллари инсоният тарихининг дастлабки даврларида ибтидой одамнинг дунёқараши сифатида вужудга келган. Ўша даврлардан бўён дин инсоннинг табиий эҳтиёжлари ва майлларини жиловлаш воситаси, маданиятнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган ижтимоий онг шакли ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар диний таълимотда ҳам ўзига хос жараёнларни келтириб чиқарган. Улар таъсирида давлат ва миллый динлар вужудга келган. Кудратли худоларга сифиниш ва қўпхудолик шаклланган. Ҳалқлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, йирик империяларнинг пайдо бўлиши натижасида динлар давлат ва элатлар доирасидан чиқиб, умуминсоний аҳамият касб этган ва шу тариқа жаҳон динлари вужудга келган. Лекин диний қараашларнинг ривожланиш жараёни ҳозир ҳам давом этмоқда.

Мазкур қўлланмада жаҳон динлари таълимоти, ақидалари ва маросимларига кўпроқ эътибор берилган. Зоро, улар ҳалқтарнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиётига ўз таъсирини кўрсатган. Жумладан, миллатларнинг урф-одатлари, анъана ва маросимларидаги умумийликда жаҳон динларининг таъсирини яққол кўриниш мумкин. Бу жараёнлар динларнинг кескин рақобати шароитида ривожланган. Ҳозирги даврда улар ўртасидаги рақобат глобал муаммо даражасига кўтарилиди. Бунга сабаб вайронкор кучларнинг динлан сиёсий манбаатлар йўлида фойдаланишга интилишидир.

Дунёвий тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонда диннинг ижтимоий аҳамияти қайта тикланди. Диний конфессияларнинг расмий фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилди. Миллатлар ўртасида тинчлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончга асосланган муносабатларни шакллантиришида динларнинг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса диннинг ёш авлодни маънавий тарбиялаш ва дунёқарашини шакллантиришдаги фаол иштироқи билан боғлиқ.

Мазкур қўлланмани тайёрлашда диншунослик фанини ИИВ Академиясида ўқитиши даврида тўплланган тажриба ва материаллардан, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда чоп этилган манбага тарбиялаш ва алабиётлардан, жумладан 1, 7, 8, 9 ва

10-мавзуларни ёзишида фалсафа фанлари доктори, профессор А.К.Қодировнинг материалларидан унумли фойдаланилди. Шунингдек, республикамиз олий ўқув юргулари таалабаларининг диншунослик фанидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган олимпиадаларда тўпланган айрим манбалар ҳам киритилди.

«Диншунослик асослари» ўқув қўлланмаси мазкур предметни ўрганиш ва ўқитишдаги тажриба ва билимларни умумлаштириш натижасидир. Шу боис муаллиф китобхонларнинг ушбу қўлланмана юзасидан билдирган мулоҳазаларини миннатдорлик билан қабул қиласди.

## 1-мавзу

# ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

### Диншунослик фанининг моҳияти, предмети ва вазифалари

Дин азалдан инсон ва жамият ҳаётининг маънавий асоси, пойдевори бўлиб келган. Дин воситасида инсоннинг биологик табиати, ҳайвонот олами билан умумий жиҳатга эга бўлган физиологик майллари, эҳтиёж ва инстинктлари живовланди, уларга инсоний қиёфа берилди. Диний онгнинг ибтидосида «яхшилик ва ёмонлик», «эзгулик ва ёвузлик», «адолат ва адолатсизлик» каби ахлоқий категорияларнинг дастлабки элементлари шакллангани, дин кишилик жамоасини мазкур категориялар атрофида жисплаштира олгани боис, унда дунёқараш, интегратив, регулятив, компенсаторлик ва бошқа функциялар мустаҳкамланди.

Хозирги кунга келиб, дин ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилига айланди, у ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини сақлаб қолди. Лекин унинг аҳамияти турли ижтимоий-сиёсий тузумларда турличадир. Дин етакчи мафкура ҳисобланган давлатлар ҳам галайгина. Дунёнинг қатор давлатларида дин ўзининг сиёсий мавқенини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилмоқда.

Мустақилликдан кейин диннинг ижтимоий-сиёсий саломоги ўзгарган бўлса-да, у билан боғлиқ муайян муаммолар келиб чиқмоқда. Шу боис Ўзбекистон Конституциясида диннинг мамлакатимиздаги ижтимоий ўрни аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, унинг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», — деб таъкидланади.

Истиқтол арафасида, Марказий Осиёда диний омил мавқенинг ортиб боришини ҳисобга олиб, 1991 йил 14 июнда «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги

қонун қабул қилинди. Бу қонун жамиятни демократлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тобора кучайиб бораётган мустақиллик учун фоявий кураш таъсирида собиқ Ўзбекистон шўро ҳукумати томонидан қабул қилинган эди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда динга муносабат тубдан ўзгарди. Мустабид тузум даврида динга нисбатан бир ёқлама (тақиқловчи) муносабат ўрнини диний эътиқод эркинлиги эгаллади. Бу нарса асосан ижобий бўлса-да, секин-аста салбий тус ола бошлади. Диний билимлардан узоқ давр маҳрум бўлган айрим кишилар файридиний, экстремистик жанггирилик руҳидаги. Имоми Аъзам мазҳабидан фарқ қилувчи айрим ақидаларга эргаша бошладилар. Диний эътиқодга ҳам ислоҳот никоби остида азалий диний анъаналаримизга зид бўлган турли оқим ва мазҳаблар вакиллари кириб кела бошладилар. Шу даврда курила бошланган кўплаб масжидларда ўтмиши номаълум бўлган фараз мақсадли кимсалар «ин қура» бошладилар. Улар жамият ҳаётида сиёсий мавқега эга бўлиш, ислом диний партиясини тузишга ҳаракат қилдилар. Айрим вилоятларда мавжуд ҳукумат органларига муқобил бўлган диний ташкилотлар ҳам тузилди.

Бундай зиддиятни даврда дин ривожида кўплаб ижобий натижаларга ҳам эришилди. Ислом динига беқиёс ҳисса қўнгган буюк алломалар, дин пешволарининг номлари қайта тикланди, ислом динининг тараққиётига доир қатор тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ўtkазилди. Бундай тадбирлар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бошқа диний конфессияларда ҳам амалга оширилди. Бу тадбирларнинг айримларини санаб ўтиш кифоя.

Масалан, 1991 йил 11 апрелда «Рўза ҳайити» ва «Курбон байрами»ни миллий байрам деб эълон қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди. 1992 йил 7 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 1992 йил 1 апрелда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, 1993 йил 16 сентябрда ислом динида нақшбандия тариқатига асос солган Хожа Баҳовуддин На-

қибанд таваллудининг 675 йиллиги Бухоро шаҳрида кенг нишонланди. 1993 йил 23–24 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан ва Буюк Британиянинг Оксфорд университети иштирокида Самарқанд шаҳрида «Имом Бухорий: ҳаёти ва даври» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди. 1994 йил 18 октябрда яна Самарқанд шаҳрида ислом илмига катта ҳисса қўшган аллома Ҳўжа Аҳрор Валий таваллудининг 590 йиллиги кенг нишонланди. 1995 йилнинг ноябрида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги Хоразмнинг Урганч шаҳрида нишонланди. 1998 йил 23 сентябрда муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман Тошкент шаҳрида ўтказилди. 1998 йил 23 октябрда эса Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги Самарқанд шаҳрида нишонланди ва Имом ал-Бухорий мажмуаси очилди. Бу тадбирлар бевосита Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ташабbusи ва қўллаб-куvvatлаши натижасида амалга оширилди.

1998 йилга келиб мамлакатда дин ва диний фаолият шу қадар кенг қулоч ёзган эдики, эзгу ишлар билан бир қаторда, ёвуз, қора ниятларни амалга ошириш, мамлакат ҳаётини диний ўзангага буриб юбориш учун шароит яратишга уринишлар ҳам қўзга ташланиб қолди. Бу ҳолат мантиқан ва тарихан 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётдан орқада қолганигини кўрсата бошлади. Шу боис 1998 йил 1 майда ушбу қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳаёт тақозоси бўлди. Бу қонун эскисидан фарқ қилиб, диндор шахс ва диний ташкилот фаолиятининг амалдаги Конституцияси ва қонунлар асосида тартибга солинишини, фуқаролар конституциявий ҳуқуқларининг поймол этилишига барҳам берилишини, Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг сақлаб қолинишини, мамлакатда демократия принципларининг ҳимоя қилинишини таъминлаши лозим эди.

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга жорий қилиниши динга ва диний ташкилотларга фараз мақсадлар билан кириб олган, мамлакат ҳаёти-

ни диний ўзанга буриб юборишни ўз олдига мақсад қилиб қўйған турли унсурларни безовта қила бошлади. Бундай қора ниятли унсурлар энди тўғридан-тўғри зўравонлик, куч ишлатиш йўли билан ўз манфур ва жирканч мақсадларига эришмоқчи бўлдилар.

Машъум 1999 йил 16 февраль, 2004 йил 29, 30 март – 1 апрель, 2005 йил 12–13 май воқеалари бу жараёнларнинг асл моҳиятини кўрсатди. Бунинг оқибатида кўплаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмдилар. Ушбу воқеалар диннинг жиддий мафкуравий омилга айланиб бораётганлигини, кўп миллатли давлат шароитида у диний низолар чиқиши учун айрим сиёсий кучларга қўл келиши мумкинлигини кўрсатди. Натижада динни, унинг таркиби ва жамият ҳаётидаги ўрнини илмий ўрганиш эҳтиёжи туғилди.

Ўзбекистон, миллий таркибига кўра, кўп миллатли давлат ҳисобланади. Ҳозир республикамиизда 130дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қилмоқда, 20га яқин диний конфессия (лотинча *confessionalis* сўзи эътиқодга оид, черковга тегишли деган маъноларни англатади) фаолият кўрсатмоқда, 80дан зиёд миллий марказлар ишлаб турибди. Табиийки, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш демократик давлат шароитида нафақат давлат сиёсатининг изчил ва кучли бўлишини, балки, аввало, диний конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатлар қарор топишини, энг асосийси, ҳар бир фуқаронинг дин, диний мазҳаблар, диннинг тарихи ва ҳозирги ҳаётда тутган ўрни ҳақида илмий тасаввур ва тушунчаларга эга бўлишини талаб қилади.

Айнан шундай эҳтиёжлар диншуносликнинг ижтимоий мавқенини ва ҳозирги аҳамиятини белгилайди. Диншунослик тарих, фалсафа, сиёсатшунослик, социология, ҳуқуқ ва бошқа фанлардан фарқ қилиб, дин ҳодисасининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва гносеологик (грекча *gnosis* – билиш, *logos* – таълимот деган маъноларни англатади) илдизларини очиб беради, диний ақидага умумилмий методлардан бири бўлган тарихийлик ва мәнтиқийликнинг диалектик бирлиги орқали ёндашади. Диншунослик фанининг яна бир муҳим хусусияти

шундаки, у динни илмий асосда, дунёвий нуқтаи назардан ўрганади, диншуносликнинг предметини, дин, унинг келиб чиқиши, вазифалари ва ривожланишини, тузилиши ва таркибий қисмларини, жамият тарихида намоён бўлиш шакларини, шахс ва жамият ҳаётидаги тутган ўрнини, маданият соҳалари билан ўзаро алоқалорлигини таҳлил қиласди.

Диншунослик ИИВ Академиясида ҳамда бошқа юридик ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўрганиладиган мусулмон ҳуқуқи фанидан фарқ қиласди. Диншунослик дин ҳодисасининг нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий-маънавий, маданий-маърифий, тарихий-иқтисодий жиҳатларини, диний ақидаларнинг моҳиятини, диний мазҳаб ва оқимлар, уларнинг асосий даъватлари, хусусан, мағкуравий даъволарини ҳам ўрганади. Шу маънода диншунослик кенг қамровли хусусиятга эга бўлиб, диннинг мавжуд барча жиҳатларини умумлашган ҳолда таҳлил қиласди, унинг ижтимоий мавқеини аниқлайди.

Диншунослик фанига эҳтиёж юзага келишининг яна бир сабаби шундаки, собиқ Иттифоқ даврида ўқитилган «Илмий агеизм» курси виждан ва эътиқод эркинлиги таъминланган мамлакатда ўз мавқеини йўқотди, диний эътиқодга кенг имкониятлар яратилди. Эътиқод эркинлигига ташна ҳалқ ичидаги диний тасаввурларга эҳтиёж ниҳоятда ортди. Аммо бу ҳолатдан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринувчи ёвуз кучлар ҳам пайдо бўлди. Дин, унинг таркиби ва вазифаси ҳақида деярли тасаввурга эга бўлмаган кишилар, диний саводсизликлари сабабли, турли маккор сиёсий кучларнинг тузогига илиндилар. Дин ниқоби остида иш кўрувчи манфур ва жирканч кимсалар азалий диний қадриятларимизнинг тикланишига йўл қўймай, диний билишни жангарилик ва тақаббурлик ўзанига буриб юборишга ҳаракат қилдилар.

Бундай ҳаракатларнинг мисоли сифатида Наманган вилоятидаги 1991–1992 йиллар воқеаларини келтиришимиз мумкин. У ерда бир гурӯҳ унсурлар диний покланиш, азалий диний қадриятларни тиклаш ниқоби остида мавжуд конс-титуциявий тузумни ўзгартириш, мустақил тараққиёт йўлига кирган ёш давлатни диний давлат тараққиётни ўзанига буриб юборишга ҳаракат қилдилар. Улар ҳалқимизнинг азалий диний

қадриятларидан фарқ қилувчи ваҳҳобийлик ғояларини тар-  
ғиб қилиб, диний билимлардан узоқ кишиларни ҳақиқий  
ислом ниқоби остида ўз таъсир доирасига тортдилар. Улар  
манфур мақсадларини амалга оширишда гурули жиноятчи ун-  
сурлардан, жангари каллакесарлардан фойдаландилар.

2005 йилнинг май ойидаги Андижон воқеалари эса диний  
мутаассиблик ва терроризмнинг ҳақиқий қиёфасини яна бир  
марта намоён қилди. Унинг ташкилотчи ва иштирокчилари  
мамлакатимиздаги барқарорликни қуролли фитна ва хориж-  
даги «демократия» учун ёлланма курашчилар ёрдамида бу-  
зишга уриниб кўрдилар. Ислом байроби остида конституция-  
вий тузумни ағдариб ташлашга даъватлар ҳалқимизнинг ғазаб  
тўлқинига урилиб, парчаланиб кетди. Афсуски, мамлакат  
хукуқни муҳофаза қилувчи орган вакилларининг муаммони  
тинч музокаралар билан ҳал қилишга уринишлари самара бер-  
мади. Диний экстремистлар ва террорчилар муросасизлик  
йўлини тутиб, тинч аҳолининг қурбон бўлишига сабабчи  
бўлдилар. Демократия хавф остида қолган юқоридаги вазият-  
да Ўзбекистон Президенти олиб борган оқилона сиёсати ту-  
файли мустақиллигимизга таҳдид баргараф этилди. Оқибатда  
бундай ақидапарастларнинг пайи қирқилди. Адашган шахс-  
лар тўғри йўлнинг аҳамиятини кечроқ англаб етдилар (Бу  
ҳақда қўлланманинг сўнги қисмларида батафсил тўхталамиз).

Дунёвий, демократик сиёсий тараққиёт йўлини таңлаган  
кўп конфессияли Ўзбекистон учун диний давлат қуриш мил-  
лий ва диний низоларнинг вужудга келишига шарт-шароит  
яратиши мумкин. Миллий ва диний таркиби жиҳатидан му-  
раккаб бўлган мамлакатда фақат миллатлараро tenglik ва  
эркинлик муносабатларигина миллий бирлик учун шароит  
яратади.

Мазкур ижтимоий ҳолат диншунослик фанига эҳтиёжни  
янада оширади. Ушбу эҳтиёж яна бир муҳим ижтимоий ҳодиса  
билан боғлиқ. Маълумки, мустақил иқтисодий, сиёсий ва  
маданий тараққиёт йўлига кирган Ўзбекистон жаҳон ҳамжа-  
миятининг teng хукуқли аъзосига айланди. Айни вақтда у  
турли диний мағураларга эга давлатлар билан ҳамкорлик  
қилмоқда. Бундай шароитда нафақат хукуқни муҳофаза қи-

лувчи органлар холимларидан, балки ҳар бир фуқародан жаҳон динлари, турли диний оқим ва мазҳаблар ҳақида илмий тасаввур ва тушунчага эга бўлиш талаб қилинади.

Ўзбекистон ҳудудида, юқорида эслатиб ўтилганидек, кўплаб диний конфесиялар фаолият кўрсатмоқда. Диншунослик фани диний конфесиялар, уларнинг тарихий илдизлари, ватани, ҳозирги ҳолати ва мавқеи ҳақида ҳам билим беради. Шу маънода у фалсафий фанларга яқин туради. Диншунослик диний эътиқод ва унинг табиати, муайян диний дунёқараш ҳақида чуқур таҳдисиз умумий илмий тасаввур ҳосил қиласди. Диншунослик нафақат ислом, балки жаҳоннинг бошқа динлари – буддавийлик, христианлик, иудаизм, ҳиндуизм ва бошқа диний эътиқодлар ҳақида ҳам тасаввур берали. Динларнинг йўналишлари, оқимлари (мазҳаблари) ҳақида фақат диншунослик предмети орқали кенг тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу маънода, диншунослик, ўз таркиби ва табиатига кўра, умумлаштирувчи ва тартибга солувчи фан бўлиб, диний эътиқоднинг ибтидоий кўринишидан ҳозирги ҳолатига қадар бўлган тарихий эволюциясини ўрганади.

Диншунослик билимларнинг комплекс (лотинча *complexus* – алоқа, бирикма деган маъноларни англатади. Предметлар, ҳаракатлар ва воқеликларнинг бирикмаси бўлиб, улар бир бутунликка бирлашади) тармоғини ташкил этади. Ушбу фан илоҳиёт, фалсафий ва илмий фикр ривожи натижасида шаклланди.

Диний билимларнинг тарихан ташкил топган биринчи шакли илоҳиёт (теология грекча *teos* – худо ва *logos* – таълимот деган маънони англатади), яъни худони ўрганувчи таълимотдир.

Илоҳиёт муайян диннинг ақида (қоида)ларни, муқаллас ёзувлар ва диний ташкилотлар ҳужжатларини одамларга тушунарли тилда етказиб берувчи таълимотдир.

**Динга илоҳиёт нуқтаи назаридан ёндашув динни унинг ичидан ўрганишдир, чунки илоҳиёт вакиллари динни фақат худога ишонгган киши тушуниши мумкин деб ҳисоблайдигар.**

Динни ўрганишда илоҳий йўналиш билан бирга фалсафий ва илмий йўналишлар ҳам мавжуд. Фалсафий ва илмий

йўналишлар, илоҳиётдан фарқли равишида, динни «ичидан» эмас балки «ташқаридан» ўрганиди. Уларнинг динни ўрганиш усуллари илоҳиётницидан фарқ қиласди. Фалсафий ва илмий йўналишлар динни тафаккур, мантиқий-назарий, эмпирик-илмий принципларга таяниб ўрганиди.

Фалсафий ва илмий йўналишларнинг динга ёндашувидағи умумий жиҳатлари билан бирга ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Масалан, фалсафий ёндашув теварак атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг умумий принциплари ҳамда қонуниятларини топишга, нарса-ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлашга интилади, уларга танқидий нуқтаи назардан ёндашади. Бундай ёндашув мавжуд дунёқараашнинг қанчалик тўгри эканлигини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, унда ижтимоий ҳаётда исботланмаганлари инкор қилинади, исботини топганлари янада ривожлантирилади.

Фалсафий йўналишда хилма-хил оқимлар мавжуд бўлиб, улар динга нисбатан турлича муносабатда бўладилар. Масалан, дин фалсафаси оқими илоҳиётга ўхшаш вазифаларини бажаради. Лекин илоҳиётдан фарқли ўлароқ, худо ва диний қадриятларнинг объектив мавжудлигини илмий жиҳатдан исботлашга интилади.

XIX асрнинг ўрталарида динни ўрганишда илмий ёндашувнинг шаклланиш жараёни узил-кесил якунланди. Шу даврда табиий ва ижтимоий фанларнинг ривожланиши натижасида қўлга киритилган ютуқларга таяниб, динни ердаги сабабларга боғлаб тушунтириш имконияти юзага келди.

Илмий йўналиш динни ижтимоий ҳаётнинг бир соҳаси сифатида унинг бошқа соҳалари билан ўзаро алоқадорликда ўрганиди. У дин қандай шаклланган, кишиларда қандай қадриятлар, нормалар ва хулқ-атвор образларини вужудга келтириши, диний ташкилотларнинг қандай фаолият кўрсатиши, диннинг жамиятда қандай функцияларни бажариши кабиларни ўрганиди.

XIX асрнинг охирларида динни илмий ўрганиш асосида билимларнинг маҳсус тармоғи – диншунослик фани шаклланган. Диншунослик фанининг **вазифалари** қўйидагилардан иборат:

—дин ва диний эътиқод ҳақида илмий, дунёвий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам бериш;

—диннинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи ҳақида тўгри тушунчани шакллантириш;

—киши маънавияти маънавий бўшлиқ (вакуум) юзага келишига йўл қўймаслик, турли файритабий ва файриинсоний диний қараашлар шаклланишининг олдини олиш.

Бундан ташқари, диний эътиқод таркибида мавжуд инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва имонлилик каби қадриятларга жангарилик, шафқатсизлик, қонхўрлик даъватларининг бутунлай ёт эканлиги диншунослик орқали ойдинлашади, диний жаҳолатнинг маърифат орқали бартараф этилишига, диннинг ҳақиқий мавқеи тикланишига эришилади. Диншунослик, диний эътиқоднинг, қайси шаклда бўлмасин, эзгулик, одамийлик ва адолат ғояларига бўйсунгандигини исботлашга кўмаклашади, динлар ўртасида мазкур ғоялар асосида маънавий яқдиллик ва ҳамжиҳатлик алоқалари мавжудлигини исботлашга хизмат қиласди.

Диншуносликнинг вазифалари ўзаро алоқадор бўлиб, уларни амалга оширишда бошқа фанлар билан ҳамкорлик қилиш талаб қилинади. Масалан, фалсафа кишиларнинг дунё-қараши, дунёга муносабати масалалари, уларни ўрганиш усуллари, диннинг жамиятдаги маънавий, ижтимоий, руҳий илдизларини ўрганади. Диншунослик динни ўрганишда фалсафий қонуниятлар, масалага ёндашиш усуллари, дунё-қарааш муаммолари кабиларга таяниши мумкин.

Ҳукуқшунослик диннинг конституциявий мавқеи, ҳукуқча таъсири, виждан эркинлиги, сўз эркинлиги кабиларга боғлиқлиги масалаларини ўрганади.

Ўзбекистон тарихи фани диннинг қадимги замонлардан ҳозирги даврга қадар жамият ҳаётидаги аҳамиятини, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётга таъсири жараёнларини ўрганади. Тарихда бу жараёнларнинг барча жабҳаларида диннинг ўрни ва ўзига ҳос таъсири бўлган. Диншунослик тарихий давларда диннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганишда тарих фани маълумотларига таянади.

Диншунослик бошқа ижтимоий фанлардан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Улар қўйидагилардан ибораг:

—диншунослик динни ижтимоий-руҳий воқелик сифатида комплекс тарзда, бошқа ижтимоий фанлар эса динни ўз йўналишлари бўйича ўрганади. Жумладан, ҳуқуқшунослик диннинг ҳуқуқ билан боғлиқ жиҳатларини, фалсафа диний дунёкарашни, руҳшунослик (психология) диний ҳиссиёт ва кечинмаларни, диншунослик эса диннинг барча жиҳатларини бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганади;

—диншунослик динни ўрганишга илмий жиҳатдан холи-сона ёндашувга асосланади. Масалан, илоҳиёт худо ва диний қадриятларни ҳимоялаб, уларнинг устувор қадрият эканлигини исботлашга ҳаракат қиласа, атеизм диннинг инсоният учун заарли эканлигини исботлашга интилади. Аммо икка-ла ёндашув ҳам илмий ёндашувга зиддир.

Диншунослик фанини ўрганиш ички ишлар органлари ходимлари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу қўйидагиларда намоён бўлади. Биринчидан, диншунослик ички ишлар органлари ходимларининг дин тўғрисидаги билим, кўникма ва малакаларини оширишга ёрдам беради, муаммога мустақил муносабатни вужудга келтиради. Иккинчидан, бу фан ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан муомалада, уларнинг диний туйгуси, қадриятларини хурмат қилиш ва ўзаро ишончга асосланган муносабатларни ўрнатишларига кўмаклашади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, дин мураккаб, кўп тармоқли ижтимоий онг шаклидир. Шунинг учун ижтимоий фанлар динни ўрганишга доимо жиддий эътибор берадилар. Диншунослик динни ўрганишда бошқа фанларнинг ютуқла-ридан фойдаланиб, ижтимоий муносабатларнинг янада ри-вожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

## Диннинг тузилиши ва функциялари

Дин — ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса. У ўзига хос таркибга эга бўлиб, кишилик жамиятининг узоқ давом этган ижти-моий-тариҳий тараққиёти ҳосиласидир. Дин кишиларнинг фай-ритабиий кучларнинг мавжудлигига ишонишдан юзага кел-ган. Зоро, «дин» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, ўзбек ти-лида «ишонч», «ишонмоқ» деган маъноларни англатади.

Хозирги замон динлари мураккаб таркибий қисмга эга. Унинг таркибий қисмига диний онг, маросим ва ташкилотлар киради.

Диний онг диний дунёқараш таркибида муҳим ўрин тулади. Диний онг диний тасаввурлар, ғоялар, ҳис-туйғу ва кайфиятларни ифодалайдиган қарашлар тизимиdir. Динни таркибий қисимлари қаторида диний онг устувор аҳамиятга эга, чунки диний маросим ва диний ташкилот кишилар онгида ва жамиятда диний тасаввурларни мустаҳкамлайди ва сақланиб қолишига кўмаклашади.

Диний онгнинг ўзаро боғлиқ ва нисбатан мустақил бўлган икки даражаси ёки босқичи мавжуд. Булар диний психология ва диний идеологиядир. Диний психология – кишиларнинг диний ҳис-туйғулари, одатлари, анъаналари ва кайфиятлари мажмуи. Диний идеология эса диний ташкилотлар орқали малакали диний шахслар тарғиб этадиган турли диний ғояларнинг муайян тизимиdir.

Диний психология ва диний идеология ўртасида муайян даражадаги умумийлик мавжуд. Бу умумийлик воқеликни саробий акс эттиришда, файритабии кучларга сифинишда намоён бўлади.

Тарихан диний психология диний идеологияга нисбатан олдин пайдо бўлган. Киши руҳияги барқарор воқелик эмас, чунки ижтимоий жараёнлар таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Шунингдек, амалиёт билан диний идеологияга нисбатан яқиндан алоқада бўлади. У кишиларнинг табиат кучларидан қўрқишилари, улар олдида таслим бўлишлари ва уларни илоҳийлаштиришлари натижасида шаклланади. Диний идеология эса жамиятда меҳнат тақсимоти, синфлар ва давлатнинг вужудга келиши билан боғлиқ.

Диний психология тараққий этган сайн диний тасаввурлар ҳам такомиллашиб боради. Диний тасаввурлардан диний гоялар шаклланган. Оқибатда қадимги диний эътиқод шакллари – сеҳргарлик, анимизм, фетишизм, шомонлик ва бошқалар келиб чиқсан.

Диний идеология диний психологиядан фарқ қиласи. Зеро, у муайян тушунча ва қарашларнинг тартибли тизими-

дир. Диний идеология инсоният тараққиётининг нисбатан юқори босқичларида юзага келади. Уни руҳонийлар, коҳинлар, динни ўрганувчи файласуфлар ишлаб чиқадилар ва тарғиб қиласидилар.

Диний идеология айрим манбаларда теология деб юритилади. Теологиянинг асосини одатда диний идеологиянинг мунтазам ва муайян тизимли кўриниши бўлмиш муқаддас китоблар (Таврот, Забур, Ишқил, Куръон кабилар) ташкил қиласиди. Диний идеология қўйидаги таркибий қисмларга бўлинади:

1) доктрина (грекча *dogmatos* – фикр, таълимот, ечим деган маъноларни англатади) диний таълимотнинг барқарор, кам ўзгарувчан қоидалари тизими;

2) апологетика (грекча *apologeomai* – ҳимоя қиласан деган маънени англатади) илоҳиёт соҳаси ва диний таълимотни инсоният тафаккури ҳамда тажрибасига асосланиб ҳимоя қилиш;

3) илоҳиёт ва ахлоқнинг ўзаро алоқадорлиги (дин ахлоқ қоидаларига илоҳий мазмун беради);

4) амалий илоҳиёт – черков ва мачитларнинг фаолияти ва худоға сифиниш тартибларини ишлаб чиқиши.

Диннинг таркибий қисмлари қаторида диний онг билан бирга диний маросим ҳам аҳамиятга эга. Биз динни ғайритабиий кучларнинг мавжудлигига ишонч ёки кишиларнинг ўзаро муносабати ва ҳаракатлари сифатида ҳам баҳолашимиз мумкин. Бундай муносабатлар диний маросим деб аталади.

Диний маросим индивид, гуруҳ ёки табақаларнинг манфаатлари, ғоялари ва орзу-истакларини ифодалайдиган муносабатлар ва ҳаракатлар тизимиdir. Диний ғоялар, қарашчар, ҳис-туйғулар ва ҳаракатлар тизими диний таълимотни вужудга келтиради. Диндорлар диний маросим орқали мулокотнинг бошқа воситалари самара бермайдиган вазифаларни бажарадилар. Унда ҳаракат ёки муносабат муайян сирли мазмунни ифодалайди. Ҳар бир ҳаракат ёки ўқилган дуо рамзий мазмун касб этади. Инсон ва сифиниш обьекти ўртасида ғайритабиий алоқа мавжудлигига ишонч мустаҳкамланади. Киши диний маросимларни бажариш билан ғайритабиий кучни ўз иттироғчиси ва мададкорига айлантиришга умид қиласиди.

Қадимда диний маросимнинг қеңг тарқалган тури Қурбонлик бўлган. Қурбонлик турли (озик-овқатларнинг бир қис-

мини ажратиш, ҳайвонлар сўйиш каби) усулларда амалга оширилган.

Курбонлик негизида бошқа диний маросимлар юзага келган. Жумладан, диний маросимнинг энг ривожланган шакларидан бири сифиниш ҳам қурбонлик асосида шаклланди. Курбонлик диний маросимини бажариш жараёнида ғайри-табиий кучга сифиниш юзага келган ва кейинчалик ундан ажралиб чиқкан. Сифиниш диндорнинг сўз воситасида реал ёки уйдирма обьектга таъсир қилишга қаратилган дуолари, рамзий хатти-ҳаракатлари мажмуасидир. Кишининг қандай ҳис-туйғуларни ифодалашига қараб, уни олқишлоғчи, миннатдорликни ифодаловчи, гуноҳларнинг кечирилишини сўрашга йўналтирилган ва бошқа турларга бўлиш мумкин.

Сифиниш турли хатти-ҳаракатлар, хулқ-атворлар билан бирга моддий ҳодисаларни ҳам ўз ичига олади. Сифинишнинг муҳим хусусияти ҳиссий-рамзий образларда ифодаланишидир. Сифиниш таркибига турли удумлар, анъаналар, қурбонликлар, дуолар, ўзини ҳаёт неъматларидан чеклаш (жумладан, рўза тутиш) кабилар киради. Сифиниш у ёки бу предметни илоҳийлаштириш (масалан, Каъбадаги қора тош, айрим дараҳтлар, муқаддас қабрлар, қадамжолар) воситасида амалга оширилади. Сифинишда турли туморлар, тасбех, диний либослар ҳам муҳим ўрин тутади. Буларнинг барчasi биргаликда сифинишга ҳиссий-рамзий образ тусини беради ва кишининг руҳиятига қаттиқ таъсир қиласиди. Сифинишнинг алоҳида аҳамияти шундаки, киши ўз ҳаётининг маъносини энг олий қадрият – нариги дунёда эришадиган лаззат ва фаровонлик билан боғлайди, бу дунёдаги ҳаётининг ўткинчи эканлигига, ўзининг қандайдир ташқи қудратли куч томонидан идора этилишига ишонади.

Швейцариялик олим К.Г.Юнгнинг фикрича, диний рамз (символ)лар инсон ҳаётига маъно бағишлийди. Унинг таъкидлашича, Америкадаги пуэбло қабиласининг ҳиндулари ўзларини Қуёш ота фарзандлари деб ҳисоблашади. Бу нарса уларга умид бағишлийди, тасалли беради, ҳаётини муайян мазмун ва маъно билан тўлдиради<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Юнг К. Г. Архетип и символ. – М., 1992. – С.81.

Умид кишига күч-күвват бағищлайды ва инсонни noctor реал ҳәётидан ташқари келажакда кутаётган роҳатбахш да-қиқалар сари хаёлан етаклайды. Файритабий кучга ишониш кишининг кундалик азоб-уқубатларни ўткинчи бир нарса деб қарашига, ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмаслигига ёрдам беради. Чунки тақводор киши келажакда фаровон ҳәётга эришишига ишонади. Диннинг кучи ҳам ана шунда. Кишининг худога ишониши бу дунёни ўткинчи сифатида англашига қўмаклашади, нариги дунёдаги «ҳәёт»га умид ва ишонч бағищлайди. Бундай ҳолатни мустаҳкамлаш учун дин турли-туман рамзий ҳодисалардан фойдаланади.

Диний маросимлар онгга таъсир қиласди. Бу таъсир жараённида у нафақат ахлоқий-маънавий, балки эстетик восита-лардан ҳам фойдаланади. Масалан, диний маросимлар ўтказиладиган жойлар – масжид, черков, синагогаларни безашга катта эътибор берилади. Бундай жойларда бўлган кишининг руҳиятида ўзгаришлар юз беради. Буни христианлик-нинг католицизм йўналиши мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. Черковнинг ички ва ташқи қисмлари рассомчилик, ҳайкалтарошлик асарлари билан безатилади, маросимларга тантанали тус берилади, хор ва орган мусиқасидан фойдаланилади. Диндор черковдан ўзини енгил ҳис қилиб чиқади, диний билими кенгаяди, эътиқоди мустаҳкамланади.

Ислом динида ҳам бадиий-ҳиссий усуllibардан усталик билан фойдаланилади. Масалан, Қуръонни ёки бирор-бир дуони қироат билан ўқиш, оғзаки нутқ маданияти, нотиқлик санъати усуllibаридан фойдаланиши ёрдамида бажарилади. Таъкидлаш жоизки, аксарият дин пешволари ва алломалар нутқининг таъсирчанлиги ҳатто баъзи машҳур профессорларнидан ҳам устун туради.

Дин таркибида эътиқод ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Эътиқод – кишининг муайян ҳодиса, унинг хосса ва хусусиятлари ҳаққоний эканлигига ишончи. Ишонч эътиқоднинг асосини ташкил этади. Бироқ ҳар қандай ишонч ҳам эътиқодга айланавермайди. Гарчи ишонч ва эътиқод бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлса-да, бироқ улар ўртасида фарқ ҳам мавжуд. Одатда, эътиқод деганда диний эътиқод тушунилади. Асли-

да, эътиқод диний ҳам, дунёвий ҳам бўлиши мумкин. Диний эътиқод файритабии кучлар ва ҳодисаларга ишониш, сифи-ниш орқали шаклланади. Эътиқоднинг дунёвий кўриниши эса инсонни ўраб турувчи объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни ҳиссий тажриба ва илмий билиш асосида шаклланади.

Диний маросимларни диндорлар якка тартибда ёки жамоа-га бирлашиб амалга оширадилар. Уларнинг жамоага бирлашуви осонликча кечмайди. Шу тариқа диний ижтимоий институтлар шаклланади. Бундай институтларнинг бошлангич бўғи-ни диндорлар гуруҳидир. Дастраси диндорлар гуруҳи меҳнат, уруғ жамоалари негизида юзага келганлиги боис бутун уруғ ёки қабила аъзоларини бирлаштирган. Диний маросимларда барча уруғ аъзолари иштирок этган. Диний тажрибанинг ортиб бориши билан диний маросимларни бажаришни ташкил этувчи ва бошқарадиган мутахассислар – шомонлар, сеҳргарлар – ажралиб чиқсан. Улар аста-секин мазкур фаолият турини ўзлаштириб, касбий гуруҳларга бирлашганлар.

Хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши би-лан диннинг ижтимоий вазифалари кенгайиб борган. Диннинг вазифаларидан бири ҳукмрон синф ва давлат манфаатларига хизмат қилиш бўлган. Мавжуд сиёсий тизим ва ҳукмдорнинг шахси илоҳийлаштирилган.

Жамиятдаги ўзгаришлар диний маросимлар ва институтларга ҳам таъсир этган. Диний маросимларнинг мураккаб тизимлари шаклланган. Нисбатан мустақил фаолият кўрса-талигидан коҳинлар корпорацияси юзага келган. Диний корпо-рация фаолият турига кўра бирлашган кишиларнинг ташкилоти бўлган. Лекин у давлат аппаратининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатган. Шу даврдан бошлаб коҳинлар алоҳида табақага бирлашганлар. Давлат тузуми ва ҳукмдорнинг муқаддаслаштирилиши коҳинларнинг жамиятдаги мав-қеини мустаҳкамлаб борган. Коҳинлар ўз даврининг энг билимдон вакиллари сифатида давлатнинг сиёсий тизими шаклланишида фаол иштирок этганлар.

Ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий институтларнинг такомиллашуви жараёнида дин давлат сиёсий тизимининг таркибидан ажралиб чиқсан ва мустақил фаолият кўрсата

бошлаган. Диний ташкилот ҳам давлатнинг сиёсий тизимидан мустақил фаолият кўрсатувчи ташкилотга айланган.

*Диний ташкилот* диний қарашларга эга маслакдошларнинг муайян бирлиги бўлиб, умумий эътиқод ва сифинишлар заминида юзага келади. У инсоният тарихий тараққиётининг турли босқичларида хилма-хил акс этади. Диний ташкилотлар кишилик жамиятида кескин синфий табақаланиш юзага келиши, ақлий меҳнатнинг нисбий мустақиллиги мустаҳкамланиши билан алоҳида ижтимоий мавқега эга бўлиб боради.

Диний ташкилотлар масжид (черков), секта харизматик маросим ва деноминация кабиларга бўлинади.

*Черков* – диний қарашлар ва foяларни ишлаб чиқадиган, сақладиган ҳамда алмашадиган, диний фаолиятни ташкил этадиган, диндорларни назорат қиладиган, иерархия тизими асосида бошқариладиган диндорлар ташкилоти. Черковга тааллуқлилик мустақил танлов асосида эмас, балки анъана билан белгиланади. Унга қабул қилиниш учун диндор маҳсус маросимдан ўтиши керак. Черков, одатда, диндорларнинг маросимларни бажаришлари ёки хулқ-атворларини қатъий назорат қилмайди. Черковга аъзолик анъанага кўра белгиланса, секта аъзолари эътиқодига кўра бирлашадилар.

*Секта* – диний қарашлари ва маросимларидаги тафовутларига кўра расмий черковдан ажralиб чиқсан гуруҳ ёки ташкилот. Диний секталар, одатда, давлат ҳокимияти ва расмий черковга муҳолафатда туради. Шу боис секта аъзолари давлат ҳокимияти ва расмий дин вакиллари томонидан таъқиб қилиниши мумкин. Сектага аъзолик қатъий тартибга солинади, уларнинг бошқа ташкилотлар билан алоқаси чекланади ёки тақиқланади. Секта аъзоларининг tengлиги эътироф этилади. Улар руҳонийлар ва диндорларга бўлинмайди.

*Харизматик маросим* ташкил этилиш принципи (тамойили)га кўра сектага ўхшайди. Ташкилот ўткир заковат (харизма)га эга шахс атрофида маслакдошларининг жипслашувидан юзага келади. Унда раҳбарнинг шахси илоҳийлаштирилиб, худо даражасига кўтарилади. Ташкилот аъзолари ўрнатилган тартиб-интизомга қатъий амал қиладилар. Ташқи алоқалари чекланади ёки бутунлай тўхтатилади, раҳбарга сўзсиз итоат этилади.

Ҳозирги динларда «деноминация» (лотинча *denominatio* – бошқа ном қўйиш, номини ўзгартириш) деган диний-ташкилий ҳодисани ҳам кузатиш мумкин. Илмий адабиётда бу ҳали чукур ўрганилмаган. Бироқ деноминация ҳозирги замонда буддавийлик, христианлик, ислом ва иудаизм каби динларда катта аҳамиятга эга.

*Деноминация* диний ташкилотларнинг оралиқ ёки восита-чи шакли бўлиб, черков оралиғида туради. Уни дин фалсафа-си ва дин социологияси фанлари ўрганади.

Диний ташкилотларнинг юқорида қайд этилган тартибда таснифланиши шартли аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳаётда юз берадётган мураккаб жараёнлар таъсирида уларнинг сифати ўзариши мумкин. Секталар черковга айланиши ёки янги секталар юзага келиши мумкин. Ҳозирги даврда жаҳон дини даражасига кўтарилиган динларнинг дастлаб секта сифатида юзага келгани ва узоқ ривожланиш босқичидан ўтгани фикримизнинг исботидир.

Мамлакатимизда диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 1998 йил 1 май (янги таҳрирдаги) қонуни асосида фаолият юритади. Мазкур қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган вариантидан фарқ қилиб, диний ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мукаммалроқ кафолатлади. Динлар таркибида, диний ташкилотлардан ташқари, турли мазҳаблар ҳам муҳим ўрин тутади. Мазҳаб муайян диний мағкурунинг хусусий кўриниши, ортодоксал, яъни фундаментал диний идеологиядан қисман фарқ қилувчи ёки унга муҳолафатда бўлган диний маслакдошлар бирлашмасидир. Масалан, христианликда баптистлар, евангелистлар, кальвилистлар, лютеранлар, мурмонлар ва бошқа диний секталар мавжуд. Улар расмий христиан динининг айрим гояларидан фарқ қилувчи диний тасаввурларни тарғиб қиласидар.

Ислом динида ҳам шунга ўхшаш исмоилий, зайдий, низорий, друз ва бошқа диний мазҳаблар мавжуд. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазҳаблар нафақат соф диний, балки кўпинча сиёсий ва ҳуқуқий асосга ҳам эга бўлади. Улар кўпинча ўзларининг сиёсий ва ҳуқуқий манбаатларини диний

никобда ифода этадилар. Жамиятдаги муайян табақанынг ҳукмрон сиёсий тартибдан ижтимоий норозилигини очиқ ифода эта олиши учун етарли шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлади. Жамиятдаги ижтимоий адолатсизлик, давлатнинг бюрократлашуви фуқароларда норозиликни шакллантириши мумкин. Секталар эса буни диний қиёфада ёки дин воситасида ҳам ифода этишга ҳаракат қилалилар. Бундай уринишлар ривожлана бориб, очикдан-очиқ сиёсий тус олиши, диний давлат қуриш даъвосини юзага келтириши мумкин. Бунинг олдини олишнинг ягона йўли дунёвий қадриятларнинг устуворлигига эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг рўёбга чиқиши учун реал шароит яратишилар.

Дин ўз мавқеи ва инсон ҳаётидаги ўрнига кўра ижтимоий ҳаётнинг муҳим қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади ва аҳамиятига кўра турли вазифаларни бажаради. Одатда, дин дунёқарааш, регулятив, интегратив, компенсаторлик, легитим (қонуний) ва шу каби бошқа вазифаларни бажаради.

Диннинг дунёқарааш вазифаси шундан иборатки, диндор атрофдаги нарса ва ҳодисаларни ўткинчи деб, яъни инсоннинг реал ҳаётдаги фаолияти нариги (боқий) дунё учун фақат асос, тайёргарлик деб билади. Диндор (диний дунёқараашга асосланган киши) умр мазмунини нариги дунёга тайёрланиш, бу дунёнинг азоб-уқубатлари ва адолатсизликларига сабр-қаноат қилиш, чидашдан иборат деб ҳисоблайди. У ўлимни ҳеч қандай қўркувсиз қабул қилиши керак, чунки ўлим инсоннинг боқий ҳаётга ўтиш йўли, деб билинади. Дунёқарааш вазифаси шу ўринда диннинг таскин бериш (компенсаторлик) вазифаси билан уйғуллашиб кетади.

Диннинг компенсаторлик (лотинча *compensare* – тенглаштириш, мувозанатлаштириш, тўлдириш деган маъноларни англатади) вазифаси кишиларнинг ҳаётини бойитади, дикқатларини кундалик муаммолардан бошқа нарсаларга жалб қиласди, уларни овутади. Мазкур вазифа орқали дин кишиларда эртанги кунига ишонч туйғусини шакллантиради. Уларни ҳаётий қийинчиликларга таслим бўлмасликка ва ҳар қандай шароитда худога ишончини йўқотмасликка ўргатади.

Диннинг интегратив вазифаси жамият аъзоларини – ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, миллати каби хусусиятларидан қатын назар – бирлаштирувчи куч эканлигига на-моён бўлади. Интегратив ёки функционалистик ёндашувнинг асосчиларидан бири Э.Дюргеймнинг фикрича, дин худди елим каби кишиларни умуммаънавий қадриятлар, эътиқод, урф-одат ва анъаналар асосида бирлаштиришга, яхлит бир мажмуага айлантиришга хизмат қилади. Э.Дюргейм айниқса диний сифиниш масаласига алоҳида эътибор беради. Унингча, дин сифиниш орқали жамиятни бир бутун қилади, шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлайди ва итоат этишга ундаиди, ижтимоий яхлитликни мустаҳкамлайди, анъаналарни қўллаб-куватлайди, кишида қаноат ҳосил қилади.

Диннинг интегратив вазифаси билан *регулятивлик* (лотинча *regulare* – муайян тартибга бўйсундириш, тартибга солиш, ўрнатиш деган маъноларни англатади) вазифаси узвийдир. Регулятивлик вазифаси диний хулқ-автор нормалари воситасида ижтимоий муносабатларни тартибга солади, ушбу нормаларни диндорларнинг бажаришларини назорат қилади. Бундай нормаларга диний урф-одатлар, маросимлар, анъаналар ва байрамларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Диннинг регулятивлик вазифаси диндорлар фаолиятининг тартибга солиниши қонунийлаштирилишини тақозо этади. Бу эса унинг *легитимлик* вазифасини келтириб чиқарди. Мазкур вазифани биринчи бўлиб америкалик социолог олим Т.Парсонс ажратган. Унинг фикрича, муайян қонунийликсиз, яъни легитимликсиз ҳеч бир ижтимоий тизим мавжуд бўла олмайди. Легитимлик воситасида жамият аъзоларининг хатти-ҳаракатлари муайян қолипга солинади, жамиятда барқарорлик таъминланади. Т.Парсонс диний нормаларни жамият тараққиёти давомида шаклланиб, ўзгариб ва ривожланиб борувчи бошқа ижтимоий нормалардан устун қўяди, чунки диний нормалар жамиятнинг ахлоқий-маънавий тартибини белгилайди.

Легитимлик диндорларнинг эътиқод билан боғлиқ ўзаро алоқаларини тақозо этади. Бу эса унинг навбатдаги алоқа

вазифасини юзага келтиради. Диннинг алоқа вазифаси диндорларни диний мафкура воситасида бирлаштиради. Шу билан биргә, жамият ва шахс ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилишига ёрдам беради.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, дин ўз таркибиға кўра жуда мураккаб ва ранг-баранг мазмунга эга. У инсоннинг ҳиссий-образли фаолиятидан тортиб ҳаёт маъносини англаши билан боғлиқ бўлган юксак ахлоқий-маънавий фаолияти, тафаккури ва ижодига хос ҳодисаларни қамраб олади. Дин таркибидаги ахлоқий элементлар билан бирга ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатлар ҳам мавжуд. Шу боис динга фақат ахлоқий-маънавий ҳодиса деб қараш нотўғри. Унда қонунийлик ва уни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилған руҳий имконият ҳам мавжуд. Диннинг бундай жиҳатларини мазкур қўлланмада алоҳида мавзу тарзида ўрганамиз.

### **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Диншунослик фанининг предмети ва вазифалари нималардан иборат?
2. Диншуносликнинг бошқа гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар билан алоқадорлигини таҳтил қилинг.
3. Диншуносликнинг бошқа фанлардан фарқли жиҳатларини аниқланг.
4. Ички ишлар органлари ходимларининг диншунослик фанини ўрганиш зарурияти нималардан иборат?
5. Диннинг таркибий қисмлари деганда нимани тушунасиз?
6. Диний психология нима?
7. Диний мафкура нима?
8. Диний мафкуранинг хусусиятларини айтиб беринг.
9. Диний маросимнинг қандай шаклларини биласиз?
10. Диний ташкилот деганда нимани тушунасиз?
11. Дин жамиятда қандай функцияларни бажаради?

## 2-мавзу

# ДИННИНГ ИЛК ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИНСОН ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ

### Диннинг вужудга келиш сабабларини ўрганишга асосий ёндашувлар

Диннинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш қадимдан инсониятни қизиктириб келган ва ҳозир ҳам бу муаммо ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотмаган. Масаланинг мураккаблиги шундаки, илк диний қарашлар пайдо бўлган инсоният тарихининг қадимги даврларидан бизгача етиб келган ашёвий маибатлар ва этнографик маътумотлар илмий холоса чиқаришимиз учун етарли эмас.

Қадимги даврлардан динни ўрганишда муаммога ёндашув ва уларни ҳал этиш усуллари билан ўзаро фарқ қиласидиган илоҳиёт ва илмий йўналишлар юзага келган.

Илоҳиёт таълимотига кўра олам, ундаги барча нарса ва жонзодларни худо яратган. Оламдаги барча ҳолиса ва жараёнлар унинг иродаси билан юз беради. Жаҳон динларидан бири бўлган христианлик таълимотига биноан худо инсонни ўзининг жисмига монанд қилиб яратди ва моддий оламга эгалик қилишни буюрган. Худо борлиқни, шу жумладан, инсонни ҳам яратган вақтда у билан бевосита мулоқотда бўлган. Лекин, Одам Ато (Адам) ва Момо Ҳаво (Ева) худонинг иродасини бажармай гуноҳга йўл қўйганилиги сабабли, у билан бевосита мулоқот имтиёзидан маҳрум бўлди. Лекин худо инсонга ҳолос бўлиш имкониятини берди. Инсоният худони билиш, илоҳий ҳақиқатни идрок этиш салоҳиятини сақлаб қолди. Зоро, инсоннинг худо билан бевосита алоқани қайта тиклаш йўлидаги фаолияти умумий ном билан дин деб аталади.

Инсоният худо билан алоқадан маҳрум бўлганидан кейин жаҳолат, зулмат, адолатсизлик, ёвузлик ва муҳтожлик каби вайронкор кучларга қарши тинимсиз кураш олиб боришга дучор қилинди. Қийин синовларга дучор бўлган ин-

сон худони билиш мақсадидан воз кечмади. Унинг бу борадаги дастлабки қадами худога ибодат қилишдан бошланган. Инжилда қайд этилишича, инсон дастлабки ибодатида худога қурбонлик келтирган. Машаққатли меҳнат билан топган маҳсулотининг бир қисмини қурбонликка бағишлаган ва йўл қўйган хатоси учун ҳар қандай синовлардан ўтишга тайёрлигини намойиш этган.

Илоҳиёт инсоният тарихини худони билиш тарихи деб билади. Одамзод асрлар давомида худони билишга интилиб, моддий дунё тўғрисидаги билимларини такомиллантириб борди ва бу жараён ҳали ниҳоясига етгани йўқ.

Киши худога эътиқод қилишни дастлаб якка худога сифи нишдан бошлаган. Кейинчалик турли объектив ва субъектив сабаблар туфайли табиат воқеиликларини илоҳийлаштирган ва қўпхудолик пайдо бўлган. Узоқ вақт давом этган изланишлардан кейин ягона худога сифиниш яна қайта тикланди. Илоҳиёт анъанаzlарига асосланадиган диншунослар лин тарихини юқорида қайд этилган принциплар асосида ўрганади.

Фан диннинг вужудга келиш сабабларини ўрганишда бошқа принцип ва қонуниятларга асосланади. Оламнинг ғайри-табиий куч фаолияги натижасида пайдо бўлганлиги тояси инкор қилинади. Фан динни маданиятнинг таркибий қисми сифатида илмий услубларга таяниб ўрганади. Динни илмий ўрганиш далилларга асосланади. Диншунослик бу далилларни табиий ва ижтимоий фанлардан олади.

Тарихий манбаларга кўра инсоният ҳозирги ҳолатга эга бўлиши учун бир неча миллион йиллик тадрижий ривожланиш даврларидан ўтган. Бу жараён бир қатор босқичларга бўлинади. Милоддан аввалги 40–35-минг йилликларда «Хомо хабилис» (ишбилармон одам) ўрнини «Хомо сапиенс» (онгли одам) эгаллаган. «Хомо сапиенс»нинг дастлабки вакили «кроманьон одам» аждодларидан жисмоний тузилиши, физиологик ва руҳий имкониятлари билан кескин фарқ қилган. Шу даврдан бошлаб маданиятнинг муҳим элементлари тил орқали мулоқот қилиш, қон-қардошлиқ алоқалари, ўзаро муносабатларни ахлоқ нормалари асосида тартибга солиш сингари маданият элементлари вужудга келган.

Бизгача етиб келган археологик манбаларнинг тасдиқлашича, юқори палеолит давридан бошлаб одамлар вафот этган уруғдошларини кўмиш маросимини аматга оширганлар. Марҳумларнинг танасига рангли бўёқ суртилган, қабрига ов ва меҳнат қуроллари, маиший буюмлар қўйилган. Қоя ва форларда чизилган сюжетларда одамлар ярим одам ва ярим ҳайвон қиёфасида тасвиirlанган. Ушбу маълумотлар ҳам ўша вақтда диннинг пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Диннинг вужудга келиш сабабларини илмий ўрганиш қадимги даврлардан бошланган. Дастребки илмий қарашлар Қадимги Шарқ ва Қадимги Ўрта Ер денгизи цивилизацияларида намоён бўлган. Ўрта Ер денгизи ҳавzasида вужудга келган Қадимги Грек ва Рим цивилизацияларида диннинг вужудга келишини илмий ўрганишда катта ютуқлар қўлга киритилган. Қадимги грек мутафаккирлари бунга муносабат масаласида икки оқимга бўлинади. Биринчи оқим тарафдорлари одамларнинг худога эътиқод қилиши сабабларини руҳий (идеал) кучларнинг объектив мавжудлиги билан боғлаб тушунтирганлар; иккинчи оқим тарафдорлари эса диннинг вужудга келишини табиий ва ижтимоий сабабларини ахтариб топишга ҳаракат қылганлар. Уларнинг фикрларига кўра, дин ўз-ўзидан (имманент) вужудга келмаган, балки у одамларни қўрқитиш ва жамият қонунларини бажаришга мажбур қилиш учун ўйлаб топилган. Қадимги грек мутафаккирларидан бири бўлган Демокрит динни одамларнинг табиатдаги даҳшатли кучлардан қўрқишилари ва улар олдидаги ожизликлар сабабли вужудга келган деб ҳисоблаган. Албатта, буни инкор этиб бўлмайди, лекин худога муносабатда одамларда кўпроқ қўрқинч ҳисси эмас, балки меҳр-муҳаббат туйғуси устуворлик қиласи. Бундан ташқари, қўрқинч ҳиссининг одамда нафратни вужудга келтиришини ҳам унутмаслик керак.

Антик давр ҳурфикрлиги диннинг вужудга келиши сабабларини моддий борлиқ билан узвий bogлаб тушунтиришда эришган ютуқлари илмий диншуносликнинг вужудга келишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта асрларда ижтимоий ва сиёсий шарт-шароитлар таъсирида диннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни

ва мавқеи янада ортди. Черков ва руҳонийлар дунёвий ҳокимиятта даъвогарлик қилиш билан бирга ҳурфикрликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин курашдилар. Мутафаккирларнинг ҳақиқатни излаш йўлидаги саъй-ҳаракатларида диний дормалар доирасидан четга чиқишига йўл қўйилмади.

Европада Уйғониш даврига келиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда амалга оширилган ўзгаришлар (капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, фан ва санъатнин юксалиши, гуманизм ва реформация ҳаракатлари) натижасида ҳурфикрлилик аста-секин қайта тиклана бошлаган. Инглиз мутафаккири Томас Гоббс (1588–1679 йиллар) диннинг вужудга келиши сабабларини одамларнинг табиат ва жамият ривожланиши қонуниятларини билмаслиги, улар олдидаги ожизлиги, доимо таҳлика ва қўрқувда яшашлари билан боғлаб тушунтирган. Нидерландиялик мутафаккир Б.Спиноза эса (1632–1677 йиллар) Т.Гоббснинг ғояларини ривожлантирган. У ўз кучига ишонмаслик, умид ва қўрқув ўртасида доимий иккиланиш одамларга хос деб ҳисоблаган ва диний эътиқоднинг улар таъсирида вужудга келгани тўғрисидаги ғояни ишлаб чиқкан.

XVIII асрда феодал тузум инқирози сабабли буржуз революцияларининг янги куч билан Европада ёйинин мутафаккирларнинг динга муносабатида ўта кескин намоён бўлган. Дин – феодал тузумнинг инқирози сабабчиси ва ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи куч, деган кайфият устуворлик қилган. Бундай фикр айниқса француз маърифатпарварларининг қарашларида кескин намоён бўлган. Маърифатпарвар П.Гольбах (1723–1789) динни кишининг хаёлида вужудга келган сафсата деб баҳолаган. Ф.Вольтер (1694–1778) диний эътиқод ва черков анъаналарини танқид қилиб, агар дин бўлмаганида уни ўйлаб топиш керак эди, деб П.Гольбахнинг фикрини қўллаб-қувватлаган. Маърифатпарвар П.С.Марешаль (1750–1803) динни танқид қилишда янада кескин фикр билдирган ва дин инсон учун афюндири деган холосага келган.

Маърифатпаъвар мутафаккирларнинг дин вужудга келиши сабабларини ўрганишда айтган мулоҳазаларини амалийтдан ўтироқ деб бўлмайди. Лекин уларнинг муаммони ўрга-

нишдаги илмий-объектив ёндашувлари бузилғанлиги шубхасиздир, чунки динни қуруқ сағсатадан иборат воқелик ёки инсон учун афюн деб баҳолаш унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тўлиқ инкор этишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Айни дамда маърифатпарварларнинг, ўта кескин бўлса-да, диннинг вужудга келишини ижтимоий ҳаёт билан боғлаб тушунтиришга уринишлари антик давр ҳурфикрлигининг қайта тикланиши ва жамиятда мустаҳкам ўрнига эга бўлишига шароит яратганини қайд этиш лозим.

XIX асрда диннинг моҳияти ва вужудга келиши сабабларини комплекс ўрганиш бошлаган. Илмий диншунослик мактаблари, йўналишлари ва таълимотлари пайдо бўлган. Биринчилар қаторида В.Гrimm, M.Мюллер каби шахслар раҳбарлигида мифологик мактаб вужудга келган. Ушбу мактаб вакиллари диний эътиқодларни қадимги мунахжимлар бажарганлар ва афсоналарда таърифланган маросимларни ўрганишдан пайдо бўлган деб ҳисоблаганлар. Аммо мактаб вакиллари ривожланган диний тизимларни таҳлил қилишда аниқ ҳулосалар бермаганлар.

Диннинг пайдо бўлишини ўрганишда ўша даврда антропологик мактабнинг вужудга келиши муҳим бўлди. Ушбу мактабнинг вакилларидан бири L.Фейербах (1806–1880) динни тушунтиришда унинг ердаги манбалари ва илдизларини излаб топишга ҳаракат қилган. Одамлар дин тимсолида ўзларининг тасаввурлари орқали вужудга келтирилган образларга соғинали деб диний қарашлар ва ҳиссиётлар кишиларда туғма мавжудлиги тўғрисидаги илоҳиёт тоясини танқид қилган. Унинг вужудга келиши сабабларини одамларнинг руҳий физиологик ҳусусиятлари ва қуршаб турган табиатдан ахтариб топишга ҳаракат қилган. Мутафаккир диний эътиқоднинг вужудга келишида салбий ҳис-туйгулар, яъни қўрқиш, қайғу-изтироб кабилар билан бирга шодлик, меҳр-оқибат, севги, миннатдорлик сингари ижобий ҳис-туйгулар ҳам иштирок этишини қайд этган.

XIX асрнинг ўргаларида вужудга келган марксизм динни ўрганишда ўзгача ёндашувга асосланади. Унда ижтимоий шарт-шароитлар ва жамият ривожланиши даражасига алоҳида эътибор берилади. Марксизм гаълимотига биноан, индивид шахс

сифатида тарихий шарт-шароитлар таъсирида шаклланади. Шу боис диний тасаввурлар инсон онгида эмас, балки тарихий жараёнлар таъсирида пайдо бўлади. Дин турларининг ривожланиши ҳам ўз-ўзидан юз бермайди. Улар ижтимоий шарт-шароитларнинг пишиб етилиши ва жамиятнинг ривожланиши таъсирида ўзгариб боради.

Марксизм диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти масаласида динни ҳукмрон синфларнинг афкор халқ оммасини эзиш воситаси, ижтимоий тараққиётга қарши куч ҳамда маънавий зулм шакли деб баҳолаган.

XX асрда диннинг вужудга келиши сабабларини антропологик ёндашувидағидек ибтидой одамнинг абстракт тафаккури маҳсали, онгнинг мантиқ қоидаларига зид келиши натижаси сифатида баҳолаш ва марксизмдаги ҳукмрон синфларнинг афкор халқ оммасини эзиш воситаси, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи куч кабилар билан боғлаб тушунтиришдан фарқ қилувчи ғоялар вужудга келган.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида динни социологик ўрганишда катта ютуқлар қўлга киритилган. Бу соҳада немис мутафаккири М. Вебер (1864–1920) ва француз мутафаккири Э.Дюркгеймларнинг (1858–1917) хизматлари катта бўлган.

М. Вебернинг фикрига кўра, социологияни диннинг манбалари ва метафизик моҳияти масаласи эмас, балки унинг мавжудлиги, шарт-шароитлари қизиқтиради. Социология эса диний ғоялар ва тасаввурларнинг кишилар хатти-ҳаракатлари ва ижтимоий ҳаётта таъсири каби масалаларни ўрганиши керак.

М. Вебер социология предметини диннинг социал функциясидан келиб чиқсан ҳолда белгилаган. Дин индивид ва жамиятнинг аҳамияти, символлари ва қадриятларини белгиловчи маданий тизим, ижтимоий институт деб ҳисоблаган.

Дин қадриятларнинг бирламчи асосидир. Зоро, дин киши ҳаракатига маъно ва мазмун бахш этувчи энг муҳим усул сифатида унинг мақсадини белгилайди. Дин воситасида дунё манзараси ишлаб чиқилади, унда амал қиласиган қадриятлар ва нормалар тизими ҳосил қилинади. Бу эса ҳаёт учун нималар аҳамиятли ёки аҳамиятсиз эканлигини аниқловчи восита вазифасини бажаради.

Э. Дюргейм динни ўрганишда М. Веберга нисбатан тамоман бошқача ёндашади. У динни ўрганишда социологик тадқиқотларнинг умумий принципларига таянади. Унинг фикрига кўра, социал маълумотларнинг манбаи тафаккурда ёки алоҳида олинган кишиларнинг хатти-ҳаракатларида эмас, балки жамиятдадир. Социал воқелик ҳосил бўлиши учун камиди бир неча киши бирлашиб ҳаракат қилиши ва бу жараён янги натижани вужудга келтириши керак. Мазкур жараёнларнинг натижаси индивид онгидан ташқарида юзага келганлиги сабабли, индивидуал тафаккурлар учун хатти-ҳаракатлар, қадриятлар ва нормалар намунаси вужудга келади ва мустаҳкамланади. Натижа ижодий жараёнда иштирок этаётган индивид учун объектив воқеликка айланади. Дин ижтимоий воқелик бўлиб, унда бошқа ижтимоий институтларни ўрганишдаги услублар ва баҳолаш мезонларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Дин муайян ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида юзага келган ижтимоий институтдир. Унинг манбаи одамларнинг ижтимоий ҳаётидан келиб чиқади. Дин орқали жамият ўзини илоҳийлаштиради. Унинг мавжудлиги ва мөхияти ижтимоий ҳисс-туйғуларни муқаддаслаштиришга, жамиятнинг шахсга таъсирини мустаҳкамлашга хизмат қилишдан иборат бўлади.

Динни социологик ўрганиш уни ижтимоий воқелик сифатида ёндашувга асосланади. Лекин дин нафақат социологик, балки руҳий воқелик ҳам ҳисобланади. Дин психологияси вакиллари уни ўрганишда ушбу жиҳатларига алоҳида эътибор берадилар. Улар диннинг вужудга келиши сабабларини одамни ўраб турган ташқи дунёдан эмас, балки инсоннинг ўзида, ички борлиги ва ҳиссий-иродавий кечинмаларида деб ҳисоблайдилар.

Дин психологиясини ўрганишда З. Фрейднинг (1856-1939) хизматлари катта бўлган. З. Фрейд динни инсон фаолиятининг маҳсули деб ҳисоблаган. У диннинг киши табиатга қарамалиги сабабли вужудга келганлигини қайд этган ҳолда билишнинг иррационал (лотинчада – мантиқсизлик, тафаккурга зид қарашлар деган маъноларни англатади) механизмларини ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаган.

3.Фрейднинг таълимотига кўра, инсон психикаси уч даражанинг ўзаро ҳамкорлигидан ҳосил бўлади: онгсизлик, онг олди ва онглилик даражалари. Буларнинг ичидаги онгсизлик даражаси психикада катта аҳамиятга эга. Инсон психикасининг бу даражасида табиий инстинктлар ва «бирламчи майллар» устуворлик қиласи. З.Фрейд асосий майллар қаторида жинсий майларни устун қўйган. Индивиднинг онгсизлик билан боғлиқ майларни жамият учун катта хавф-хатар туғдиради. Жамият ўзини киши майлларидан ҳимоя қилиши учун ижтимоий нормалар ва бошқа маданият элементларидан иборат усткурма механизmlарни вужудга келтирган. Ўта кучли табиий эҳтиёжларни ижтимоий нормалар билан тийиб туриш дин ёрдамида мустаҳкамланади. З.Фрейднинг фикрига кўра, табиий майлларнинг тийилиши индивид психикасида невроз ҳолатини вужудга келтиради. Дин ҳам жамоа неврозининг бир туридир. Лекин дин жамоа неврози сифатида кишини индивидуал изтироблардан сақлайди, индивидуал неврознинг ривожланишини тұхтатади ва фожиали оқибатларга олиб келишига йўл қўймайди.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, динни вужудга келиши сабабларини унинг алоҳида хусусиятларини ўрганиш билан түлиқ тушунтириб бўлмаслигига амин бўламиз. Масалага бундай ёндашув динни комплекс ўрганишина тақозо этади. Зоро, комплекс ўрганиш унинг жамиятда тақрор ишлаб чиқаришга сабаб бўладиган илдизларини аниклашга ёрдам беради.

Диннинг вужудга келиши, авлоддан-авлодга ўтиб бориши ва ривожланиши учун шарт-шароитларни шакллантирувчи омиллар унинг илдизлари деб аталади. Диннинг илдизлари уч қисимга бўлинади. Уларнинг ҳар бири динни ўрганишида жуда муҳим. Бу қисимлар биргаликда диннинг вужудга келиши учун шарт-шароит яратади. Улар қўйидагилардан иборат:

1) диннинг ижтимоий илдизи қундалик ҳаётда қишиларнинг турмушини белгиловчи моддий ва маънавий муносабатлар тизимидан иборат. Диннинг ижтимоий илдизида моддий шароитлар устувор. Сиёсий усткурма институтлари динга иккиласи майли таъсир этади.

Диннинг ижтимоий илдизини ташкил этувчи жабҳалардан бири ижтимоий ҳаётни стихияли қонуниятлар асосида

ривожланишидир. Үндаги бошқарып бўлмайдиган жараёнлар жамиятда иқтисодий, сиёсий ва маънавий инқизорзларни, урушларни, касалликларни келтириб чиқаради. Табиийки, индивид уларнинг вайрон қилувчи таъсирларидан ўзини ҳимоя қилишга интилади ва оқибатда файритабиий кучлардан нажот сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлади.

2) диннинг гносеологик (грекча *gnosis* – билиш, *logos* – таълимот деган маъноларни англатади) илдизи кишининг билиш фаолияти жараёнида диний эътиқоди вужудга келишига имконият яратадиган шароитлардир. Табиат ва жамиятни билиш диалектик жараён. Тажрибасизлик, субъективлик, нарса ва ҳодисаларни абсолютлаштириш воқеликнинг нотӯғри идрок этилишига олиб келади. Бундан ташқари, диний ғояларнинг пайдо бўлиши борлиқни ҳиссий идрок этишдан бошланади ва у рационал билиш босқичида аҳамиятини сақлаб қолади.

Диннинг гносеологик илдизига алоқадор ва барча тарихий даврларда такрорланиб турадиган хусусиятлар қўйида-гилардан иборат:

- а) билишнинг субъектив жиҳатларини абсолютлаштириш (лотинчада – воқелик билан боғланмаган нарса, нисбатсизлик, сўзсиз деган маъноларни англатади), яъни бўрттириб кўрсатиш;
- б) абстракт (лотинча *abstratio* – диққатни четга тортиш деган маънони англатади), яъни тафаккур;
- в) тафаккурнинг умумлаштириш қобилияти.

3) диннинг руҳий илдизи. Диннинг вужудга келишида кишининг билиш фаолиятига боғлиқ жараёнлар билан бирга унинг ҳиссиёти, кайфияти ва кечинмалари ҳам иштирок этади. Диний тасаввурлар дастлаб кишиларнинг ҳис-туйғулари орқали вужудга келади.

Диннинг руҳий илдизи индивидуал ва ижтимоий руҳиятларга бўлинади. Индивидуал руҳиятга шахсий изтироб, ғамташвиш, ўлимдан қўрқиши, ёлғизлик, муҳаббат, меҳр-шафқат, миннатдорлик сингари ижобий ва салбий кечинмаларни мисол келтириш мумкин.

Ижтимоий руҳиятга гуруҳлар ва жамиятларга хос воқеликлар – ижтимоий фикр, оммавий қўрқиши ҳисси, тақлид, анъана ва урф-одат кабиларни мисол келтириш мумкин.

Диннинг рұхий илдизлари деганда диний ғояларни қайта ишлаб чиқарилиши ва ўзлаштирилишига қулай шарт-шароитлар яратадиган жамиятлар, гуруұлар ва индивидларнинг рұхий ҳолати, жараёнлари ва механизмлари тушунилади.

Рұхий кечинмалар инсонга хос хусусиятдир. Уларсиз инсон яшай олмайды. Одам ўзининг ижобий ва салбий ҳистойгуларини бошқаришга ҳаракат қиласы, лекин рұхият турли объектив ва субъектив шарт-шароитларга боғлиқтігі, мураккаблігі сабаблы уларни барқарорлаштирадиган күчта әхтиёж сезади. Дин ана шундай күч вазифасини бажариши мүмкін.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, диннинг вужудға келиши сабабларини ўрганиш унинг одамлар онғига таъсіри, жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини яхшироқ тушунишіга, унинг яратувчилік жиһатларидан инсоният манбаатлары учун янада кенгрөқ фойдаланишга имкон беради, вайронкор күчларни жамиятдаги барқарорлық, фуқаровий тотувлик, ўзаро ёрдам ва қамжиһаттыкни барбол қилишга қарастылған фаолияттың самарали курашади.

### **Диннинг илк шакллари ва уларнинг хусусиятлари**

Киши онгида диний дүнёқараш пайдо бўлиши учун тафakkur билан боғлиқ шароитлар талаб этилади. Масалан, абстракт тафakkur, кучли ҳис-ҳаяжон, тасаввур, түғри ва нотўғри мантиқий боғлиқликларни фарқлаш қобилияти кабилар шулар жумласидандир. Ҳозирги замон фани хомо хабилисларнинг шундай имкониятга эга бўлганлиги тўғрисида аниқ маълумотларга эга эмас, лекин хомо сапиенснинг дастлабки вакили – кроманьон одам воқееликни таҳлил қилиш, фикрлаш, кундалик фаолияттида орттирган тажрибаларини ёдда сақлаш ва авлоддан-авлодга ўтказиш сингари имкониятларга эга эди. Шунга қарамай, кроманьонларнинг аждодларига нисбатан имкониятлари қанчалик кенг бўлмасин, билим ва имкониятлари чекланганлиги боис улар табиат күчлари олдида ожиз бўлганлар. Кроманьонларда кўп йиллик тажрибалар асосида тўпланган билимлар билан бирга хаёлий фантастик қарашлар ҳам шаклланган.

Кроманьон тафаккурининг ривожланиши диний қарашларнинг абстракт фикрлайдиган «ярим-ёввойи» мавжудотнинг онгидай пайдо бўлмаганлиги, балки кишиларнинг жамоаларга бирлашиб меҳнат қилишлари (ов қилиш, озиқ-овқат топиш, меҳнат қуроллари ясаш каби фаолиятлари) натижасида, уларнинг доимий ижтимоий мулоқотлари жараёнида шаклланганлигидан далолат беради.

Ибтидой жамиятда диний қарашлар қудратли худоларга сифиниш шаклида вужудга келмаган. Одамлар руҳларга, табиат ҳодисалари (сув, олов, ой, қоёш сингари)га ва мавжудотлар (от, буғу, мушук кабилар)га сифинганлар. Шу боис ибтидой дин шакллари умумий ном билан диний комплекс (лотинча *complexus* – алоқа, бирикма деган маъноларни англатади) деб аталади. Диний комплекс – предметлар ва мавжудотларда ғайритабиий қучларининг мавжуд эканлигига ишонувчи кишиларнинг қарашлари ва маҳсус ҳаракатлари тизими.

Ибтидой дин шакллари хилма-хил кўринишга эга. Энг қадимги диний эътиқод турларидан бири тотемизмидир (Шимолий Америка ҳиндулари тилида *ототем* – унинг уруғи деган маънени англатади). Тотемизм – одамлар жамоаси (уруг, қабила)нинг ҳайвон, ўсимлик ёки предметлар билан қон-қардошлиқ алоқаси мавжуд эканлигига ишонишлари. Тотемизмнинг асосий ҳусусияти шундаки, тотем сифатида қабул қилинган ҳайвон, ўсимлик ёки предметлар уруғ ёки қабиланинг аждоди деб тан олинали ва уни тан олган жамоа аъзолари қариндош ҳисобланадилар. Тотем ҳайвон, ўсимлик ёки бошқа предметлар жуда кўп талабларга жавоб бериши керак бўлган. Масалан, тотем ҳайвон биринчи навбатда хўжалик учун зарурлиги ва фойдалилигига қараб аниқланган.

Тотемизм одамларнинг бирликни англашларидан пайдо бўлган. Бу бирликнинг ташқи белгиси сифатида табиат воқеликлари қабул қилинган. Чунки одам ибтидой жамиятнинг илк босқичларида ўзини табиатдан ажратмаган, ундағи мавжудотлар билан ўзини қиёслаган. Шу асосда, одамларда тотемистик қон-қардошлиқ түйғуси уларнинг физиологик қон-қардошлиқнаридан олдин пайдо бўлган.

Тотемизм қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширган:

—одамлар жамоаларининг бирлигини тотеми ёрдамида янада мустаҳкамлаган. Уларни «ўзиники» ва «бегона»ларга ажратиш орқали инсонларнинг ўзлигини тушунишларига ёрдам берган;

—инсонни табиатга ҳурмат руҳида тарбиялаган ва у билан уйғун яшашга ўргатган.

Тотемизм миллий-давлат ва жаҳон динлари таълимотларининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган ва ҳозир ҳам унинг айрим кўринишлари сақланиб қолган. Тотемизмнинг таъсирини давлат рамзларида, ҳарбий қисмларнинг атамаларида, ҳарбий кийимларда, айрим ҳайвонларнинг гўштини истеъмол қилишнинг тақиқланиши кабиларда кўриш мумкин.

Тотемизм маросимлари билан одамларнинг майл ва эҳтиёжларини чекладиган қоидалар тизимини ифодаловчи табу (полинезия этноси тилидан сўзма-сўз таржимаси қатъий тақиқлаш деган маънони англатади) тушунчаси бевосита алоқадор.

Табу деб муайян ҳаракатларни бажариш ёки ҳаракатсизликка йўл қўйишнинг қатъиян ман этилишига айтилади. Унинг бошқа чеклаш ва тақиқлашлардан асосий фарқи шундаки, жорий қилинган қоидаларнинг сабаблари кўрсатилмайди ва асосланмайди.

Табу инсон учун яширин хавф-хатарларнинг мавжудлигини билиш ва уларнинг олдини олишга интилиш сабабли вужудга келган. Мазкур хавф-хатарлар одамлар ёки гуруҳлар табу қоидаларига амал қылсалар, ўзлигини намоён қилмайди. Агар қоида бузилса, нафақат қоидабузарликка йўл қўйган киши, балки бутун жамоа хавф-хатарга дучор бўлиши мумкин. Демак, табу одамларга хавф туғдирувчи мавжуд, лекин кўзга кўринмас хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида жорий қилинган.

Ибтидоий жамиятнинг диний эътиқод турларидан яна бири сеҳргарликдир. Сеҳргарлик деб одам, ҳайвон, предмет ва руҳларга файритабиий таъсир этиш мақсадида амалга оширилдиган дуолар, ҳаракатлар ва маросимлар тизимига айтилади.

У душманга зиён-заҳмат етказиш, ҳарбий, даволаш, меҳнат ва севги сеҳргарликлари каби турларга бўлинади. Сеҳргарликнинг мақсади ҳаётий муаммоларни бевосита ҳал қилиш-

дан иборат. Бунда сеҳргар фақат ўз иқтидори ва кучига таянади. Сеҳргарлик жуда кенг қамровли воқелик ва ундан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фойдаланиш мумкин.

Сеҳргарлик амалиётида дуолар ёхуд ҳаракатларнинг таъсири ва самарадорлиги турли шарт-шароитларга, жумладан ташқи таъсирларга ҳам боғлиқ бўлади. Ундаги ташқи таъсирларга эътибор белгиларга ишонишни вужудга келтирди. Бундай ишонч дастлаб одамларнинг муайян ҳаракатларига таъсир этувчи шарт-шароитдан кейинчалик уларнинг тақдирини белгилайдиган эътиқодга айланган.

Сеҳргарликнинг муҳим хусусиятларидан бири – фан билан айрим жиҳатларига кўра яқинлиги. Фан табиаг ва жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг умумий принциплари ва қонуниятларини топишга хизмат қиласи. Унда тасодифларнинг олдини олишга ҳаракат қилинади. Сеҳргарлик ҳам воқеа ва ҳодисаларнинг макон ва замонда қатъий белгилangan тартибини ишлаб чиқишга интилади. Бир хил сабаб бир хил оқибатни келтириб чиқаради. Сеҳргар белгилangan маросим ва дуоларни аниқ бажарса, белгилangan мақсадига эришади. Тасодиф бўлиши мумкин эмас. Ҳодисаларнинг кетма-кетлигини фақат ундан кучлироқ сеҳргар бузиши мумкин.

Фан каби сеҳргарлик ҳам воқеа ва ҳодисаларнинг умумий тартибини ахтариб топишга ва ҳар қандай тасодифларнинг олдини олишга интилади. Сеҳргарликнинг ҳозиргача ижтимоий ҳаётда сақланиб қолишининг муҳим омилларидан бири унинг замонавий фан ютуқларидан кенг фойдаланиши ёки кишиларда шундай ёлғон тасаввурлар ҳосил қилишидир.

Сеҳргарликнинг таъсири ривожланган диний тизимларда ҳам сақланиб қолган. Ислемда пайғамбар, эшон ва муллалярнинг гайритабии мўъжизалари тўғрисидаги ҳикоялардан кенг фойдаланилади. Дуолар орқали гайритабии кучларга таъсир этиш мумкинлиги таъ олинади. Масалан, исломда «калимаи шаҳодат»нинг одамни турли ёвуз қўчлардан ҳимоя қилиши тўғрисидаги ақида мавжуд.

Биз куидалик турмушимизда сеҳргарликнинг оқ (даволайдиган) ва қора (зиён-заҳмат етказадиган) сеҳргарлик, мунахжимлар башорати, фолбинлик каби турларидан фойдаланишимиз мумкин.

Ибтидоий одамлар предметларни ҳам ғайритабиий кучга эга деб ҳисоблаганлар. Ибтидоий жамиятда пайдо бўлган бундай эътиқод тури *фетишизм* (португал тилида *fetismo* – сеҳрли, мўъжизакор деган маъноларни англатади) деб аталади.

Фетишизм деб ғайритабиий кучга эга мавжудотларга ва предметларга сифинишга айтилади. Фетишизм руҳларнинг жонзодлар ва предметларга «кўчиб ўтиши», нарсаларда жон борлиги ва уларнинг ғайритабиий кучга эга эканлигига ишонишдан вужудга келган. Ибтидоий одам хаёлини ўзига жалб қилган исталган предметни фетиш сифатида қабул қилиши мумкин эди. Унинг обьекти ҳисобланган предметлар орасида энг кўп тарқалганлари одам ёки ҳайвонларнинг суяқ қолдиқлари, қабр тошлари бўлган. Суяқ қолдиқлари фетиш эгасини табиий оғатлардан, касалликлардан, ёвуз руҳлардан сақлайди деб ҳисобланган. Қабр тошлари вафот этган кишининг тинчлигини қўриқладиган руҳлар жойлашган предмет вазифасини ўтаган. Қабр жойлашган ҳудудга сифиниш натижасида кейинчалик муқаддас қадамжолар вужудга келган. Бундай қадамжоларда мақбаралар, қўргонлар курилган.

Қадимда жонсиз фетишлар билан бирга жонли фетишилардан ҳам фойдаланилган. Жонли фетишиларга сифиниш барча халқиарда мавжуд бўлган. Энг кўп тарқалган жонли фетишиларга илон, қарға, бўри, айиқ, хўқиз сингари ҳайвонларни мисол келтириш мумкин. Жонсиз фетишилар элатга хос хусусиятларни ифодаламаганлиги учун, қабилада жонли фетишилар кўп бўлган.

Фетишилар асосан кучли руҳни ўзила мужассамлаштирган ва ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳаларидағи муаммоларни ҳал этишга ёрдам берган.

Фетишизмнинг қўринишларидан бири *буттарастикадир*. Бут одам ёки ҳайвоннинг қиёфаси тасвирангандан предмет бўлиб, унда ғайритабиий куч мужассамлашган деб ҳисобланади.

Диний тизимлар вужудга келганидан кейин ҳам фетишизмнинг қоллиқлари сақланиб қолган. Унинг таъсирини муқаддас қадамжолар, туморлар, хоч тақиш, дин йўлида изтироб чекиб авлиё деб тан олинган кишиларга сифиниш каби ҳолатларда қўриш мумкин.

Дин билан боғлиқ бўлмаган фетишизм қолдиқларини ҳам ижтимоий турмушда қўплаб учратиш мумкин. Давлат арбобларининг шахсини улуғлаб ҳайкаллар қўйиш ёки суратларини асраш, сумалак тошини сақлаш, ҳайвонларнинг аъзоларини олиб юриш ва шу каби ҳолатларни қайд этишимиз мумкин.

Фетишизм руҳнинг кўчиши тўғрисидаги қарашлардан вужудга келган. Моддий оламда руҳлар мавжуд эканлигига ишонишдан анимизм шаклланди. *Анимизм* деб (лотинча *anima* – жон, руҳ деган маъноларни англатади) табиат воқеиликларида, ҳодисаларда руҳларнинг мавжудлиги, уларнинг инсон ва жамият ҳётида фаол иштирок этишига ишонишга айтилади.

Инсоният тафаккури тараққиётининг ilk босқичларида пайдо бўлган анимизм ибтидоий эътиқоднинг универсал шаклига айланган, чунки у кишидан нафақат эътиқод қилиш, балки муайян удум ва маросимларни бажаришни талаб қилган. Бу эса кейинчалик диний урф-одат ва маросимларни вужудга келтирган.

Анимистик тасаввурларга биноан жонзодларда руҳ мавжуд. Мавжудотнинг танаси руҳ учун қобиқ вазифасини бажарали, лекин у танадан мустақилdir. Руҳ танани истаган вақтда тарқ этиши мумкин. У танани тарқ этса, киши фаоллигини вақтинча йўқотади (хушидан кетади, туш кўради) ёки вафот этади. Руҳ ўзининг «қобигини» гарк этганидан кейин ҳам индивидуаллигини сақлаб қолади.

Руҳлар дунёси предметларда, жонзодларда жойлашган ва танадан мустақил фаолият кўрсатувчи руҳларга бўлинади. Тана ёки предмет билан боғланмаган «олий» руҳлар илоҳий ва моддий дунёдаги воқеа-ҳодисаларни бошқариб туради, одамларнинг ҳаёт йўлини ва вафст этганидан кейинги тақдирини белгитайди. Одамлар руҳларнини норозилигини вужудга келтирувчи изиларга эмас, балки уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилишлари керак. Шу боис руҳлар шарафига диний маросимлар ўюнтирилади, байрамлар ўтказиб, қурбонлик қилинали.

Руҳ нафас, буғ ёки соя кўринишига эга. Унинг кўринишидан қайси шахсга тегишли эканлигини аниқлаш мумкин. Руҳ одам вафот этиши сабабли «қобигини» тарқ этганидан кейин инсонларга туртича муносабатда бўлади. Дастробаки одамларга зарар етказиши мумкин, чунки унда ўзидан омадлироқ

бўлган бошқа кишиларга нисбатан фаразгўйлик ҳисси уйғонади. Лекин, вақт ўтиши билан унинг одамларга муносабати ўзгаради. Ўлганига кўп вақт бўлган одамларнинг руҳлари ўз қонунлари билан яшайдиган жамоани ташкил этадилар. Бундай руҳлар одатда инсонларга ёрдам берадилар, фақат одамларнинг айби билангина уларга ёмонлик қилишлари мумкин.

Нариги дунёда руҳ фаолиятининг давом эттирилиши тўғрисидаги фоя таъсирида вафот этган кишини ҳаётлигига тўплаган бойликларининг бир қисми билан қўшиб қўмиш маросими вужудга келган. Кейинчалик марҳумга нафақат бойликларининг бир қисми, балки хизматкорлари, яқин кишилари ҳам қўшиб қўмилган. Одатда марҳумга қўшиб қўмиладиган хизматкорлар бегона кишилар бўлган. Бундай тартиб қабила бошлиқлари ва ҳатто оддий кишиларнинг ҳам нариги дунёга хизматкори билан кетишларига имконият деб ҳисобланган.

Катта миқдордаги бойликларнинг марҳум билан қўшиб қўмиб юборилиши ва одамларни қурбонлик қилиш қабила ичидаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир этган, қўшни қабилалар билан алоқаларни издан чиқарган. Шу боис руҳнинг нариги дунёдаги саргузаштлари тўғрисидаги фоя тақомиллаштирилган ва фазилатли яшаш тириклар учун муҳимроқ эканлиги ҳақида фоя ишлаб чиқилган. Кейинчалик руҳнинг нариги дунёдаги тақдирни кишининг тириклигидаги хизматлари билан белгиланадиган бўлган. Ушбу ақидага биноан нариги дунёда роҳат-фароғат ҳаммага насиб ҳам қиласвермайди, балки унга ҳаётини фақат ўзининг элатига хизмат қилишга бағишилаган, душманларга қарши курашган, барча урф-одатлар ва дин талабларини муқаддас билиб, уларни сидқидилдан бажарган кишилар эришишлари мумкин ва халқига хиёнат қилган сотқинлар, фақат ўзини ўйлаб яшаган бефарқ ва заиф одамларнинг руҳлари абадий қийноққа дучор қилинади ёки зулматга фарқ бўлиб кетади, деб ҳисобланган.

Ибтидоий дин шакллари каби афсона ҳам катта аҳамиятга эга. Ўша даврда инсонлар табиат ҳодисаларини жонли шерик сифатида қабул қилганлар ва уларда индивидуал тафаккур, ирова сингари сифатлар мавжуд деб ҳисоблаганлар. Одамлар бу жараёнларни ҳис этганлар, фикрлаганлар ва ту-

шунтириб беришга ҳаракат қилғанлар. Афсона шу аснода вужудга келган.

Афсона деб табиий ёки ижтимоий ҳодисаларни содда ҳәэлий образлар ёрдамида ўрганиш ва тушунтириш воситасига айтилади. Афсонада образликини фикрдан ажратиб бўлмайди. У фикр ва воқеликни идрок этиш шакли ва дунёни билиш усули ҳисобланади. Шу асосда одам борлиқнинг моҳиятини тушунишга интилади. Афсона воқеликни тушунтиришга интилиши билан эртакдан, аниқ тарихий воқеага асосланганлиги билан эса достондан фарқланади.

Инсоният узоқ ўтмишдан афсонанинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилиб келган бўлса-да, ҳанузгача унинг умум қабул қилинган назарияси ишлаб чиқилгани йўқ. Бундай ҳолат уни ўрганишда талқиқотчиларнинг диққатга сазовор қараашларига тўхталиб ўтишни тақозо этали.

Италиялик тадқиқотчи Ж. Вико биринчина дай бўлиб афсонанинг фалсафий назариясини ишлаб чиқкан. У афсонани одамларнинг устидан ҳукмронлик қиласидиган олий кучларни ҳис этишлари ва улардан қўрқишилари сабабли вужудга келган ҳәёллар ўйини деб ҳисоблаган.

Қадимги даврла табиий ва ижтимоий кучлар олдида инсоннинг ожизлиги кундалик фаолиятида доимо ўзини намоён қилиб турса-да, борлиқни ҳиссий-мантикий идрок этган.

Инглиз этнографи Э. Тейлорнинг фикрига кўра, афсоналар ва диний эътиқодларнинг асосини анимизм ташкил этади. Қадимда одамлар предметлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришда ҳар бир нарсада руҳлар мавжудлигига ишонишдан келиб чиқиб, теварак-атрофдаги жараёнларни руҳлар фаолиятининг натижаси сифатида талқин қилғанлар. Афсона одамларнинг воқелик тўғрисидаги содда фикрлари бўлиб, туш кўриш ва аждодлар руҳлари билан мулоқоти натижасида пайдо бўлган деб ҳисобланади.

Афсонани ўрганишда тадқиқотчи Б. Малиновскийнинг қараашлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Тадқиқотчи афсонани назарий таълимот деб ҳисобланмайди. Унинг фикрига кўра, афсона воқеликни тушунтирмайди, балки эътиқодни воқелик сифатида идрок этади. Ҳақиқатан, қадимги даврлар

ҳақида ҳикоя қилувчи афсоналар одамларнинг эътиқодини ифодалайди ва умумлаштиради, жамиятда қарор топган ахлоқ нормаларини асослайди, маросим ва удумларнинг мақсадга мувофиқлигини қайд этади, хулқ-атвор қоидаларини ўзида мужассамлаштиради. Шу боис афсона борлиқ ҳақидаги сода қарашлар ва тасаввурлар эмас, балки фаол ижтимоий куч, диний эътиқод ва ахлоқни ифодаловчи ҳаёт қонунидир.

Ҳозирги вақтда афсона нафақат ҳалқ оғзаки ижодиёти тури ва диний эътиқоднинг таркибий қисми сифатида мавжуд, балки ижтимоий ҳаётнинг сиёсат, иқтисод, фан-техника каби бошқа соҳаларида ҳам сақланиб қолган. Масалан, кенг тарқалган ҳозирги замон афсоналари сифатида номаълум учувчи обьект ҳақидаги ёхуд электрон ҳисоблаш машиналарида жон борлиги тўғрисидаги афсоналарни қайд этишимиз мумкин.

Хуласа қилиб айтганда, диннинг ilk шакllari нафақат ибтидоий жамиятнинг ривожланишида катта аҳамиятга эта воқелик бўлган, балки тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида ва ҳозир ҳам ижтимоий ҳаётда ўз таъсирини сақлаб қолган.

### **Назорат учун саволлар ва топшириклар**

1. Дин қачон вужудга келган?
2. Диннинг юзага қелиши сабабларини ўрганишнинг асосий ёндашувлари нималардан иборат?
3. Диннинг ижтимоий илдизлари деганда нимани тушунасиз?
4. Диннинг қандай функциялари мавжуд ва уларга хос хусусиятларни аниқланг.
5. Диний комплекс нима?
6. Диний комплекснинг диний тизимдан фарқи ва хусусиятлари нималардан иборат?
7. Тотемизмнинг интеграцияловчи ва регулятивлик функциялари деганда нимани тушунасиз?
8. Нима сабабдан анимизм ибтидоий диннинг универсал шакли леб аталади?
9. Сөхрарликга хос қандай хусусиятлар мавжуд?
10. Фетишизмнинг асосий шакллари нималардан иборат?

## 3-мавзу

### МИЛЛИЙ ДИНЛАР

#### Месопотамия диний тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, меҳнат тақсимоти, хусусий мулкчилик, синфлар ва давлатнинг вужудга келиши натижасида диний комплекслар (ибтидоий дин шакллари) диний тизимлар (миллий ва давлат динлари) билан алмашди. Диний тизимларнинг асосий хусусиятлари қурдатли худоларга сигиниш ва кўп худоликдир. Илк дин шаклларига хос бўлған табиат воқеиликлари, яъни дараҳт, тош, ҳайвон кабиларни илоҳийлаштириш янги тарзий шароит талабларига мос келмай қолди. Табиат воқеиликларини ифодаловчи аниқ шаклга эга бўлмаган файритабии мавжудотлар аниқ қиёфали қурдатли худолар билан алмаштирилди. Қурдатли худолар дастлаб ибтидоий дин турлари таъсирида ярим одам, ярим ҳайвон қиёфасида тасвирланган.

Кўпхудолилик диний тизимга хосдир. Унинг дастлаб кўпхудолилик шаклида пайдо бўлиши объектив ва субъектив шарт-шароитлар билан боғлиқ. Объектив шарт-шароитларга, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш муносабатларининг таъсирини киритиш лозим. Меҳнат тақсимоти жамиятда кишиларни қасб соҳаси билан ўзаро фарқланувчи гуруҳларга ажратди. Мазкур гуруҳлар ўзига хос фаолият тури, меҳнат муносабати ва маданиятини ишлаб чиқдилар. Улар ўз соҳасига ҳомийлик қилувчи файритабии кучларга, яъни худоларга синганлар.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши таъсирида қабилалар иттифоқи вужудга келди. Бу иттифоқ ҳукмрон қабила атрофида ўнлаб қабилаларнинг бирлашуви тарзида амалга оширилди. Ҳукмрон қабила атрофга бошқа қабилаларни бирлаштириш билан бирга, ўз қадрияларининг иттифоқда устун бўлишини таъминлашга ҳаракат қилган. Шу

аснода, унга ҳомийлик қилувчи худо қабилалар иттифоқининг бош худоси деб тан олинган. Қабилалар ҳукмрон қабила худосининг устунлигини тан олишлари билан бирга ўзларининг маҳаллий худоларига сифинишни давом эттирганлар. Айни пайтда, бошқа қабилалар ва юртларнинг худолари ҳам қабул қилинган. Оқибатда одамлар юзлаб, ҳатто минглаб худоларга ва ғайритабиий мавжудотларга сифинганлар. Масалан, Қадимги Миср фирмъавни Рамзес II билан Хетт давлати ҳукмлори Хеттусили III ўртасида тузилган тинчлик шартномасига мингта Миср ва шунча Хетт худоси кафил бўлган.

Кўпхудолилик кундалик ҳаёт талабидан келиб чиққан. Зеро, ўша даврда жамиятдаги нисбий барқарорлик ва фаровонлик шу қадар заиф бўлганки, инсон эришилган даражани сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш учун ҳар қандай тасодифларни ёки ғайритабиий таъсиrlарни ҳисобга олиши ва улардан ўзини ҳимоя қилиши керак эди.

Юқорида қайд этилганидек, қабила худолари хўжаликнинг алоҳида соҳаларига ҳам ҳомийлик қилган. Қабилада кундалик ҳаёт ташвишларини ҳал этилишига бевосита ёрдам берадиган худоларнинг мавқеи баланд бўлган. Чунки одамлар худоларга сифинар экан улардан ўз ҳаётий муаммоларининг ҳал этилишида ёрдам беришларини сўраганлар.

Диний тизим деб ғайритабиий кучга эга, табиат ва жамиятдаги ҳодисалар ривожланишини белгилайдиган, ишлаб чиқариш соҳаларига ҳомийлик қиласиган ва ижтимоий ҳаётдаги мавқеи билан ўзаро фарқ қиласиган қурдатли худоларнинг мавжудлигига ишонишга айтилади.

Қурдатли худоларга сифиници диний тизимнинг асосини ташкил этса-да, у бир қадар кенгроқ таркибий тизимга эга. Бу борада, биринчи навбатда, ибтидоий дин шаклларининг унга таъсирини ҳисобга олиш талаб қилинади, чунки янгилик ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки ижтимоий тараққиётни акс эттирувчи занжирнинг бир ҳалқаси ҳисобланади. Бунда ижтимоий онг даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Оддий халқ вужудга келаётган янги диний тизимга ўзининг кундалик тасаввурлари, ҳаёт нормалари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳам олиб киради. Бу муносабатлар диний тизимда ўтмиш

қолдиқларининг сақланишини таъминлаш билан бирга, жамиятда мустаҳкамланиб қолишига кўмаклашади.

Диний тизимдаги ўтмиш қолдиқларига турли хил хурофий қарашлар, сеҳргарлик усулларидан фойдаланиш, белгиларга ишониш ва шу қабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Лекин уларга ўтмиш қолдиқлари деб эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш нотўғри. Ўтмишдан сақланаб қолган таъсиrlар мазмунан кескин ўзгариб, янгиликнинг муҳим қисмига айланиши мумкин. Масалан, ибтидоий жамиятдаги руҳларга сифиниш диний тизимларда руҳнинг кўчиши (буддавийликда) ва абадийлиги (христианлик ва ислом динларида) тўғрисидаги ақидаларга асос бўлди. Демак, ўтмишнинг таъсири нафақат хурофий қарашлар мисолида янгиликда сақланаб қолади, балки унинг муҳим таркибий қисмига айланиши мумкин.

Диний тизимнинг шаклланишида диний комплекс катта аҳамиятга эга бўлса ҳам, эски диний қарашлардан сифат жиҳатдан фарқ қиласди. Унинг муҳим фарқларидан бири шундаки, диний комплекс асосий ва асосий бўлмаган қисмларга бўлинмайди. Ибтидоий жамият қабиласида диний комплекснинг бир тури бошқаларига нисбатан кўпроқ кўлланилса ҳам, унинг бошқа турлари бу ерда аҳамиятини йўқотган, деган холосага келиш хатодир. Чунки диний комплекснинг алоҳида бир турининг қабиладаги устуворлиги нисбий бўлиб, у ўз ўрнини осонлик билан бошқасига бўшатиб бериши мумкин. Диний тизимда худолар жамиятдаги мавқеи жиҳатидан гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳнинг аниқ белгиланган вазифалари мавжуд. Қудратли худолар диний тизимнинг энг юқори бўғинини ташкил этади ва уларга бошқа қисмлар бўйсундирилади. Файритабиий кучлар ўртасидаги муносабатлар синфий жамиятдаги каби қуйидан юқорига бўйсуниш тамоилии асосида ташкил этилади.

Диний тизимнинг муҳим хусусиятларидан яна бири диний ташкилотнинг мавжудлигидир. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши таъсирида аҳоли пунктлари йириклишиб борган, маъмурий, хунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари ҳисобланувчи шаҳарларнинг пайдо бўлиши, диний

таълимот, маросим ва урф-одатларнинг тобора мураккаблашуви кабилар таъсирида диний ташкилотлар – ибодатхоналар вужудга келган. Ибодатхоналар динга алоқадор вазифаларни амалга ошириш билан бирга иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатида ҳам фаолият юритган.

Диний тизимларда давлат бошлигининг мавқеи юқори бўлиб, унинг шахси илоҳийлаштирилиб, худо даражасига кўтарилиган. Таъкидлаш жоизки, ҳукмдорнинг шахсини илоҳийлаштириш амалиёти барча халқларда қўлланилмаган. Бу фаолият кўпроқ сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Давлат тузумини мустаҳкамлаш ёки барқарорлигини таъминлаш мақсадида аҳолининг онгига мавжуд сиёсий тартиб худонинг иродаси билан вужудга келтирилган, ҳукмдор эса худонинг назари тушган шахс, яъни ердаги вакили деган фоялар сингдирилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, диний тизим диний комплекснинг мантиқий давоми, ижтимоий тараққиётнинг объектив ҳосиласи сифатида пайдо бўлган. Қурдатли худоларга эътиқод қилиш янги ижтимоий-сиёсий тузумнинг мағкураси вазифасини бажариш билан бирга маданиятнинг ривожланишига ҳам хизмат қилган.

Инсоният тарихида илк диний тизимлар вужудга келган Қадимги марказлардан бири Месопотамия (Икки дарё оравлифи)дир. У ерда диний тизим милоддан аввалги IV ва III минг йилликлар чегарасида пайдо бўлган.

Месопотамияда диний тизимнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганишда ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларни ҳисобга олиш талаб этилади. Минтақада Қадимги Шарқнинг бошқа марказларидан фарқли ўлароқ, айрим истилочи ҳукмдорлар (Саргон, Ҳаммурапи) сиёсий режимларини ҳисобга олмаганда, кучли, барқарор, марказлашган давлат ташкил топмаган. Минтақадаги шаҳар-давлатлар ўртасида сиёсий ҳукмронлик учун ўзаро урушлар тўхтовсиз давом этган. Шунинг учун Месопотамиядаги сиёсий вазиятнинг ўзига хослиги шаҳар-давлатлар ҳукмдорларининг мавқеига таъсир этган. Бу ерда давлат бошлиқларининг шахси улуғланиб, худолар даражасига кўтарилимаган, уларга «худонинг фарзанди», «ердаги худо» деган унвонлар берилмаган. Маҳаллий ҳукмдор-

лар бош руҳоний ва худо билан бевосита алоқада бўлувчи вакил, диний маросимларга раҳбарлик қилувчи ва халқнинг илтижоларини худога етказувчи воситачи ҳисобланган.

Месопотамияда давлат бошлиқларини сакраллаштириш (лотинча *sacer* – муқаддас деган маънони англатади)нинг ўзига хослиги, миңтақада марказлашган давлатнинг ташкил топмаганилиги, худолар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам таъсир этган. Худолар ўзаро сиёсий ҳукмронлик учун кескин кураш ва рақобат гирдобига тортилмаган. Шу сабабли бўлса керак, турли худоларга сифинувчи аҳоли тинч-тотувлика янасан, ҳақиқий ва сохта эътиқод тарафдорлари ўртасида душманлик муносабатлари ва тўқнашувлар вужудга келмаган.

Месопотамия диний тизими кўпхудоликка асосланган. Минтақадаги худоларни, ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятига кўра, маҳаллий ва умумдавлат худоларига бўлиш мумкин.

Маҳаллий худоларга ҳар бир шаҳар, қишлоқ таъхаллага ҳомийлик қилувчи худоларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шаҳар, қишлоқ ва маҳалланинг марказида унга ҳомийлик қилувчи худога бағишлаб саждагоҳ (зиккурат) қурилган. У конуссимон шаклдаги тўртбурчак бино бўлиб, ташқи қўринишидан юқорига қараб қисқариб боралиган зинани эслатади. Саждагоҳ 3–7 қават қилиб пишиқ гиштдан қурилган. Бинонинг юқори қаватларига зинатар ёки нишаб шаклда қурилган йўлаклар орқали кўтарилган. Одатда зиккуратнинг юқори қавати осмон жисмлари ҳаракатини кузатишга мўлжалланган обсерватория вазифасини бажарган.

Одамлар ҳомий худоларига синганглар, қурбонликлар қилганлар. Ҳомий худо, қайси соҳага ихтисослашганлигидан (осмон худоси, ер худоси, ҳосилдорлик худоси ва ҳоказо) қатъи назар, ундан нажот сўраб мурожаат қилган одамга ишоҳий ёрдам берали деб ҳисобланган.

Икки дарё оралиғи халқининг ижтимоий онгида умумдавлат худолари қадимдан шакллана бошлаган. Афсоналарга кўра, илк шаҳар-давлатлар пайдо бўлган даврларда Шумер пантеони (грекча *pantheios* – барча худолар деган маънони англатади) вужудга келган. Қадимги Шумер худолари одамлардек ҳаёт кечирган ва кўнайган. Масалан, осмон худоси –

Ан ва ер маъбуди – Кидан ҳаво худоси – Энлиль ва сув худоси – Эа туғилган. Худолар ўзаро мураккаб муносабатларга киришган. Бу муносабатларга тарихий даврлар, сиёсий вазият ва сулолаларнинг ўзгариши таъсир этган.

Шумер худоларига ҳаво худоси – Энлиль бошчилик қилган. Унинг ҳокимияти расмий аҳамиятга эга бўлган. Энлиль тенглар орасида биринчи бўлган. Ҳокимиятни қўлга киритиш учун унинг қариндошлари бўлмиш етти жуфт буюк худолар ўзаро курашганлар. Ўзаро курашда мағлуб бўлган худо ҳокимиятдан четлатилиб, ер остидаги ўликлар подшолигига бадарға қилинган. Худолар боқий бўлганлиги боис ер остидаги ўликлар подшолигига тушиб қолган худо узоқ қийинчиликлар ва синовлардан ўтганидан кейин жаҳаннамдан қайтиб чиқиб, худолар пантеонидаги аввалги мавқенини қайта тиклаган ёки вазифасининг ўзгариши сабабли халқ хотирасидан аста-секин унутилиб кетган.

Худолар даражасидаги ҳокимият учун курашнинг натижалари кўпроқ ердаги ижтимоий-сиёсий вазият, сулолаларнинг алмашиши ёки шаҳар-давлатлар ўртасидаги кучлар нисбатининг ўзгаришига боғлиқ бўлган. Минтақада сиёсий ҳукмронликни қўлга киритган шаҳар-давлат ўзининг худосини бош худо деб эълон қилган.

Худоларнинг кўпчилиги антропоморф (грекча *anthropos* – одам, *morphe* – шакл деган маъноларни англатади) қиёфада тасвиrlанган. Лекин уларнинг айримлари (сув худоси – Эа ёки уруш худоси – Нергал) ярим одам, ярим ҳайвон (зооморф) қиёфасида тасвиrlанган. Бу ибтидой дин шакллари, хусусан тотемизмнинг кучли таъсиридан далолат беради. Худоларни тасвиrlашда ҳайвонлар қиёфасининг сақланиб қолиши билан бирга аҳоли ҳайвонларга сифинишни ҳам давом эттирган. Муқаддас ҳайвонлар орасида буқа ва илон алоҳида улуғланган. Месопотамияликлар худоларни «қурратли буқалар» деб атаганлар. Шунингдек, буқа ҳосилдорлик тимсоли ва эркаклик ибтидоси бўлган. Илон (донишмандлик, ўддабуруонлик, эпчиллик тимсоли) аёллик ибтидоси рамзи бўлган.

Икки дарё оралиги халқларининг диний таълимотини акс эттирувчи муқаддас битиклар яратилмаган, аммо унинг асос-

лари халқ оғзаки ижоди намуналари (афсона, достон, ривоят, матал, эртак кабилар)да баён қилинади. Бизгача «Дунёниң яратилиши ҳақидаги достон», «Агуәя ҳақидаги достон», «Адана ҳақидаги достон», «Гильгамеш ҳақидаги достон» ва бошқалар етиб келган. Бу манбалардан Икки дарё оралигининг диний тизими түғрисида қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Икки дарё оралигининг диний тизими асрлар давомида ривожланиб, такомиллашиб борган. Бу жараёнда турли қадимги халқларнинг иштирок этиши ҳам янги қирраларнинг очилишига хизмат қилган. Милоддан аввалги II минг йиллик нинг бошларида минтақада ривожланган диний тизим узилкесил шаклланган. Шу даврда Бобил шаҳар-давлати кучайган ва унинг ҳокимияти Икки дарё оралиғига ўрнатилган. Бобил шаҳрининг ҳомийси Мардук (оламдаги тартибни таъминловчи худо) бош худо сифатида тан олинған. Афсоналарда қайд этилишича, Мардук худоларга қарши чиққан маҳлүқ Тиамат (ибтидоий тартибсизлик тимсоли)ни енгтан. Бош худонинг ўзгариши сабабли, худолар ва бошқа ғайритабии мавжудотларнинг вазифалари қайта кўриб чиқилган. Бобил шаҳри инқирозга учраганидан кейин Мардук ҳам бошига қудратли давлатнинг ҳомий худосига ўрнини бўшатиб берган. Шу тариқа диний тизимда ўзгаришлар давом этган.

Месопотамияда худолар одамлардек яшайди деб ҳисобланган. Одамлар ҳәтидаги ўзгаришлар худолар турмушида ҳам шунга ўхшаш жараёнларни вужудга келтирган. Жамиятда синфлар ва давлатнинг вужудга келиши билан ғайритабии кучга эга мавжудотлар орасида ҳам табақаларга бўлинниш бошланган. Диний тизимда бош худо ва унга хизмат қилувчилар гуруҳи пайдо бўлган. Ғайритабии мавжудотлар ҳам қуидан юқорига бўйсуниш (иерархия) принципи асосида бошқарилган. Ҳанузгача сеҳгарлик ва фолбинлик каби ибтидоий дин турлари худоларга хизмат қилувчи воситалар сифатида сақтаниб қолган.

Одатда, худолар шарафиға бағишлиланган диний маросимларга коҳинлар раҳбарлик қилган. Давлат бошлиғи айни пайтда бош коҳин вазифасини бажарар эди. Ҳукмдорнинг бош коҳинлик мақоми коҳинларнинг жамиятдаги мавқеини мус-

тахкамлади. Коҳинлар ибодатхоналарда яшаганлар, ибодатхона мулкларига эгалик қилганлар ва бошқарғанлар. Дин пешвоси, илм соҳиби, мураббий ва мулкдор сифатида коҳинларнинг жамиятдаги нуфузи жуда баланд бўлган.

Ибодатхона диний вазифалар билан бирга дунёвий вазифаларни ҳам бажарган: катта экин майдонлари, чорва моллари ва яйловларга эгалик қилган; ички ва ташқи савдо ишларида иштирок этган. Унинг қопида ҳунармандчилик устахоналари қурилган. Ибодатхона маданият ва маърифат маркази вазифасини бажарган. Уларда давлат архиви, кутубхона ва мактаб жойлашган. Мактабларда эса коҳинлар муаллимлик қилганлар.

Диний эътиқодда ахлоқий қадриятлар алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Коҳинлар диний маросимларда кишиларни худоларга шак келтирмаслик, уларни ҳурмат қилиш, ёлғон гувоҳлик бермаслик ва ёлғон гапирмаслик, ўрилиқ қилмаслик, одам ўлдирмаслик, зино қилмаслик, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, заиф ва камбағал одамларга зулм қилмаслик, қариндош-уруглар орасига рахна солмаслик, қабиладошларга ёрдам бериш, қабила ишларига эътиборсизлик қилмаслик каби фазилатларга даъват этганлар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Икки дарё оралиги (Месопотамия) диний тизими минтақадаги ижтимоий-снёсий шароит таъсирида жамият ҳаётининг барча жабҳалари ни қамраб олишга даъвогарлик қилмаган; жамиятда дин билан боғлиқ бўлмаган муносабатлар, қарашлар ва тартибларнинг амал қилишига тўсқинлик қилмаган. Диний тизимининг ушбу хусусияти кейинчалик Ўрга денгиз ҳавзасида унинг таъсирида пайдо бўлган маданиятларда ҳурфикрикниң ривожланишига қулай шарт-шароит яратган.

### **Қадимги Миср диний тизими**

Икки дарё оралиги диний тизимининг пайдо бўлиши билан бир вақтда Қадимги Миср диний тизими ривожланган. Иқтисодий турмуши ўзаро яқин бўлган бу икки ҳалқ ижтимоий-снёсий тизими, динларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилувчи маданиятни вужудга келтирган.

Қадимги Миср хұжалигининг ўзига хослиги диний ти-  
зимнинг шаклланишига катта таъсир құрсаған. Бу ерда сунъ-  
ий суфоришга асосланған қишлоқ хұжалиги, мураккаб ирри-  
гация иншоатларини қуриш ва иш ҳолатида сақлаб туриш  
учун аҳоли күчини давлат миқёсида бирлаштириш ва унинг  
негизида ягона хұжалик тизимини вужудға келтириш талаб  
қилинған. Милоддан аввалғи IV минг йилликнинг охирлари –  
III минг йилликнинг бошларыда иқтисодий зарурат таъ-  
сирида Нил воҳаси ягона марказға бирлаштирилған.

Марказлашған давлат бошлиғи фиръавн деб аталған. Фиръ-  
авн чекланмаган сиёсий ҳокимиятта эга бўлған ва унинг шах-  
си илоҳийлаштирилиб, худо даражасига қўтарилған. Қадим-  
ги мисрликлар фиръавнни худонинг ердаги тимсоли (ердаги  
худо) деб билғанлар. Фиръавн худо Амон Ранинг ердаги аёл  
билан муқаддас никоҳи натижасида туғилған худо сифатида  
улуғланған. Одамлар унга зиён етказишдан қўрқиб, ҳатто ис-  
мини ҳам тилга олмаганлар. «Фиръавн» атамаси истиора сўз  
бўлиб, катта уй, буюк уй деган маъноларни англатади.

Давлат бошлиғи шахсининг илоҳийлаштирилиши коҳин-  
ларнинг жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлаган. Улар руҳоний-  
лик билан бирга марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг  
амалдори, суд ишларини бажарувчи мансабдор шахс, мунаж-  
жимлик, меъморлик, мураббийлик сингари дунёвий ишларни  
бажарганлар. Руҳонийлар жамиятда алоҳида имтиёзларга эга  
тоифани ташкил этиб, ҳокимиятни эгаллаш учун ҳатто фиръ-  
авн ва унинг ворислари билан ҳам рақобат қилғанлар.

Қадимги мисрликлар құдратли худолар, гайритабиий куч-  
га эга мавжудотлар, табиат күчлари ва ҳайвонларга сиғин-  
ғанлар. Диний тизим қўшни ҳалқлар худоларининг қабул  
қилиниши ҳисобига ҳам кенгайиб борган. Ҳар бир шаҳар ва  
қишлоқ аҳолисининг сиғинадиган маҳаллий худоси бўлған.  
Уларга бағишлиб ибодатхоналар қурилған, қурбонликлар  
қилинған, диний байрам ва маросимлар ўтказилған.

Қадимги Мисрнинг шаҳар-давлатлари ягона марказға  
бирлаштирилганидан кейин умумдавлат аҳамиятига эга ху-  
долар гуруҳи вужудға келған. Гуруҳга бош худо раҳбарлик  
қилған. Бош худо сифатида Қуёш худоси – Амон Ра тан олин-

ган. Милоддан аввалги III минг йиллик охирларидан бошлаб Фива шаҳрининг ҳомийси Амон Ранинг бош худо сифатидағи мавқеи янада мустаҳкамланган.

Қадимги Мисрда умумдавлат худоларига сифатининг вужудга келиши түғрисида турли диний таълимотлар мавжуд. Улар орасида Гелиополь мактабининг таълимоти алоҳила аҳамиятга эга. Унда тўқизта умумдавлат худоси ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу таълимот «еннеада» деб аталади. Унга кўра, дастлаб ибтидоий уммон тимсоли сифатида Нун мавжул бўлган. Нундан абадият худоси – Атум ажralиб чиққан. Атум қанотли илон қиёфасида тасвирланади. У худолар – Шу ва Тифнурларни яратган. Улардан худолар – Геб ва Нут туғилган Кейинчалик ҳаво худоси – Шу осмон маъбуди Нутни ер ҳуяси – Гебдан ажратган. Геб ва Нут никоҳидан ўлиб-тириладиган табиат тимсоли, нариги дунё худоси – Осирис. ҳосилдорлик, сув ва шамол маъбуди – Исида, ўлган одамлар руҳига ҳомийлик қилувчи маъбуд – Нефтида, чўл худоси – Сет туғилган. Умумдавлат худоларига дастлаб Атум раҳбарлик қилган. Лекин ҳокимиятга даъвогарлик қилувчи худолар билан рақобатда у қўёш худоси Ра (Амон Ра)га енгилган. Милоддан аввалги III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг бошларида Ра ўз ҳокимиятини янада мустаҳкамлаган.

Мемфис шаҳри мактабининг космогоник (грекча *kosmogonia* – дунёнинг пайдо бўлиши леган маънони англатади) таълимотига кўра, Птах (яратувчи худо, Мемфисда ўлуклар худоси сифатида улуғланади, у мумиёланган одам қиёфасида тасвирланади) борлиқни ва барча худоларни яратган. Птах берлиқни сўз ва ижодий қобилияти ёрдамида яратади, деб ҳисобланган. Илоҳий ирода унинг юрагида пайдо бўлган. Христианликда ҳам борлиқнинг вужудга келиши түғрисида шунга ўхшаш таълимот мавжуд. Ҳаварий (апостол) Иоаннинг евангелиясида худо борлиқни сўз орқали яратганлиги қайд этилган.

Қадимги мисрликлар худоларни құдратли ва қасоскор гайритабиий мавжудотлар деб биланлар. Одамлар худоларга хизмат қилиш учун яратилган, агар улар ўз бурчларини унучсалар ёки уларни силқидилдан бажармасалар, худоларнинг ғазабига дучор бўладилар, деб ҳисобланган. Шу бойс давлат

хазинаси ва фуқаролар шахсий даромадининг жуда катта қисми худоларга бағишиланган, яъни ибодатхоналар қурилиши, қурбонликлар ва бошқа кўплаб диний маросимларни бажаришга харажат қилинган. Масалан, фиръавн Хуфунинг мақбара (пирамида)си милоддан аввалги XXVII асрда юз мингдан ортиқ кишилар томонидан 20 йил давомида қурилган.

Худолар тотемизм гаъсирида дастлаб асосан хўжаликда фойдаланиладиган уй ҳайвонлари қиёфасида тасвиранган. Кейинчалик диний таълимотнинг такомиллашиб бориши билан улар одам ёки ярим одам, ярим ҳайвон қиёфаларида тасвиранган. Масалан, Осирис, Исида, Хатор каби худолар одам қиёфасида, Гор бургут бошли одам, Сет хўтиқ бошли, Тот лайлак бошли мавжудот қиёфаларида тасвиранган.

Диний қарашларда тотемизм билан бирга анимизмнинг таъсири кучли бўлган. Бу ўлган одамларни кўмиш маросимида яққол намоён бўлан. Ривоятларда айтилишича, одамнинг руҳи ўлмайди. Инесонда «Ка» ва «Ба» руҳлари мавжуд. Улар турли вазифаларни бажарадилар. «Ка» руҳи одам зафот ўтганидан кейин жисмда қолади. «Ба» руҳи эса танани тарк этиб, нариги дунёда сафарини давом ўтиради ва охир-оқибатда ишниги жасадга қайтиб келади. Шундан кейин одам қанта тиризлди ва забадий роҳат-фаротат ҳукмрон бўлган илоҳий жамиятда ҳаётини давом ўтиради.

Одамнинг қайта тиризланиши учун бир қатор вазифаларнинг ёттишиши талаб қилинган. Биринчи навбатда «Ка» руҳини таъсиз сақлаб қолини керак бўлган. Бунинг учун марҳумнинг жадиди мумиёланган. Агар мумиё вақт ва табиат кучларининг таъсирида чириб ётга, кўшимча восита сифатида қабрга кишининг тасвири чизитиш ёки ҳайкали қўйилган. «Ка» руҳинин танада сақланиб қолини «Ба» руҳининг нариги дунёда худо билан савол-жавоб ва турли ҳафф-хатарлардан муваффақиятли ўтиштига ёрдам беради деб ҳисобланган; иккинчидан, «Ба» руҳи нариги дунёда кишининг тириклигиде қилган ишлари учун худо олдида жавоб беради деб ҳисобланган. Бундан ўта олмаса руҳни аждаҳо ютиб юборган, оқибатда унинг нариги дунёдаги сафари якунланган. Сўровдан ижобий натижага билан ўтган руҳ эса танага қайтган ва одамнинг қайта тирилишига қадар Йалу водийиси (жаннат)га тушган.

Қадимги Мисрда сиёсий ҳокимиятнинг марказлашуви ва давлат раҳбарининг чекланмаган ҳокимиятга эга экандиги жаҳонда биринчи бўлиб яккахудолилик таълимотининг юзага келишига сабаб бўлган. Милоддан аввалги XV асрнинг охириларида мамлакатни бошқарган Фиръави Аменхотеп IV (оқсуяк зодагонлар ва коҳинларнинг ҳокимиятни ундан тортиб олиш учун курашига зарба бериш мақсадида) диний ислоҳот ўтказган. Ислоҳот итижасида кўпхудолилик бекор қилинган ва ягона худо Атон (Куёш)га сифиниш жорий қилинган. Эски ибодатхоналар ёпиб кўйилган ва уларнинг мулклари мусодара қилинган. Мамлакатнинг пойтахти янги қурилган Ахетатон шаҳрига кўчирилган. Фиръави ўзини Эхнатон (Атонга хуш ёқадиган) деб аталган. Лекин ислоҳот учун ҳали тарихий зарурат пишиб этилмаган ва жамият яккахудоликини қабул қилишга ҳам тайёб бўлмаган. У кўпроқ сиёсий аҳамиятта эга бўлиб, оқсуяк зодагон ва коҳинларнинг жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий қудратига зарба бериш мақсадида амалга оширилган. Шу боис унинг муваффақиятсизлик билан тутаси өлдиндан маълум бўлган. Фиръави вафот эттанидан кейин диний ислоҳот бекор қилинган ва у даҳрий деб лаънатланган. Вақт ўзиши билан аввали худоларга сигиниш яна қўйта тикланган.

Хулоса сифатида қайд этиши керакки. Қадимги Миср цинининг боялари Ўрга деңгиз ҳавzasидаги Еарб ва Шарқ халқлари маданиятининг вужудга келиши ва ривожланишида жуда катта аҳамиятта эга бўлган Руҳнинг ўлмаслиги, нариги дунё, кишининг худо олдида жавобгарлиги ва қайта тирилиши каби фикрлар кейинчалик минтақада вужудга келган яккахудолик таълимотларининг боялари сифатида қабул қилинган ҳамда Қадимги Миср маданиятининг ривожланишига таъсир этган. Қадимги Шарқ маданий марказларининг таъсирида Ўрга деңгиз ҳавзасида антик (лотинча *antique* – қадимги деган маънони англатади), яъни Юнонистон (Греция) ва Рим давлатларининг маданияти вужудга келди.

### Қадимги Греция диний тизими

Қадимги Греция диний тизими антик маданиятининг таркибий қисми сифатида бошқа қадимги динлар каби узоқ ри-

вожланиш босқичидан ўтган. Бу давлатда диний тизим Қадимги Шарқ цивилизацияридан ўзгача шарт-шароитларда юзага келган ва ривожланган. Грецияда Миср ва Месопотамиядаги каби йирик дарёлар бўлмаган. Хўжаликнинг асосини ташкил этувчи аграр соҳада экин майдонлари лалмикор ерлар бўлиб, уларниң асосий қисми хусусий мулкорларга қарашли бўлган. Мамлакатнинг сиёсий тузуми классик қулчилик муносабатларига асосланган шаҳар-давлатлардан ташкил топган. Маълумки, Қадимги Грециядан фарқли ўтароқ, Қадимги Шарқда қуллар ҳеч қаҷон асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлмаган.

Биринчи бўлиб Қадимги Грецияда давлатни демократик бошқариш шакли пайдо бўлган. Кейинчалик чекланган демократия деб баҳолангандан давлат бошқарув шакли, гарчи жуда кўн камчиликлари бўлса-да, аҳолининг маълум бир қисмига кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берган. Чекланган демократия одамларнинг ўз ички қобилиятлари ва истеъоддларини намоён қилишлари учун Шарқ давлатларидагига иносбатан кенг имкониятлар яратган. Инсоннинг олий қадрият эканлиги тўғрисидаги фоя пайдо бўлган ва ривожлантирилган. Юқориша қайд этилган хусусиятлар мамлакат диний тизимида ўз аксини топган.

Қадимги Греция диний тизими ривожланишини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин: биринчи босқич милоддан аввалги III минг йилликнинг охиридан II минг йилликнинг охириларигача бўлган даврини қамраб олади. Биринчи босқич Миной (милоддан аввалги III минг йилликнинг охири – милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми) ва Ахея (милоддан аввалги 1500 – милоддан аввалги 1100 йиллар) давраларига бўлинади.

Миной даврида дини қарашлар, ибтидоний дин шаклларининг таъсири кучли бўнанини сабабти жуда содда бўлган. Диний таълимотда табиатни жонли ва файритабиий кучга эга деб тасаввур қилиш, худоларни ярим олам, ярим ҳайвон қиёфасида тасвирлаш, афсоналар воситасида диний таълимотни тушунтириши кенг кўлданнишан. Табиат воқеликлари қаторида она ер алоҳида улугланган. Грекларнинг диний ривоятларига кўра, бутун олам Ердан пайдо бўнгач.

Диний қарашларда она заминни улуғлаш ва унга сифиниш грек жамиятида ҳали матриархатнинг таъсири кучли эканли-

тан. Бу Гомер («Илиада» ва «Одиссея» достопиарининг муаллифи) даври деб аталади. Гомер даврининг бошланиши Қадимғы Грекияда асилзодалар (аристократия) ҳокимнитининг тужудга келиши ва мустаҳкамланини даврига түри келади. Асилзодалар ҳокимиятининг мустаҳкамланини даврида диний тизимда умумхалқ худолари гуруҳи ажрасиб чиқкан. Греклар уларни «Олимпия худолари» деб атагандар. Олимпия худолари гуруҳининг шаклланиш даври узоқ, сақт давом этган ва милоддан аввалги VI-V асрларга келиб бу жараён узил-кесил якунланган. Олимпия худолари ўзи иккита худодан иборат бўлиб, уларга Зевс бошчилик қилган. У асилзода худолар Аид (Уликлар подиологии худоси). Пессайдон (денигиз худоси) ва бошқаларга таяниб дунёни бошқарган. Зевс бошчилигидаги беш худолар гуруҳи умумхалқ худолари сифатида тан олинса-да, аҳоли орасида жуаз кўп мауналлий худоларга сифиниш анъанаси сақланиб қолган.

Худолар шу вактдан бошлиб одам қиёфасида тасвирлана боцалади. Улар киниларга нафақат ташки қиёфаси билан ўхшаган, балки озиқ-овқат, кийим-кечак, меҳнат ва урун куроллари кабилардан фойдаланган, ҳашаматли қасрларда яшаган одамлардек түғилган ва инсонлардати ишларга ҳам эта бўлган. Худолар одамлардан фадат ишоҳи кутрати ва бөқийлиги билан фарқ қилиган. Инсонлар худоларнинг қаҳрими келтирмасликка ва уларнинг тэтиберичи ҳоснишга ҳаракат қилиб, ҳашаматли ибодатхоналар курганилар, жуда кўп курбонниклар келтирганилар ва худолар шарафига бошқа кўплаб диний маросимлар ўтказганлар.

Милоддан аввалги VI-V асрларда қудорлик шаҳар-давлатларининг янада ривожзаниши диний тэътиматнинг моҳиятини ўзгартирган. Диний тизим шаҳар-давлат фуқароларининг куллар устидан ҳукмронлигини мустаҳкамлаган, унинг грек жамиятидаги аҳамиятини ҳимоя қилган. Шу даврдан бошлиб, жамиятда ҳунармандчиллик ва савдо-сотиққа ҳомийлик қилувчи худоларнинг ижтимоий нуфузи ортган. Уларнинг вазифалари ўзгарган. Шаҳар-давлатта ҳомийлик қилувчи худо айни пайтда ҳунармандчилликка ва савдо-сотиққа ҳам ҳомийлик қиласиган бўлган. Жамиятинин ўрта ва куйи

ги ва деҳқончилик хўжаликнинг асосий тармоғига айланганидан далолат беради. Лекин ижтимоий ҳаётда ибтидоий дин шаклларининг таъсири қанчалик кучли бўлмасин, қудратли худоларга сифиниш узил-кесил қарор топган ва кенг ёйилган. Дастлаб худолар табақаларга бўлинмаган. Кейинчалик Крит оротининг йирик шаҳар-давлат атрофида бирлаштирилиши (милоддан аввалги III минг йилликнинг охири) натижасида худолар даражасида ҳам табақавий бўлинишлар бошланган. Зевс худоси (грекча *zeus* – ёруғ осмон деган маънони англатади; осмон, ёруғлик, момақалдироқ ва чақмоқ худоси) бош худо ва Миной подшоларининг аждоди сифатида улуғлана бошланган. Худолар асосан одам (антропоморф) ва қисман ярим одам, ярим ҳайвон (зооморф) қиёфаларида тасвирланган. Табиат воқеликларида файритабии мавжудотлар (ярим худолар) мавжудлигига ишониш сақланиб қолган.

Бу даврнинг диний тизимида тотемистик тасаввурларнинг таъсири кучли бўлган. Афсоналарга кўра, подшоҳ ва давлат ҳокимиияти асослари ҳўқиз ва сигир худоларининг қўшилишларидан пайдо бўлган. Ҳўқиз ҳосилдорлик тимсоли бўлган. Шу боис унинг тасвири майший буюмлар, кийим-кечаклар, биноларнинг безаклари ва бошқа жойларда кўплаб учратилган.

Милоддан аввалги XV асрдан бошлаб Қадимги Грециянинг кагта қисмини Ахея қабилалари босиб олган. Шунинг учун милоддан аввалиги XV асрдан милоддан аввалги XI аср гача бўлган муддат Ахея даври деб аталади. Ахея қабилалари босиб олинган ҳалқнинг илғор маданиятини, жумладан динини йўқ қилиб ташламаганлар. Ахеяликлар греклар диний тизимини қабул қилганлар. Айни пайтда ўзларининг худоларидан ҳам воз кечмаганлар. Натижада худоларнинг вазифалари ўзгарган ва янги худолар юзага келган. Шу вақтдан эътиборан ҳосилдорлик ва узумчилик худоси – Дионис, денгиз худоси – Посейдон, савдо-сотиқ худоси – Гермес, уруш худоси – Аресга сифиниш бошланган. Уларнинг худолар орасидағи мавқеи мустаҳкамланган ва кейинчалик улар Олимпия худолари қаторига киритилганлар.

Қадимги Греция диний тизими ривожланишининг иккинчи шарни милоддан аввалги XI аср охирларидан бошлан-

табақалари орасида Олимпия худоларини асилзодаларнинг ҳомийси ва улар ҳокимиятининг ҳимоячиси эканлигига доир қарашлар мусгаҳкамланган. Улар Олимпия ўзларининг маҳаллий худоларига сифинишни давом эттирганлар.

Кадимги Грецияда коҳинлар ижтимоий мавқеининг ўсига хослиги билан ажралиб турғанлар. Улар ижтимоий ҳаётда алоҳида табақани гашкил этмаганлар ва асосан ибодатхоналаги ишларни бошқариш билан шуғулланганлар. Диний маросимларга одатда давлат хизматчилари ёки файласуфлар раҳбарлик қилинлар. Греклар коҳинларни худоларнинг ўзлари танлашлари керак деб ҳисоблаганлар. Шу боис коҳинлар дэъвогарлар орасидан куръя ташлаб аниқланган ва ибодатхоналарда яшаганлар. Ибодатхонада бир ёки бир неча кодин бўлини. Ибодатхона қайси худога багишлаб қурилғанилигига қареб, эркак ёки аёл коҳинлар хизмат қилгачлар. Коҳинларнинг турмушини таргига солувчи умумий қоида ҳам ишлаб чиқалмаган. Айрим ибодатхоналарда аёл ёки эркак коҳинларнинг турмушга чиқини ёки уйланиши тақиқданган бўлса, айримларида уларнинг албатта оиласи бўлишлари талаб қилинган. Коҳинларга давлат иш ҳақи тўламаганлиги сазабти, улар асосан эҳсонлар ҳисобидан яшаганлар. Уларга ибодатхоналарда худоларга қурбонлик қилинган чорва молларнинг гўчтини истеъмол қилиш, териси, шохи ва туекдурини бозорла сотишга рухсат берилган. Ибодатхона давлат ҳазинасини ва хусусий қимматбаҳо нарсаларни сақлагачлиги учун ҳақ олган. Одатда коҳинларни моддий турмуши жиҳатидан ўрта табақа вакилларига киритиш мумкин.

Диний тизимда қаҳрамонларга сифиниш, улар шарафига қурбонликлар қилиш маросими мавжуд бўлган. Греклар Ватан учун жонини қурбон қилган кишиларни қаҳрамонлар деб аташтан. Афсоналарда одатда худо билан одамнинг никоҳидан туғилган қаҳрамонлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Улар ўз Ватанининг шон-шарафи учун жангда жасорат кўрсатганлар, юртдошлиарини турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилганлар. Бундай кишилар вафот этганларидан кейин уларнинг эл-юрт учун қилинган хизматлари тақдирланиб, худолар қаторига қабул қилинганлар. Қаҳрамонлар худо бўлғанидан кейин ҳам ўз юрити-ла ҳемийлик килишини давом эттиради, деб ҳисобланган.

Греклар Ватан учун қурбон бўлган кишиларни эъзозлаш билан фуқароларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришига, юргнинг тинчлиги, равнақи ва порлоқ келажаги учун қай-ғурадиган комил инсонларни тарбиялашга ҳаракат қилганлар.

Қадимги Грецияда тақдири азалга, одамлар ва ҳатто худоларнинг ҳам тақдири олдиндан белгиланганлигига ишониши мавжуд эди. Диний ривоятларга кўра, ҳатто қудратли худолар ҳам ўз қисматини ўзгартира олмаганлар. Тақдири азал барчанинг устидан ҳукмронлик қилган. Одамлар ва худоларнинг тақдирини мойралар (грекча *moira* – қисмат, тақдир деган маъноларни англатади) тўқиган.

Тақдири азалга ишониш башоратчиликнинг кенг ёйилишига сабаб бўлган. Греклар бирон муҳим ишни бошлашдан олдин башоратчининг фикрини билишга ҳаракат қилганлар. Башоратчилар турли усуллардан фойдаланиб воқеа-ҳодисаларни олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилгандар. Бу иш билан асосан коҳинлар шуғулланганлар. Улар кўпроқ қурбонлик қилинган ҳайвоннинг ички аъзолари жойлашуви ва ҳолатига қараб башорат қилиш усулидан кенг фойдаланганлар. Бундай усул ҳаруспиция (этруск тилида *harus* – ички органлар, лотинча *specio* – кузатаман деган маъноларни билдиради) деб аталган. Қадимги даврда Дельфа оролидаги Пифия ибодатхонаси башоратчилари бутун Элладада (греклар ўз юртини шу ном билан атаганлар) машҳур бўлганлар. Тарихий маълумотларга кўра, македониялик Искандар ҳам Эронга юриш қилишидан олдин Дельфа оролига келиб, башоратчиларнинг фикрини билган.

Қадимги Грециядаги сиёсий тарқоқлик диний тизимга ҳам таъсир қилган. Бу ерда умумхалқ аҳамияти эга диний ташкилот бўлмаган. Шунингдек, грек қулдорлик демократияси диний таълимотда ҳам турли қараашларнинг ўзаро курашини келтириб чиқарган. Оқибатда Қадимги Грецияда биринчи яширин диний жамиятлар ва маросимлар вужудга келган. Улар орасида Деметра (ҳосилдорлик, деҳқончилик, никоҳ ва оиласи ҳаёт маъбуласи) ва Дионис (усумчилик ва виночилик маъбуди)га бағищланган сирли маросимлар ёнг машҳур бўлган. Деметра сирли маросими (Элевсин маросимла-

ри) йилда бир марта ўтказилган. Маросим нариги дунёнинг сирларини билишга бағишиланган. Унда иштирок этувчилар шу асосда нариги дунёга кетишга тайёргарлик кўраётганлигини намойиш қилганлар. Маросимда иштирок этувчиларга гуноҳларидан халос бўлиш, руҳларининг нариги дунёла роҳат фарогатда яшаши ваъда қилинган.

Дионис сирли маросимларининг иштирокчилари рамзий равищда ўлиб-тирилиб, нариги дунё тилсимотларини тушунишга интилганлар. Маросим давомида қурбонлик қилинган ҳайвоннинг хом гўшти ва қони истеъмол қилинган.

Диний тизимда яширин диний жамиятларнинг вужудга келишига демократик сиёсий тузум ва диний ақидалар талқинидаги тафовутлар билан бирга ижтимоий табақаларнинг турмушидан норози эканлиги ҳам таъсир этган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қадимги Греция диний тизими таълимотида айрим инсонлар худо даражасига кўтарилиган. Диний қарашларда ибтидоий дин шаклларининг таъсири кучли бўлса-да, худолар одам қиёфасида тасвиранган, инсонлардек яшаган ва ўзаро мулоқотда бўлган. Одамлар гайритабиий мавжудотлар ва ҳатто худолар билан рақобат қилганлар.

Диний тизим ижтимоий ҳаётни тўлиқ назорат қилишни даъво қилмаган. Диний тартиблар кўпроқ тавсия мазмунига эта бўлган. Ҳар бир кишининг уларга амал қилиши ёки ўз хоҳишига кўра яшаши мумкин бўлган. Лекин инсонлар хулқ-атворлари ва хатти-ҳаракатлари учун шахсан жавобгар бўлганлар.

Қадимги Греция диний тизими таълимоти ва маросимлари кейинчалик христианлик таълимоти ва маросимларининг шаклланишида муҳим манба вазифасини бажарган.

### Қадимги Ҳиндистон дини

Қадимги Ҳиндистон диний тизимининг пайдо бўлишида турли элатлар иштирок этган. Диний тизим маҳаллий ва кўчиб келган халқлар динларининг синтези натижасида юзага келган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистоннинг ғимолий ва марказий қисмларини тахминан Помир тоғлари воҳаларида яшаган кўчманчи Орий

(асильтода) қабилалари босиб олганлар. Уларнинг бу ерларга келини синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши даврига тўғри келган. Кўчманчи қабилалар одатдагидек маҳаллий аҳолига синтиб кетмаган. Орийлар ўз урф-одатлари, анъаналари ва удумтарини сақлаб қелиши билан бирга маҳаллий халқ маданийчининг ривожланишига катта ҳисса кўшган. Орийларнинг маҳаллий маданиятга таъсири диний эътиқодла айниқса салмоқли бўлган. Уларнинг диний ақидалари ҳудодарга курбонлик қилиш (худога энг катта қурбонлик одам ҳисобланган, ундан кейин қайд этиш тэртибига кўра от, ҳўкиз, қўй ва эчки турган) ҳамда бошқа маросимлари муқаддас битикларда тасвирланган. Милоддан аввалги II минг йиллик охирилари – I минг йилликнинг бошларида мазкур битиклар асосида муқаддас матилар тўплами – ведалар (санскрит тилида – билм деган маънони англатади) яратилган. Ведалар матини қадимги ҳудолар тўғрисидаги ҳикоялар, ҳудоларга курбонликлар қилиш тартиби ва бу маросимларни бажаришда айтиладиган қўшиқлар, ҳудолар шарафига айтиладиган мадҳиялар ва афсунлардан тузиленган.

Ведалар 4 та тўпламга бўлинади ва қуйидагилардан иборат:

1) Ригведа – ҳудоларга бағишлиланган мадҳиялар. Ҳудоларнинг саргузаштлари, ўзаро алоқалари ва асосий вазифалари шеърий услубида тасвирланган;

2) Самведа – асосан Ригведа мавзуларини такрорловчи шеърий тўплам;

3) Яджураведа – қурбонликлар қилиш қонидалиридан иборат;

4) Атхарваведа – ёвуз руҳларга қарши қўлланиладиган жоду ва афсунлардан тузиленган.

Милоддан аввалги II минг йиллик охирилари – I минг йилликнинг бошларида Қадимги Ҳиндистонда вужудга келган дини муқаддас битик – ведалар шарафига шу ном билан аталган. Веда дини асрлар давомида такомиллациниб борган. У кўпхудонликка асосланган. Даус осмон ҳудоси ҳисобланган ва ер илоҳи Питхиви борлиқни яратган, ҳудолар ва одамларнинг аждоди бўлган. Улардан Индра (иссанқлик, ёруғлик, ёмири ва тўфон ҳудоси, оламнинг ҳукмдори). Агни (олов ҳудоси, оила ҳомийси, баҳт ва соғлом фарзанд ато этувчи,

худолар ва одамлар ўртасидаги воситаchi худо) туғилған. Орийларда кенг тарқалған худолар қаторида яна Сурия (куёш худоси). Митра (ёруғлик худоси), Варуна (тун худоси, абадий тартибни таъминловчи, айборларга жазо, айбига иқрор бұлиб тавба қылғанларни кецирувчи худо)ни қайд этиш мүмкін. Улар орасыда одамларнинг қундалик юмушини ҳал қилинишида бевосита иштирок этувчилари алоҳида улуғлантан.

Ҳиндистонда ишлаб чиқарған күчларининг ривожланиши, меңнат тақсимоти, табақа (варна)лар ва қалимги давлатларнинг вужудға келиши сабабли диний әзтиқодда ўзгаришлар бўлған. Веда дини брахманизм билан алмаштирилған.

Брахманизм жамиятнинг табақаларга бўлининини, брахманларнинг имтиёзлари ва давлатни муқаддаслаштирган. Янги диннинг диққатга сазовор жиҳатларидан бири шуки, унда диний ақидалар брахманлар матнлари муқаддас битигида баён қилинган. Брахман матнлари яратилганидан кейин ҳам ведалар сақланиб қолган ва улар ведаларни шархловчи муқаддас битик вазифасини бажарган.

Брахман матнларидан брахманларнинг энг юқори табақа эканлиги баён қилинган, каста тузуми муқаддаслантирилған ва уларнинг алоҳида яшашиб қоидалари белгиланган. Ҳар бир диндор муайян каста аъзоси бўлғанлиги учун унинг қоидалари асосида яшаган.

Брахманизм таълимотига қўра моддий борлиқ ундан ташқарида мавжуд бўлған ягона боқий руҳнинг эманацияси (лотинча *emanatio* – оқиб чиқиш, ўтиш деган маъноларни англатади, илоҳ ижодий энергиясининг оқиб чиқиши) натижасида вужудға келган. Тирик жонзодлардаги руҳ унинг бир заррасидир. Руҳ боқий. Унинг қайта туғилиши тўхтатилмаса, танадан-танага чексиз равишда кўчаверади. Руҳнинг кўчишини сансара (санскрит тилида – шаклланиш, кўчиш, вужудға келиш деган маъноларни англатади) ақидаси тартибга солади. Сансара барча тирик мавжудотларнинг ўткинчилиги, ўзгарувчанлиги, руҳнинг танадан-танага кўчишининг ягона занжири тўғрисидаги таълимотдир.

Руҳнинг кўчиш тартиби, яъни руҳнинг қайси мавжудотнинг танасига кўчиши унинг ҳаёт йўли ёки кармасига (сан-

скрит тилида – ҳаракат, бурч, фаолият деган маъноларни англатади) боғлиқ. Карма – илохий куч бўлиб, одамнинг содир этган хатти-ҳаракати, хулқ-автори, интилишлари ва мақсадларини умумлаштиради ва руҳнинг қайси жонзодга кўчишини белгилайди. Брахманизмда карманинг асосини каста қоидалари ташкил этади. Кастанда белгиланган қоидаларни бузиш оғир гуноҳ саналади ва бу руҳнинг кўчиши масаласини ҳал этиши мумкин.

Карма ақидалари дхарма (санскрит тилида – қонун, бурч, қоила, фазилат каби маъноларни англатади) таълимотида баён қилинган. Дхарма – фуқаровий, ахлоқий ва маданий қоидалар тизими бўлиб, унинг худо томонидан яратилганлиги қайд этилади. Дхарма қоидалари ҳинд ҳалқи турмуш тарзига айланган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, брахманизм ҳинд жамиятида ижтимоий тараққиётнинг мулкий тенгситик, хусусий мулк ва давлат вужудга келиши босқичида ҳукмон табақанинг манфаатларига хизмат қилувчи диний таълимот тарзида пайдо бўлган ва ривожланган. Брахманизм ақидалари олдинги тарихий даврларда мавжуд бўлган диний қарашларнинг мантиқий давоми сифатида кейинги босқичларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

### Қадимги Хитой дини

Милоддан аввалги Џ минг йилликнинг бошларида Қадимги Хитой дини вужудга келган. Қабила иттифоқи давлатга ўсиб ўтиши натижасида ҳукмон Инь қабиласининг ҳомийси Шанли бош худо сифатида қабул қилинган. Кудратли худоларга сиғинкиш уруғ-қабила линлари негизида шакслангантиги сабабли унда тотемиз ва анимизмнинг таъсири кучли бўлган. Хитойликлар Шандини улуғ аждод сифатида қадрлаганлар. У элат фаровонлигининг ҳимоячиси, аждодлар анъаналарига амал қилинишининг назоратчиси сифатида мазкур тартибни бузганларни жазолаган. Одамлар унга ўз кундалик муаммоларини ҳал этишда кўмак сўраб сиғинганлар. Шандининг улуғ аждод сифатидаги вазифаси кейинчалик аждодлар руҳига сиғинишнинг мамлакатда кенг ёйилишига шарт-шароит яратган.

Милоддан аввалги XI асрда Хитойда Чжоу сулоласининг хукмронлиги даврида Шандига эътиқод Осмон худоси ва аждодлар руҳига сифиниш билан алмашган. Шу билан бирга, хукмдорнинг Осмон худоси билан наслий боғлиқлиги foяси вужудга келган ва Хитой «осмоности империя» деб аталадиган бўлган.

Осмон худоси борлиқни белгиловчи ўзгармас коинот тартибини ифодалайди. Коинотда амал қилувчи тарғиб жамиятда ахлоқ нормаларида намоён бўлади. Фозилликка интилиш Осмон қонуниятларига амал қилиш билан айнийлаштирилган. Бунда кишининг асосий вазифаси Осмон билан тўғри муносабатда бўлиш, жаҳоний тартибга мос келишдир. Жаҳоний тартиб борлиқда, табиатда ўзини намоён қиласди. Зоро, борлиқ ва табиат илоҳий мукаммалликкнинг бир кўриниши экан, инсон бу тартибни бузишга ҳақли эмас. Киши табиат билан уйғун яшаши, ундаги мукаммалликка интилиши керак. Табиатдаги мукаммалликка интилиш одамлар ўртасидаги муносабатларга таъсир этган. Хитойликлар ҳар бир сдамда ижтимоий аҳволидан қатъи назар мукаммаллик мавжуд деб қарайдилар.

Қадимги Хитой диничининг хусусиятларидан яна бири шундаки, коҳинлар табақаси жамиятда кучли мавқега эга, лекин бу ерда коҳин ва давлат хизматчисининг вазифаси бир бўлган. Чунки император Осмон худосининг ердаги вакили, биринчи коҳин сифатида диний маросимларни бажариш вазифасини давлат хизматчиларининг зиммасига юклаган. Уларнинг асосий вазифаси давлатнинг барқарорлигини таъминлаш бўлганлиги сабабли Осмон худосига сифиниш расмий-бюрократик мазмун касб этган.

Шанди, Осмонга ва аждодлар руҳига сифиниш Қадимги Хитой маданиятининг асоси вазифасини бажарган. Уларнинг асосида даосизм ва конфуцийлик диний-фалсафий таълимотлари шаклланган.

Қадимги Хитой диний фалсафий таълимотлардан бири даосизмдир. У фалсафий таълимот сифатида милоддан аввали VII асрда вужудга келган. Милоддан аввалги IV–III асрларда диний таълимот сифатида мустаҳкамланган. Даосизм таълимотнинг асосчиси – мутафаккир мураббий Лао-цзы.

Мазкур диний таълимотнинг асосини Дао тўғрисидаги қарашлар ташкил этади. Дао – борлиқ, коинот тўғрисидаги қонун, дунёниг универсал бирлиги, илоҳий абсолют (лотинча *absolutus* – чекланмаган, сўзсиз, шубҳасиз деган маъноларни англатади, борлиқнинг абадий ибтидоси)дир. Даони ҳеч ким яратмаган, борлиқ ундан бошланади ва унга қайтади.

Дао илоҳий ибтидо ва айни бир вақтда илоҳий «йўл»дир. Дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар, жумладан буюк Осмон ҳам шу йўлдан боради. Бахтга эришишни орзу қиласиган барча одамлар шу йўлдан бориши, Даони англаши ва унга қўшилиши керак. Одам микрокосм, Дао макрокосм ва абадийдир. Унинг ўлими бу руҳнинг танадан ажралиб чиқиши ва макрокосмга сингиб кетишидир. Одамнинг вазифаси руҳнинг жаҳон тартиби билан қўшилиб кетишига ҳаракат қилишдан иборат. Бунга қўйидагича эришилади.

Дао таълимотига кўра, Дао йўлига Де кучи хосдир. Де орқали ҳар бир кишида Дао намоён бўлади. Де одамларни мақсадга эришишларида фаолликка ундамайди. Де уларни табиат тартибларини бузишдан сақлайдиган фаолсизликка чорлайди. Одам ўзлигини англашдан борлиқни билиш сари боради. Даонинг идеали – табиат билан уйғунликда, унинг маромига монанд яшайдиган кишилар.

Доасизм Қадимги Хитой диний тизимининг диний мистик соҳаси ривожланишига катта ҳисса қўшган бўлса, конфуцийлик диний эътиқоддаги ҳаётийлик, ижтимоийлик ва ахлоқийлик жиҳатларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган. Конфуцийликнинг асосчиси Қадимги Хитой мутафаккири Кун-цзыдир.

Конфуций қарашларини шогирдлари билан ўзаро суҳбатларда ўзён қилганлиги сабабли ёзма манбаларни қолдирмаган. Унинг фояларини шогирдлари ва дўстлари ёзib борган. Мазкур ҳужжатлар асосида кейинчалик «Лунъ-юй» («суҳбат ва мулоҳазалар») номли китоб чоп қилинган.

Ўша даврда давлатда ўзаро урушлар кучайиб, ижтимоий барқарорлик йўқолган. Шу боис Конфуций жамиятни мустаҳкамлашнинг диний-ахлоқий асосларини ишлаб чиқиши, ижтимоий барқарорликка эса қадимги эътиқод ва анъ-

аналарни қайта тиклаш билан эришишіга интилган. Мутафаккир кишиларни осмонға ва аждодлар руҳига сифинишнинг илгариги аҳамиятини қайта тиклашга даъват этган.

Қадимги анъаналарга күра, дунё тартибли ва ўзаро алоқадор абадий ибтидо бўлиб, бир хил қонуниятлар асосида спиралсимон ривожланади. Одам ўзаро алоқадор ва тартибли оламда ўз ўрнини топиши керак. Бунинг учун у мукаммалликка интилиувчи «идеал киши» тўғрисидаги гояни ишлаб чиқсан. Олам билан ҳамоҳанг яшашга қодир бўлган инсонни «олижаноб эр», унинг антиподини «паст киши» деб атаган. Идеал кишига қўйидаги бешта сифат хос: ҳиссийлик, бурч, билим, меъёрни билиш ҳисси ва ишонч.

Олижаноб инсон бурч ва қонунга итоат этади. Паст киши «ёғли» жойни эгаллашга ва кўпроқ фойда олишга интилади. Биринчиси ўзига иккинчиси одамларга талабчандир. Олижаноб инсон тўғрисида унинг майда ишларига қараб баҳо бериб бўлмайди, лекин катта ишларни унга ишониб топшириш мумкин. Паст кишига катта ишларни ишониб топшириб бўлмайди, унинг майда ишларига қараб хулоса чиқарса бўлади. Биринчиси одамлар билан келишиб яшайди, лекин уларга тақтид қилмайди. Паст киши бошқаларга эргашади, лекин улар билан келишиб яшай олмайди. Олижаноб инсонга хизмат қилиш осон, лекин уни хурсанд қилиш қийин, чунки у заруратдан шодланади. Иккинчисини хурсанд қилиш осон, лекин унга хизмат қилиш қийин. Олижаноб инсон инсонпарварлик ва зарурат сабабли ўлимга тик боради, аммо паст киши умрини ўз жонига қасд қилиш билан якунлади. Олижаноб инсон уч нарсадан: Осмон амридан, буюк инсонлардан ва ақдли сўзлардан қўрқади. Паст киши Осмон амрини билмайди ва ундан қўрқмайди, амали катта ақдли одамлардан нафратланади, уларнинг маслаҳатларига амал қилмайди<sup>1</sup>.

Барқарор жамият тўғрисидаги гоялар ижтимоий тартибогнинг асосий тамойилини ишлаб чиқилишига асос бўлган.

<sup>2</sup> Қаранг: Древнекитайская философия: Собр. текстов. Т.1. – М., 1972.  
– С.120.

Ота оталигини, фарзанд фарзандлигини, ҳукмдор ҳукмдорлигини, хизматчи хизматчилигини қылсын, яғни ҳар бир киши ўз вазифаси ва ҳуқуқини билсін ҳамда талаб қилингандын бажарсін. Жамият шу асосда юқори (бошқарувчы) ва паст (мекнаткаш) табақаларга ажратылған. Табақалар ўргасидаги тафовут насл-насаби, давлати билан эмас, балки биліми ва фазилатлари билан белгіланған. Бұ паст табақа вакилларининг истеъоди ва фазилатлари билан мансаб шоҳсупасидан императорға күтарилишига имкон берган. Хитой тарихида паст табақа вакилларининг император таҳтини эгаллаб, ўз сулоласига асос солған ёки давлат бошлиғы лавозимига күтарилғанлығы тұғрисида күплаб мисоллар көлтириш мүмкін.

Конфуцийликда аждодлар руҳига сиғиниш маросимлари асосий ўринни эгаллаган ва уларнинг аник бажарилишига катта эътибор берилған. Маросим орқали ҳар бир киши коинотнинг чексиз оқимида ўз ўрнини топади, деб ҳисобланған.

Диний этикада «сяо» таълимоти қабул қилингандын. Үнга күра, ҳар бир фарзанд ота-онасини ҳурмат қилиши ва доимо уларға содиқ қолиши талаб қилинади. Оқыл фарзанд ота-онаси ким бўлмасин, улардан воз кечишіга ҳақли эмас. Хитой диний ривоятларида ота-онаси оч қолганда, уларға та-насини кесиб, ундан таом тайёрлаб берган фарзандлар тұғрисида ҳикоя қилингандын.

Аждодлар руҳига сиғиниш ва «сяо» таълимоти оиласи қадриятларнинг жамияттада мустаҳкамланишига ёрдам берган. Оила жамиятнинг негизини ташкил қылған ва шахс манфаатларидан оила манфаатлари устун қўйилған. Оиласи муносабатларни ташкил этишда ҳиссияттади, туйғулар мұхим эмас. Мұхаббат ўткинчидир. Унинг йўқлиги эр-хотиннинг асосий бурчи ҳисобланувчи кўп фарзандли бўлиш ва уларға тарбия бериш вазифасининг бажарилишига халақит бўрмаслиги лозим.

Аждодлар руҳига сиғинишнинг мұхим жиҳатларидан бири – катталарға сўзсиз бўйсуниш. Ҳар қандай катта кишига, ота-она, давлат хизматчиси ёки ҳукмдорга кичик, ходим ёки фуқаро сўзсиз итоат этиши лозим. Ёшларни каттага кўр-кўронда бўйсуниши фозиллик ҳисобланғандын.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, ҳозирги даврда конфуцийлик Хитойда олдинги мавқенини йўқотган бўлсада, диний эътиқод сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолган.

### **Иудаизм дини**

Иудаизм дини Фаластинда милоддан аввалги II минг йилликнинг охирлари – Іминг йилликнинг бошларида вужудга келган. «Иудаизм» атамаси яхудий қабилалар иттифоқига кирган (Рувит, Симон, Левин ва Иуда сингари) 12 қабиланинг энг каттаси номидан олинган. Милоддан аввалги X асрда улар Иуда қабиласи атрофида бирлаштирилган. Қабила вақили Довуд Исроил-яхудий давлатининг подшоҳи лавозимини эгаллаган.

Милоддан аввалги XIII асрда яхудий қўчманчи қабилалари Фаластинга бостириб келишига қадар тотемизм, анимизм ва сеҳргарлик авж олган ва кўпхудолик амалда мавжуд бўлган. Яхудийларнинг диний эътиқодида яккахудолик фоялари Фаластинни босиб олганидан кейин шаклана бошлаган. Бу жараён узоқ вақт давом этган. Дастреб баш худо сифатида Яхве (Иегова) тоҳлар, чақмоқ, момақалдироқ ва сув худоси қабул қилинган бўлса-да, аҳоли кўпхудолик анъаналарини сақлаб қолган. Милоддан аввалги 622 йилда подшо Иосиф кўпхудолик амалиётини тугатиш мақсадида Яхведан бошқа худоларга сифинишни бекор қилган. Лекин яккахудоликни жорий қилиш мақсадида давлат томонидан кўрилган чоралар ҳам самара бермаган. Милоддан аввалги 586 йилда Янги Бобил подшоси Навуходоносор Иудеяни босиб олганидан кейин вазият тубдан ўзгарган. Навуходоносорнинг буйруғи билан Куддусдаги иудаизмнинг бош ибодатхонаси вайрон қилинган. Яхудийларнинг бир қисми Месопотамияга мажбуран кўчирилган. Исроилда мустақиллик учун кураш бошланган. Иудаизм дини яхудийларнинг давлат мустақиллигини қайта тиклаш ва мажбуран кўчириб юборилган юртдошлирини Ватанига қайтариш учун курашида (диаспора) мафкура вазифасини бажарган. Шу вақтдан бошлаб яккахудолик фояси яхудийларни бирлаштирувчи диний мафкура сифатида жамиятда мустаҳкамланган.

Иудаизм дини ақидалари ва маросимлари муқаддас манбаларда баён қилинган. Улар муқаддас битиклар (Танак) ва муқаддас ривоятлар (Талмуд – қадимги яхудий тилида *ламейд* – ўрганиш деган маънони англатади)га бўлиниди.

Танак – христианликнинг муқаддас китоби Инжил (Библия)нинг Эски аҳд қисмига киритилган. Танак манбаларда Таврот деб қайд этилади. Таврот милоддан аввалги X–V асрларда ёзилган ва қуидаги китоблардан иборат: Борлик, Чиқиши, Ловий, Сонлар, Иккинчи қонун. Милоддан аввалги V асрда муқаддас битик ягона тўплам сифатида дастхат қилинган. Тавротнинг қисмларида Яхвенинг ягоналиги, оламнинг яратилиши, Адам ва Еванинг жаннатдан қувилганлиги, уларнинг авлодларини саргузаштлари ҳамда худо билан мураккаб муносабатлари тасвириланган.

Муқаддас манбаларда қайд этилган ривоятларга биноан, пайғамбар Муса (Моисей)га Синай тоғида худо Яхведан вахий келган. Худо Яхве унинг восита чилигига яхудий халқи билан аҳднома «завет» тузишни таклиф этган. Аҳдноманинг асосини иккита шарт ташкил этиди. Биринчиси – яхудий халқи Яхвени худоларнинг энг қудратлиси эмас, балки ягона худо, борлиқнинг яратувчиси ва унда юз бераётган ҳодисаларни белгиловчи сифатида тан олиши лозим. Иккинчиси – яхудийларга Яхвега содиқлигини исботласа, худонинг назари тушган халқ имтиёзи берилади ва унинг ҳимоясида бўлади.

Яхудийлар худонинг севимли бандаси бўлиб, уларга ерда инсонпарварлик, тенглик, фаровонлик, ҳамжиҳатлик ва боқий ҳаётга ҳукмрон илоҳий жамиятни қуриш мессиясини бажарувчи халқ масъулияти юқлатилганлиги ақидаси мавжуд. Бинобарин, унга асосланиб раввинлар (қадимги яхудий тилида *rabbī* – менинг устозим деган маънони англатади), яъни руҳонийлар милоддан аввалги 444 йилда яхудийларнинг бошқа халқлар билан қуда-андачилик муносабати ўрнатишини тақиқловчи қонун қабул қилинишига эришганлар. Масаланинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, бир томондан, бу қонун яхудийларни бошқа халқларга қарши қўйиш (ҳатто уларнинг таъқиби)га сабаб бўлса, иккинчи томондан, халқни қийин синовларни енгиб ўтиш йўлида жисплаштирувчи восита вазифасини бажарган.

Яхве Мусага Синай тогида «аҳднома» берган. Аҳдноманинг мазмуни Тавротнинг «Чиқиш» ва «Иккинчи қонун» қисмларида қайд этилган. У ўнта диний ақидалар, ахлоқий-хукуқий нормалардан тузилган. Улар қуидагилардан иборат:

1) фақат Яхвега сифиниш;

2) Яхведан бошқа осмондаги, ердаги, сувдаги ёки ундан пастда турган нарсалар ва мавжудотларни илоҳийлаштиринаслик, уларнинг бутларини яратнаслик ва сифиннаслик;

3) худонинг номини бесабаб тилга олнаслик;

4) ҳафтанинг олти кунида ишлаб, шанба кунида худога сифинишни унутнаслик (зоро, худо дунёни олти кун давомида яратиб, еттинчи кунида фатво берган ва уни муқаддаслаштирган);

5) ота-онани ҳурмат қилиш;

6) одам ўлдирнаслик;

7) зино қилнаслик;

8) ўғрилик қилнаслик;

9) яқин кишиларга ёлғон гувоҳлик бернаслик;

10) яқин кишиларнинг ҳақига хиёнат қилнаслик.

Аҳднома шартлари яҳудийлар учун амал қиласди ва бошқа халқлар вакиллари билан муносабатларда легитимлик кучига эга эмас. Зоро, «жонга-жон, қонга-қон» ақидаси бу муаммога кўпроқ ойдинлик киритиши эҳтимолдан холи эмас.

Тавротнинг «Чиқиш» китобида яккахудолик Моисейнинг яҳудийларни Миср қуллигидан кутқарганидан кейин жорий қилингандиги тўғрисида ҳикоя қилинган. Тарихда яҳудийларнинг Мисрда тутқунликда бўлганлиги қайд этилмаган. Ривоятда акс эттирилган ҳодисалар яҳудийларнинг Фаластинни босиб олиш учун кураши даври бўлса керак.

Иудаизмнинг муқаддас ривоятлари Талмуд (қадимги яҳудий тилидаги ламейд сўзидан олинган бўлиб, ўрганиш, таҳлил қилиш деган маъноларни англатади) ҳисобланади. Диаспора даврида Тавротнинг матнларига шарҳлардан тузилган. Милоддан аввалги II–I асрларда Талмуд оғзаки анъана шаклида ёйила бошлади. Милодий III–V асрларда дастхат қилинган. Жиноий ва фуқаровий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, ахлоқ нормалари, диний ақидалар

ва қоидаларнинг шарҳлари, оиласиий ва шахсий ҳаёт масалалари юзасидан маслаҳатлардан тузилган.

Диний ақидаларни тафсир қилиш кейинги даврларда ҳам давом эттирилган. Ўрта асрларда иудаизм ўзининг эски мазмунини сақлаб қолган ҳолда бироз ўзгарган. XI–XII асрларда иудаизмда ҳукмронлик қилган раввинлар унинг қўп томонларини қайта ишлаб чиққанлар. Ўрта асрнинг кўзга кўринган файласуфларидан бири бўлган раввин Маймонд иудаизмнинг 13 та асосий ақидасини тузиб чиққан. Улар қуйидагилардан иборат: 1) оламни яратувчи худо бор; 2) у битта; 3) у жисмсиз; 4) у ибтиносиз; 5) фақат худонинг бир ўзига сифиниш керак; 6) табиий сир – ҳақиқат; 7) Мусо пайғамбарларнинг энг улуғи; 8) тора (таврот), яъни инжилнинг биринчи беш китоби Мусога худо томонидан берилган; 9) Мусонинг қонунларини бошқа қонунлар билан алмаشتариб бўлмайди; 10) коинот худонинг иродаси билан бошқарилади; 11) яхшиларга яхшилик, ёмонларга жазо бор; 12) Исроилга ҳалоскор келади; 13) ўлганнинг тирилиши ҳақиқат.

Маймонд ёзган юқоридаги ақидалар орқали иудаизмни янада кучайтириш, унинг феодализм манфаатларини кучлироқ ҳимоячисига айлантириш. Динни шаккоклик ва куфрлардан ҳимоя қилиш, иудаизмни замонавийлаштиришга уриниш эди. Янги ақидаларда иудаизмнинг ҳалоскорлик вазифасини кучайтириш ҳам мақсад қилиб олинган.

Иудаизм таълимотини дастур сифатида қабул қилган сиёсий ташкилотлар тизими сионизм юзага келган. Сионизм сўзи Сион тоғлари номидан олинган.

Сионизм пайдо бўлган вақтдан бошлабоқ иудаизмнинг яхудий ҳалқи «худонинг арзандаси» деган датвосини байроқ қилиб олган. Сионизм ўзаро боғланган иккита мақсадни ишлаб чиқиб, уларни изчил амалга ошириб келмоқда. Бу мақсадлар қуйидагича: 1) тарихий сабабларга кўра турли томонларга кетиб, ўша жойларда қўп асрлардан бўён яшаётган яхудийларни ўз юртларига, яъни аждодларининг Ватанига қайтариб келиш ва Исроил давлатини Ер юзидағи жаннатга айлантиришга хизмат қилдириш; 2) агар шахс яхудий миллатига мансуб бўлса-ю, аммо яшаб турган жойидан Исроилга кўчиб кела олмаса, уни ўша ердан туриб Исроилни

иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб-куватлашга ҳисса қўнишга даъват қилиш.

Иудаизмда яхудийларнинг қундалик турмуши билан бос-лиқ муносабатларни тартибга солишга катта эътибор берилади. Масалан, ҳар бир диндор таом истеъмол қилиш, жинсий муносабатлар, жамоат жойлари, ибодатхоналардаги хулқ-атвор қоидалари ва ҳоказоларни тартибга соладиган 365 та тақиқ ва 248 та буйруқларни ёддан билиши керак.

Мазкур динда диний байрамларга алоҳида эътибор берилади. Уларнинг асосийлари қуидагилардан иборат: шаббат (шанбалик) – дам олиш куни ва бунда ҳар қандай ижтимоий фаолият тақиқланади, йом киппур (чекланиш куни) – бир кунлик рўза, тавба-тазарру қилиш; песах (пасха) – баҳорнинг бошланishi байрами ва ҳоказолар.

Иудаизмда диний ташкилот тарихий тараққиёт босқичларида ўзгариб борган. Дастрас диндорлар жамоаларига коҳинлар раҳбарлик қилганлар. Диний ҳаёт Яхве (Кулдус) ибодатхонасида марказлаштирилган. Диаспора даври бошланганидан кейин диний ҳаётда синагога – раввин (устоз) раҳбарлигидаги диндорлар жамоаси тузилган.

Хозирги даврда иудаизм Исроил давлатида асосий дин бўлса-да, давлат дини мақомига эга эмас. Шунга қарамасдан, у давлатнинг мададига гаянади. Унинг ижтимоий ҳаётга таъсири жуда кучли. Диний жамоалар раҳбарлари раввинлар давлат хизматчиси мақомига эга. Раввинлар фуқаролик ҳолатини расмийлаштирадилар. Куролли кучларда тарбиявий ишларни олиб борадилар, диний маросимларга раҳбарлик қиладилар.

Иудаизм диний жамоалари Исроилдан ташқари жаҳоннинг жуда кўп давлатларида фаолият олиб боради. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам расмий диний конфессия сифатида тан олинган.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, Иудаизм яккахудоликка асосланган энг қадимги динлардан бири, ривожланган диний маросимга эга, ҳалқнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилувчи миллий динdir. Асрлар давомида такомиллаштириб келган мазкур диний таълимот ва маросимлар тизими жаҳон дини мақомида ҳалқaro муносабатларда фаол иштирок этиб келаётган христианлик ва ислом ақидаларининг шаклланишга бекиёс ҳисса қўшган.

## **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Диний тизимларнинг юзага келиши сабаблари нималардан иборат?
2. Диний тизимларга хос қандай хусусиятларни биласиз?
3. Қадимги Месопотамия диний тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Қадимги Шумер худоларига сифиниш қачон пайдо бўлган?
5. Қадимги Месопотамия диний таълимоти ва маросимлари нималарда акс этган?
6. Қадимги Мисрда фиръавнлар нима сабабдан худо сифатида улуғланган?
7. Қадимги Мисрнинг диний маросимларига хос хусусиятлар нималардан иборат?
8. Яккахудолик тўғрисидаги гоя ластлаб қаерда юзага келган?
9. Қадимги Мисрда нега одам ўлганидан кейин мумиёланган?
10. Фарбий Европа маданиятининг ривожланишига қайси қадимги дин катта ҳисса қўшган?
11. Қадимги Греция динига хос бўлган хусусиятлар нималардан иборат?

## 4-мавзу

### ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ

#### Зардустийликнинг келиб чиқиши сабаблари ва муқаддас битиги

Милоддан аввалги VII–VI асрларда Марказий Осиёда қабилавий иттифоқлар ва бошқаруви уруғ-аймоқчилик муносабатларига асосланган Хоразм ва Бақтрия қадимги давлат бирлашмалари юзага келган. Бу мамлакатлар минтақада узоқ вақт давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларнинг ҳосиласи бўлган. Улар таъсирида жамиятда тутган ўрни, имкониятлари ва аҳамиятига кўра бирбиридан фарқ қиласидиган гуруҳлар, табақалар ва синфлар юзага келган. Давлат эса мавжуд ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилот вазифасини бажарган.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз берган ўзгаришлар талабларига ибтидоий маданият, шу жумладан диний эътиқод ҳам мос келмаган. Шу боис, мавжуд диний эътиқодни янги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий муносабатларга мослаштириш зарур эди. Зардустийлик эса мазкур талабларга мос диний таълимот ва ўзига хос дунёқарашибатида юзага келган.

Зардустийликнинг юзага келиши сабаблари қуйидагилардан иборат:

—жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, синфлар ва давлатнинг юзага келиши натижасида эски муносабатларни акс эттирувчи ибтидоий дин шаклларнинг янги давр талабларига мос келмай қолиши;

—табиат кучлари, мавжудотлар ва руҳларни муқаддаслаштирувчи, вазифалари ноаниқ гайритабиий кучларни ифодалайдиган уруғ-қабилавий дин, ўз қиёфасига эга, ишлаб чиқариш соҳаларига ҳомийлик қиласидиган, куч ва имкониятларига кўра гуруҳлашган қудратли худолар билан алмаштириш зарурати;

—маънавий тажрибани умумлаштириш ва уларга илоҳий тус бериш билан жамият ва давлатни янада мустаҳкамлаш эҳтиёжӣ.

Зардӯштийликнинг қаерда вужудга келганлиги масаласида мутахассислар турлича маълумот берадилар. Фарб (Европа ва Шимолий Америка) мутахассисларининг аксарият қисми зардӯштийликнинг Эронда юзага келганлиги эътироф этадилар. Шарқда ҳам ушбу масалада мунозаралар давом этаётган бўлса-да, кўпчилик мутахассисларнинг фикрита кўра, зардӯштийлик Хоразм ёки Бақтрияда юзага келган. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг юзага келиши билан бу масаладаги баҳслар янада кучайди.

Бизнинг фикримизга кўра, тарихий диний ва бошқа манбалар зардӯштийликнинг Хоразм воҳасида юзага келганлигини кўрсатади. Авестода: «Биринчи муқаддас олов — Атархурра Эран-веж (баъзи манбаларда Айриан веджа)да ёқилди дейилади<sup>1</sup>. Мазкур ҳудуд географик ва иқлимий тавсифига кўра, Хоразмга тўғри келади.

Зардӯштийликка таҳминан 2700 йил олдин Хоразмда яшаган тарихий шахс Зардӯшт Сепитома асос солган. Зардӯшт илоҳиётшунос, файласуф, шоир ва табиатшунос олим ва мутафакир сифатида жамият тараққиётига тўскинлик қилаётган қабилавий диний эътиқодларнинг ўрнига, элатларни бирлаштирувчи, яккахудолик белгиларига эга, янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларга мос диний тизимнинг асосини ишлаб чиқсан. Ўзининг диний қарашларини оддий меҳнат аҳлига тушунарли тилда ёзилган «Готлар» шеърий тўпламида баён қилган. Мазкур тўплам кейинчалик зардӯштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг «Ёсин» деб аталган қисмига киритилган.

«Зардӯшт» сўзи қадимги форс тилида *uštara* — туя, зарат — сариқ, яъни кекса туячи, туячилар авлоди деган маъноларни англатади. Қадимги Грек манбаларида мутафакир зороастр (грекча *actron* — юлдуз деган маънони англатади), яъни донишманд мунажжим деб юритилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқ. Диншунослик: Маъruzалар матни. — Т., 2000. — Б.38.

«Зардуштийлик» атамаси мазкур динга нисбатан Ўрта асрлардан бошлаб қўлланилган. Зеро, Зардуштнинг диний таълимотни ишлаб чиқищдаги беқиёс хизматлари инобатга олинган бўлса керак. Бунгача у Мазда Ясна, яъни мутлақ оқил зотга сигиниш деб аталган<sup>1</sup>.

Диний ривоятларга кўра, Зардушт одамларни янги динга даъват қилиш фаолиятини бошлашдан олдин ибодатхонада коҳинлик хизматини бажарган ва қирқ ёшида илохий ҳақиқатга эришган. Зардушт кунларнинг бирида (эрта тонг палласида) муқаддас ичимлик «ҳаома» (хушёрлик, тийраклик баҳшида этувчи муқаддас ичимлик)ни тайёрлаш мақсадида дарёдан сув олиш учун келган. Бу ерда унга унга порлоқ хилқат -- Вахумана кўринган. Вахуманадан таралиб турган нурдан Зардушт соя ташламаган. Порлоқ хилқат уни ортидан эргаштириб, худо Ахура Мазданинг (Авестода Ахуро Маздоҳ -- қадимги форс тилидан сўзма-сўз таржимаси -- оқил, донишманд худо деган маънони англатади) олдига олиб борган. Ахура Мазда уни одамларга илохий ҳақиқатни етказиши учун танлаганини маълум қилган. Шу вақтдан у худо Ахура Мазда ҳикматларини ёйувчи вакил, яъни пайғамбарлик (эзгулик ҳақида ларак берувчи киши) фаолиятини бошлаган<sup>2</sup>. Лекин аввалида Зардуштнинг даъваткорлик фаолияти муваффақиятсиз чиқкан. Ўз ютида муваффақиятсизликка учраган Зардушт мақсадига эришиш учун ватанини тарк этишга мажбур бўлган. Кўшини Бақтрия давлатида Зардуштга омад қулиб боқсан. Бақтрия маликаси Хутоса ва Шоҳ Виштаспа зардуштийликни қабул қиласанлар. У Бақтриянинг давлат дини сифатида тан олинган.

Зардуштийликнинг Шарқ мамлакатларида кенг ёйилиши Аҳмонийлар империяси даврига тўғри келади. Милоддан аввалги VI асрда Аҳмонийлар шоҳи Камбиз зардуштийликни давлат дини деб эълон қиласан. Бу воқеа мазкур диннинг бутун империя худудига ёйилишига шарт-шароит яратган. Диний таълимот янада ривожлантирган. Диний маросим ва урфодатларни ишлаб чиқиш жараёни якунланган.

<sup>1</sup> Авество: Яшт китуби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т., 2001. – Б.36.

<sup>2</sup> Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. – Т., 1994. – Б.105.

Зардустийлик таълимоти асослари муқаддас Авесто (қадимги форс тилида – ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар деган маъноларни англатади) тўпламида баён қилинган. Авесто матнини тўплаш ишлари тахминан 2700 йил олдин бошиланган. Тўпламнинг матни дастлаб мидия, бағтрия, сўёдига ёзилганилиги тахмин қилинмоқда. Милоддан аввалги IV асрда тўпламни тузиш ишлари якунланган, лекин матнинг кўшимчалар киритиш асрлар оша давом этган. Шу боис Авесто биз учун ўзига хос йилнома вазифасини ўтайди.

Бизгача етиб келган Авесто матнларининг энг қадимги қўйёзмалари милодий III–IV асрларда дастхат қилинган. Шунингдек, Эрон ва Ҳиндистонда ҳозирги зардустийлар жамоаларида қўлланиладиган муқаддас тўпламнинг матнларидан ҳам фойдаланилган. Зардустийликка эътиқод қиласидаги ҳар қайси эзат ёки миллат Авестога қўшимчалар киритганлари сабабли матнларда тафовутлар бўлиши музин. Европа олимлари таржима қилган муқаддас тўпламнинг нусхалари асосан Ҳиндистондаги зардустийлар жамоаларида сақланиб қолган нусхалариdir.

Тарихий манбаларда қайд этилишига кўра, Аҳмонийлар империясини ва Марказий Осиёning бир қисмини босиб олган македониялик Искандар Зулқарнайн (милоддан аввалги 334–327 йиллар) 12 минг буқа терисига ёзилган Авестонинг нодир нусхасини қўлга киритган. Матнлар Искандарда катта қизиқиши уйғотган. Шу боис унинг бир қисмини грек тилига таржима қилирган. Таржима қилинмаган матннинг катта қисми эса йўқ қилинган. Лекин Авесто матнининг кенг кўламда йўқ қилинини исломнинг ёйилиши давридан бошланган.

Авесто 21 қисм (наск)дан иборат тўплам бўлиб, бизга қадар унинг тўртга қисми етиб келган: «Вандидот», «Ясна», «Виспрат», «Яшт» насклари<sup>1</sup>.

Ясна илски худоларга ҳамду сано, муножог ва қурбонлик қилини дуоларидан тузилган. Унинг матни 72 бобга бўлинган бўлиб, бизгача тўлиқ етиб келмаган. Зардустининг шеърий услугда ёзган хатнома (ғот)лари 17 боб ҳажмда шу қисмига кирилган.

Яшлар наски – зардустийларнинг худоларини мадҳ этувчи қўшиқ. Аҳура Мазда яратган маъбуд ва маъбудалар (Авестода язатлар деб юритилади) шаънига ўқиладиган дуо ва алқов шеърларидан тузилган. Наск 22 бобдан иборат бўлиб, шундан 10 таси сақланиб қолтан.

Виспорад наски (барча боблар деган маънони англатади) яшларга қўшимча тарзда ёзилган бўлиб, 25 бобдан иборат. Унинг қисмлари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Виспорад намоз вақтида ўқиладиган оят ва суралардан, оламни билишга оид панд-насиҳатлардан тузилган.

Вандидот (вийдаивадота сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, девларга қарши қонун деган маънони англатади) 22 бебдан иборат бўлиб, улар бизгача тўлиқ етиб келган. Вандидог асосан девларни маҳв этишга мўлжалланган дуолар, покланиш тартиби, Аҳура Мазда ва Зардустнинг савол-жавобларидан тузилган.

Авесто матнининг ҳажми жуда катта бўлиб, диндорларга тушуниш жуда қийинлиги сабабли, диний таълимотнинг асосий фояларини қисқа ва содда тилда баён қилувчи китобга эҳтиёж туғилган. Тарихий зарурат натижасида диндорлар кундалик ибодатларда фойдаланадиган дуолар ва бошқа асосий диний маросимлардан тузилган «Хурда Авесто» («Кичик Авесто») тўплами яратилган. Унда бизгача етиб келмаган наскларнинг матнлари ҳам мавжуд.

Авестода Ўрта Шарқ давлатларининг милоддан аввалги II минг йилликнинг бошларидан милодий I минг йилликнинг ўрталаригача ва ундан кейинги тарихий даврлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Матнга қадимги даврнинг халқ оғзаки ижоди намуналари (афсоналар, ривоятлар, эртаклар ва маталлар) киритилган. Унда маъбуд ва маъбудаларнинг вазифалари, ўзаро курашлари ва тақдирлари акс эттирилган.

Муқаддас Авесто диний ва илмий аҳамиятга эга ёзма манбадир. Унда зардустийлик қабул қилинган қадимги давлатларнинг иқлими, географик ўрни, хўжалиги, уларда яшаган қабилалар ва элатларнинг урф-одатлари, анъаналари, ўзаро алоқалари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, зардустийлик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, мулкий тенгиззлик, синфлар

ва давлат билан боғлиқ янги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатларни акс эттирувчи диний таълимот вазифасини бажарган. Унинг юзага келишида Зардуштнинг хизмати катта бўлган ва диний таълимотида адолат, ахлоқ, масъулият, мустақил фикрга ҳурият, софлик каби қадриялар устуворлиги сабабли у катта ҳудудга ёйилган, асрлар оша одамлар онгидаги сақланиб қолган.

Мустақиллик йилларида мазкур битикининг аҳамиятига муносиб баҳо берилди. Авестонинг 2700 йиллигига бағишлиб ҳалқаро илмий анжуман ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида қатор илмий ва илмий оммабоп мақолалар чоп этилди, туркум кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрланди.

### **Зардустийлик таълимоти ва маросимлари**

Зардустийлик таълимотига биноан, борли ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, адолат ва адолатсизликлар каби қарама-қаршиликлардан ташкил топган. Бу қарама-қаршиликлар табиат ва жамиятда турлича қўринишда намоён бўлади. Табиатда улар ҳаёт ва ўлим, иссиқлик ва совуқлик, ёруғлик ва зулмат кучларини ифода этади. Ижтимоий ҳаётда улар адолат ва адолатсизлик, қонунга итоаткорлик ва қонунларга бўйсунмаслик сингари қўринишларида намоён бўлади.

Қарама-қаршиликлар воқеа ва ҳодисаларнинг манбандир. Яхшилик ва ёмонлик, иссиқлик ва совуқлик каби кучлар ўртасида тўхтовсиз кураш боради. Бу кураш худолар даражасида ҳам мавжуд. Донишманд худо Ахура Мазда – эзгулик ва яхшилик тимсоли. Ахура Маздани Авестода йигирма сифатга эга илоҳ деб таърифланади. Бу Ахура Мазданинг гўзал исмларидир.

Ахура Мазда борлиқни яратувчи ва ҳамма нарсани биладиган олий худодир. У ўзини яхши иши ва яхши сўзлари билан намоён қиласи. Ахура Мазда одамларга ёмонлик қilmайди, уларни фақат эзгу ишларга даъват этади. Зардустнинг талқинида Ахура Мазда олий ибтидо бўлиб, унинг турмуши одамларнидан фарқ қиласи. Уни ҳеч ким яратмаган, оиласи йўқ, дунёдаги барча воқеа-ҳодисалардан хабардор, улар Ахура Мазданинг хоҳиши билан содир бўлади.

Ахура Маздага дунёдаги барча ёмонликларнинг тимсоли – Ахриман (ёвуз рух) қарши туралди. Ахура Мазда Ахриман (Анхра Майнйу)ни одамларнинг ибрат олишлари учун ўз жисмидан яратган. Шу боис у Ахура Маздага қарши туралди, дунёда ёмонлик, зулм ва зулматнинг яхшилик ва ёруғлик устидан ғалаба қилиши учун курашади. Донишманд худо дунё ва ундаги ҳаётни, ёруғликни, умуман, барча ижобий воқе-ликларни яратган бўлса, ёвуз рух ўлим, зулмат, совуқлик ва одамларга зиён-заҳмат етказувчи жонзодларни яратган.

Эзгулик илоҳи Ахура Мазда ва ёвузилик руҳи Ахриман ўртасидаги кураш фақат уларнинг ўзларига хос эмас. Бу курашда уларнинг ёрдамчилари ҳам иштирок этади. Ахура Мазда аввало олти нафар энг яқин ёрдамчиларига таянади. Жумладан, Воху Манаҳ (эзгу фикр) пода ва чорвани, Аша Вахишиита (юксак ҳақиқат) оловни, Ҳашатра Варъя (муносиб қудрат, ҳокимият) маъданларни, Сиэнта Армати (муқаддас итоат) ерни, Амэрэтат (мангулик) ўсимликлар дунёсини бошқарган. Шунингдек, у ўзига йўлдош илоҳларни яратган. Улар Митра, Анаҳита, Сароши (итоаткорлик, интизом), Аши (тақдирни белгиловчи худо) ва бошқалардан иборат бўлиб, Ахура Мазданинг ёвузиликка қарши курашида унга ёрдам берган. Ахура Мазда яратган худоларнинг айримлари кейинчалик диний тизимда катта нуфузга эга бўлган. Масалан, Митра (куёш худоси) одамларнинг ҳимоячиси сифатида Эронда Ахура Мазданинг ўрнини эгаллаган. У зардуштийлиқдан ташқари бошқа динларда ҳам қабул қилинганди. Масалан, Қадимги Греция ва Қадимги Римда Митра кенг тарқалган.

Ёвуз руҳ Ахриман ҳам Ахура Маздага қарши курашда ёлғиз эмас. Унга ёвуз руҳлар (девлар), сеҳргарлар, ёмон ҳукмдорлар ёрдам беради. Улар табиатнинг тўрт унсури – олов, ер, сув, ва осмон (ҳаво)га зарар етказадилар. Ёвуз ҳукмдорлар бирорвни кўролмаслик, ялқовлик, ёлғон, нифоқ сингари бошқа иллатларни жамиятда мустаҳкамлашига, кишиларга тарқатишга интилади.

Зардуштийлик таълимотида ахлоққа катта эътибор берилади, кишининг маънавий баркамоллиги қадрланади, одамларни имон-эътиқодли бўлишга даъват этилади. Фақат имонли

одам эзгуликни ёвузиқдан фарқлай олади. Зардустийлик имони фикрларнинг соғлиги, сўзнинг событилиги, амалларнинг инсонийлигига асосланади.

Одамлар тозаликка ва тартиб-интизомга қатъий риоя қилишлари керак. Кишилардаги меҳр-шафқат, ота-она, оила ва Ватанга муҳаббат, миннатдорлик ҳис-туйғулари улуғланади. Ота-онадан фарзанд олдидағи бурчини бажарышлари талаб қилинади. Битта динга эътиқод қиласидаги одамлар бир-бирларига ёрдам беришлари, ҳамжиҳатликла ва аҳилликда яшашлари лозим. Ахура Мазда одамларни меҳнатни севиш, ерга ишлов бериш ва чорвани кўпайтиришга даъват этади. Дунёда моддий бойликларнинг кўпайиши зулм ва ёвузиқнинг йўқолишига хизмат қиласиди.

Зардустийлик таълимотида маънавий қадриятларни жамиятда қарор топтириш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга. Дин кишиларни ҳалол яшашга даъват этса-да, ўз ҳаёт йўлларини эркин танлашларига тўсқинлик қиласиди. Одамлар ахлоқий танлов эркинлигига эга. Худолар даражасида яхшилик ва ёмонлик тарафдорлари ўртасидаги курашнинг натижасига одамларнинг қайси тарафни танлашлари ҳам таъсир этади. Зардустийликда инсонлар худолар ўртасидаги курашнинг ожиз кузатувчиси эмас, балки бу жараённинг муҳим иштирокчилари бўлади. Ҳар бир киши ҳаёт йўлини мустақил танлайди ва ахлоқий танлови учун нариги дунёда ва охиратда шахсан жавобгар бўлади. Одам ҳаёт йўлини эркин танласа-да, унинг тақдирни азалдан белгиланган.

Диний ақидаларда ғайридинлар ва уларни таъқиб қилиш ёки қиласмаслик тўғрисида ҳам ҳеч нима дейилмаган. Диний эътиқоди турлича бўлган одамларнинг тинч-тотув яшашлари раъбатлантирилган. Жамиятда диний муроса ва ҳамкорлик ҳукмронлик қиласиди.

(Диний таълимотда дунёнинг тузилиши тўғрисидаги қарашлар катта аҳамиятга эга. Инсоният тарихи 12 минг йилдан иборат ва тўрт босқичга бўлинади Уларнинг ҳар бири 3 минг йил давом этган.

Биринчи босқичда руҳ, ғоя ва нарсалар бўлмаган. Астасекин ибтидой бўшлиқдан кейинчалик ерда юзага келган нарса ва ҳодисаларнинг дастлабки белгилари шаклланган.

Иккинчи босқичда Донишманд худо (Ахура Мазда) осмон, юлдуз, ой, қүёш, табиат, Одам Ато (Йима) ва биринчи муқаддас буқа (Геуші урван) кабиларни яратган. Йима (Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонила Жамшид деб аталган) худо Ахура Мазданы илк бора тан олган киши. Йима инсониятнинг аждоди бўлиб, барча одамлар ундан тарқалган. Муқаддас буқадан ҳайвонот дунёси вужудга келган. Ахриман ҳам Ахура Маздага қарама-қарши коинотда планеталар ва кометаларни, ерда чўллар, ваҳший ҳайвонлар, касаллик қўзғатувчи жонзодларни яраттан. Қарама-қаршиликларнинг коинотдаги ва сидаги тўқнашувидан бутун борлиқ ҳаракатга келган.

Учинчи босқичда Авестода қайд этилган персонажларнинг фаолияти бошланган. Йима одамлар ва чорвани оламнинг сув босиши фалокатидан қутқарган ҳамда Ахура Мазда ёрдамида одамларга раҳбарлик қилган. Дунёда яхшиликнинг тантанаенга хизмат қилган. Йима подшолигида одамлар шраф уйи (жаннат)да ёмонлик, адолатсизлик, ёвузлик, касаллик ва ўлимнинг нима эканлигини билмай, баҳтли ҳаёт кечиргандар. Шу боис Йиманинг ҳукмронлик даври Авестода «олтин аср» деб аталади. Йима даврида одамлар ер ҳайдаб, дехқончилик қилганлар ва чорва урчитганлар.

Вақт ўтиши билан Йима одамларга кўрсатган яхшиликларидан ғурурланиб, манманлик, ўзгалар дардига бефарқлик йўлига кирган. Мансабидастлик ва ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериши оқибатида Ахура Мазданинг насиҳатларини бажармай қўйган. Оқил худо ман этган муқаддас буқани ов қилиб, унинг гўшитидан таом тайёрлашни буюрган. Манманлик, ўзбошимчалик ва ман этилган ишларни содир этганлиги учун Ахура Мазда Йима ва унинг авлодларини жазоланган. Одамлар жаннатдан чиқарилган, тириклик ташвишлари, еб-ичиш зарурати, касалликларга дучор этилганлар, бўкийлик имтиёзидан маҳрум қилинганлар. Учинчи босқичнинг охирларида Зардуштнинг фаолияти бошланган ва Зардуштнинг сафотидан кейин учинчи босқич тугаган.

Тўртинчи босқичнинг ҳар минг йилда дунёга учта замоскор (пайтамбар) келади. Уларнинг охиргиси — Осўйшайт охиратда дунёга келиб, барча имонлиларнинг руҳларини биҳиш-

тга етаклайди, гуноҳкор бандалар учун худо Ахура Маздадан мағфират сўрайди. Охиратда ёвуз руҳ енгилиб, яхшилик ёмонликнинг устидан узил-кесил ғалаба қиласи. Дунё эритилган темир билан софланиб қайта қурилади. Ердаги ҳаёт тубдан ўзгаради. Яхшилик тантана қиласи, ёмонлик ва ўлим йўқолади. Гуноҳкорлар ўзларининг содир этган ёмонликлари учун пушаймон бўлиб, худодан кечирим сўрайдилар. Янгиланган дунёда ёмонлик йўқ қилинганлиги сабабли гуноҳкорлар ке-чирилади, абадий роҳат-фароғат жамияти барпо этилади.

Охиатда зиддиятларга тўла олам йўқ қилинса ҳам одамлар ундан қўрқмасликлари керак. Зоро, охиатда кишиларнинг азалий орзу-истаги ҳисобланувчи баҳт, адолат, тинчлик ва тенглилка асосланган жамият қурилади. Дунё тамоман ўзгаради ва ундан ёмонликлар бутунлай йўқолади.

Зардуштийлик таълимотида ҳаёт ва ўлимга муносабат тўғрисидаги қараашлар таъсирида ўзига хос кўмиш маросими вужудга келган. Диний ақидаларда қайд этилишига кўра, одамнинг вафот этиши ёвуз кучларнинг эзгуликдан устун келганини оқибатидир. Шу боис танани ёвузиликдан халос қилиш керак. Ёмонликлар тананинг чириши жараённида йўқолади. Ёмонликлардан халос бўлмаган танани муқаддас табиат унсурлари саналувчи ерга, оловга ва сувга ташлаш мумкин эмас. Марҳумни сўнгги манзилига қўйишдан олдин софланиш (кўмиш) маросими ўтказилган. Диний ривоятларга кўра, одамнифот этганидан тўрт кун ўтгач унинг руҳи танани тарқ этиб, ёни аёл қиёфасидаги фариштанинг кузатувида нариги дунёга ўтади. Кўмиш маросими ҳам шунча вақт ўтганидан кейин бажарилган. Марҳумнинг жасади эрта тонгда күёш чиқмасдан олдин темир замбилига ортилиб коҳин ва яқин қариндошларини кузатувида Индамаслар минораси деб аталадиган мозорга слив борилган. Индамаслар минораси унча катта бўлмаган биною бўлиб, Баландлиги 4,5 метрни ташкил этган. Бинонинг боли марҳумни кўмиш майдони вазифасини бажарган. Майдон ёш болалар, аёллар ва эркакларнинг жасади қўйиладиган қўясмалардан иборат бўлган. Марҳумнинг жасади мальум муддатга шу ерга қўйилган. Жасаднинг софланиши (чириши) жараёнини тезлаштириш мақсадида йиртқич ҳайвон-

лар (асосан итлар)дан фойдаланилган. Йиртқич ҳайвонлар жасадни ғажиб бўлганидан кейин қолган суяклар йигиб олиниб, миноранинг ўртасида қурилган қудуққа ташланган ёки сопол идиш (ассуарий)га солиниб, науслар деб аталадиган ер остида қурилган иншоатларга кўмилган.

Зардуштийликда табиат унсурлари тупроқ, сув, ҳаво ва олов муқаддаслаштирилган. Уларни ифлослантириш кечирилмайдиган гуноҳ санаётган. Муқаддас табиат унсурлари қаторида олов алоҳида ўринга эга. Ахура Мазданинг рамзий белгиси ҳам олов бўлган. Шу боис зардуштийлар баъзан оташпарастлар деб аталган.

Зардуштийлар ибодатхоналарида муқаддас олов ёниб турган. Ибодатхонада муқаддас олов учун икки метр баландликдаги, тўрг тоғонали супа қурилган. Олов супанинг марказида мисдан қўйилган ўчоқда ёқилар эди. Супадаги олов доимо ёниб туришини коҳинлар назорат қилиб турган. Коҳин оқ матодан тикилган қўйлак, бош кийим, буруни ва оғзини ёпиб турадиган ниқоб тақиб (ҳозирги жарроҳ шифокорларнинг муолажа вақтида киядиган кийимиға ўхшаш) оловнинг олдига яқинлашиши мумкин эди. Ибодатхонага сифинишга келган диндорлар муқаддас оловни кўриш имкониятига эга эмас эди. Улар муқаддас оловнинг аксини ёки шуъласини кўриши мумкин бўлган. Муқаддас олов аввало шаҳар ибодатхоналарига, улардан қишлоқ ибодатхоналарига ва ундан кейин диндорларга берилган. Ибодатхоналардаги оловлар аҳамияти жиҳатидан фарқ қилган. Ҳар қайси ҳукмдор ўзининг оловига эга бўлган.

Муқаддас оловнинг жуда кўп турлари бўлиб, Эронда адолат илоҳи Вараҳрам (Бахром)нинг олови алоҳида улуғланган. Бу олов жамиятнинг турли табақалари вакилларининг ўчоғи ва бошқа манбалар (ўн олти оловдан)дан тўплланган. Оловнинг энг қадрлиси яшин тегиб ёнган дараҳтдан олингани ҳисобланган.

Табиат унсурлари қаторида олов билан бирга сувга катта эътибор берилган. Сувнинг ҳаёт манбай эканлиги аҳолисин асосан сунъий суғоришга асосланган деҳқончизик билан шугулланувчи минтақамиз учун алоҳида аҳамият ва мазмунга эга эди. Шу боис сувни эъзозлаш ва ундан тежамкорлик

билин фойдаланишга илохий тус берилган. Сувни ифлослантириш, яъни унга турли (нотоза) нарсаларни ташлаш, бехудага исроф қилиш оғир гуноҳ саналган. Ёмғир ёғаётган вақтда одамларнинг ерни ва сувни ифлос қилмасликлари учун ҳатто уйдан ташқарига чиқишлари тақиқланган.

Зардустийлиқда ўзига хос ибодат қилиш маросими шаклланган. Диндорлар Аҳура Маздага бир кунда беш марта синганлар. Ибодат жануб томонга қараб, тоза жойда ва ёмон ерлардан йироқда бажарилган. Зардустийлар эрта тонгда, уйдан чиқиш ва кириш вақтида, софланиш, кечки уйқудан олдин ҳамда диний маросимларни бажариш вақтларида ибодат қилганлар.

Зардустийлиқда тозаликка эътибор диний ақида дара-жасига кўтарилиган. Тозалик ҳам жисмоний, ҳам маънавий аҳамиятга эга бўлган. Маънавий тозалик кишининг ички маданияти, адолат, ҳақиқатни сўзлаш, инсонпарварлик, меҳршафқатлилик сингари умуминсоний ахлоқ нормаларидан иборат. Жисмоний тозалик деганда покиза, тоза ва орастя яшаш билан бирга, муқаддас нарсаларни ҳам ифлослантири-маслик тушунилган. Нотоза (ёвузлик тимсоли) деб қабул қилинган ўсимликлар, ҳайвонлар ва ҳашаротларга, ўлган одамнинг майитига тегишиш гуноҳ ҳисобланган. Бунга йўл қўйган киши мураккаб софланиш маросимидан ўtkazilgan. Нотоза ишларни бажарадиган кишилар жамиятда энг паст табақани ташкил этганлар. Улар ўлган одамнинг майитини ювиш, тобутни қабрга кўтариб бориш каби «нотоза» ишларни бажаргандар. Мазкур табақа вакиллари бошқа гуруҳлардан алоҳида яшаганлар. Уларнинг жамоат фойдаланадиган сув манбаларига яқин келишлари ва ҳатто соялари тушишига ҳам йўл қўйилмаган.

Заруштийлар жонзодларни ҳам нотоза ва тоза турларга ажратгандар. Нотоза деб қабул қилинган ҳайвонларга яқинлашган киши софланиш маросимидан ўtkazilgan. Тоза ҳайвонлардан хўжаликда фойдаланилган. Қони оқизиб юборилган тоза ҳайвонларнинг гўшти истеъмол қилинган.

Жамиятда табақалар ўртасидаги иқтисодий ижтимоий ва ҳукуқий тентсизликка қарамасдан хотин-қизлар унинг тўла

хуқуқли аъзоси ҳисобланган. Тарихий манбаларда қайд этилишига кўра, хотин-қизлар эркаклар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга ва оиласда ўз мулкини эрининг хоҳишидан қатъи назар мустақил мерос сифатида қолдириши мумкин бўлган. Зардуштийлик эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини мустаҳкамлаган.

Зардуштийликка эътиқод қилувчилар жуда кўп диний маросимларни бажаришган. Диний маросимларга эса коҳинлар раҳбарлик қилган. Маросимларнинг кўплиги коҳинларнинг моддий жиҳатдан муҳтожликни билмай яшашларига имкон берган. Коҳинларнинг жамиятдаги мавқеи жуда баланд бўлиб, улар алоҳида табақани ташкил этган. Шунинг учун коҳинлик отадан фарзандга мерос бўлиб ўтган. Коҳин ўз фарзандини ёшлигидан бўлғуси касбга тайёрлаб борсада, номзод узоқ вақт ўқитилган ва бир неча босқичдаги синовлар ҳамда покланиши маросимларидан ўтказилган. Фақат кўп босқичли синовлардан муваффақият билан ўтган касбга даъвогарларгина коҳинлик мартабасига муссар бўлган.

Диний маросимлар ибодатхоналар, очиқ майдонлар ва диндорларнинг уйларида ўтказилган. Зардуштийлик вужудга келган дастлабки даврларда оммавий диний маросимлар очиқ майдонларда ва диндорларнинг уйларида ўтказилган. Дастрраб ибодатхоналарнинг қурилиши Аҳмонийлар империяси лавридан бошланган. Ибодатхоналар «олов уйлари» деб аталган. Уларнинг режаси бир хил бўлиб, тош ёки пахсадан қурилган. Бинонинг ички ва ташқи қисмидаги деворлари сувоқланган. Биноларда қимматбаҳо безакларнинг йўқлиги сабабли кўриниши бошقا жамоат биноларидан деярли фарқланмаган. Ибодатхонанинг марказида доимо олов ёниб турадиган ҳужра бўлган.

Аҳмонийлар давригача зардуштийликда худоларнинг тасвири акс эттирилмаган. Айнан шу вақтдан бошлаб худо Аҳура Мазданинг қиёфаси Оссурия давлатининг бош худоси қуринишида тасвиrlанган. Ибодатхоналарда Аҳура Маздадан ташқари бошқа худолар ва ҳукмдорларнинг ҳайкаллари қўйилган. Аҳмонийлар подшоси Артаксеркс II (милоддан аввалги 404–359) ҳукмронлиги даврида сув ва ҳосилдорлик маъбуда-

си Анахитага бағишланған ибодатхоналар қурилған ва уларға маъбуда ҳайкаллари жойлаштырылған.

Зардустийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан узок давом этған рақобатларга бардош берған. Бу борада мұваффақиятта эришган бўлса-да, бошқа диний эътиқодларни миңтақадан тўлиқ сиқиб чиқариб, ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилмаган. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасининг пастлиги, вилоятларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан биқиқлиги бунга имкон бермаган. Одамлар янги динни қабул қилиш билан бирга ўзларининг анъанавий эътиқодини ҳам сақлаб қолганлар. Муайян миңтақада зардустийлик көнг тарқалған бўлса-да, бошқа диний эътиқодлар ҳам сақланиб қолган.

Диний эътиқоддаги хилма-хиллик ҳукмдорларнинг муайян динни танлашдаги эркинликларида ҳам кузатилған. Македониялик Искандар ва унинг ворислари миңтақамизда Олимпия худоларига сифинишни қўллаган бўлсалар, Кушон давлати ҳукмдорлари буддавийликни қабул қилиб, уни мамлакат ҳудудида кенг ёйишга ҳаракат қолганлар. Сосонийлар давлати ҳукмдорлари зардустийликни ҳар тарафлама қўллаб қувватлаганлар. Бутун мамлакат ҳудудида кўплаб олов уйлари қурилған. Милодий VIII асрнинг бошларида Марказий Осиёнинг бир қисмини босиб олган Араб халифалиги давлати исломлаштириш сиёсатини олиб борган. Исломдан ташқари барча диний эътиқодлар тақиқланған. Зардустийлар ибодатхоналари бузиб ташланған ёки масжидларга айлантирилған. Зардустийлик эътиқодини сақлаб қолганлар «коғирлар» деб эълон қилинған. Уларнинг фуқаровий ҳуқук ва эркинликлари чекланған, маҳсус солиқ олинған ва мажбуриятлари талаб қилинған.

Зардустийлик ислом сиқувида кагта талафот кўрса-да, йўқолиб кетмаган. Зардустийликка содиқ диндорлар жамоалари яшаш учун нокулай жойлар (дашт ва чўллар)га, беніқа мамлакатларга кўчирилған. Эронда ҳозир ҳам унга сигинадиган уруғлар мавжуд. Минглаб зардустийлар Ҳиндистонга кўчиб ўтганлар. Ҳиндистонлик зардушгийлар форслар деб аталған. Вақт ўтиши билан улар маҳаллий аҳоли билан қўши-

либ кетганлар. Фақат коҳинлар диний эътиқодларига со-диқликни сақлааб қолганлар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, зардуштийлик нафа-қат жамиятда соғлом турмуш гарзини қарор топтиришга, балки Шарқ давлатларида ахлоқий қадриятларни кенг ёйишга хизмат қилган. Одамларнинг маънавий қадриятларга амал қилиб яшашлари, жаннат ва дўзах, қиёмат, одамнинг қайта тирилиши ва илоҳий давлатнинг яратилиши сингари foяла-ри кейинчалик христианлик ва ислом дини таълимотлари-нинг ишлаб чиқилишида муҳим манба вазифасини ўтаган.

### **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Зардуштийликнинг вужудга келиши сабаблари нима-лардан иборат?
2. Авесто матни неча қисмдан иборат ва уларнинг мазму-нини тушунтиринг?
3. Авестонинг илмий аҳамиятини тушунтириб беринг.
4. Нима сабабдан зардуштийлик яккахудолик дини ҳисоб-ланади?
5. Яхшилик ва ёмонлик ўргасидаги курашда инсон қандай ўринни эталлади?
6. Нима сабабдан зардуштийлар баъзи манбаларда оташ-парастлар деб аталади?
7. Зардуштийликнинг исломга таъсирини қандай исбот-лаш мумкин?
8. Зардуштийлар қандай диний маросимларни бажарган-лар?

## 5-мавзу

# БУДДАВИЙЛИК ВА ҲИНДУИЗМ: ДҮНЁҚАРАШ, ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

### Буддавийликнинг моҳияти ва хусусиятлари

Жаҳон цивилизациясининг қадимги марказларидан бирини бўлган Ҳиндистонда милоддан аввалги VI асрда буддавийлик (санскрит тилида *buddha* – осойишталикка ва буюк ҳақиқатга эришган деган маъноларни англатади) дини юзага келган. Янги диний таълимотнинг вужудга келиши турли сабаблар билан боғлиқ бўлган. Милоддан аввалги VI асрда ўнлаб майда князликларга бўлиниб кетган Ҳиндистонда давлат ҳокимиятини марказлаштиришга ҳаракатлар кучайган. Ҳиндистон жамиятининг жуда кўп касталар (португал тилида *casta* – ирқ, уруғ, табақа)га бўлиниб кетишига сабабчи бўлган брахманизм бундай жараёнларни рағбатлантирурган. Шу боис бир-биридан сунъий равицида ажратиб таштанган касталарни (Ҳиндистонда варна деб аталади) умумий мақсад атрофида бирлаштиришга тургки берувчи мафкурага зарураг туғилган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистоннинг Шимолий ва Марказий қисмини босиб олган орий қабилаларининг диний эътиқоди ва маҳаллий қабилалар динларининг синтези натижасида вужудга келган брахманизм ҳинд жамиятининг касталарга бўлинишини муқаддаслаштириши билан бирга, диний таълимотнинг тилсизмотларини, ҳукмрон брахманлардан ташқари бошқа касталарни таништиришини истамаган. Давлатчилик ривожланишининг илк босқичларида бундай ҳолат ҳеч кимни ажаблантирурган бўлса-да, кейинчалик давлат ҳокимияти тимсолида ўз қўлида куч ва моддий бойликларни гўплаган табакалар (қиатрнялар ва бошқалар) диний тилсизмотлар тағсилоти, илоҳий ҳақиқатга эришиш, ҳаёт ва ўлим чуаммомлари билан бевосига танишишга қизиқа бошлагандар.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида Ҳиндистонда турли табакаларнинг диний таълимотни ўрга-

нишга интилишларининг кучлилиги ўша даврда маънавий маданиятнинг юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Буддавийликка тарихий шахс, кшатрия қастасининг вакили Сиддихартха Гаутама (гаутама сўзи уруғнинг номидан олинган) асос соглан. У Шимолий Ҳиндистондаги Шакъя князлигининг шаҳзодаси бўлган. Диний ривоятларга кўра, Сиддихартханинг онаси илоҳий равишда унга ҳомиладор бўлади (онасининг тушида биқинига фил кириб кетади, фарзандини ҳам биқинидан туғади). Бола туғилганидан кейин онаси вафот этади. Суюкли хотинидан жудо бўлган отаси Сиддихартха Мудсхадана фарзандининг тарбиясига жиддий эътибор беради. Натижада Сиддихартха Гаутама ўз даврининг ўқимишли кишилардан бири бўлиб етишади. Ўша вақтдаги етук мураббийларнинг тарбиясини олган ўсмир балофат ёшига етганидан кейин билимини янада кенгайтириш ва илоҳий ҳақиқатни англаш мақсадида тарки дунё қиласди (ўша даврда илоҳий ҳақиқатга фақат шу йўл билангина эришиш мумкин деган фоя бўлган) ва бу давр олти йил давом этади. Бенарес шаҳри ёнида медитация билан шуғулланган Сиддихартха Гаутамага кунларнинг бирида буюк ҳақиқат аён бўлади ва у буддага айланади. Шу вақтдан бошлаб у одамлар орасида ўзининг таълимоти (Бенарес даъвати)ни тарғиб қила бошлайди.

Сиддихартха Гаугама асос соглан буддавийлик таълимоти брахманизм ақидалари негизида ишлаб чиқилган. Бунда, асосан, руҳнинг абадийлиги ва танадан танага кўчиши – сансара, унинг бир танадан бошқасига кўчиши – карма ва карманинг қандай бўлиши кишининг ҳаёт йўли, яъни дхармага боғлиқлиги каби таълимотлар қабул қилинган.

Буддавийлик таълимотига биноан, чексиз қайта туғилишлар занжири (сансара)ни узиб ташлаши мумкин. Сансара занжиридан чиқиб кетиш ҳар бир диндорнинг туб мақсади бўлиши керак.

Буддавийлик брахманизм таълимотининг асосларини қабул қилиши билан бирга, унга мухолиф дин ҳам бўлган. Биринчи навбатда, буддавийлик брахманизмга хос бўлган бўйлиқ, ҳокимият ва ҳаётий лаззатларга интилишлардан воз

кечиб, улардан халос бўлишнинг ўртача йўлини танлаган. Бойлик, ҳаётий лаззатларга хирс қўйиш кабилар тубанлик ва маънавий бузилишларга олиб келади, унинг антиподи жайнизмнинг ихтиёрий зоҳидлик фояси ҳам инсонийлик руҳига муносиб эмас деб ҳисобланган. Брахманизмда руҳнинг кўчишини фақат брахманлар тўхтатиши мумкинлиги тўғрисидаги ақида қабул қилинган.

Буддияйликда кишининг қайси табақага мансуб бўлишидан қатъи назар, илоҳий ҳақиқатга эришиши мумкинлиги қайд этилган. Шунингдек, илоҳий ҳақиқатга индивидуал асосда эришиш йўли қабул қилинган. Индивидуал халос бўлиш йўли одамларнинг ўз тақдирини ўзгартириши мумкинлигига ишончини мустаҳкамлайди, индивиднинг ички дунёсини дин талаблари асосида такомиллаштиришга имконият яратади.

Брахманизм жамиятнинг касталарга бўлинишини худо белгилаган қонун даражасига кўтарган бўлса, буддияйликда кишиларнинг табақавий тенгсизлиги инкор этилган. Ҳар бир инсон (тирик жон)да мутлақ руҳнинг бир зарраси музжассамлашганлиги сабабли худо олдида тенг ҳисобланган. Буддияйликдаги одамларнинг худо олдида тенглиги фояси унинг кейинчалик жаҳон дини даражасига кўтарилиши учун шарт-шароит яратган.

Будда таълимоти қўйидаги тўртта буюк ҳақиқатга асосларади:

- 1) ҳаёт изтироблардан иборат;
- 2) изтиробларнинг манбаи – эҳтирос ва истакларга тўла ҳаёт;
- 3) изтироблардан нирванага (санскрит тилидан сўзмасўз таржимаси – ўчиш, сўниш детан маънони англатади) эришиш орқали халос бўлиш мумкин;
- 4) ҳақиқатни англаш ва нирванага эришишнинг йўли мавжуд.

Диний таълимотда ҳаётнинг изтироблардан иборат эканлиги қайд этилади. Изтироблар кишини доимо таъқиб қилаади. Одамлар ўз манфаати ва эҳтиёжларини таъминлаш учун доимо тўсиқлар ва қийинчиликларни енгиб ўтишга маъбур бўлади. Мақсад сари ташланган ҳар бир қадам тўхтосиз ра-

вишда янгидан-янги изтиробларни вужудга келтиради. Киши изтироблардан халос бўлиш учун эҳтирос ва истакларидан воз кечиши керак.

Будда изтироблардан халос бўлиш ва нирванага эришишнинг саккиз босқичли йўлини ишлаб чиқсан:

1) тўғри эътиқод – ҳаётнинг изтироблардан иборат эканлигини идрок этиш, истак ва эҳтиросларни онгли равишда чеклаш;

2) тўғри йўл – киши ўз ҳаёт йўлини тўғри танлай билиши;

3) тўғри сўз – инсоннинг гапи самимий ва адолатли бўлиши;

4) тўғри иш – куч ишлатишга йўл қўйилмағлиги;

5) тўғри ҳаёт – тинч, покиза ва адолатли яшаш;

6) тўғри фикр – инсон ўз фикрининг тўғри эканлигини назорат қилиши;

7) тўғри ният – ёмонликнинг жисмимизда мужассамлашганлигини билиш;

8) тўғри мушоҳада – медитация ва мушоҳада қилишининг тўғри усулларини танлаш.

Киши бу босқичларни бирин-кетин ўзлаштирали, бир босқичдан бошқасига ўтиши билан ижтимоий ҳаёт занжирларидан озод бўлиб, маънавий эркинликка эришади, нирванага яқинлашади ва мутлақ руҳ (худонинг жисми)га қўшилишга тайёр бўлади.

Буддавийлик таълимотига кўра, нирвана киши ички дунёсининг шундай ҳолатики, унда барча ҳиссиётлар, ҳаётий кўникумалар ва дунёга қизиқишилар сўнади. Одам ички ўзлигидан ва у орқали яшашга интилиш асосида руҳнинг тўхтовсиз қайта туғилишини ҳосил қилувчи сабаблардан халос бўлади. Киши ички эркинликка эга бўлади. Бу шундай эркинлик ва руҳий ҳолатки, унга эришган кишига ҳатто худолар ҳам ҳавас билан қарайди.

Нирванага эришиш йўли жуда мураккаб бўлиб, ташқи томондан ёрдам бўлмаса, киши мустақил равиша унга эриша олмайди. Шу боис бу йўлни танлаган кишиларга нирванага эришиш ҳолатида бўлган, лекин ўзи босиб ўтган йўлдан кўпроқ одамларнинг ўтиши учун ёрдам беришга тайёр ту-

рувчи авлиёсифат одамлар – бодхисатвалар (санскрит тилида – табиатан уйғотувчи, зиё берувчи киши деган маъноларни англатади) устозлик қилади.

Буддавийлик ҳар қандай күренишдаги кескинликларга қарши бўлганлиги сабабли, нирванага эришин йўлини танлаган кишидан албатта тарки дунё қилишни, ҳаёт қувончларидан воз кечиб, дунё кезиб юришни талаб қилмайли. Таркидунёликни танлаган одамлар одатда ибодатхона жамоали – сангага бирлашиб яшайдилар.

Буддавийликла ибодатхоналар (ҳиндуларда сангалар деб аталади) руҳонийларнинг иерархия принципи асосида ташкил этилмаган ягна ташкилоти ва буддавийликни ташвиқот қилувчи маркази бўлиб қолган. Ибодатхоналарда жамоа аъзоларидан шахсий гигиенага амал қилишлари билан бирга, яшайдиган жойларининг тоза бўлиши ҳам талаб қилинган. Эркаклар сангалари билан бирга, аёллар сангалири ҳам ташкил этилган. Аёллар сангалари кам сонли бўлиб, асосан аҳоли пунктларига яқин жойларда қурилган. Бу ердаги диний маросимларни унга яқин турган эркаклар сангаларининг руҳонийлари бажарганлар.

Ибодатхоналарда руҳонийлар диний маросимларни бажариш билан бирга, диний маълумот олганлар, муқаддас ёзувлар матнини кўчирганлар ва бойитиб борганлар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан милодий I асрнинг бошлирида буддавийликнинг муқаддас китоби «Тринитака» (санскрит тилида – учта сават деган маънони англатади) ёзил туталланган.

Тринитака уч қисмга (питакка) бўлинади ва қўйидаги лардан иборат:

– «Виная питака» бешта китобдан тузилган бўлиб, унда сангаларни ташкил этиш принциплари, жамоага янги аъзоларни кабул қилиш тартиби, роҳибларнинг турмуши ва диндорлар билан муносабатлари тартибга солинган;

– «Сутта питака» (сутралар савати) ҳажми бўйича энг катта қисм бўлганб, диний таълимот массалаларига багишланган. Буни ва унинг шигирдларига тегишли хикоялар, панджасмиҳатлар, афсоналар тўпламидан иборат поэмалар ва уларга берилган шарҳлардан тузилган;

— «Абхидхамма питака» (дхарма савати) еттида китобдан иборат бўлиб, унда диний-фалсафий ва ахлоқий муаммолар баён қилинган. У Будда ваҳийлари сифатида талқин қилинган. Лекин у дастлабки икки қисмга нисбатан анча кейин яратилган ва айрим буддавийлик мазҳабларида муқаддас битик сифатида тан олинмаган.

Бошқа динлар қатори, буддавийлик ҳам оқим ва мазҳабларга бўлинади. Буддавийлиқда иккита асосий оқим мавжуд. Улар қўйидагилардан иборат:

1) *ҳинаяна оқими* (санскрит тилида *hinayana* — кичик арава деган маънони англатади) халос бўлишнинг тор йўли бўлиб, мазкур йўлни танлаган диндорларнинг дунёвий ҳаётдан воз кечишлари ва роҳибликни қабул қилишлари талаб қилинади. Роҳиблар халос бўлиш ва нирванага эришишнинг индивидуал йўлидан бориб, архатлар (санскрит тилида *arhat* — авлиё одам деган маънони англатади) даражасига эришадилар. Архатлар нирванага эришган, яъни маънавий поклик ва ҳақиқатни билиши орқали изтироблардан халос бўлган ҳамда руҳнинг қайта туғилишини тўхтатган авлиёлардир. Ҳинаяна кишининг роҳибликни қабул қилмасдан самовий роҳат-фароғатга эришишини инкор этмайди. Лекин бундай ҳолат вақтингчалик деб ҳисобланади. Нирванага эришиши учун унинг руҳи қайта туғилиб, роҳиблик турмуш тарзини қабул қилишига тўғри келади;

2) маҳаяна (санскрит тилида *mahayana* — катта арава, буюк йўл деган маъноларни англатади) халос бўлишнинг кенг йўлидир. Маҳаянада бодхисатванинг (санскрит тилида — унинг моҳияти билимдир деган маънони англатади) мурраббийлигига дунёвий киши маънавий покланиш қоидаларига амал қиласа, нирванага эришиши мумкин деган фоя мавжуд. Бу йўлни танлаган одам қўйидаги ахлоқ қоидаларига амал қилиши лозим:

- 1) жонзодларни ўлдирмаслик;
- 2) ўғрилик қилмаслик;
- 3) зино қилмаслик;
- 4) ёлғон гапирмаслик;
- 5) эҳтиросларчи қўзғатадиган ичимликларни истеъмол қилмаслик.

Маҳаянада кишидан хүлк-атвор қоидалари ва жуда кўп диний маросимларни бажариш талаб қилинади. Маҳаяна архатлик ғоясини одамларга хос ҳудбинликнинг бир кўриниши деб баҳолаб, бодхисатванинг руҳий мукаммаллик қоидаларига амал қилиш орқати нирванага тўлиқ эришиши мумкинligини тарғиб қиласди. Бодхисатваларроҳиблар ёки дунёвий кишиларнинг нирванага эришишларига ёрдам берар экан, бундан бирон-бир манфаат кўзламайди. Улар изтироблардан халос бўлиб, илоҳий мукаммаллик даражасига етган ва руҳининг қайта туғилишини тўхтата олган бўлсалар ҳам, бу йўлдан яна кўпроқ кишиларни ўтказиш мақсадида яна қайта туғилаверадилар. Бодхисатвалар одамлар тарафида туриб, уларнинг зиммасидаги юмушларни енгиллаштириш, илтижоларининг бажарилишига кўмаклашиш каби ғайритабиий кучга эга авлиёлар сифатида улуғланадилар. Шунинг учун маҳаянада диний маросим ва урф-одатларга катта эътибор берилади.

Буддавийликда кундалик, даврий ва киши ҳаётининг муҳим воқеалари билан боғлиқ бўлган маросимлар мавжуд. Кундалик маросимларга ҳар куни бажариладиган ибодат, роҳибларга озиқ-овқат улашиш ва бошқалар киради. Буддавийлар кундалик ибодатни икки марта – эрталаб ва кечкурун бажарадилар. Эрталабки ва кечкурунги ибодат ибодатхонада, уйла ёки бундай иш учун мос келадиган бошқа жойларда бажарилади. Ибодат вақтида Будда ҳайкали ёки унинг рамзий белгилари олдида мұқаддас ёзувлардан суралар (санскрит тилида – ип, калава деган маъноларни англатади; диний-фалсафий таълимотларнинг қисқача баёни) ифодали ўқилади, унга таъзим бажо келтирилади. Будда ҳайкали гуллар билан безатилади, шам ёқилиб, хушбўй ҳидди исироқлар тутатилади. Гуллар ибодат иштирокчиларига ҳаётнинг ўзгарувчанлигини муаттар исириқ ҳидлари эса уларга муносиб яшаш келажақдаги ширин онларнинг гарови эканлигини эслатиб туради. Шам илоҳий ҳақиқатга эришишнинг рамзий белгисидир. Кундалик маросимларга роҳибларга озиқ-овқат улашиш ҳам киради. Уларга моддий ёрдам бериш савоб ҳисобланади.

Даврий маросимларга бир ойда икки марга эхтиёжларни чеклаш маросимини мисол келтиришимиз мүмкін. Маросим эзтиқоднинг мустаҳкамлигини, интизомни ва маънавий етуклик даражасини синашга йўналтирилган. Бундай кунларда роҳиблар интизом тўғрисидаги низом қоидаларини гарғиб қиладилар, бу қоидаларга содик эканликларини шахсий ҳаётлари билан намойини этадилар. Руҳонийлар шахсий хизматлари ва савобларини одамлар билан бўлишиши мақсадида уларга сув сепадилар. Одамлар яхшиликларини аждодлари билан баҳам кўриш мақсадида ерга сув сенадилар.

Киши ҳаётининг муҳим воқеалари билан боғлиқ маросимларга туғилган кун, балогат ёши, оила қуриш, янги уйга кўчиш, вафот этган кунни нишонланаш кабиларни мисол келтириш мүмкін. Бундай маросимлар руҳонийлар раҳбарлигига ўтказилади.

Буддавийларниң асосий байрамлари – янги йил кирган, илоҳий ҳақиқат аён бўлган. Будда туғилган ва вафот этган кунлардир. Буддавийликда янги йил кишининг шахсий кармасида ўтган йил давомида қандай ўзгаришлар бўлганлигини сарҳисоб қилиш, покланиш ва янги эзгу мақсадларни режалаштириш билан боғлиқ байрам деб қаралади. Ҳинаяна оқимига мансуб буддавийлар янги йилни ой тақвими ҳисобида апрель ойининг ўрталарида нишонлайдилар. Янги йил байрами уч кун давом этади. Байрам тантаналарида одамлар Будда ҳайкалини сув билан поклайдилар, роҳиблар ва оқсоқолларга яхши тилаклар билдириб, сув сенадилар. Роҳиблар ҳам савоб ишларини байрам иштироқчилари ва аждодлари билан баҳам кўриш мақсадида тантаналарда иштироқ этадилар. Байрам тантаналари қурғоқчилик мавсумининг тугаши ва ёғингарчиликнинг бошланиши даврига тўғри келади. Шундай вақтда кишиларниң бир-бирига сув сепиб, яхши ниятлар тиляшлари нафақат диний байрам билан, балки янги йилда об-ҳавонинг дехқончилик учун қулай келиши ва илоҳий кучлар ҳам уларга мададкор бўлишини ният қилишлари билан ҳам боғлиқ.

Будда туғилган, илоҳий ҳақиқат аён бўлган ва Будда вафот этган кунлар турли вақтларда нишонланади. Ҳинаяна

бuddavийлари бу байрамларни бир кунда, яъни майнинг ой тўлишган кунида байрам қиладилар. Шри-Ланка оролида бу кун оловлар байрами леб аталади. Байрам куни хонадонларда, болгар ва қўчаларда чироқлар ёқиб қўйилади. Японияда буддавийлар Будда туғилган кунни 8 апрелла, илоҳий ҳақиқат аён бўлган кунни 8 декабрда, у вафот этган кунни 15 февралда нишонлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, буддавийлик Ҳиндистонда вужудга келган ва ерда зафарли юриш давридан ўтиб, бутун Ҳиндистонга ёйилган. Лекин у диний таълимотлар ўртасидаги курашда ҳиндуизм билан рақобат қила олмаган. Натижада буддавийлик Ҳиндистондан сиқиб чиқарилган. Бунинг сабаби қуидагилардан иборат:

1) буддавийлик жамиятнинг касталарга бўлинишини инкор этади. Ҳиндистонда одамлар қадимдан табақаларга бўлиниб яшаган. Ҳар бир каста ўзининг анъаналари ва тасаввурларига эга бикиқ ижтимоий гуруҳ бўлиши билан бирга, ўзининг бетакрор маданий қадриятларини яратган. Шунинг учун касталарга бўлиниш буддавийлик даврида ҳам сақданиб қолган. Каста тузумига асосланган ҳинд жамияти буддавийлик ёки ҳиндуийликни танлашга тўғри келганда аҳоли жамиятнинг касталарга бўлинишини илоҳийлаштирадиган ҳиндуийликни афзал кўрди;

2) буддавийлик таълимоти ҳинд ҳалқи менталитетига ҳам мос келмаган. Табиатига кўра, доимо умид ва ишонч билан яшайдиган, эҳтиросли, қувноқ ҳалқ тушкун ғоялар устуворлик қилувчи буддавийликдан аста-секинлик билан воз кечган;

3) маълумки, буддавийликда куч ишлатмаслик ғояси тирик жонзодларга зулм қилиш ва уларни ўлдиришни тақиқлайди. Бу эса асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган дехқонларнинг жамиятдаги мавқеи пасайишига олиб келган. Чунки дехқончиликда чорва молларининг кучидан кенг фойдаланилиши сабабли, улар одатда оғир меҳнатдан нобуд бўлаверган.

Юқорида қайд этилган ва бошқа сабаблар таъсирида буддавийлик узоқ давом этадиган сиёсий кураш ва ҳарбий тўқнашувларсиз, тинч йўл билан ўз ўрнини ҳиндуийликка бўшабиберган. Ҳиндуийликнинг сиқуви натижасида милоддан

аввалги IV–III асрларда дастлаб у Осиё қитъасининг жануби ва жануби-шарқига, милодий I асрдан бошлаб шимоли, шимоли-ғарби ва шимоли-шарқига ёйилган. Буддавийлик Ҳиндистондан ташқарида биринчи бўлиб Цейлон (Шри-Ланка)да давлат дини сифатида қабул қилинган. Бу ерда роҳиблар ва буддавийликни қабул қилилган диндорлар уюшмасидан диний ташкилот – сангхатар пайдо бўлган.

Буддавийликнинг йирик марказларидан бири Ҳиндихитой яриморолидир. Ҳиндихитойда Жануби-шарқий Осиёдаги буддавийларнинг 95% га яқини истиқомат қиласди. Ҳиндихитойга буддавийлик Хитой орқали кириб келган. Хитоғга эса Марказий Осиё орқали милодий I асрдан кириб кела бошлаган. Бу ерда буддавийликнинг маҳаяна оқими кенг ёйилган. Унинг минтақала туллаб яшинаган даври милодий VI–X асрларга тўғри келади. Маҳаяна таълимоти жула соғла бўлиб, ўрта ва қуйи табақа вакиллари уни ҳинаяннага нисбатан яхши тушунинган. Маҳаянанинг негизини ташкил этган ғоялар хитойликларнинг менталитетига мос келган. Сабаби, маҳаяна нирванани субъектив (индивидуал) воқелик эмас, балки бутун оламни қамраб олувчи борлиқ, Будданинг табиати сифатида қарайди. Унинг табиати буюк бўшлиқ бўлиб, ҳамма нарса ундан келиб чиқади ва унга қайтади. Буюк бўшлиқнинг яратувчилик моҳияти тўғрисидаги ғоя Хитой буддавийлиги таълимотининг тамал тоши ҳисобланган.

Хитой буддавийлиги чань-буддавийлик деб аталади. «Чань» сўзи ҳиндиларнинг «дхъяна» атамасидан келиб чиққан ва фикрни тўплаб олиш, диққатни қаратиш, медитация қилиш деган маъноларни англатади.

Буддавийлик таълимоти Хитой тимсолида ўзига хос бетакрор маданий муҳитга дуч келган. Унинг маҳаллий диний қарашлар билан мuloқоти натижасида даосизм таълимотининг мұхим жиҳатларини акс эттирувчи чань-буддавийлик таълимоти вужудга келган. Чань-булдавийлик таълимотига кўра, диний ҳаётнинг асосий мақсади кишининг руҳан мөддий дунё билан узвий кўшилишидир. Бу жараён ҳатто кишининг ўзлигидан воз кечишини талаб қиласди. Мақсалга эришишнинг асосий воситаси ўзига хос бўлиб, кишилан

ҳаракатсизликни талаб қилади. Чунки фақат ҳаракатсизлик орқали кишининг ички табиати намоён бўлади.

Медитациянинг моҳияти талқинида ҳам ўзгаришлар юз беради. Унинг мақсади кишининг ўз ички «мен»ини, ички дунёсини билишдан иборат. Киши Буддани ўзилаи, ички дунёсидан ахтариши керак. Уни ташқи дунёдан излаган одам адашади. Одам ички табиатида шахсий истакларидан воз кеча олса, ўзини англайди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, чань-булдавийликка биноан, халос бўлиш Будданинг табиати билан қўшилишdir. Бунинг учун тер тўкиб тўхтовсиз муроқаба (медитация) билан шуғулланиш ёки муқаддас сутраларни тинимсиз такрорлаб туриш керак эмас. Агар Будда жисмимизда бўлса, уни тер тўкиб излаш керак эмас, акс холда уни излашдан фойда йўқ. Шунинг учун киши бутун олам оқими билан уйғунликда яшаши ва унга сингиб кетиши керак. Бунинг асосий воситаси ҳаракатсизликdir.

Чань-булдавийликнинг яна бир хусусияти шундаки, диндорларнинг асосий мақсади, яъни нирванага эришиш йўли Сиддихартха Гаутама таълимотидан фарқ қиласди. Чань-булдавийлар таълимотида халос бўлишга фикр равшанлиги асосида эришилади. Ҳинаянада фикр равшанлиги халос бўлиш йўлидаги бошланғич босқичлардан биридир. Фикр равшанлиги – кишининг ички дунёсини ўзgartирувчи йўл бўлиб, унда одамнинг нафақат белгилаган мақсади, балки руҳи ва маънавий ўзлиги ҳам ўзгаради. Бундай босқичга эришган одамнинг онги олам маромига қўйилиб кетади. Ундаги барча ўзгаришлар бутун олам қонуниятларига мос равишда амалга ошади. Одам белгиланган мақсадига ортиқча ҳаракатларсиз, ўз ички моҳиятини ўзgartiriши жараёнида эришади.

Хитойда чань-булдавийлик билан бирга ламаизм йўналиши юзага келган. «Ламаизм» ибораси Тибетдаги буддавийроҳибларнинг номидан келиб чиқсан. Ламаизмнинг вужудга келган вақти ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Айrim манбаларда унинг XIV аср охири – XV аср бошларида вужудга келганлиги қайд этилган, бошқа манбаларда VII асрда ву-

<sup>1</sup> Звадская Е. В. Эстетические проблемы старого Китая. – М., 1975. – С.334.

жудга келганилиги түғрисида маълумот берилган. Агар биз буддативийликнинг Ҳиндисондан Осиё қитъасининг бошқа қисмларига ёйилиш йўналишини кузатсак, бу жараён узоқ вақт давом этиб, фақат XIV асрга келиб Тибетда узил-кесил вужудга келган, деган фикрга келишимиз мумкин.

Ламаизм таълимоти чань-буддативийлик каби маҳаллий диний қараашларнинг буддативийлик таълимоти билан мулоқоти натижасида шаклланган. Шу боис ламаизм таълимотида ривожланган диний тизим элементлари билан бирга ибтидоий даврга хос қараашлар ҳам мавжуд. Масалан, диний ривоятларда Ер яssi доира шаклида тасаввур қилинади. У океан билан ўраб олинган тўртта материшка бўлинади. Ерни фил кўтариб туради. Фил эса тошбақанинг устида туради. Агар ерда ёмонлик кўпайиб кетса, тошбақа безовталаанди ва қимирлади. Натижада ерда зилзилалар бошланади. Бундай бўлмаслиги учун одамлар гуноҳ қилмаслиги, худога ибодат қилиб яхши яшашлари лозим деб ҳисобланади.

Ламаизм таълимотида тантризм (санскрит тилида  *tantra* – жимжимадорлик, сирли матн, сеҳграрлик деган маъноларни англатади) бояларининг таъсири жуда кучлидир. Тантризм веда динидан келиб чиқкан. Унга қўра, одам ва коинот бир-бири билан боғлиқ воқеликдир. Одам микрокосм (микрокоинот) воқелиги бўлиб, коинотдаги ашёлардан яралган. Унинг танаси ҳам коинотга ўхшаш қилиб тузилган.

Тантризм билан йоғлар амалиёти боғлиқдир. Йог амалиёти орқали одамдаги мудроқ энергетик ибтидо ҳаракатга келтирилади. Бу вазифани киши фақат устоз (гуру) ёрдами билан амалга ошириши мумкин.

Ламаизмда жуда кўп худо (будда)лар ва файритабиий мавжудотлар мавжуд. Худолар гуруҳига будда Шакьямуни бошчилик қиласи. Буддалар вазифалари ва ижтимоий ҳаётдаги мавқеи билан бир-биридан фарқ қиласи. Бунда буддалар билан бирга, бодхисатваларга ва диний таълимотни ишлаб чиқишидаги хизматлари билан ном қозонган ва худолар даражасига кўтарилган шахсларга ҳам сифинилади.

Ламаизмда диндорлар ва диний ташкилотларга бош руҳоний – далай-лама (мўғул-тибетчада – денгиз каби буюк

деган маънони англатади) раҳбарлик қилади. Далай-лама ерда қайта туғилган мавжудотларнинг энг буюги, ердаги худо сифатида улуғланади. Унинг вафот этиши ерда янгидан қайта туғилишнинг бошланишини билдиради. Шунинг учун бош руҳоний вафот этгандан кейин маҳсус ваколатларга эга ҳайъат тузилади. Ҳайъат бир йил муддатда вафот этган далай-лама нинг руҳи ўтган болани ахтариб топиши керак. Бола аниқланганидан кейин ибодатхонада тарбияланади. Ворис деб тоғилган бола балогат ёшига етгунига қадар бош руҳоний вазифасини регент (лотинча *regens* – идора қилувчи деган маънони англатади) бажаради. Ҳозирги вақтда ламаизмнинг бошлиғи Далай-лама XIV Лозондантзенджанцонгвант (1935 йилда туғилган) ҳисобланади.

Одатда, диний ҳаётнинг маркази вазифасини ибодатхоналар бажаради. Ибодатхоналарда диний маросим ва удумлар бажарилади, худога ибодат қилинади, шунингдек улар маърифий ва сиёсий марказ ҳам ҳисобланади. Ибодатхоналарда руҳонийлар, уларнинг хизматкорлари ва шогирдлари яшайдилар, турли диний маросимларни бажаришда қўлланиладиган жиҳозлар, муқаддас матнлар сақланади. Бино деярларининг ички қисмига буддалар ва бодхисатваларнинг тасвири туширилган бутлар қўйилади. Диний маросимлар эса тибет тилида амалга оширилади.

Ламаизмда диний байрамлар унчалик кўп эмас. Уларнинг энг йириги цанагган (оқ ой) байрамидир. Бу байрам қадими ой тақвими бўйича янги йилнинг кириши муносабати билан нишонланади ва тантана ўн олти кун давом этади. Тантана давомида «Будданинг ўн икки мўъжизаси»га бағишлиланган жуда кўп диний маросим ва удумлар бажарилади. Ёз фаслининг ўрталарида «вайдаранинг доира бўйлаб айланиши» деб аталадиган диний байрам ўтказилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, буддавийлик одамларнинг худога итоатдаги тенглиги, халос бўлишнинг индивидуал йўли танланганлиги, бошқа динларга муносабатда бардошлилиги, тарихий шарт-шароитларга мослашувчанлиги каби хусусиятлари билан давлат чегаралари ва бошқа тўсиқлардан ўтиб жаҳон динига айланган.

## Ҳиндуйликнинг таълимоти ва маросимлари

Ҳиндистон диний тизимларининг ақидаларидағи ўхшашликлар, одамларнинг диний эътиқодни танлаш әркинлиги каби омиллар диний эътиқоди турлича бўлган халқларнинг тинч-тотув яшашларига шарт-шароит яратган. Аммо юқоридаги фикрга асосланиб, диний тизимлар ўртасида минақада ҳукмронлик учун кескин кураш бўлмаган, деган холосага келин ҳатодир. Бундай кураш нафақат диний тизимлар ўртасида, балки бигта диний тизимдаги худолар даражасида ҳам тўхтовсиз давом этган. Масаланинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, улар ўртасидаги кескин рақобат жамиятда тўқнашувларни, диний урушларни келтириб чиқармаган.

Буддавийликнинг давлат дини сифатида тан олинганлиги (милоддан аввалги III аср) диний тизимлар ўртасидаги рақобатни сусайтиргмаган. Бу кураш, айниқса, брахманизм ва буддавийлик динлари ўртасида муросасиз кечган. Лекин брахманизм аввалги ҳолатида қайта тикланиши мумкин эмас эди. Натижада брахманизмнинг негизида янги диний таълимот – ҳиндуйлик вужудга келган. Унинг шаклланиш жараёни милюдий I асрга келиб якунланган ва Ҳиндистонда кенг ёйилини милюдий IV–VI асрлардаги Гупталар империяси даврига тўғри келган. Буддавийлик билан ҳиндуйликнинг рақобат кураши узоқ давом этган. Фақат Ҳасрга келиб, буддавийлик Ҳиндистондан узил-кесил сиқиб чиқарилган.

Янги динни «ҳиндуйлик» деб аташ VIII асрда ислом динининг Ҳиндистонда ёйилиши билан боғлиқдир. Ислом динини қабул қиласмаган аҳолини маҳаллий мусулмонлар «ҳиндилар» деб атаганлар ва кейинчалик илмий адабиётда янги дин тарафиорлари «ҳиндуйлар» деб атала бошланган. Ҳиндуйлар ўз диний эътиқодларини «аръя-дхарма» (орийлар қонуни) ёки «санатана дхарма» (абадий қонун) деб атаганлар.

Ҳиндуйлик Ҳиндистонда қадимги давлардан пайдо бўлган барча дин турларини, маҳаллий халқларнинг урф-одатлари, анъана ва удумларини қабул қилган. Ушбу дин буддавийликка кўп жиҳатлари билан ўхшаш бўлса ҳам, каста тизимини муқаддаслаштирганлиги, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни, афсоналар, ривоятлар ва байрамларни

қабул қилиши ва бошқа жиҳатлари билан ундан фарқ қилган. Шу боис, ҳақли равишда, ҳиндуийлик «ҳинд турмуш тарзи» деб аталади.

Янги дин мазмуни ва моҳияти жиҳатидан ниҳоятда кенглиги ва мослашувчанилиги билан ажралиб турган. Ундан турили табақа вакиллари ўзларини қизиқтирувчи муаммоларга жавоб топганлар. Унинг негизида диний тилсимотлар, фалсафий мулоҳазалар, йога фалсафаси ва амалиёти, ибтидой диний қарашлар, диний хурофотлар ва иримлар ўзаро қўшилиб кетган. Зеро, мураккаб фалсафий қарашлар фақат уни тушуниб, ўрганадиган диндорлар учун сақланиб қолган. Аҳолининг ўрта ва қути табақа вакиллари асрлар давомида сақланиб қолган, содда ва тушунарли қадимий маросим ва анъаналарга эътиқод қилишни давом эттирганлар.

Ҳиндуийлик таълимотининг кенглиги, ранг-баранглиги сабабли санскрит тилида ёзилган ведалар, брахманлар матнлари ва упанишадалар муқаддас битик сифатида қабул қилинган. Ҳиндуийликнинг энг қадимги муқаддас битиги – Ведалар (санскрит тилида – билим деган маънони англатади) милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталаригача шеърий услубда ёзилган диний-адабий ёдгорлик. Унга худоларга мадҳиялар айтиш, афсун ва жодулар, ибодатлар ва қурбонликлар қилиш тартиби кабилар киритилган. Ведаларнинг ҳажми жуда катталиги сабабли тўрт тўплам (самхитлар)га бўлинган. Ведалар матнининг мазмунини тушуниш жуда қийинлиги сабабли муқаддас ёзувларни тафсир қилувчи тўплам веданглар (ведаларнинг қисми) яратилган.

Брахманлар матнлари ҳам ҳиндуизмнинг муқаддас битикларидан бири сифатида қабул қилинган. Брахманлар матни касталар тузумининг шаклланиши даврида ведаларни шарҳлашга банишланган диний трактат сифатида яратилган. Ушбу муқаддас битик мазмунан брахманларнинг жамиятдаги раҳбарлик мазкеени мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Диний таълимотнинг муҳим манбаларидан яна бири упанишадалар (санскрит тилида – сирли таълимот деган маънони англатади) бўлиб, диний-фалсафий асарлар тўпла-

ми ҳисобланади. Үнда ведалар шарҳланган, дунёнинг пайдо бўлиши, материя ва руҳнинг муносабатлари, худоларнинг моҳияти каби масалалар таҳдил қилинган. Упанишадалар матни Ҳиндистондаги бошқа муқаддас битиклар сингари жуда узоқ вақт давомида тўпланган. Унинг энг қадимги қисми милоддан аввалги VIII–VI асрларда яратилган. Матнининг айrim қисмлари ёзилган вақт милодий йил ҳисоби бошланган тарихий даврларга тўғри келади.

Муқаддас ёзувлар матни асрлар давомида тўлдириб борилганлиги сабабли уларни ўрганишда тил ва урф-одатлар билан боғлиқ қийинчиликлар вужудга келиши муқаррар эди. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида муқаддас ёзувларни ўрганишга кўмаклашувчи қўшимча адабиётлар яратилган. Улардан бири *суралар* деб аталади. Суралар диний таълимотнинг жуда қисқа баёни бўлиб, авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган. Унинг мазмунини тажрибали устознинг ёрдамисиз тушуниш жуда қийин бўлган. Сураларнинг асосий қисми диний маросимларга бағишлиланган. Шунингдек, уларда ҳукмрон қасталарнинг яшаш қоидалари ва кундалик диний мажбуриятлар баён қилинган.

Муқаддас битикларни ўрганишга кўмаклашувчи суралар билан бирга, ўқув матнлар ҳисобланувчи *шастралар* ҳам вужудга келган. Шастралар шеърий услубда ёзилган бўлиб, диний таълимотнинг турли соҳаларидан билим беради. Улар орасида энг машҳури ахлоқ қоидаларига бағишиланган «Ману қонунлари» (Манава-дхарма-شاстра) ҳисобланади.

Ҳиндуийликнинг муқаддас ёзувлари сифатида «Махобхрат» ва «Рамаяна» достонлари ҳам қабул қилинган. «Махобхрат» достонининг матнларини тўплаш милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига тўғри келади ва бу жараён бир ярим минг йил давом этган. Достоннинг дастлаб ҳиндуийлик таълимоти билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди, лекин руҳоний брахманлар унинг матнига диний мазмундаги кўплаб лавҳаларни киритганликлари туфайли у диний қонунларни ўрганиши асар – дхарма-шастррига айлантирилган.

Ҳиндуийликнинг муқаддас битикларини ўрганиш орқали унинг дуструдоликка асосланган таълимот эканлиги тўғри-

сида холосага келиш мүмкін. Ҳиндуизмда худоларга сиғи-нишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бу борада, энг авва-ло, худоларга қурбонлик ибодат қилишнинг бошқа турлари билан алманширилганлигини қайд этиш лозим. Лекин қон чиқарип қурбонлик қилиш маросими бутунлай йўқ бўлиб кетмаган. Шунингдек, диндорларга ўз эътиқоди ва манфаатларига кўра, қайси худога сиғинишини мустақил танлаш эркинлиги берилган. Ибодатхоналарда ва диний маросимларни бажариш учун ажратилган бошқа жойларда одам, ярим одам ва ярим ҳайвон қиёфасида тасвиirlанган худоларнинг ҳайкаларини қўйини ҳамда уларга сиғиниши кенг ёйилган.

Ҳиндуийликла бош худолар сифатида Браhma, Viшnu ва Шива қабул қилинган. Улар турли соҳаларга ихгисослашган ва бир-бирини тўлдирави. Бош худоларнинг биринчиси – яратувчи худо Браhma. У олий ибтидоий борлиқ ва абадийликнинг бирлигидан ўтканичи ва ранг-баранг дунё, яъни одам ва ундан мавжудотларни яратган. Ҳиндуийлик таълимотида диндорлар Браhma яратсан дунёдан чиқиб кетиб, нирванага эришининг интилади, яъни у ҳиндуийларнинг мақсадига қарама-қарни бўлган вазифани бажарган. Шу боис ҳиндуийлик нуқтани низаридан қараганда, Браhmанинг тәбиат ва одамлар учун қитған хизмати ўзга бош худоларнидан кагта леб ҳисобланмаган. Браhmанинг одамларнинг кундалик ҳаётига зарур бўлган бошқа вазифалари йўқиги сабабли диндорлар ҳам унга најот сўраб мурожаат қилмайди, Браhmанинг шарафига бағишланган диний маросим ва ибодатлар ҳам ўтказилмайди.

Ҳиндуийликнинг бош худолари қаторида иккинчи худо Шива ҳисобланади. Шива – вайрон қилувчи худо, санъат ва билим, айш-ишрат ва ишқий саргузашлар ҳомийси; ҳаётий кучлар, эркаклиқ ибтилоси ва табиат стихиясининг тимсоли. У табиат кучлари каби зиддиятли худо. Шива одамларга ёмонлик қилиб, унинг оқибатларини ўзи бартараф этали, чорвага ҳомийлик қиласи ёки уларга зиён етказади.

Шиванинг зиддиятли моҳияти унинг қиёфасини тасвиirlашда ҳам намоён бўлади. Унинг пешонасида учинчи, яъни вайрон қилувчи кўзи бор, лекин айнан шу кўзи билан у одамлар кўра олмайдиган нарсаларни кўради. Шива танаси

атрофида илонлар ва бўйнида одамларнинг бош суюклари осилиб турган ҳолатга тасвирланади. Ёвуз руҳлар у билан доимо бирга юрадилар.

Шива кўпинча муроқаба (кишининг онги, ҳис-туйгула-ри, сезгилари, жисмоний фаоллиги кабиларни сўндириши ва назорат қилишига ёрдам берадиган амалиёт, усул ва машқ-лар тизими) билан шуғулланаётган йог қиёфасида тасвирланади. У медитациядан рақсга тушувчи худо ҳолатига ўтиши мумкин. Рақс учун қўнгилхушлик воситаси эмас. Шива рақс орқали дунёларни ва ҳаётий кучларни яратади, бутун оламнинг ҳаракат тартибини белгилайди ва уни вайрон қиласди.

Вайрон қилувчи худо ўзининг буюк қурдатини ҳар доим ҳам намоён қила олмайди. Диний ривоятларда айтилишича, у буюк кучни медитациялар давомида тўплайди. Зеро, Шиванинг таркидунёчилик йўлини танлаган қаландарларга ҳомий-лик қилиши сабабли уларда шундай буюк илоҳий куч бор деб ҳисобланади. Унинг илоҳий кучи жинсий муносабатларда ҳам кўпайиши мумкин ва бу куч унинг хотинларига ҳам ўтади. Шиванинг жуда кўп хотинлари унинг қурдатини намоён қилувчи илоҳий мавжудотлар сифатида қабул қилинган. Масалан, унинг хотинларидан бири – маъбуда Дурга ўнта қўлли даҳшиатли аёл қиёфасида тасвирланади. Маъбуда девларга қарши шафқатсиз кураши билан ном қозонган. У диндорлар орасида улуғ она ва аёллик тимсоли сифатида улуғланади.

Шиванинг хотинлари қўрқинчли мавжудотлар қиёфаси-да тасвирланиб, одамларни қўрқув ва умид билан сақлашда унга ёрдам берса ҳам, унинг хотинлари билан ўзаро муносабатлари муҳаббат ва садоқатга асосланган. Мисол учун, Шиванинг биринчи хотини Сати эрининг шаънини ҳимоя қилиб, ўзини оловга ташлаган. Эҳтимол, шунинг учун бўлса **керак**, ҳинд аёллари орасида эри вафот этганидан **кейин** унга аба-дий содиқ бўлиб қолиш учун ўзларини оловга ташлаш маросими (**Сати маросими**) мавжуд бўлган. **Маросим** XX асрнинг ўрталаригача сақланиб келган ва ҳозир ҳам узил-кесил йўқ бўлиб кетмаган. Шива одамларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ жуда кўп тоҳаларга ҳомийлик қилганлиги боис унга ҳиндуийларнинг ярмига яқини эътиқод қиласди.

Халоскор худо Вишну бош худоларнинг учинчиси ҳисобланади. У Шива каби зиддиятли илоҳий мавжудот эмас. Вишну одамларга илоҳий ҳақиқатни етказади ва адолатнинг ғалаба қозонишига ёрдам беради. Вишну одамларни зулмдан ҳалос қилиши билан бирга ҳавф-хатардан ҳам сақлади. Ўз вазифаларини бажариш учун турли қиёфа (аватар)ларда дунёга келади. Диний манбаларда унинг неча бор дунёга келиши тўғрисида ҳар хил маълумотлар берилган.

«Маҳобхорат» достонила Вишнунинг мингта қиёфаси тўғрисида ҳикоя қилинган. У азалдан Будда, Кришна ва Рам каби қиёфалари билан одамлар орасида машҳур бўлган. Умуман, одамларга кўп қиёфали Вишнунинг қайси кўриниши яқин бўлса, ўшанисига сифинишлари мумкин санаётган. Вишну тўғрисидаги диний ривоятларнинг диққатта сазовор жиҳати яна шундаки, унга биноан оҳиратда дунёла мугтаҳамларнинг ҳукмронлиги ўрнатилади, уларнинг қадимда адолат ва худога нисбатан ишонч ва эътиқод сўнади. Вишну сўнгги марта оқ от минган чавандоз қиёфасида дунёга келиб, инсониятни ҳалокатдан кутқаради. Ўшанда адолатли жамият қурилади ва инсониятнинг олтин аспи бошланади. Вишнуга ўз вазифаларини бажаришда гўзаллик ва баҳт маъбудаси – Лакшми ва унинг бошқа хотинлари ёрдам беради. Улар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, севги ва салоқат асосига қурилганлиги қайд этилади. Вишну линдорлар орасидаги мавқеи бўйича Шива билан рақобат қиласи.

Бошқа диний тизимлардаги каби ҳиндуизмда ҳам диндорларнинг ахлоқ қоидалариiga қатъий амал қилишлари талаб қилинади. Бу қоидалар қуйидаги таълимогларда ифодаланади:

1) дхарма (санскрит тилида – қонун, мажбурият деган маъноларни англатади) – одамларнинг бурчи ва мажбуриятларини белгилайди. Дхарма қоидалари турли касталарнинг бурчлари ва мажбуриятларини тартибга солади, диндорлардан ушбу қоидаларнинг бажарилишини талаб қиласи;

2) артха – диндорлар хулқ-атвир қоидаларининг мажмуидан ибрат;

3) кама (брахманизм ва ҳиндуизмда севги худоси) – ҳиссий истак ва майлар қондирилишининг аҳамиятини белгилайди;

4) мокша (санскрит тилида – жойдан-жойға күчиш, дарбаларлік деған маңыздарни англатади) – сансарадан ҳалсө бўлинни ҳақидаги таълимот.

Дхарма ҳар бир тирик жонзоднинг ижтимоий аҳамиятини белгилайди, одамларнинг хулқ-авторини тартибга солади, уларни жамият ва табиат билан уйғун ҳолда яшанига даъват этади. Лекин дхарма қоидаларида одамларнинг ҳуқуқдаги тенглиги зътироф этилмайди, аксинча қасталар тузуми муқалласлаштирилади.

Дхарма куч ишлатмаслик қоидасига қатый амал қилишни талаб этади. Куч ишлатмаслик одамдан нафақат жисмоний мажбурлашдан воз кечини, балки ёмон ниятда бўлмаслик, худбинликни йўқ қилиш, ғазаб ва нафрратни тийиш, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қабиларни талаб қиласидиган қоидалардан иборат. Инсон ёмонликка – ёмонлик, зулмга – зулм билан жавоб бермаслиги керак. Одам кечиримли бўлиши, аммо ҳаёт оқимиға қараб яшамаслиги лозим. Ҳар ким мустақил ҳаёт йўлени танлаши ва белгиланган мақсадга эришишда Қиинчиликтарни матонат билан енгиги ўтиши керак.

Хиндуийликда ердаги ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишининг аҳамияти қайд этилади. Карма қоидаларига биноан, одам диний ва дунёвий қоидаларга амал қилинб яшши билан бирга, ҳиссий қувончлар ва жинсий истаклардан ҳам воз кечмаслиги керак.

Инсонларнинг ҳурмати бойлигига қараб белгиланмайди. Одамларнинг ҳурматини қозонишда бойликнинг муайян дарежада аҳамияти бор, лекин яшашдан мақсад бойлик тўплаш эмас, балки карманинг таъсиридан ҳалсө бўлишдан иборат. Зоро, кишининг ҳаёт йўли топган давлатига эмас, балки одамийлиги ва тақводорлигига қараб баҳоланади. Кишиларнинг ўз ички дунёси ва табиат билан уйғунликда яшашлари рағбатлантирилади.

Хиндуийликнинг диний-ахлоқий қадриятлари кишини ижтимоий фаолликка, ижтимоий норозиликка ва синфий курашига даъват этмайди. Уларга жамиятда тенгликка интилиб яшани, ижтимоий адолатсизликларга қарши курашини, синфий бирламлик қабилар хос эмас. Бундай қарашлар кар-

ма қоидаларига ва руҳнинг айнан қайта туғилишда юз берадётган воқеалар учун индивидуал жавобгарлиги ҳақидаги диний таълимотга зид келали. Ижтимоий ҳаётни яхшилаш учун курашиш күч ишлатмаслик ақидасига ҳам мос келмайди.

Хиндуйлик дастлаб жамиятда каста тузумини мустаҳкамлашга ёрдам бериши билан бирга одамларнинг сиёсий ҳокимиятга муносабатлари ва сиёсий фаолликларини рафбатлантирган, касталар ўртасидаги бирдамликка даъват этмаган. Оқибатда, сиёсий ҳаётда ўзига хос бўшлиқ пайдо бўлган. Бундай вазиятдан турли сиёсий кучлар (асосан ташқи сиёсий кучлар) усталик билан фойдаланганлар. Хинд жамияти халқнинг менталитети таъсирида ташқи кучларнинг босқинига қаршилик кўрсатишга ожиз бўлиб қолган. Мавжуд вазиятдан дастлаб қўшни давлатлар, кейинчалик инглиз босқинчилари усталик билан фойдаланганлар.

Хиндуйлик таълимотига жаннат ва дўзах тўғрисидаги ғоя мавжуд. Бу ғоя ҳиндуйликнинг сансара таълимотига зид келали. Шундай бўлса-да, жаннат ва дўзах тўғрисидаги ғоя қабул қилинган ва унинг мазмуни тарихий тараққиёт таъсирида ўзгариб борган. Дастлаб нариги дунёда фақат жаннат мавжуд деб тасаввур қилинган. Жаннатга тушиш учун руҳнинг синовлардан ўтиши талаб қилинмаган. Маълумки, Ҳиндистанда қадимдан вафот этган одамнинг жасади ўтда куйдирилган. Майитни куйдириш маросими олов худоси – Агнига сифиниш билан боғлиқ. Олов худоси мархумнинг савоби ва гуноҳларини аниқлаб, кейинги тақдирини ҳал қилган. Бу жараён дастлаб жуда содда тасаввур қилинган. Унга биноан, оловда инсоннинг танаси куйдирилиб гуноҳларидан тозаланган, кишининг гуноҳи ва қусурлари кулда қолган. Олов билан софланган руҳ нариги дунёда тана вазифасини бажарадиган ѹопқа қобиқ ҳосил қилиб жаннатга тушган. Руҳ жаннатда аждодлари билан биргаликда баҳтли ва фаровон яшаган. Лекин кейинчалик дўзахнинг нариги дунёда ҳам мавжудлиги ҳақидаги ғоя вужудга келган. Одамларнинг ҳаётлиги даврида қилган гуноҳлари эвазига дўзахда жазоланишлари белгиланган.

Хиндуйликла дўзах жуда кўп қўринишларга эга деб тасаввур қилинади ва улар бир-биридан жазо бериш усуллари

билан фарқланади. Масалан, брахманни ўлдирган одамларнинг руҳи энг қўрқинчли дўзахга тушади. Бу дўзахга тушган кишининг оёғи остида доимо олов ёниб туради. Бошининг устида чўғдек қизитилган темир туради. Диний урушлар, тўқнашувлар ва жанжалларни келтириб чиқарган одамлар вафот этганидан кейин тушадиган дўзахда улар ёмон чиқиндилар билан тўлдирилган дарёга ташланади.

Ҳиндуйликдаги жаннат ва дўзах тўғрисидаги қарашлар аждодлар руҳига сифиниш маросимининг мавжудлигига ҳам зид келади. Чунки одам вафот этганидан кейин унинг руҳи қайта туғилиш занжирини узиб ташлаб, нирванага эришмас экан, дунёга тўхтовсиз қайтиб келаверади. Руҳнинг турли мавжудотларга кўчиши сабабли ким-кимнинг аждоди эканлигини аниқлаб бўлмайди.

Юқорида қайд қилинганидек, аждодлар руҳи бу дунёга қайтиб келмаслиги, яъни нариги дунёда қолиши мумкин. У дунёда қолган руҳ тана вазифасини бажарувчи юпқа қобиққа жойлашади ва жаннатга тушади. Руҳнинг ўзи юпқа қобиқни яратади олмайди. Муаммо ҳал этилиши учун ерда қолган қариндошлари марҳумнинг хотирасига бағишлиланган маҳсус диний маросимларни бажаришлари керак. Акс холда руҳ танасиз қолади ва ерга қайтиб келиб, одамларга зиён етказиши мумкин. Шу боис марҳумнинг яқин қариндошларидан белгиланган маросимларни тўлиқ бажариш талаб қилинади. Аждодлар руҳига бағишлиланган маросимларни бажармаган киши ҳатто ворислик ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилиниши мумкин. Бундай маросимларнинг вафот этган ҳар қандай киши учун ўтказилиши шарт бўлса-да, руҳи қайта туғилишдан тўхтаган кишилар учун айниқса муҳим саналади.

Ҳиндуйликда кўпдан-кўп диний маросимларни бажариш ишларига брахманлар раҳбарлик қиладилар. Руҳоний брахманлар қадимги даврдаги брахманлар кастанининг ворислариидир. Ҳиндуйликда ҳам улар асосан имтиёзларини сақлаб қолгандар. Улар давлат ташкилотлари, хусусий фирма ва бошқармаларда юқори лавозимларда хизмат қиладилар.

Брахманлар ижтимоий ҳаётнинг дин талаблари асосида ташкил этилишини назорат қиладилар. Бу талабларнинг энг

асосийлари жамиятнинг касталарга бўлинниши ва одамларнинг ўз кастаси қоидаларига сўзсиз амал қилишларидир.

Брахманлар кастаси вакиллари ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида фаол иштирок этсалар-да, уларнинг асосий вазифаси жамият бошқа қатламларининг диний эҳтиёжларини таъминлашдан иборат. Юқорида қайд этилганидек, барча муҳим диний маросимлар брахманлар раҳбарлигига бажарилади. Диний маросимлар асосан ибодатхоналарда ўтказилади. Одамлар ибодатхоналарга худонинг бутини эъзолаш, ибодат қилиб, эҳсон бериш ниятида келадилар. Брахман ҳар бир диндорнинг эҳсонини қабул қиласи ва уни илоҳга еткашин билан боғлиқ маросимларни бажаради.

Хиндуйликда кишининг мақсадга эришишида брахманнинг воситачилиги билан бирга файритабиий кучларининг хайриҳоҳтигига эришиш зарур деб ҳисобланган. Бу эса диний тизимда сеҳргарлик амалиёти – тантризм (санскрит тилида «тантра» – фикрни жимжимадор қилиб ифодалаш, сир тутилган матн, сеҳргарлик)нинг сақданиб қолишига шарт-шарроит яратган. Сеҳргарлик усуллари бўлмиш тантралардан муқаддас афсунлар – мантралар вужудга келган. Хиндуйлар мантраларда илоҳий куч мавжуд эканлигига, уларни ўқиши билан файритабиий куч (шакти)ни чақириш ва унинг ёрдамида мақсадга мўъжизавий равишда эришиш мумкинлигига ишонгандар. Зоро, мантра овоз шаклига кирган Брахма деб ҳисобланган. Ҳар бир каста ўз мантрасига эга бўлиб, ҳаётий муаммолар пайдо бўлганда мантраларни ўқиб, файритабиий кучларни ёрдамга чақирган.

Хиндуйликда мантралар билан бирга туморлар, сеҳрли диаграммалардан ҳам фойдаланилади. Улар афсунгарлик ашёларидир. Одамлар ўз ҳаётий муаммоларининг ҳал этилишида брахманларнинг маслаҳатлари, худоларга сифиниш ва эҳсонлар бериш ёрдам бермаганидан кейин сўнгги восита сифатида сеҳргарларнинг ёрдамларидан ҳам фойдаланадилар. Сеҳргар ижтимоий мавқеи жиҳатидан брахман билан рақобат қила олмайди. Албатта, брахманни сеҳргар билан tenglashтириш ноўрин, лекин сеҳргар ҳам жодуларини бажариш вақтида брахман мурожаат қиласидаган худоларнинг мададига таянади.

Хиндуизм диний тизимининг ўзига хос маросимлари ва байрамлари мавжуд. Уларнинг қўпчилиги шонли сана ва байрам кунларига тўғри келади. Худога бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда миллионлаб диндорлар иштирок этадилар. Байрам тантаналари вақтида оммавий диний маросимлар ва на-мойишлар уюштирилади, муқаддас жойларга ҳаж сафарла-ри ташкил этилади. Бундай оммавий байрамларга Шива, Рам, Кришна, Дурга-пуджа шарафига ўтказиладиган байрамларни, чироқлар байрамини, донишмандлик маъбудаси Сарасвати, бойлик ва савдо-сотик ҳомийси Ганеши шарафига ўтказиладиган байрамларни мисол келтириш мумкин. Шивага бағишлиган байрамлар ҳар ойда тантанали ўтказилади.

Умум Ҳиндистон байрамлари билан бирга маълум мин-тақа, шаҳар, туман, ҳатто қишлоқ аҳолиси нишонлайдиган маҳаллий байрамлар ҳам мавжуд бўлиб, улар диний афсона-лар ва ҳиндуийлик худоларига ибодат қилиш билан боғлиқ.

Байрамларда диний эътиқоди, табақаси, миллати ва жин-сидан қатби назар барча аҳоли иштирок этади. Бундай бай-рамлар миллий онгни шакллантирувчи ва уларнинг бирли-гини мустаҳкамловичи муҳим восита вазифасини бажаради.

Ҳиндуийлик таълимотининг ривожланишида ислом динининг таъсири алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ҳиндистон замни-нида таълимотнинг моҳияти жиҳатидан ўзаро келишиши қийин бўлган диний эътиқодлар тўқнашган. Ҳиндуийлик маҳаллий ҳалқарнинг маданияти ва руҳиятини ўзида акс эттириб, одам-ларда мўътадиллик, бардошлилик ва ўз ички дунёси билан уйғунликда яшаш каби хислатларни шакллантирган. Исломга, диний бағрикентлик билан бирга, муайян даражада гайриму-сулмонларга нисбатан муросасизлик, одамларни дин талабла-рига сўзсиз бўйсуншига ва раҳбарларга кўр-кўронга ишонишиша даъват қилиш кабилар ҳам хосдир. Лекин ҳиндуийлик ва ислом таълимотларила жиддий тафовутлар мавжудлигига қарамай ҳалқарни эътиқодига кўра бир-биридан ажратувчи, улар ўрта-сида ишончсизлик қўзғатувчи қарашларга нисбатан уларни ўзаро яқинлаштирувчи жиҳатлар устунлик қиласи. Бу эса динлар ўрта-сида ўзаро мулоқогни вужудга келтиради.

Исломда мавжуд бўлган одамларнинг Оллоҳ олдидағи тенглиги, инсонни олий қадрият деб билиш каби тоялар,

ахлоқий қадриятларга алоҳида эътибор маҳаллий халқларда, айниқса аҳолининг ўрта ва қуи табақалари вакилларида қизиқиш уйғотган. Бобурйлар сулоласининг ҳукмронлиги даврида сиёсий ҳокимиятни мусулмонлар назорат қилганлиги сабабли, маҳаллий аҳолининг юқори табақага мансуб вакилларининг ҳам сиёсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда оиласвий равишда ислом динини қабул қилиш ҳоллари учраб турган. Лекин бу ерда ислом бошқа минтақалар (Миср, Эрон, Месопотамия)даги каби халқнинг кўп асрлик ноёб анъаналарини енга олмаган. Шу боис ислом ҳиндуйлик билан бирга фаолият қўрсатишга мажбур бўлган.

Ҳиндуйлик ислом дини таълимотининг ривожланишига ҳам таъсир ўтказган. Бу исломни қабул қилган маҳаллий аҳоли вакиллари орқали ҳинд халқи анъаналари билан мусулмонларнинг яқиндан танишишлари асосида амалга оширилган. Ўз навбатида, ислом ҳам ҳинд турмуш тарзига таъсир қўрсатган. Масалан, ислом таъсирида хотин-қизларнинг ожиза сифатида оиласда эркакка бўйсунишлари, уларнинг кўпроқ бола тарбияси билан шуғулланишларини рағбатлантириш ва ижтимоий фаолликларини чеклаш кабилалар миллий анъана даражасига кўтарили. Бундай таъсир санъат, адабиёт ва меъморчиликда айниқса жуда салмоқли бўлган.

Ҳиндуйлик ва ислом маданиятининг ўзаро мулоқоти қанчалик салмоқли бўлмасин, икки дин анъаналаридаги муаммолар тўлиқ бартараф этилмаган. Бу муаммолар, ташқи душман таъсири бўлмаса, эътиқоди жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласиган битта халқнинг тинч-тотув яшашига тўсқинлик қилмаган.

Ҳозир ҳам конфессиялараро муносабатлар масаласи дол зарб муаммо сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолган. Зеро, инглиз босқинчилари томонидан сунъий ҳосил Қилинган мусулмонлар ва ҳиндуйлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳиндуйликдаги модернизация жараёнларига салбий таъсир этган. Исломга қарши курашда ҳиндуйликдаги фундаменталистик ва экстремистик руҳдаги мазҳаблар диний анъаналарни сақлаб қолиши шиорини ўзларининг куран байроғига айлантиргандар.

Хиндуийликдаги замонавийлашув (модернизация) жара-ёнларига түсқинликларни фақат исломга қарши кураш зарурати билан боғлаб талқын қилиш нотүғри. Маълумки, ижтимоий тараққиёт таъсирида динда ҳам тараққийпарвар ўзгаришларни амалга ошириш ва диний анъаналарни ҳозирги замон талабларига мослаштириш зарурати вужудга келади. Лекин бундай ўзгаришлар консерватив кучлар билан кураш орқали амалга оширилади.

Қайд этиш жоизки, диний анъаналарга содиқлик ҳамда ижтимоий тараққиётга түсқинлик қилиш айнан бир нарса эмас. Ҳиндистон тарихида биз шундай ҳолатга дуч келамиз. Бу ерда ҳиндуийлик анъаналари инглиз мустамлакачилигига қарши курашнинг самарали воситасига айлантирилган. М.Ганди раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракатининг иштирокчилари мустамлакачилик зулмига қарши курашда «свадж» (ўзининг ҳокимијати) шиори билан чиққанлар. Ушбу шиор фуқароларнинг мустамлакачилик тартибига бўйсунмаслигини билдирган. Кураш воситаси сифатида ҳиндуийликдаги куч ишлатмаслик ақидаси асос қилиб олинган.

М.Ганди диний қоида ва анъаналарга содиқ бўлса ҳам, диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши кураш олиб борган. Жамиятнинг касталарга бўлинишини ва улар ўртасидаги тенгсизликни қоралаган. Хотин-қизларнинг тенглиги ва тул хотинларнинг турмушга чиқиш эркинлиги учун курашган. Ҳиндуийликдаги мустамлакачиларга қарши курашда ёрдам берадиган, тараққийпарвар сиёсий мақсадларни амалга оширишга кўмаклашадиган, халқни умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган ғояларни қабул қилган.

Ҳиндистоннинг ҳозирги сиёсий ҳаётида диний анъаналар, айниқса, ҳиндуийлик анъаналари жуда катта аҳамиятга эга. Демократик жамият қураётган мамлакатда сиёсий ҳокимијат учун курашувчи кучлар диний анъаналарга ўз дастурларининг энг долзарб мавзуси сифатида қарайдилар. Реакцион сиёсий кучлар ҳиндуийлик анъаналарининг энг қолоқ ва консерватив ғояларини жамиятда қайта тиклашга ҳаракат қиладилар. Лекин улар сиёсий ҳокимијатда кучли мавқега эга эмаслар. Ҳозирги сиёсий ҳокимијат маъмурияти диний анъа-

налардаги тараққийпарвар, замонавийлашган ғояларга асосланувчи тараққийпарвар күчларни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтиш мүмкінки, ҳиндуййлик нафақат диний таълимот ва маданий аңаана, балки халқнинг турмуш тарзидир. У Ҳиндисгондаги мавжуд бошқа диний таълимотлар билан биргә, илғор жамият қуришдек бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этмоқда.

### **Назорат учун саволлар ва тошириқлар**

1. Буддавийлик таълимотининг асослари нималардан иборат?
2. Буддавийликнинг брахманизмдан асосий фарқларини сананг.
3. Буддавийликнинг муқаддас битиги неча қисмдан иборат?
4. Нима сабабдан буддавийлик Ҳиндистондан сиқиб чиқарылған?
5. Ҳиндистонда Брахмага сиғинувчилар нима сабабдан камчиликни ташкил этади?
6. Ҳиндуййлик нима сабабдан «ҳинц халқининг турмуш тарзى» деб аталади?
7. Ҳиндуййликдаги бош худолар ва уларнинг вазифалари ни тушунтириңг.
8. Ҳиндуййликнинг муқаддас битиктариға мисоллар көлтириңг.
9. Ҳиндуййликнинг диний-аҳлоқий қадриятлари қандай таълимотларда акс эттирилған?
10. «Сатьягархи ҳаракати» деганда нимани тушунасиз?

## **6-мавзу**

### **ХРИСТИАНЛИК: МОҲИЯТИ, МАҲБАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **Христианлик таълимоти ва маросимлари**

Ҳозирги даврда эътиқод қилувчиларнинг кўплиги жиҳатидан ва халқаро миқёсда нуфузли ўринга эга динлардан бири христианликдир. Христианлик милодий I асрнинг бошларида Рим империясининг мустамлакаси бўлган Фаластинда вужудга келган. «Христианлик» ибораси қадимги яхудий тилидаги «машиах» сўзининг грек тилига таржимасида «христос», яъни муқаллас ёф суртилган, мессия (маҳдий) деган маъноларни англатади.

Фаластин милодий I асрда Рим империясининг провинция (вилоят)ларидан бири бўлган. Бу даврда Рим жамиятининг инқирози унинг провинцияларида янада кескин тус олган. Фаластинда яшовчи яхудийлар империяга бўйсундирилган бошқа халқлар қатори, мустамлакачилар ва маҳаллий ҳукмдорларнинг зулмидан эзилганлар. Шу боис, норози халқ мустабид тузумга қарши кураш олиб борган. Лекин чириган империя ҳанузгача катта ҳарбий қурдатга эга бўлганлиги сабабли, қўзғолонларни шафқатсизлик билан бостиришга қодир эди. Узоқ вақт давом этган курашнинг мунтазам бостирилиши натижасида мазлум халқ орасида адолатсиз тузумни йўқ қилиб, илоҳий подшолик қурадиган халоскор-мессия (маҳдий) тўғрисидаги ғоя юзага келган. Айни пайтда, халқнинг эзгу-ниятларидан ўз мақсади йўлида фойдаланишга интилувчилар, айрим зоҳидлар, диний мазҳабларнинг вакиллари, ҳатто таваккалчи лўттивозлар ўзларини маҳдий деб эълон қилганлар.

Мессиячилик ҳаракати одатда мустабид тузумга қарши умумхалқ қуроли кураши ва унинг шафқатсизларча бостирилиши билан якунланар эди. Шунинг учун ҳукумат мессиячилик ҳаракатига қарши кескин кураш олиб борган. Бироқ

давлатнинг унга қарши кескин тадбирлари мессиячилик ҳаракатини узил-кесил йўқота олмаган.

Мессиячилик ҳаракати давлат ҳокимиятига, уни қўллаб-қувватловчи расмий мафқурага ва динга ҳам қарши бўлган. Шу боис улар ҳокимиятнинг мессиячилика қарши кескин курашини қўллашлари билан бирга, унда фаол иштирок этганлар.

Милодий I асрда Фаластинда мессиячилик ҳаракати шу қадар кенг ёйилганки, маҳаллий аҳоли онгида буюк халоскор-мессия Исо Масиҳ (Иисус Христос) тўғрисидаги диний ривоятларнинг вужудга келиши ва мустаҳкамланишинг сабаб бўлган.

Исо Масиҳнинг ҳаёти ва фаолияти Библия (Инжил)нинг «Янги Аҳд» қисми, яъни евангелияларда (грек тилида *euangelion* – яхши хабар деган маънони англатади) батафсил баён қилинган.

Диний ривоятларга кўра, фаришта Гавриил (Жаброил) камбағат қиз Мария (Мариям)га худо унга халоскор-мессиянинг онаси бўлишни ато этганлиги ҳақида хабар берган. Мария Ота худо (худонинг қиёфаларидан бири)дан фойибдан ҳомиладор бўлган. Унинг эри қария Иосиф (Юсуф) хотинининг илоҳий ҳомиладан туққан (Жаброил унга маълум қилган) боласини қабул қилган.

Исо 30 ёшга кирганидан кейин Иордан дарёси бўйида Иоан Чўқинтирувчидан чўқинтиришни қабул қилган ва даъваткорлик фаолиятини бошлаган. Унинг атрофида шогирдлари, қариндош-уруглари ва яқинларидан иборат маслаклонилар гуруҳи шаклланган. Гуруҳнинг асосини Исонинг 12 шигорди – апостоллар (грекча *apostols* – вакил ёки арабчада ҳаварийлар деган маъноларни англатади) ташкил этган. Исо гуруҳ аъзолари билан биргаликда Фаластин бўйлаб саёҳат қилиб, одамларни ягона худога сигинишга даъват этган, беморларни даволайдиган, мўъжизалар кўрсатган.

Исо ташвиқотларда одамларга ягона худо ердаги одамларнинг яратувчиси эканлигини, худонинг ерда илоҳий подшолик ўрнатилиши тўғрисидаги хабарини одамларга етказиши мақсадида ўзининг вакил қилиб юборганинги айтган. Одамларнинг маънавий тушкунликдан халос бўлишлари ва

илохий ҳақиқатта эришишлари йўлида ўзини, (яъни Исонинг) худонинг ўғли, худо ва одамлар ўргасидаги воситачи сифатида тан олишларига ва унинг таълимотини қабул қилишга даъват этган.

Фаоластинда Исонинг уч йиллик даъватчилик фаолияти кутилган натижа бермаган, унга эргашганлар жуда кам бўлган. Бундан ташқари, унинг қарашлари иудаизм таълимотига мос келмаслиги, баъзи бир муҳим масалаларда унга қарши турганилиги, Кудлус коҳинларининг кескин қаршилигига сабаб бўлган.

Рим давлати ва коҳинлар уни соҳта маҳдийликда айблаб таъқиб қилганлар. Оқибатда Исо ҳокимият ва расмий динни бадном қилганлиги учун хочга тортиб ўлдиришга ҳукм қилинган. Исо Масиҳни учта қароқчи билан бирга қатл қилиниши белгиланган. Ўша даврда расман тан олинган анъанага биноан, қатл майдонида тўплланган оломон ўлимга маҳкум қилинганлар орасидан биттасини афв этиш ҳуқуқига эга эди. Шу боис, оломон қароқчи Варравани танлаб, Исо Масиҳдан юз ўғирган.

Диний ривоятларда қайд этилишича, Исо қатл қилинганидан кейин уч кун ўтгач мӯъжизавий равишда қайта тирилган ва шогирдлари билан қирқ кун бирга бўлган. Қирқинчи кун Исо шогирдларига охиратда яна ерга қайтишини айтиб, осмонга кўтарилиб кетган.

Исонинг ҳаёт фаолияти тўғрисидаги диний ривоятни қисқача шундай таърифлаш мумкин. Евангелияларда қайд этилган Исонинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотларда ноаниқликлар мавжуд. Масалан, ҳаворий Матфей ўз евангелиясида Исо шажарасини Довуд, Соломон ва Иброҳим билан боғлашга ҳаракат қилган. Ҳаворий Лука Исо Довуднинг 28-авлоди эканлигини қайд этган. Мазкур далилларни исботлаш қийин, чунки Довуд тарихий манбаларга кўра, милоддан аввалги X асрда яшаган (минг йил давомида уларнинг ўртасида бор-йўғи 28 та авлод ўтганлиги шубҳалидир).

Евангелияларда Исонинг ҳаёти тўғрисида қайд этилган маълумотлардаги ноаниқликлар ёки хатолар унинг тарихий шахс эканлигига шубҳа туғдиради. Шу боис унинг шахсига муносабат масаласида афсонавий ва тарихий мактаблар шаклланган. Афсона мактабининг вакиллари Исонинг тарихий шахс

эканлигини инкор этадилар ва Исо тўғрисидаги қарашларнинг турли диний ривоятлардан тузилганлигини исботлашга ҳаракат қиласидилар. Мазкур мактабнинг камчилиги ўнда Исо тўғрисидаги қарашларнинг асосида ҳеч қандай тарихийлик йўқ деган фояни исботлашга интиладилар.

Бошқа тарихий мактаб вакиллари эса Исонинг тарихий шахс эканлигини исботлашга ҳаракат қиласидилар. Бунда асосий датил сифатида евангелияларда номлари қайд қилинган персонажлар: Иоан чўқинтирувчи, ҳаварий Павел, Рим ноиби Понтий Пилат кабиларнинг тарихий шахс эканлиги қайд этилади. Албатта, бу далиллар унинг тарихий шахс эканлигини исбот қилиш учун етарли эмас ва бунга янада асосли далиллар талаб этилади.

1946–1947 йилларда Ўлик денгиз қирғоғида жойлашган Кумрон форидан археологлар томонидан қадимги ўрама битикларнинг топилиши ушбу масалага ойдинлик киритган. Қўлёзмаларнинг милодий I аср ўрталарида Фаластинда фаолият кўрсатган иудаизмнинг эссиnlар мазҳабига тегишли эканлиги аниқланган. Эссиnlар эътиқоди, диний маросимлари ва турмуш тарзи билан христианликка яқин турган.

Кумрон қўлёзмалари асосан инжилнинг лавҳалари, жамоанинг низоми ва дуолардан иборат бўлган. Қўлёзмаларда «ер юзида адолат ўрнатадиган устоз», янги диний мазҳабга асос солган, иудаизм ақидаларини танқид қилиб, христианлик таълимотига ўхшаш фояларни тарғиб қилган тарихий шахс яшаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Диншунослик христианликнинг вужудга келиши муаммосини ўрганар экан, Исонинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида баҳс юритувчи бу икки мактабдан бирининг қарашлари тўғри эканлигини исботлашга ҳаракат қиласиди. Айни пайтда, масалага илмий ёндашув милодий I асрда Фаластинда иудаизмнинг мазҳабларидан бирига асос солган ва унинг иудаизмдан фарқ қиласидиган диний таълимотнинг шаклланишига сабаб бўлган шахс яшаганлигини инкор этмайди.

Шундай қилиб, иудаизмнинг мазҳабларидан бири сифатида вужудга келган христианлик узоқ давом этган изланишлар жараённада мустақил диний таълимотга айланган. Исо

Масиҳ иудаизмда мавжуд камчиликларни танқид қиласр экан, янги динга асос солишни мақсад қилиб қўймаган. У иудаизмдаги жаҳолат, бутпарастликни кучайтирувчи жиҳатларни ўзгартиришга, ҳаддан ортиқ маросимчиликка чек қўйишига ва шу йўл билан уни такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Яхудий коҳинлари Исонинг тақлифларини рад этганлар ва Исони куч ишлатиб ўз фояларидан воз кечишига мажбур қилмоқчи бўлганлар. Лекин бундай ҳаракатлар зое кетган ва курашувчи тарафлар ўртасидаги ихтилофлар тобора кенгайиб борган. Исо иудаизмдан тобора йироқлашган ва унинг фоялари янги диний таълимотга асос қилиб олинган.

Манбаларда қайд қилинишига кўра, Исо дастлаб диний қарашларни Фаластииннинг Капернаум шаҳри атрофида жойлашган қирликларда тарғиб қилишдан бошлаган («Нагорная проповедь»)<sup>1</sup>. Исонинг ҳаварийларга қарата сўзлаган нутқларида иудаизмга зид фоялар аниқ намоён бўлади. Уларда Исо ўзининг қарашларини «Эски Аҳд»да ёзилган фоялар билан мунозара усулида баён қилган. Айтилганки, «зинқ қилма», мен айтаманки, кимда-ким «ожизалар»га шаҳвоний ниятда қараса, у билан қалбida зинога йўл қўяди. Айтилганки, «жонгажон, қонга-қон», мен айтаманки, «кимки сизнинг чап юзингизга бир шапалоқ урса, сиз унга ўнг юзингизни тутинг», «зулмга зулм билан жавоб берманг», «душманларингизга меҳрумуҳаббат билан муносабатда бўлинг» ва ҳоказо<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Исо таълимоти вужудга келган вақтдан бошлаб, иудаизм қадриятлари қабул қилинмаган. Худонинг моҳияти муҳаббат эканлиги ва одамларга ёмонлик қилмаслиги, унинг олдида одамларнинг тенглиги, инсонга меҳрумуҳаббат кўрсатиш ва улуғлаш, ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти каби фоялар янги диннинг турли ҳалқлар орасида кенг ёйилишига сабаб бўлган.

**Христианлик таълимотининг шаклланишида илоҳиёт соҳасидаги изланишлар билан бирга ижтимоий фикр, ўша дав-**

<sup>1</sup> Қаранг: Мизун Ю. В., Мизун Ю. Г. Тайны богов и религий. – М., 1999. – С.978.

<sup>2</sup> Қаранг: Радугиц A. A. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М., 2000. – С.117.

рдаги фалсафий таълимотлар ва мутафаккирларнинг ғояла-ри ҳам муҳим манба вазифасини ўтаган.

Рим давлатининг инқирози натижасида, одамларнинг жаҳодат гирдобига ботиб қолган жамиятга ва эртанги қунга шончи йўқолган. Расмий дин одамлар орасида тобора ўз мавқеини йўқотиб борган. Одамлар орасида қисматга, тақдири азалга ишониш кенг ёйилган. Илоҳий ҳалоскор тўғрисидаги ғоя пайдо бўлган. Қисматга, тақдири азалга ишониш ўша даврдаги фалсафий мактаблар таълимотида ва мутафаккирларнинг қарашларида ҳам долзарб мавзуга айланган.

Милодий I асрда Қадимги Римда кенг ёйилган стоиклар (грекча *stoa* – бино олдидаги устунли узун айвон деган маънени англатади, мактаб асосчиси Зенон яшаган Афина шаҳри ибодатхонаси тарҳидан олинган атама) фалсафий мактабининг таълимоти лиққатга сазовордир. Стоиклар талқинида дунё бир бутун, яхлит воқелик бўлиб, ундаги воқеа ва ҳодисалар умумий тартибга бўйсунади. Дунёнинг бирлиги уни вужудга келтирган ва бошқариб турадиган илоҳий Логос (худо) фаолиятининг натижасидир. Илоҳий Логос борлиқдаги жараёнларни бошқариш билан бирга унинг, шу жумладан одамларнинг ҳам тақдирини олдиндан белгилайди.

Стоикларнинг тақдири азал тўғрисидаги таълимоти Сенеканинг қарашларида мукаммал баён қилинган. Унинг фикрига кўра, борлиқ моддий ва руҳий дунёларга бўлинади. Моддий дунё руҳий дунёга бўйсунади ва мустақил фаолиятга қолир эмас. Ундаги тартиб ва мукаммаллик оламий ақл, яъни худо фаолиятининг маҳсулидир. Худо барча нарса ва воқеаларнинг сабабчиси, тақдирни белгиловчи олий борлиқдир. Табиат воқеликларида руҳ мавжуд. Воқеликларда мужассамланган руҳ худо руҳининг бир заррасини ташкил этали. Тирик мавжудотларда жойлашган руҳлар ўз қобиғини тарқ этиб, «озодликка чиқишига» ва мутлақ руҳга қўшилишга интилади. Диний ривоятлардан маълумки, руҳнинг танани тарқ этиши «табиий» ҳодисадир, шундай экан, одамлар ҳаётга ва ўлимга бир хилда муносабатда бўлишлари керак.

Ҳар бир одамда илоҳий руҳнинг бир зарраси мавжудлиги, уларнинг руҳан тенглигини билдиради. Улар ўртасидаги

тентгизлил жамиятга хос воқеликдир. Қул пок виждони, инсонпарварлиги, дүстларга садоқати, жасурлиги каби маънавий фазилатлари билан хўжайинидан устун туриши мумкин. Қуллик кишининг жисмоний ҳолатидир.

Сенека борлиқни илоҳий дунё ва одамлар дунёсига бўлади. Улар бир-бирлари билан боғлиқдир. Икки дунё ўртасидағи алоқачи вазифасини авлиёсифат кишилар жамоаси бажаради. Жамоа аъзоларининг диний ва дунёвий ҳокимиятга итоаткорлиги, зулмга қаршилик кўрсатмаслиги, жисмийликдан руҳий етуклини устун қўювчи, стоиклар таълимотини яхши биладиган ва уларга сўзсиз амал қиласидиган кишилар орасидан ташлаб олинниши тавсия этилади. Сенека тарғиб қилган кишилардаги фазилатлар христианликнинг маънавий қадриятларига мос келади.

Сенека давлатларни икки турга бўлади:

1) худо ва одамларнинг ҳамкорлигига асосланувчи, ҳудуди ернинг муайян бир бўлаги билан чекланмайдиган катта давлат;

2) ҳудуди маконда чекланган кичик давлат. Одамлар иккала давлатга ҳам хизмат қилишлари мумкин, лекин бу дунёда ҳатқларни бирлаштирувчи илоҳий давлатни танлаган одам ютқазмайди.

Шу тариқа кишилар онгига космополитизм (грекча *kosmopolites* – ер шари фуқароси деган маънени англатади) сингдирилади. Бу таълимот охиратда ер юзидағи барча одамларни бирлаштирувчи илоҳий подшоликни қуришғоясига асосланади.

Сенека таълимотидаги моддий дунё лаззатларининг ўткинчилиги, одамларга ҳамдардлик, камтарона яшаш, ўзини худога баҳшида этиш каби гоялар христианлик таълимотида янада ривожлантирилган.

Христианлик таълимотининг шаклланишида Александриялик Филон (милодан аввалги 20 – милодий 54 йиллар) қараашлари алоҳида аҳамиятта эга. Филон диний қараашларда устуворлик қилиб келган худони «мавҳум, шахси номаълум ибтидо» деб таърифлашга кескин қарши чиқкан. Унинг фикрича, агар худо мутлақ ибтидо бўлса, шахсиятсиз мавжуд

бұла олмайды, чунки унинг шахсияти бўлмаса, ундан олдин яна тимадир бўлиши керак. Худо нафақат қиёфага эга, балки эзгулик, гўзаллик ва донолик тимсолидир.

Борлик худо иродаси ва фаолиятининг маҳсулидир. Дунё кўринмас (илоҳий) ва кўринадиган (моддий) қисмларга бўлинади. Худо моддий дунёдан ташқарида мавжуддир. Моддий дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар, жумладан одамларни ҳам худо яратган. Улар худо фаолиятининг маҳсулидир. Худо одамларнинг билиши ва унга эргашиши зарурлигини билдириш учун ўз ўғлини ер юзига вакил қилиб юборган.

Филон одамларга хос бўлган иллатлар – майший бузуклик, ўзгаларга бефарқлик, меҳрсизлик, мансабпастлик, бойликка ҳирс кўйиш кабиларни қоралаган, одамларнинг худо олдила тенглигини эътироф этган. Унинг ижтимоий қарашлари христианлик таълимотининг шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Христианлик таълимотининг илоҳий манбалари муқаддас битиклар ва муқаддас ривоятларга бўлиб ўрганилади. Диний ривоятларга кўра, худо муқаддас битиклар (ёзувлар) ни одамларга уларнинг ижтимоий-маданий жиҳатдан тайёрлиги даражасига қараб, узоқ вақт давомида ваҳий қилган. Христианликнинг муқаддас ёзуви Библия (арабчада Инжил) деб аталади. Библия (грекча *biblia* – китоблар деган маънони анлагали) матнининг асосий қисми бир неча саҳифадан иборат китоблар тўпламидан гузилган.

Инжил икки қисмга бўлинади. Биринчи қисми «Эски Аҳд» («Эски ривоят») деб аталади. «Эски Аҳд»нинг матни яхудийларнинг муқаддас битикларидан тузилган. Унинг матнини тўплаш милоддан аввалги XII асрдан бошланган ва милоддан аввалги II асрга қадар давом этган. Мазмунига кўра, «Эски аҳд» яхудий ҳалқининг қадимги диний ва қабилавий анъаналярини акс эттиради.

Инжилнинг иккинчи қисми «Янги Аҳд» деб аталади. Биринчи қисмидан фарқли ўлароқ, унинг матни христианлик пайдо бўлганидан кейин тузилган ва у, одатда, Инжилнинг «христианлик қисми» деб аталади. «Янги Аҳд» тўплами евашслиялардан тузилган. Тарихий манбаларга кўра, тахми-

нан 30 та евангелия мавжуд бўлган. Шулардан, Исонинг шогирдлари бўлмиш ҳаварийлар (апостоллар) Матфей, Марк, Лука ва Иоаннларнинг евангелиялари, ҳаварийларнинг амаллари, 21 рисола ва Иоанн ваҳийномаси (ёки охир дунё) кабилар Инжилга киритилган, қолган евангелиялар дин учун зарарли деб топилиб, йўқ қилинган.

Евангелияларда Исо Масиҳнинг ҳаёти, мўъжизалари ва таълимоти, ҳаварийлар Пётр ва Павелларнинг христианликни тарғиб қилишлари, диний эътиқод ва амал билан боғлиқ масалалар баён қилинган.

Инжил қисмларининг номларига аҳд сўзининг қўшиб ишлатилиши худо билан одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро аҳднома асосида тартибга солиб турилишини англатади. «Янги Аҳд» худо билан одамлар ўртасида Исо воситачилигидаги янги аҳдлашув ҳисобланади.

Христианлик таълимотининг иккинчи маибани муқаддас ривоятлардир. Муқаддас бигиклардан фарқи ўлароқ, уларни худо черковга оғзаки ваҳий қўлган деб ҳисобланади. Муқаддас ривоятлар муқаддас ёзувларнинг илоҳий аҳамиятини асослайли, илоҳий қонидаларни шарҳлайди, замонга мослантиради.

Бу ривоятларнинг муҳим манбаларидаи бири I–VII асрларда христианлик таълимотининг фалсафий ва нажмий-сиёсий асосларини ишлаб чиқишида шайтирок этган илоҳиётшунос мутафаккирлар ҳамда «черков оталари», яъни патристиканинг («патристика» лотинчада *pères* – отазар деган маънони англатади) асарлари ташкил этган. Мисол учун, «черков оталари» қаторига киритилган илоҳиётшунослардан Юстин (II аср), Афанасиор (177 йилде вафот этган), Ёртузлиян (тахминан 160–220 йиллар), Августин (354–430 йиллар) ва бошқаларни қайд қилишимиз мумкин. Улар ўз асарларида черков ақидалари, христианлик илоҳиёти ва фалсафаси асосларини ишлаб чиқишида бекиёс ҳисса қўшганлар.

Христианлик таълимотининг асослари қўйидагилардан иборат:

1) *худога ишониши*. Христианликда худо битта, лекин у учқиёфалидир. У Ота худо, Ўғил худо (Исо Масиҳ) ва Муқаддас Рухдан иборатлар. Ота худо туғилиш йўли билан пайдо

бўлмаган, уни ҳеч ким яратган эмас. Олам ва ундаги мавжудлар унинг фаолияти маҳсулидир. Ўғил худо (Исо Масиҳ) мўъжизали равишда туғилган. У – христианликнинг асосчиси. Муқаддас Рӯҳ эса Ота худодан пайдо бўлган<sup>1</sup>. Христианликдаги худо образи бўшқа динлардаги худо образларидан фарқ қиласди. Масалан, Қадимги Греция худолари каби шуҳратпарастлик, одамлар тақдирига бефарқлик, айш-ишратга мойиллик, манманлик, шафқатсизлик, қасоскорлик ва одамларга хос бошқа иллатлар унда йўқ. Худолар ўртасида ҳокимият учун ўзаро кескин кураш ҳам йўқ. Христианликда худо одамларнинг ақл-идроқи билан тушуниб бўлмайдиган тилсимот бўлиб, у илоҳий дунёда мавжуд. Худо муҳаббатдир. У одамларга ҳеч қачон ёмонлик қилмайди. Ёмонлик инсоннинг бирламчи гуноҳкорлиги ва «нотўғри» турмуш тарзининг натижасидир<sup>2</sup>;

2) *Исо Масиҳнинг халоскор-мессия эканлигига ишониши*. Худо Адам (Одам Ато) ва Ева (Момо Ҳаво)ларнинг «бирламчи гуноҳи»ни афв этиш ва одамларга илоҳий ҳақиқатни етказиш мақсадида ўз ўғлини ер юзига юборган. Исо Масиҳ ердаги ҳаёт изтироблари ва ўлими билан уларнинг гуноҳларини ўз зиммасига олган. Одамларга халос бўлишнинг тўғри йўлини кўрсатиб, христианликка асос солган;

3) *Исо Масиҳнинг қайта тирилишига ишониши*. Исо Масиҳ ўлдирилганидан кейин уч кун ўтгач қайта тирилган ва 40 кундан кейин осмонга кўтарилган. У ер юзига яна бир марта охиратда Дажжол (Антихрист)ни ўлдириб, ўликлар ва тирикларни сўроқ қилиш ва илоҳий подшоликни қуриш учун қайтиб келади;

4) *одамнинг гуноҳкорлиги ва ундан халос бўлишига ишониши*. Худо одамларнинг аждоди Адам ва Евани ўзининг жисмига ўхшаш қилиб яратган ва уларга боқий ҳаёт баҳшида этган, моддий дунёга эгалик қилиш ва бошқаришни буюрган. Жаннатда яшаётган Адам ва Ева худодек бўлишга интилиб, ман қилинган «денишмандлик» дарахтининг мевасини еганлар. Оқибатда одам бошқа жонзодлар билмайдиган яхшилик ва

<sup>1</sup> Қаранг: *Васильев Л. С. История религий Востока.* – М., 1983. – С.86.

<sup>2</sup> Введение в культурологию / От. ред. Е. В. Попов. – М., 1996. – С.220.

ёмонликни фарқлай бошлаган, уят нималигини тушунган. Шу боис инсоният ҳаётида чексиз муаммолар пайдо бўлган. Худо уларни бу қилмишлари учун жазолаган: биринчидан, одамлар ялпи гуноҳкорликка маҳкум қилингандар; иккинчидан, боқий ҳаёт имтиёзи бекор қилинган.

Христианликда бирламчи гуноҳ оқибатларидан қутулиш йўллари кўрсатилган. Бу иш бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқичда Исо Масиҳ ерга келиб, ердаги изтироблари ва ўлими билан бирламчи гуноҳни ўз зиммасига олган. Иккинчи босқичда Исо Масиҳ ерга охиратда яна қайтиб келади, Антихристни енгидабадий ҳаёт, баҳт-саодат ҳукмрон бўлган илоҳий подшоликни вужудга келтиради. Шу вақтдан бошлаб, одамларга берилган «бирламчи гуноҳ» жазоси бекор қилинади, инсонларнинг баҳтли ва боқий ҳаёт даври бошланади;

5) *жаннат ва дўзахга ишониш*. Жаннат ва дўзах – одамларнинг ўлганидан кейин ердаги хулқ-атворларига кўра руҳлари охиратгача турадиган жой;

6) *охиратга ишониш*. Христианлик таълимотига биноан, охират бошланишидан олдин ерга Антихрист келади ва қиёмат-қойим бошланади. Охир-оқибатда Исо Масиҳ ерга қайтиб келиб, Антихристни енгади. Ўлганлар қайта тирилади, тириклар ва ўлганлар қайта ажрим қилиниб, янги ҳаёт бошланади;

7) *ахлоқ қоидаларининг диний таълимотдаги катта аҳамияти*. Христианлик ахлоқидаги устувор қоидалар худони севиши ва яқин кишига бўлган муҳаббатидир. Яқин кишини севиши одамнинг ўз яқин қариндошларинигина эмас, балки у билан бевосита мулоқотда бўлган одамларни ҳам севишини билдиради. Худо асосий ахлоқий қадрият саналади ва одамлардаги мўминлик, ҳақиқатни излаш, раҳмдиллик ва тинчликсеварлик фазилатлари улубланди.

Христианликда (бошқа динлардаги каби) диний маросимлар ва байрамларга алоҳида эътибор берилади. Зоро, улар орқали кишилар онгига худога ишонч, эътиқод мустаҳкамланади, ўзаро илоҳий муносабатлар ўrnагилади. Кишилар онгига ҳиссий-образли таъсир этиши билан диний таълимот

мустаҳкамланган ва авлоддан-авлодга ўтказиб келинган. Масаланинг мураккаблиги шундаки, христианликнинг маросим ва байрамлари узоқ вақт давомида шаклланган ва бу жараён ундаги турли йўналиш ва оқимларнинг вужудга келиши билан бир вақтла амалга ошган. Шу боис христианликнинг маросим ва байрамлари масаласига йўналишлари ни таҳлил қилганда тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Католиклар ва православларнинг ўзига хос жиҳатлари**

Мисодий 329 йилда христианлик Римда давлат дини сифатида тан олинган. Христианликнинг давлат динига айланиши муносабати билан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий мавқеи ўзгарған, черковнинг мулкдорлар синфи вакиллари манфаатлари ва мавжуд ижтимоий-сиёсий тузу ... ҳимоя қилиш вазифалари устунлик қила бошлаган. Давлат ҳокимияти черковнинг аҳоли ўргасидаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда, провинция (вилоят)ларда руҳонийларнинг епархияларини (грекча *eparchia* – раҳбарият, ҳокимият деган маъноларни англатади), яъни черков маъмурий округларини ташкил этган. Епархияларга архиепископ (грекча *episkopos* – нозир, назоратчи деган маъноларни англатади) раҳбарлик қилган.

Христианлик давлатни мустаҳкамлашта хизмат қилиш билан бирга ҳокимият ва бойлик учун кураш жараёнига тортилган. Ўша даврда Рим давлатининг заифлашуви черковнинг бу курашдаги имкониятини янада мустаҳкамлаган. Зеро, кучли марказлашган давлат парчаланиши натижасида пайдо бўлган кичик давлатлар черков каби иттифоқчига муҳтоҷ эди. Аҳолининг мададига таянган черков мавжуд имкониятдан унумли фойдаланган ва сиёсий ҳокимият учун курашда фаол иштирок этган. Бу курашда Рим ва Византия христиан черковининг йирик марказига айланган. Қудлус, Александрия, Антиохия (Сурія, Арабистон, Кипр кабиларни бирлаштирган мустақил православ черкови) ва бошқа епархиялар уларга бўйсундирилган.

Рим епархияси христиан черковининг энг қудратли ташкилотларидан бири бўлган. Фарбий Рим империяси ағдарил-

ганидан кейин (476 йил) унинг ҳудудида қичик давлатлар вужудга келиши натижасида Рим епархиясининг құдрати янада ортган. Римда ҳокимият епископнинг құлиға ўттан. Кейинчалик Рим епископи папа (лотинча *papa* – ота, устоз, мураббий деган маъноларни англатади) унвонини олган. VIII асрнинг иккінчи ярмида Апеннин яриморолида Папа вилояты вужудга келган. Рим папаси диний ва дунёвий ҳокимиятта раҳбарлық қыладиган бўлган. Папа ўз ҳокимиятини бутун Рим империяси ҳудудига ва бошқа ерларга ёйишга ҳаракат қилган.

Шарқий Рим империясида (Византия) марказлашган давлат Фарбий Рим империяси қулаганидан кейин ҳам узоқ вақт давомида (XV асрнинг ўрталаригача) сақланиб қолган. Константинополь черкови император ҳокимиятiga бўйсундирилган. Кучли император ҳокимияти шарқий черковни ўзига бўйсундириш билан бирга Фарбий черковнинг мустақиллигини сақлаб қолишига ва ўз таъсирини бошқа ҳудудларга ёйишига қўмаклашган.

Рим папаси ва Византия черкови ўртасида христианликнинг маркази мақомини қўлга киритиш учун ўзаро кураш бошланган. Бу кураш муросасиз тус олиб, унда тоғ у, тоғ бу томон устун келиб турган. Оқибатда, 1054 йилда Рим ва Константинополь черковларида узил-кесил ажralиши юз берган. Христианлик шу санадан бошлаб расман икки йўналишга бўлинниб кетган. Рим папасига бўйсунувчи епархиялар католик (бутун дунё) черкови, Константинополь патриархига бўйсунувчи епархиялар эса православие (чин эътиқод) черкови деган ном олган.

Христианликнинг энг катта йўналишларидан бири католик черковидир. БМТнинг маълумотларига кўра, XX асрнинг охиrlарида католикларнинг сони 900 млн. кишини ташкил этган. Католиклар асосан Фарбий, Жануби-шарқий ва Марказий Европада, Лотин Америкасида кенг ёйилган. Африка аҳолисининг 1/3 қисми католиклардир. Черков Шимолий Америкада кучли таъсирга эга бўлиб, дунёнинг бошқа минтақаларида ҳам кенг ёйилган.

Католицизм таълимотининг манбанини муқалдас битиклар ва ривоятлар ташкил этади. Бу икки манба христианликда аҳами-

яти жиҳатидан тенг ҳисобланса-да, католицизмда бошқа йұналишлардан фарқлы үлароқ, муқаддас ривоятлардан кенгрөк фойдаланилади. Католицизмда «черков отатари»нинг (патристика) илоҳиётта бағищланган асарлари, Жаҳон соборлари ва Рим папасининг расмий ҳужжатлари, қадимий ибодат тажрибалари муқаддас ривоятлар сифатида қабул қилинган.

Католицизм ақидалари ва маросимлари православиенини кига яқын туради. Үнда православиедаги каби «эътиқод рамзи»нинг 12 ақидаси ва 7 та сирли маросими тан олинади. Лекин эътиқод рамзи ақидаларига бир қатор құшимчалар киристилган. 589 йилда қабул қилинган филиока (лотинчадан сўзма-сўз таржимаси ўғилдан ҳам деган маънони англатади) ақидасига биноан, худо Мұқаддас Рух худо Ота ва худо Ўғил (Исо)дан пайдо бўлган. Мазкур ақида католицизмда Исонинг ердаги ноиби леб тан олинган Рим папасининг ҳокимиятини янада мустаҳкамлайди. Папа ҳокимияти авлиёлар ва фаришталар ҳокимиятидан ҳам юқори қўйилади.

Шунингдек, католицизмда одам ўлганидан кейин руҳи жаннат ва дўзах оралиғидаги аърофга тушиши тўғрисидаги ақида мавжуд. Үнга кўра, тириклигида гуноҳлари ювилмаган, лекин «кечирилмас гуноҳ» содир этмаган кишиларнинг руҳи аъроф оловида тозаланганидан кейин жаннатга тушиши мумкин. Лекин бу мураккаб жараён, чунки руҳнинг аърофдан чиқиб кетиши учун бошқа киши ўзининг ортиқча савобини бериши лозим. Шу боис черков савоб ишларнинг захирасини вужудга келтиради. Аърофда қийиноққа дучор қилинган одамлар ўз руҳларини жаннатга ўтказиш учун захирадан фойдаланадилар. Савоб ишлар захираси Исо Масих, Биби Мариям, авлиёлар ва диндор кишиларнинг ортиқча савоб ишлари, хизматларидан ҳосил қилинади ва доимо тўлдириб борилади. Захира доимо тўлдириб турилиши учун черков кишиларни доимо савоб ишлар қилишга даъват этади.

Ўрта Асрларда аъроф ҳақидаги ақида индульгенциялар (лотинча *indulgere* – марҳамат қилиш, шафқат қилиш деган маъноларни англатади) сотишдек нохуш ҳодисани вужудга келтирган. Қайд этиш жоизки, XII асргача индульгенциялар черковга хуш келадиган ишларни бажарувчиларга, яъни черков

ўрнатган тартибларга қатъий амал қылғанлар, муқаддас жойларни зиёрат қылғанлар ва салиб юришларида иштирок этгандарга берилган. XII асрдан боштаб индульгенцияни сотин тартиби жорий қилинган. Масаланинг салбий жиҳати шундаки, мулкдор киши «кечирилмас гуноҳи»дан ташқари, барча содир этган гуноҳларини пул тўлаб ювиши мумкин бўлган. Ҳаттоқи киши қайси гуноҳи учун қанча пул тўлаши кераклиги тўғрисидаги жадвал ишлаб чиқилган. Черков индульгенцияларни сотиш тартибини XIX асртагача қўллаб келган.

Католицизмда Биби Мариямни улуғлашга катта эътибор берилади. 1854 йилда папа Пий I Биби Мариямнинг илохий ҳомиладорлик билан туғилғанлиги тўғрисидаги ақидани тасдиқлаган. Кейинчалик Биби Мариям худонинг марҳамати билан бирламчи гуноҳ таъсиридан ҳимояланғанлиги эълон қилинган. Кейинчалик Биби Мариямнинг вафот этганидан кейин жасади ва руҳи осмонга кўтарилиб кетғанлиги қайд этилган. Ушбу ақидага асосланиб, 1954 йилда «фалакнинг маликаси» шарафига багишлинувчи диний байрамнинг ўтказилиши жорий қилинган. Католиклар Биби Мариямни авлиёлар каби улуғлаш билан бирга хотин-қизларнинг гуноҳларини худодан сўраб берувчи ҳомий деб биладилар.

Католицизмда Рим папаси христианларнинг раҳбари эканлиги тўғрисида ақида мавжуд. Католиклар ўз эътиқодларини христианлик таълимотини тўлиқ ифодалайдиган йўналиш деб биладилар. Шу боис Рим папаси Исонинг ердаги ноиби, Римнинг биринчи епископи, ҳаварий Павелнинг вориси деб тан олинади. 1870 йилда Ватиканда Рим папасининг бенуқсонлиги ҳақиласи ақида қабул қилинган. Унга биноан, папанинг расмий чиқиншларида дин ва ахлоқ масалаларила айтган фикрлари бенуқсон ёки, бошқача айтганда, у худонинг иродасини етказувчи вакиллар.

Руҳонийларнинг ижтимоий аҳволи масаласида католицизм бошқа йўналишлардан сезиларли даражада фарқданади. Католик черковида руҳонийларнинг майиний турмушида XI асрдан боштаб целебат, яъни роҳиб ва роҳибаларнинг турмуш қурмаслиги қоидасига амал қилинади. Руҳоний худо ва одамлар ўргасидаги воситачи деб тан олинади. Одамлар-

нинг ўзлари руҳонийнинг ёрламисиз ва мураббийлигисиз мустақил илоҳий ҳақиқатга эриша олмайдилар деб ҳисобланади. Улар линий ташкилот вазифасини бажарувчи орденларга бирлашганлар. Католик черковида иезуитлар (Исо жамияти), францисканлар, салезианлар, доминиканлар, капуцинлар, христиан биродарлари, бенедиктлар каби каттакатта роҳиблик орденлари мавжуд. Орден аъзолари кийим-кечаги билан бир-биридан фарқ қиласидар.

Католикларнинг диний маросимларида ҳам христианлик нинг бошқа йўналиш ва оқимларидан фарқтар мавжуд. Масалан, етти сирли маросимни олиб кўрайлик. Чўқинтириш сирли маросимини бажаришда роҳиб чўқинтирилаётган кишининг устидан сув қуяди ёки уни сувга ботириб олади. Миро ёғини суриш сирли маросими католикларда «конформация» деб аталади. Маросим кишининг болалик ёки ўсмирилик ёшида бажарилади. Нон ва вино тортиш сирли маросимида православиеда маҳсус пиширилган кулча нон (просфора)дан фойдаланилса, католикларда квас қўшиб қорилган хамирдан тайёрланган қўймоқ шаклидаги нон (просфора) ишлатилади. Умуман, католикларнинг сирли маросимларни бажариш усулларида қисман тафовут бўлса-да, аслида, православиедагига ўхшаш эканлигини қайд этиш мумкин.

Диний ибодатни ташкил этишда ҳам бир қатор ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Диний маросимларни бажариш вақтида черковда диндорлар ўтиришлари мумкин, фақат айрим дуолар тик туриб ўқилади. Шунинг учун католик черковларида курсилар қўйилган. Диний маросимлар лотин тилида олиб борилади. Уларни бажариш вақтида орган ёки дам бериб чатинадиган мусиқа асбоблари (филгармония)дан фойдаланилади.

Диний ташкилотларни бошқаришнинг мураккаб тизими вужудга келтирилган. Юқорида қайд этилганидек, католиклар Ер шарининг барча қитъаларига ўйилган ва ҳалқаро маркази Ватиканда жойлашган. Унга Рим папаси раҳбарлик қитали. Ватикан Рим шаҳрининг марказида жойлашган. Майдони – 44 гектар. 1929 йилда Мусолини ҳукумати ва Рим папаси Пий XI ўртасида тузилган Латеран шартномасига биноан Ватиканга шаҳар-давлат мақоми берилган ва у давлат суверенитетига эга

бўлган. Ҳар қандай суверен давлат каби унинг ҳудуди, чегараси, фуқаролари, герби, байроби ва мадҳияси бор. Ватиканни дунёning кўп мамлакатлари тан олган ва у билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Аксарият халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ, ЮНЕСКО, МАГАТЭ, Европа Кенгашини кабиларнинг ишларида Ватикан кузатувчилари иштирок этади.

Рим папасини кардиналлар (лотинча *cardinalis* – асосий, катта, энг муҳим деган маъноларни англатади), яъни католик черковида пападан кейин турувчи мансабдор шахс коллегияси умрбод муддатга сайлайди. Ҳозирги кунда Рим папаси немис миллатига мансуб Бенедикт XVI.

Ватикан давлатининг асосий қонуни сифатида Конституция қабул қилинган. Унга кўра, Рим папаси қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиётининг бошлиғидир. Давлатнинг Марказий маъмурий бошқарув аппаратига Рим курияси раҳбарлик қиласи. У дунёning кўпчилик мамлакатларида фаолият кўрсатаётган католик черкови ва Ватиканга бўйсувучи дунёвий ташкилотларнинг ишларини бошқаради. Рим курияси давлат котибияти, 9та конгрегация (лотинча *congregatio* – иттифоқ, бирлашма деган маъноларни англатади, давлат вазирликлари вазифасини бажаради), 12та кенгаш, 3 та трибунал ва 3 та девонхонадан иборат.

Давлат котибиятига кардинал статс-котиб раҳбарлик қиласи. У Бош вазир ва ташқи ишлар вазири вазифаларини бажаради. Давлат котибияти ички ва ташқи ишларни бошқаради. Муқаллас конгрегациялар, кенгашлар ва котибият черков ишлари билан шуғулланади. Унинг таркибидаги линий таълимот масалалари билан шуғулланувчи конгрегация энг асосийсидир. Ушбу ташкилот руҳонийлар ва илоҳиётшуносларнинг дунёқараши, хулқ-атвери ва матбуогда чиқишиларининг ортодоксал католик черкови таълимотига мос келишини назорат қилиб туради. Ўрта асрлар даврида ушбу ташкилот ҳурфикликтининг ҳар қандай қўринишларига қарши кескин кураш олиб борган, инквизиция судларини ташкил этиб, уларга раҳбарлик қилган.

XX асрда жаҳон миқёсида демократик жараёнларнинг тобора кенг ёйилиши католик черковини бошқариши ишида

ҳам мұаійян ўзгаришларға сабаб бўлган. Черковни бошқаришда демократик қадриятлар жорий қилинган, миллий черковларнинг ваколатлари кенгайтирилган. Рим папаси ҳузурида маслаҳат овозига эга мұқаллас Синод ташкил этилган. Синод уч йиғида бир марта чақирилади. Унинг таркиби миллий епископлар конференциялари ва роҳиблар орденларининг раҳбарлари, Шарқий черковларнинг патриархлари ва митрополитлари ҳамда папа шахсан тайинлаган руҳонийлардан иборат. Синод католикларнинг ҳаёти ва эътиқоди билан боғлиқ энг мұхим масалаларни мұхқомама қиласы да үлар юзасидан бажарилиши шарт бўлган қарорларни қабул қиласы.

Минтақалар даражасида епископларнинг конференциялари ўтказиб турилади. Конференциялар оралиғида унда сайланган раҳбарлик органи фаолият олиб боради. Минтақавий конференцияларга черков билан боғлиқ ишларни бошқаришда кенг ваколатлар берилган.

Миллий черковга пана тайинлаган кардинал, патриарх ёки митрополит раҳбарлик қиласы. Миллий черковлар епархияларга бўлинади. Епархияга иерарх (грекча *hieros* – мұқаддас, *arche* – ҳокимият деган маъноларни англатади) раҳбарлик қиласы. Иерархга, бошқараётган епархиянинг нуфузига қараб, епископ ёки кардинал унвони берилиши мумкин.

Католик черковининг бошланғич ташкилоти (православиедаги каби) қавм (приход) деб аталади. Қавмларни руҳоний бошқаради.

Черков бошқаруви соҳасидаги ўзгаришлар диний таълимот ва унинг ижтимоий доктринасида ҳам модернизация жараёнларини кучайтиргди. Бу жараёнлар кам ўзгарувчан диний таълимотда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Диний таълимотдаги модернизация жараёнлари таъсирида католик черковининг устуңлиги тўғрисидаги ғоядан воз кечилди, умумий христианлик ғоялари атрофида бирлашиш зарурлиги тан олинди. Христианлик конфессияларини бирлашитириш тўғрисидаги экюминизм (грекча *aikitepe* – одамлар яшайдиган дунё, олам деган маъноларни англатади) ғояси қабул қилинди. Мазкур воқеа конфессиялараро муносабатларининг яхшиланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди, чунки шу вақтгача

католицизм христианларни фақат католик черкови таълимоти асосида бирлаштириш мумкин, деб ҳисоблар эди. Католик ва православ черковларининг 1054 йилдаги бир-бирини лаънатлаш тӯғрисидаги қарорлари бекор қилинди. Униат (христианлик ташкилотларининг католик черкови билан иттифоқини ёқловчи оқимлар)ларга православие ёки бошқа оқимлар сирли маросимларини қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

Черковнинг ижтимоий таълимоти (доктринаси)да ҳам жиддий ўзгаришлар мавжудлар. Доктринанинг ҳозирги цивилизацияга муносабати масаласида пессимилик қараашлар устунлик қиласди. Чунки черков ҳозирги замон цивилизацияси чўкур инқизатга учраган деб билади. Инқизатнинг моддий сабаби – оламшумул (глобал) муаммоларнинг ҳал қилинмаганилиги.

Маънавий соҳадаги энг муҳим сабабларидан бири жамиятда истеъмолчилик иллатининг тобора кучайишиди. Черковнинг нуқтаи назарига кўра, инсониятнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришда эришган ютуқлари фаровон турмуш учун моддий шарт-шароит яратади, лекин кишилар эҳтиёжи доимий ошиб бориш хусусиятига эга. Оқибатда истеъмолчиликнинг жамият учун хавфи шундаки, у киши онгида нарсаларга эришиш ва унга эгалик қилиш ҳаётнинг асосий мақсади деган нотўғри тасаввурни ҳосил қиласди, кишини худодан ажратади, ҳолос бўлиш учун қурашицига йўл бермайди. Черков бу муаммони одамларни ўз эҳтиёжларини чеклаб, камтarona яшашга даъват этиш билан ҳал қилишни таклиф этади.

Черковнинг ижтимоий доктринасида меҳнатга муносабат масаласи муҳим ўрин тутади. Маълумки, Инжилда меҳнат инсон йўл қўйган гуноҳнинг оқибати ва унга берилган жазо воситаси сифатида талқин этилади. Масалага бундай муносабат меҳнатни ҳаётий зарурат, кишининг жамиятда муносиб ўринга эга бўлиши учун восита сифатида эмас, балки унинг зиммасига юклатилган оғир юк деб баҳолашга сабаб бўлади. Шунинг учун черков меҳнатни киши ҳаётининг асоси, мавжудлигининг манбаи эканлигини қайд этади. Черков таълимотига кўра, инсоният бирламчи гуноҳдан олдин ҳам меҳнат қилган, лекин ундан кейин меҳнатнинг мазмуни ўзгар-

тан. Меҳнат одам учун оғир юқ, изтироб келтирувчи сабаблардан биринга айланган. Одам бирламчи гуноҳ қилганидан кейин моддий борлиққа табиий ҳукмронлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, меҳнат эса унинг илгариги мавқенини тиклаши воситасидир.

Инсон ўз меҳнати билан худонинг моддий оламдаги яратувчилик фаолиятини давом эттиради. Меҳнат орқали киши нафақат яратилган дунёнинг янги манбалари ва қадриятларини кашф этади, балки худога яқинлашади. Меҳнат кишининг халос бўлишига кўмаклашади. Қисқача айтганда, меҳнатнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига черковнинг янгича муносабати ишлаб чиқилган.

Католицизмда расмий доктрина билан бирга ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишнинг муқобил йўлларини таклиф қиласидиган кўплаб мазҳаблар мавжуд. Улар диннинг сиёсат ва сиёсий ҳаётга бетарафлигини танқил қилиб, ижтимоий тараққиётга хизмат қиласидиган диний мағкурани ишлаб чиқишини таклиф этади. Зоро, бундай қарашлар тарафдорлари ҳозирги даврда черковнинг моҳияти ўзгарганligини, ўтмишда дин куч ишлатувчи институт сифатида эксплуататор синфлар билан ҳамкорлик қиласидиган бўлса, ҳозирги даврда у кишиларни халос қилувчи институтга айланганligини қайд этадилар. Шу боис унинг сиёсий мағкураси черковнинг мавжуд ижтимоий тузумлардан мустақиллигини акс эттириши керак.

Хулоса қилиб айтганда, католик черкови христианликнинг етакчи йўналишларидан бири сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. Унинг таркибида расмий ва муҳолиф йўналишлар ижтимоий ҳаётдаги турли манфаат ва эҳтиёжларни тўлиқроқ ифодалашга ёрдам бермоқда.

Христианликда, католик черкови билан бир вақтда православие йўналиши вужудга келган. Православие Фарбий Рим империясидагидан кескин фарқ қиласидиган ижтимоий-сиёсий ва маданий мұхитда ривожланган. Византияда марказлашган давлат ҳокимиятининг кучли бошқарув тизими Фарбий Рим империяси қулаганидан кейин яна узоқ вақт давомида сақланиб қолган. Давлатта император раҳбарлик қил-

ган. Император чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, унга Константинополь черкови ҳам бўйсунган. Черков давлат аниатининг таркибий қисмига айлантирилган ва у империя манфаатларига хизмат қилган.

Шарқий Рим империяси ҳудудида қадимги маланий марказларнинг мавжудлиги Константинополь черковидан мустақил черковларнинг ажralиб чиқишига шарт-шароит яратган. III–IV асрларда Шарқий Рим империяси ҳудудида Константинополь черковидан ташқари, Александрия (Миср), Антиохия (Сурия), Иерусалим (Исроил) каби мустақил черковлар пайдо бўлган ва ундаги бўлиниш жараёни кейинги даврларда ҳам давом этган.

Шарқий Рим (Византия)да мустақил черковларнинг мавжудлиги бу ерда асло диний-сиёсий марказ йўқлигини англатмайди. XI асргача Византия империяси Шарқнинг энг қурдатли давлатларидан бири бўлган. Константинополь черкови империя ҳудудидаги мустақил черковларни вақтингчалик бўйсундириб, христианликнинг марказига даъвогарлик қилиб, Рим папасига қарши кураш олиб борган.

Шарқий черков расман грек-кафолик черкови деб аталган. «Черков» атамасига «кафолик» сўзининг қўшиб ишлатилишидан, унинг ўз эътиқодини католицизм каби жаҳон динига айлантиришга интилганлигини кўришимиз мумкин. Юқорида қайд этилганидек, Шарқий Рим империясидаги вазият тамоман бошқача бўлган. Ислом давлатларининг қаттиқ сиқуви империяни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлаштирган. Бирин-кетин унга бўйсундирилган черковлар яна ўз мустақиллигини тиклаб олган.

Ҳозирги даврда 15 та автокефаль (грекча – *autos* ўзим, *kephale* – бошман, яъни мустақил деган маъноларни англатади) православ черкови мавжуд. Булар – Константинополь (Туркия), Александрия (Миср), Антиохия (Сурия, Ливан), Иерусалим (Исроил), Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия ва Америка черковларидир. Автокефаль черковлар билан бирга автономия мақомидаги Синаи Фин ва Япон черковлари фаолият олиб бормоқда. XX асрнинг охиrlарида, Шарқий Европадаги си-

ёсий жараёнлар сабабли, автокефаль черковларнинг сони янада ортди. Бу черковлар турли ижтимоий-сиёсий шароитларда фаолият кўрсаталилар ва замоннинг долзарб муаммоларига турлича муносабат билдирадилар.

Православие кўплаб автокефаль черковлардан ташкил топган бўлса ҳам, Константинополь черкови унинг маркази мақомини сақлаб қолди. Шунга биноан, Константинополь патриархи расман жаҳон православие черковининг бошлиғи ҳисобланади. Константинополь патриархи автокефаль черковларнинг ички ва ташқи ишларига араласиши хуқуқига эга эмас. Автокефаль черковлариинг эътиқод ва амал масалала-ридаги мустақиллиги уларни ташкил этган марказ (Константинополь черкови) билан тузилган ўзаро битимда белгиланган. Автокефаль черков таркибидаги автоном черков бошлиқлари маҳаллий черков йиғинида сайланади ва автекефаль черков патриархининг тасдифидан ўтади.

Автокефаль черковлар экзархат (грекча *exarhos* – бошлиқ, раҳбар деган маъноларни англатади, вилоят черкови, унга епископ раҳбарлик қиласи), епархия (черковнинг маъмурий округи, унга архиерей раҳбарлик қиласи) ҳамда благочиниеларга (епархиянинг туманлари, унга катта поп раҳбарлик қиласи) бўлинади. Православиенинг қуий диний маъмурий бирлиги қавм деб аталади. Қавмлар черков, бутхона ходимлари ва диндорлар жамоасидан иборат. Диний ташкилотлар иерархия, яъни қуий таскилотларнинг юқори ташкилотларга бўйсуниши ва ҳисоб бериши принципи асосида бошқарилади.

Бу принцип руҳонийлар даражасида ҳам амал қиласи. Унга кўра, кичик мартабали руҳонийлар юқори мартабали руҳонийларга бўйсунишлари керак. Руҳонийлар даражаси билан бирга уйлангани (оқ) ва уйланмаганига (қора, роҳибликни танлаган) қараб ҳам ажратилиди. Диний ташкилотлар учун мутахассислар ва раҳбар кадрлар асосан роҳиблар орасидан танланади.

Православие черковлари диний таълимот, маросим ва ақидалар масаласида бир-биридан фарқ қilmайди. Диний таълимот асосини «эътиқод рамзи» ташкил этади. «Эътиқод рамзи» 12 параграфдан иборат бўлиб, унда диний таълимот-

нинг асосий ақылалари: худонинг яратувчилиги, унинг дунёва инсонга муносабати, худонинг ягона, лекин уч қиёфада эканлиги, ўз қиёфасини ўзгартириши, одамлар гуноҳини ўз зиммасига олиши, ўлиб қайта тирилиши, охират, черковнинг халоскорлиги акс эттирилган.

Православие таълимотига қўра, худо битта, лекин уч қиёфалидир: Ота худо, Ўғил худо ва Муқаддас Руҳ. Худонинг қиёфалари тенг ва бир-биридан ажралмасдир. Муқаддас Руҳ Ота худодан келиб чиқкан.

Православ христианлар биринчи инсонлар – Адам ва Ева содир этган дастлабки гуноҳ, Ўғил худо (Исо Масиҳ)нинг илоҳий равишда туғилганлиги, одамлар гуноҳини ўлими билан ўз зиммасига олганлиги, охиратда тириклар ва ўликларни қайта сўроқ қилиш учун ерга қайтиб келиши ҳамда илоҳий подшоликни қуришига ишонадилар. Шунингдек, православиеда ҳам жаннат ва дўзах, руҳнинг абадийлиги, черковнинг худо ва одамлар ўртасидаги воситачилик вазифасини бажариши тўғрисидаги таълимотлар мавжуд.

Ҳар бир диннинг ўз маросимлари бўлганидек, православиеда етти сирли маросим алоҳида аҳамиятга эга. Бу маросимларнинг сирли деб аталишига сабаб шуки, руҳонийларнинг муайян ҳаракатларни бажаришлари ва дуоларни ўқишлири билан обьектга одамнинг кўзига кўринмайдиган худонинг марҳамати ўтади.

Сирли маросимлар қўйидагилардан иборат:

1) чўқинтириши маросими кишининг христиан черковига қабул қилинганлигини рамзий ифодаловчи асосий сирли маросимлардан бирилди. Православиеда чўқинтириш ёши белгиланмаган. Чўқинтириш маросимида ёш бола сувга уч марта ботириб олинади, катта ёшдаги киши сувда поклантирилади. Диний ривоятга қўра, одам чўқинтирилганидан кейин бирламчи гуноҳдан фориғ бўлади. Катта ёшдаги киши чўқинтирилганидан кейин бирламчи гуноҳ билан бирга, шу вақтгача қилган гуноҳлари ҳам кечирилади. Ушбу маросимни бажарган кили христианликка (католик черковида чўқинтирилса, католик черковига, православ черковидан ўтган бўлса, православ черковига) қабул қилинади. Шу тариқа илоҳий ҳакиқатни

билиш ва халос бўлиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, ёш бола чўқинтирилганидан кейин унга исм қўйилади. Одатда, болага чўқинтирилган кун қайси авлиёнинг номи билан боғлиқ бўлса, ўша авлиёнинг исми қўйилади;

2) *нон ва вино тортини маросими христианликда иккинчи*, лекин аҳамиятига кўра, жуда муҳим сирли маросим ҳисобланади. Бу барча оқим ва мазҳаблар қабул қилган маросим. Диний ривоятларда айтилишича, Исо биринчи марта ўз шогирдлари билан махфий кечакунидаги бу маросимни ўтказган. Кейинчалик христиан черкови Исо Масих ўтказган маросимни қабул қилган. Шу боис сирли маросимдан ўтказилаётган кишига худонинг жисми ва қони тимсоли бўлган нон ва вино истеъмол қилдирилади. Бу билан инсоннинг Исога яқинлашиши ва абадий ҳаётга дахлдор бўлиши мумкин деб ҳисобланади.

Православиеда бу маросим учун квасда қорилган ҳамирдан тайёрланган кулча нон (просфора) ва қизил шароб (вино) ишлатилади. Одатда, у бир қатор бошқа сирли маросимлар билан қўшиб ўтказилади. Черков Исо Масих билан узлуксиз атоқада бўлишни истаган кишига бу маросимдан йилда бир марта ўтиб туришини тавсия қиласи;

3) *тавба-тазарру қилиши маросими IV–V асрларда христианликда сирли маросим сифатида қабул қилинган*. Православиеда бу маросим диндор киши ҳаётининг таркибий қисми ҳисобланади. Динда буюрилган амалларни ёки черков қоидасини бузган киши тавба қилиб, қилган гуноҳини руҳонийга айтади. Маросим қўйидаги босқичларга бўлинади: биринчи босқичда одам руҳонийга содир этган гуноҳи тўғрисида ҳисоб беради. Яъни маросим одамнинг ўз гуноҳини англашига уни қайта тақрорламаслигига ва маънавий поклонанишга ёрдам беради, гуноҳини енгиллаштиради; иккинчи босқичда махсус ваколатга эга руҳоний Муқаддас Руҳнинг кучи билан ушбу инсоннинг гуноҳини кечираади.

Илк христиан жамоаларида тавба-тазарру қилиши маросими қўлланилмаган. Бунга сабаб, ўша вақтда христиан жамоасининг аъзоси дин талабларини бузмайди, деган хотүғри қараашнинг устунлик қилганлигидир. Лекин ҳаётда бунинг

акси бўлиб чиққан. Шу боис диндорлар жамоасида ошкора тавба қилиш тартиби жорий қилинган. IV асрда ошкора тавба-тазарру қилиш руҳонийлар табақасининг манфаатларига мос келмай қолганлиги сабабли, унинг мазмунини сир тутиш жорий қилинган. Черков тавба-тазарру сирини ошкор қилмасликка кафолат беради. Тавба сирини ошкор этиш катта гуноҳ ҳисобланади;

4) *миро суртиши сирли маросими чўқинтириш сирли маросими*дан кейин ўтказилади. Уни бажарувчи руҳоний хушбўй миرو ёғини кишининг пешонаси (фикри), кўкраги (юраги, ҳис-туйғулари, истаклари), кўзи, бурни ва қулоқлари (майллари), шунингдек қўл-оёқлари (хатти-ҳаракатлари)га хоч шаклида сургади. Миро ёғини суртиш вақтида сирли равишда худонинг марҳамати ўгади ва шу тариқа унинг поклиги сақлаб қолинади, маънавиятининг юксалишига эришилади, деб ҳисобланади;

5) *никоҳ сирли маросими* католицизмда XII асрда вужудга келган ва XVI асрдан бошлаб сирли маросим сифатида қабул қилинган. Православиеда бу маросим алоҳида ўрин тутади, чунки оила кишилар жисмоний ва маъниавий бирлигининг бошланғич бўғинидир. Оила жамиятнинг таянчи, абадий ҳаёт тимсолидир. Шунинг учун никоҳ сирли маросими тантанали равишида ўтказилади. Руҳоний байрам кийимларида никоҳдан ўтаётган ёшларни кутиб олади. Худони шарафловчи дуолар ўқилади. Ёши келин-куёвларнинг бошига ҳосилдорлик тимсоли бўлмиш гулчамбар тақиб қўйилади. Ёвуз кучларни ҳайдовчи ладан (исириқ) тутатилади. Маросим вақтида никоҳдан ўтаётган келин-куёвга худонинг марҳамати тушади, янги оиласа тинчлик, тотувлик ва муҳаббат ҳукмрон бўлишига илоҳий шарт-шароит яратилади, деб ҳисобланади;

6) *муқаддас зайдун мойи суртиши маросими* бемор одам учун бажариладиган сирли тадбир. Маросимда беморнинг пешонаси, ёнони, лаби, кўкраги ва қўлларига муқаддас зайдун ёғи суртилади. Руҳоний буларни амалга ошириш давомида дуолар ўқиб, беморнинг согайиб кетишига худодан ёрдам сўрайди. Диний таълимотга биноан, зайдун мойини суртиш маросими мўжизавий даволовчии қучга эга бўлиб, bemorni

тұнодаридан ҳалос қиласы. Бу маросим рұхонийликка қабул қилишда ҳам үтказылады;

7) *рухонийлик унвонини берши маросими* III асрда жамият-да алоқида гурұхни ташкил этган рұхонийлар уюшмаси пайдо бұлғанлиги сабабли жорий қилинган. Православиеда бу маросим алоқида аҳамиятта эга бўлиб, уни роҳибликни ихтиёр қилган кишининг бошига юқори мартабали рұхоний құлинни қўйиб бажаради. Маросим давомида роҳибликка қабул қилинаётган кишига сирли равишда худонинг марҳамати үтади ҳамда у худо ва одамлар ўртасида воситачилик қилиш ҳуқуқига эга бўлади, деб ҳисобланади.

Православиеда, сирли маросимлар билан бирга, ибодат қилиш, хоч, бутлар, табаррук нарсалар, шаҳидлар ва авлиёларга сифиниш каби маросимлар мавжуд.

*Ибодат қилиш* – диндорнинг ёки диндорлар гурӯхининг худога, авлиёларга илтимос, шикоят ёки миннатдорчилек билдириб, бевосита мурожаат қилиши. Бунда киши танасининг ҳолатига алоқида эътибор берилади, чунки ибодатнинг турига ёки мазмунига кўра, кишининг тиз чўкиши, қўлларини кўтартган ҳолагда ёки кўзини юмиб туриши талаб қилинади. Православ черковида, одатда, ибодат тик туриб бажарилиши сабабли диндорларнинг ўтиришлари учун курсилар қўйилмайди.

*Хочга сифиниш* – Исо Масиҳнинг хочга михлаб қўйилтиши билан боғлиқ маросим. У христианликнинг тимсоли ҳисобланади. Бу православиенинг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, диний ривоятларда ёзилишича, Исо Масиҳнинг қони тўқилганлиги сабабли, хоч илоҳий кучга эга бўлган. У одамларни ёвуз кучлардан сақтайди. Хоч тўрт бурчакли, олти бурчакли (Исонинг бошидан баландроқ қилиб хочга ёзув тахтаси қоқиб қўйилганлиги сабабли), сakkiz бурчакли (Исонинг оёғи билан таяниши учун хочга тахтача қоқиб қўйилганлиги сабабли) шаклларда тасвирланади. Хочнинг барча шаклларидан кені фойдаланилади ва улар бир хил аҳамиятга эга.

*Бутларга сифиниш* – православие маросимларининг муҳим элементларидан бири. Бутларда Ота худо, Ўғил худо, Муқаддас Рұҳ, Муқаддас учлик, Биби Мариям, авлиёларнинг ва евангелиялар муаллифларининг тасвирлари чизил-

ган ёки ўйиб ишланган бўлади. Диний ривоятларга кўра, христианлар бутларда тасвирангандан персонажларга сифиниши ёки улар билан бевосита мулоқот қилиши мумкин. Бутлар илоҳий кучга эга бўлиб, одамларга кундалик муаммоларини ҳал қилишларида кўмаклашади. Православиеда Биби Мариям-нинг тасвири чизилган бутлар алоҳида улуғланади. Диний ривоятларда ёзилишича, бутлар тирик мавжудотлар каби хислатларга эга. Улар одамлар сингари кўради, эшитади, оғриқни сезади, изтироб чекади, уча олади, сувда сузади ва қўйилган жойидан кетиб қолиши мумкин. Бутлардаги персонажлар турли қиёфаларда тасвиранганди. Масалан, Исо Мақиҳ VII асртагача қўй ёки балиқ қиёфасида, Муқаддас Рӯҳ кабутар кўринишида, ҳаварийлар: Лука – буқа, Иоанн – бургут сингари қиёфаларда тасвиранганди. Персонажлар қиёфаларида миллийлик белгилари мавжуд.

*Авлиёларга сигиниш.* Авлиёлар – христианликда ўзини худога хизмат қилишга бағишлиб, тақводорлик билан яшаганини учун нариги дунёда мукофотланган ва одамларнинг тақдирига аралашишдек мўъжиза кўрсатиш кучи бахшида этилган кишилар. Христианликда айтилишича, авлиёлар одамларга ҳомийлик қилишлари ва ҳаётий муаммоларининг ҳал этилишига кўмаклашишлари мумкин. Улар худо ва одамлар ўртасидаги воситачилардир. Авлиёлар маҳшар куни кишилар гуноҳининг кечирилишини худодан сўраб беришлари мумкин.

Христианлик шаклланаётган даврларда одамларга хизматлари учун авлиё унвони беришнинг умум эътироф этган қоидаси ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Шу боис ўша даврларда афсонавий образлар, ҳалқ фольклори қаҳрамонлари ва мажусий маъбуллар ҳам авлиё деб эълон қилинган. Кейинчалик бу масаладаги ноаниқликлар бартараф этилган (жумладан, православиеда авлиё унвонини бериш масаласи билан маҳсус комиссия шуғулланади ва унинг тақлифи муқаддас Синодда кўриб чиқилганидан кейин муҳокамага қўйилади ҳамда қарор қабул қилинади). Авлиёлар ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятига кўра бир-биридан фарқланади ва қуйидагиларга бўлинади: фаришалар, пайғамбарлар, ҳаварийлар, тақводорлар, ҳақиқат учун курашганлар ва ҳоказо.

*Марҳумларга сининиши* – вафот этган кишининг майити худонинг иродаси билан чиришдан сақданиб қолишига ишониши. Христианлар чиrimай сақданиб қолган шаҳидлар майитига илоҳий куч мужассамлашгандигига ва унинг одамларга фойда келтириши мумкинлигига ишонадилар. Православиеда чиришдан сақданиб қолган тананинг қисмларида ҳам мӯъжизавий куч бор деб ҳисобланади.

Православие таълимотини тарғиб қилишда диний байрамларга алоҳида эътибор берилади. Чунки православиеда байрамлар жуда кўп бўлиб, аҳамиятига кўра, катта, ўрта ва кичик байрамларга бўлинади.

Катта байрамларнинг энг нуфузлиси пасха (грекча *pascha* – қадимги яхудий тилидаги *pesach* сўзидан олинган ва сўзмасўз таржимаси – келиб чиқиши, насл-насаб, асли деган маъноларни англатади) байрамидир. Бу байрам Исонинг хочга тортиб ўлдирилганидан кейин мӯъжизавий қайта тирилиши хотирасига бағищланади. Христианликлаги ушбу байрам иудаизмдаги мессиянинг келишига бағишлиб ўтказиладиган пасха байрамидан ўзлаштирилган. Дастребки даврларда уларнинг ўтказилиш вақти ҳам бир кунга тўғри келган. Пасха байрами иудаизмдаги пасха байрами тугаганидан кейинги биринчи якшанбада ўтказилади. У бир ҳафта давом этади.

Пасхадан кейин (аҳамиятига кўра) улуғ байрам ҳисобланувчи ўн иккита байрам қабул қилинган. Улар қуйидагилардан иборат:

- Исонинг туғилиши;
- Худонинг чўқинтирилиши;
- Учрашув;
- Илоҳий хушхабар;
- Худо қиёфасининг ўзгариши;
- Биби Мариямнинг туғилиши;
- Биби Мариямни хотирлаш;
- Исони хочга тикилаш;
- Худонинг Куддусга келиши;
- Исонинг осмонга кўтарилиши;
- Муқаддас учлик.

Юқорида санаб ўтилган ўн иккита улуғ байрамлар орасида Исонинг туғилиши ва Муқаддас учлик алоҳида мавқега эга.

Исонинг туғилиши байрами – Ўғил худо Исо Масиҳнинг туғилишига бағишлиаб ўтказиладиган байрам. Инжилда Биби Мариям иффати сақланиб қолган ҳолда Ота худодан илоҳий ҳомиладор бўлғанлиги ва натижада Исо Масиҳ туғилганлиги қайд этилади. Исо Масиҳнинг туғилиши инсоният тарихида бекёёс аҳамиятта эга воқеа бўлган. Исо туғилган кундан бошлаб барча одамлар учун ҳалос бўлиш, әбадий ҳаёт ва роҳат-фароғатда яшаш имконияти очилган. Дастреб Исонинг туғилган кунини христианлар бянварда нишонлаганлар. Кейинчалик уни 25 декабрда нишонлаш белгиланган. Йил ҳисобида фарқ бўлғанлиги учун Исонинг туғилган куни католикларда 7 январда, православларда 25 декабрда нишонланади.

Катта байрамларнинг кейингиси Муқаддас учлик байрамидир. Христианларда бу пасха байрамидан 50 кун ўтганидан кейин нишонланади. Шу боис у эллик кунлик байрам деб аталаи. Инжилда қайл этилишига кўра, Исо қайта тирилганидан кейин 50 кун ўтгач, шогирдлари ҳаварийларга Муқаддас Рӯҳ аён бўлади. Айнан иш воқеа кунда мўъжиза юз беради. Ҳаварийлар зиммасига «пайғамбар»лик вазифаси юкланиди ва улар турли ҳалқлар тилларида гапира бошлайдилар. Шу воқеадан кейин ҳаварийларнинг миссионерлик (лотинча *missio* – хабар элтувчи, зиммасига юклаш деган маъноларни анлатади) фаолияти бошланади.

Ўн икки байрамдан кейин улуғ байрамлар сифатида қабул қилинган бешта байрам туради. Улар қуидагилардан иборат: Исони хатна қилиш, Иоанн Предтечанинг туғилган куни, ҳаварийлар Иоанн ва Павел куни байрами, Иоанн Предтечанинг боши кесилиши ва Ҳомийлик байрами.

Христианликда нишонланадиган ўрта ва кичик байрамлар асосан маҳаллий аҳамиятта эга бўлиб, одатда бирорта маҳаллий авлиёга бағишланади. Бу байрамлар шу қадар кўпки, йилнинг ҳар бир куни бирон-бир авлиёга бағишланган байрамга тўғри келади.

Диний байрамлар ва маросимларни бажаришда, диндорлар ҳаётида черков ва руҳонийлар мухим ўрининг эга. Черков Исо Масиҳнинг илоҳий «жисми»га қиёсланади. У худо ва одам ўртасидаги воситачи маскан вазифасини бажаради. Чер-

ковнинг муҳим ижтимоий вазифани бажариши уни қуришда монументалликка, безакларнинг гўзаллиги ва ҳашамдорлигига алоҳида эътибор беришни таълаб қиласди. Шунингдек, диндорлар черковга келганида, бинонинг улуғворлиги, ички ва ташқи қисмидаги ҳашамат, юксак санъат даражасида бажарилган безаклари худонинг чексиз қурратини намойиш қилиши билан бирга диний билим берган, Инжилнинг мазмунни билан таништирган.

Черковда ваъз айтилади, худога сифиниш маросимлари ўтказилади, Инжилдан лавҳалар ўқилиб, сирли маросимлар бажарилади. Православиеда диндордан мунтазам черковга қатнаб туриш таълаб қилинади.

Юқорида қайд этилганидек, православие католицизм каби марказлашган ташкилотга эга эмас, у бир қатор автокефаль черковларга бўлинади. Автокефаль черковларни бошқариш тартиби тўғрисида яққол тасаввурга эга бўлиш учун Рус православ черкови бошқарув тартибини таҳдил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Рус православ черковига патриарх раҳбарлик қиласди. Патриарх диний ишларга раҳбарлик қилишда катта ваколатларга эга. У диний таълимот ва маросимлар билан боғлиқ ишларни ҳал қиласди, черковни бошқаради ва ундаги суд ишларига раҳбарлик қиласди. У мустақил черковлар билан алоқа ўрнатиш ишларини назорат қиласди, епархиялар архиерейларининг (черков маъмурий-худудий бирлашмаси раҳбари, митрополит, архиепископ, епископ каби унвонли киши) фаолиятини назорат қиласди, уларни лавозимига тайинлайди ва ишдан бўшатади, диний унвонлар беради.

Рус православ черкови маъмурий-худудий бўйиниши бўйича 4 та экзархат (грекча *exarchos* – бошлиқ, раҳбар деган маъноларни англатади, черковлар округи, бир неча епархиялардан ташкил топади) ва 76 та епархия (черков маъмурий-худудий бирлашмаси)га бўлинади. Бошланғич ташкилотлар «Қавмлар» деб аталади. Қавмлар қути маъмурий-худудий черков ташкилотидир. Улар черков ва унда фаолият юритувчи руҳонийлардан ва шу худудда истиқомат қиласиган диндорлар жамоасидан ташкил топган. Диндорлар жамоаси черков кенгаши ва

тафтиш комиссиясини сайлайди. Тафтиш комиссияси ижроия органи ҳисобланали, яъни черковнинг хўжалик ва молиявий ишларини бўшқаради. Роҳиблар ижроия органининг ишларига аралашмайдилар, улар диндорларнинг диний эҳтиёжларни таъминлаш, ибодат қилиш, диний маросимларни бажариш каби вазифалар билан шуғулланадилар.

Рус православ черкови ҳам (бошқа черковлардаги каби) диний мазҳабларга бўлинади. XVII асрнинг ўрталарида жамиятнинг инқирози ҳамда бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли Рус православ черковида бўлиниш юз берган, старообрядчилик (эски эътиқод тарафдорлари) диний-ижтимоий ҳаракати вужудга келган. Черковдаги бўлинишга патриарх Никон (1605–1681)нинг диний ислоҳотлари баҳона бўлган. Унинг ташаббуси билан илгари рус тилига таржима қилинган диний китоблар билан грек тилидаги асл нусхалар ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш ишлари олиб борилган. Черковда диний маросимларни бажаришнинг ягона тартиби жорий қилинган. Никоннинг ислоҳотлари диний таълимот асосларига таъсир этмаган. Масалан, ислоҳотлар натижасида «Исус» сўзи «Иисус» деб айтиладиган бўлган, «певцы» сўзи «песнопевцы» билан алмаштирилган. Диндорларнинг диний маросимлар вақтидаги ҳаракатларининг йўналиши ўзгаририлган. Ергача таъзим қилиш, бел баробар таъзим қилиш билан алмаштирилган ва ҳоказо. Кўринишидан жиддий бўлмаган ўзгаришлар жамиятда оғир оқибатларни келтириб чиқарган: диний ислоҳотлар мафкуравий, ижтимоий-сиёсий муаммога айланган. Жамиятда «Эски эътиқод» тарафдорлари ҳаракати вужудга келган. Ҳаракат иштирокчилари Рус православ черковининг бетакрор аҳамиятга эгалиги ва бошқа черковлардан, жумладан унга асос солган Константинополдан ҳам устунлиги foяси илгари сурилган. Диний маросимлар ва удумларда миллий хусусиятларни сақлаб қолиш талаб қилинган. Черков ислоҳотлар мухолифларига қарши қатъий кураш олиб борган. Старообрядчилар «муртад» деб эълон қилинган. Бутун мамлакат бўйлаб қатағонлар, қувгинлар бошланган, минглаб кишилар қатл этилгандар, қийноққа дучор қилинганлар, қамоққа ташланганлар, сургун қилинганлар.

Хукумат ва расмий черковнинг старообрядчиликка қарши кескин тадбирлари ҳаракатни йўқ қила олмаган. Старообрядчилар мамлакатнинг чекка ўлкаларига қочиб кетиб, эски диний эътиқодларини сақлаб қолганлар. Улар давлат ҳокимиятини иблиснинг гумашталари деб ҳисоблаганлар ва дунёвий ҳаёт билан ҳар қандай алоқаларни инкор этганлар. Ҳанузгача уларда диний маросимлар эски диний китоблар асосида бажарилади, йил ҳисоби ислоҳотлар давридаги эски тақвим асосида олиб борилади.

Давлат ҳокимиятининг ва расмий черковнинг старообрядчиликка қарши кескин кураши таъсирида унинг сафларида турли йўналишлар вужудга келган. XVII асрнинг охирларида «попчилар» ва «попчиликни инкор қилувчилар» йўналишлари пайдо бўлган. «Попчилар» диний удум ва маросимлар попларнинг раҳбарлигида бажарилиши керак, деб ҳисобладилар. «Попчиликни инкор қилувчилар» «ҳақиқий» попларни иблиснинг гумашталари йўқ қилган деб, уларни инкор қиладилар.

1971 йилда ўтказилган Рус православ черковининг Поместье соборида старообрядчиликни диндан чиққанлар (анафема) оқими эканлиги тўғрисидаги қарор бекор қилинган. Рус православ черковидаги бўлиннишни бартараф этиш учун қулай шарт-шароит вужулга келган, лекин мухолиф кучларнинг ўзаро бирлашуви амалга ошмаган. Ҳозир ҳам мустақил старообрядчилик черковлари сақланиб қолган.

Православиенинг ижтимоий доктринаси тарихий давларнинг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари таъсирида ўзгариб борган. Черков жамиятда маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолат ва маданий гарәқиётга хизмат қилиш билан бирга ҳукмрон ижтимоий-сиёсий тузум ва у олиб борган крепостниклик, мустамлакачилик ва эксплуатация сиёсатларини ҳимоя қилиб келган. Шу билан бирга капиталистик тараққиёт давридаги ижтимоий-сиёсий тузум оқланган ва уни «умумхристианлик қадриятлари»нинг олий даражадаги тимсоли эканлиги қайд этилган. Кишиларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш учун капитализмни «христианлаштириш» йўли билан «соғломлаштириш» таклиф этилган.

Собиқ социалистик давлатларда фаолият кўрсатган православ черковлар доимо меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя

қилганлигини исботлашга интилган. Черковнинг ҳар доим ижтимоий тенгсизликка, кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши, қуллик, зулм, мустамлакачилик ва экспансzionизмларга қарши турганлиги кўпчиликка маълум.

Православиенинг католицизмдан фарқти ўлароқ, дунёвий ҳокимият билан рақобатлашиш имкониятлари чекланган эди. Кўпчилик мустақил черковлар бевосита сиёсии ҳокимиятга бўйсундирилган. Шундай вазиятда черковларнинг ижтимоий-сиёсий тузумга нисбатан муроса йўлидан борганлиги сабабини тушуниш мумкин. Совет тузуминин барҳам топиши натижасида демократик тараққиёт йўлидан бораётган янги давлатларнинг вужудга келиши диний ташкилотларнинг эркин фаолият кўрсатишига имкон берди. Черков жамиятда инсонпарварлик, адолат, меҳр-оқибат, узалар фикрига ҳурмат каби умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда бошқа дунёвий ташкилотлар ва муассасалар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, халқаро муносабатларда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, кескинликни юнватиш, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун халқаро терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўришишларига қарши курашмоқда.

Православ черковининг Марказий осиёдаги фаолияти узоқ ўтмишимиз билан боғлиқ. 2001 йилда Ўрта Осиё православ черкови епархияси ташкил этилганлигининг 127 йиллиги нишонланди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар қаторида православ черкови ислом динидан кейинги ўринда туради. Барча конфессиялар каби православ черкови ҳам минтақада тинчлик, барқарорлик, миллый тотувлик, диний бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик муҳитини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда.

### Протестантларнинг ўзига хос жиҳатлари

Христианликнинг катта йўналишларидан яна биттаси протестантизмдир (лотинча *protestans* – қарши чиқувчи, норози леган маъноларни англатади). У XVI–XVII асрларда Фарбий Европадаги феодал тузум ва унинг мафкуравий таянчи бўлган реакцион католицизмга қарши кучли ижтимоий-сиёсий, иж-

тимоий-маданий ва диний ҳаракатларнинг бошланиши сабабли вужудга келган. Ҳаракат иштирокчилари католик черковини евангелиялар фояларидан чекинишда айблаб, уни асл ҳолатига қайтаришни талаб қилиб чиққанлар. Бу тарихда «реформация ҳаракати» (лотинча *reformatio* – ўзгартириш, тўғрилаш каби маъноларни англатади) деб аталади.

Реформация ҳаракати чукур тарихий илдизга эга. Ҳаракат бошланишидан олдинги даврларда ҳам руҳонийларнинг маънавий бузуқлиги, ўз вазифасини суиистеъмол қилишлари, дабдабабозликлари, кишиларга бефарқлик, тамагирлик ва расмиятчилик каби иллатлари илгор жамоатчилик вакиллари томонидан кескин танқид қилинган. Жумладан, Оксфорд университетинг профессори Ж. Виклиф ва Прага университетининг профессори Я. Гуснинг чиқишлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Германия ва Швейцария реформациянинг марказлари эди. Ушбу ҳаракат кейинчалик Фарбий Европанинг бошқа давлатларига ёйилган. Мартин Лютер (1483–1546), Томас Мюнцер (1430–1525), Ж. Кальвин (1509–1564) реформация ҳаракатининг ташкилотчилари ва раҳбарлари ҳисобланганлар.

Ўрта асрларда католик черкови асосий бойлик саналувчи ер майдонларининг катта қисмига эгалик қилган. Аҳоли даромаднинг ўндан бир қисмини солиқ шаклида черковга тўлаган. Руҳонийлар тушумларни кўпайтириш мақсадида хизмат тўловлари микдорини ошириб бориш билан бирга мансабни суиистеъмол қилиш, тамагирлик, пораҳўрлик каби воситалардан фойдаланаар эдилар. Индульгенциялар (лотинча *iuhdugehtia* – раҳм-шафқат деган маънони англатади) сотиш кенг қўлланилган. Руҳонийларнинг маънавий бузуқлиги, бефарқлиги, бегамлиги шу даражада кенг илдиз отган элики, черков уни ўз доктринасида ҳам акс эттиришга мажбур бўлган. Доктринага биноан, маънавий фазилатларидан қатъи назар, диний маросимни руҳоний бажарган бўлса, илоҳий аҳамиятини йўқотмаган.

Католик черковидаги «носоғлом» муносабатлар реформация ҳаракатининг вужулга келишида муҳим бўлган, лекин унинг асосий сабаби ўз умрини яшаб бўлган феодал муносабатлардир. Феодал жамият негизида вужудга келиб,

ижтимоий мавқеини тобора мустаҳкамлаб борган буржуазия ҳокимият учун курашда дастлаб эски жамиятнинг мафкуравий таянчи саналган католик черковини мағлубиятга учратиши лозим бўлган.

Реформация ҳаракати дастлаб Германияда Мартин Лютернинг Рим папасига қарши чиқишидан бошланган. 1517 йил 31 октябрда Мартин Лютер ўз қараашларини 95 та тезисда баён этиб, уни Витгенберг шаҳар черковларидан бирининг дарвоздасига осиб қўйган. Тезисларда черковнинг авлиёлар ёрдамида халос бўлиш, аъроф, руҳонийларнинг воситачилик вазифаси ҳақидаги таълимотлари танқид қилинган. Кейинчалик Рим папасининг ҳокимияти инкор қилинган. Лютер черков ташкилотининг иерархия принципи асосида тузилишини ва бошқарилишини рад этган, Исонинг халоскорлик кучига ишончи орқати киши мустақил равишда, черковнинг воситачилигисиз халос бўлиши мумкинлиги foясини ҳимоя қилган.

Мартин Лютер роҳибликни бекор қилиш, диний маросимларни соддалаштириш ва черковни дунёвий ҳокимииятта бўйсундириш кабиларни талаб қилиб чиққан. Унинг талаблари Германияда эндиғина шаклана бошлаган буржуазиянинг манфаатларига мос келган. Шунингдек, кўпчилик немис князлари ва феодал гуруҳларининг вакиллари ҳам унга хайриҳоҳлик билдирган. Мазкур гуруҳлар черковнинг катта ер майдонларига эгалик қилиши, беҳисоб бойликларга эгалиги, герман черковларининг Рим папасига катта пул маблағлари ажратиши ва давлатларнинг ички ишларига доимий аралашуви кабилардан норози бўлганлар.

Бир гуруҳ лютерчи немис князларининг талаби билан Шпейер Рейхстаг ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилган. Лекин Германияда Рим папасига қарши кураш олиб боришга қодир кучли, марказлашган давлат йўқ эди. Рим папасининг тазиғи билан 1529 йилда Рейхстаг бу қарорни бекор қилган. Рейхстагнинг қарорига жавобан, 5 нафар немис князи ва 14 нафар империянинг шаҳарлари Рейхстагдаги кўпчиликка қарши норозилик (протест) биздирганлар. Мазкур воқеадан кейин христианликда реформация нати-

жасида пайдо бўлган янги йўналиш «протестантизм» деб атала бошланган.

Германиядаги реформация ҳаракатида аҳолининг ўртаҳол ва камбағал табақалари ҳам кенг кўламда иштирок этган. Уларнинг манфаатларини Томас Мюнцер ўз қарашларида ҳимоя қилган. Дастроб Томас Мюнцер сиёсий фаолиятини лютерчилар ҳаракатида иштирок этишлан бошлаган. Лекин кейинчалик Лютернинг қарашлари чекланганлиги ва ҳукмрон табақаларнинг манфаатига хизмат қилишидан норозилик билдириб, диний ақидалар ва ижтимоий-сиёсий муаммолар танқидида, Лютердан фарқли ўлароқ, муросасизлик йўлини танлаган.

Томас Мюнцер диний таълимотга муносабат соҳасида черков ташкилотларининг қуидидан юқорига бўйсунишига асосланган бошқарув тартибига қарши чиққан, ортодоксал диний таълимотлар ва епископлар ҳокимиятини инкор қилган, худога эътиқод ҳар бир кишининг қалбida туғилиши керак, деб ҳисоблаган. Шу билан бирга киши Исонинг руҳини қалбida ҳис қилса, сохта ҳақиқат оғусини тарқ этади, олий илоҳий ҳақиқатга эришади, бунга эришишдаги тенглилк фуқароларнинг ҳукуқий тенглигини билдиради, деб таъкидлаган. Томас Мюнцер кишиларни умумий тенглилкка асосланган илоҳий жамият қуришга даъват этган. Томас Мюнцернинг даъвати Германиядаги дехқонлар қўзғолонининг шиорига айланган. Дехқонлар қўзғолони мағлубият билан тугаган ва Томас Мюнцер асирга олинниб, қатла этилган. Унинг тарафдорлари эса Европа давлатларига тарқаб кетганлар.

XVI асрнинг биринчи ярмида реформация ҳаракати Европанинг бошқа давлатларига ёйила бошлаган. Бу ҳаракатнинг йирик марказларидан бири Швейцария эди. Мамлакатнинг Женева ва Цюрих шаҳарларидаги ҳаракатларга Ж.Кальвин ва У.Цвингли раҳбарлик қилганлар. Швейцариядаги реформация ҳаракати протестантизмда янги катъвинизм оқимини вужудга келтирган. Кальвинизм – буржуазиянинг католик черковига қарши кураши тимсоли. Оқимда умум эътироф этган эътиқод рамзи йўқ. Инижил эса диний таълимотнинг ягона манбайи ҳисобланади. Тақдирин азал ҳақидағи таълимот оқимнинг асосий ғояларидан биридир. Кальвиннинг фикрича, худо айрим

кишиларни абадий роҳат-фароғатда, айримларни дўзах азобида қийналиб яшаш учун яратган. Лекин ҳар қандай киши азоблардан халос бўлиши мумкин, чунки худо уни ёлғизлатиб қўймайди. Худонинг марҳамати тушган киши ташаббускор бўлиши ва абадий роҳат-фароғатда яшашга лойиқ эканлигини исботлаши керак. Бундай киши тадбиркор ва ҳар ишда омадли бўлади. У дунёning лаззатларидан тийилиши, тежамкор бўлиши ва камтарона яшами керак.

Ўрта асрларда диний маросимларда қўлланиб келинган иконалар, шам ёқиш, хоч ва бошқа воситалардан фойдаланишдан воз кечилган. Сирли маросимлардан фақат рамзий маънодаги чўқинтириш, нон ва вино тортишдан фойдаланилган. Асосан черковда вавъ ўқишига катта эътибор берилди, маросим диний қўшиқлар ва худога сигинишлар билан тўлдирилган. Диндорлар жамоасини сайлаб қўйиладиган пресвитерлар (грекча *presbyteros* – оқсоқол деган маънони англатади, христиан черковидаги руҳоний киши) ва пасторлар (лотинча *pastor* – чўпон, подачи деган маъноларни англатади, протестант черковининг хизматчиси) бошқарган. Улар айни пайтда диний маросимларга раҳбарлик ҳам қилганлар. Диний ташкилотларга эса автономия хукуки берилган.

Реформация ҳаракатининг йирик марказларидан яна бири Англия бўлган. Бу мамлакатда реформация юқори табақаларнинг ташаббуси ва бошчилигида амалга оширилган. 1531 йилда Англия парлamenti католик черкови ақидалари ва маросимларини сақлаб қолган ҳолда черковнинг Рим папасидан мустақиллиги тўғрисида қарор қабул қилган. Черковга раҳбарлик қилиш ваколати эса қирол зиммасига юклатилган. Барча монастирлар ёниб ташланиб, черков мулклари мусодара қилинган. Рим папасига қарши кураш томонларнинг ўзаро келишуви билан якунланган. 1571 йилда Англия парлamenti эътиқод рамзи тўғрисида декларация қабул қилган. Ушбу ҳужжат асосида англикан черкови вужудга келган.

XVI асрда протестантизм йўналишининг асосий оқимлари лютеранлик, кальвинизм ва англиканлар черкови вужудга келган. Лекин йўналиш таркибида оқимларнинг шаклланиши жарагёни ҳозирга қадар давом этмоқда. Улар қаторидаги баптист-

лар, методистлар ва пятидесятиниклар оқимларини мисол келтириш мумкин. Протестантизм йўналишининг турли оқимлардан ташкил топганлиги улар ўртасида диний таълимот, ақида ва маросимларда умумийлик борми, деган савол тугдиради.

Протестантизм таълимотида черков ва роҳибларнинг худо ва одамлар ўртасидаги воситачилик вазифаси инкор қилинади. Унда ҳар бир кишининг худо билан бевосита мулоқот қилиш ва халос бўлиш имкониятига эга эканлиги таъкидланади. Ушбу ақиданинг қабул қилиниши натижасида диндорлар зиммасидаги оғир юқ бўлмиш ҳашаматли монастирларни қуриш ва кўп сонли роҳибларни боқиш зарурати ўз-ўзидан барҳам топган.

Одамларнинг худо билан бевосита алоқа ўрнатиши ҳақидаги ақидадан ҳар бир диндорнинг руҳоний бўлиши тўғрисидаги ақида пайдо бўлган. Унга биноан, протестантлик эътиқодини қабул қилиб, чўқинтирилган киши ваъз ўқиш ва диний маросимларни бажариш ҳуқуқига эга бўлади. Бу руҳонийларнинг умуман инкор қилинишини билдирамайди, протестант руҳонийлари христианликнинг бошқа йўналишларидагидан фарқланади. Руҳонийлар диндорлар жамоаси томонидан сайланади ва фақат унга ҳисоб беради. Уларга диндорларнинг тавбатазаррусини қабул қилиш ва гуноҳларини кечириш ҳуқуқи берилмаган. Бундай руҳонийларнинг оила қуришлари мумкин ва улар учун целибат (лотинча *celibates* – уйланмаган деган маънени англатади) қасами бекор қилинган.

Инжил – диний таълимотнинг асосий манбаи. Муқаддас ривоятлар, яъни Рим папасининг ҳужжатлари, «черков отали»нинг асарларининг илоҳий мазмунга эгалиги тан олинмайди, лекин улардаги Инжилнинг мазмунини акс эттирувчи қисмларидан фойдаланилади. Инжилни диндорлар она тилида ўқишлари эътироф этилган. Ҳар бир киши ўз она тилида диний маросимларни бажариш ва Инжилни мустақил тафсир қилиш ҳуқуқига эга.

Протестантизмнинг асосий ақидалари сифатида қабул қилинган одамларнинг гуноҳкорлиги ва Исонинг бирламчи гуноҳни ювиш учун ўзини қурбон қилганлигига ишониш билан халос бўлиши мумкинлиги тоғаси тарғиб қилинади. Сирли

маросимлар, зоҳидлик, савоб иш қилиш қабилар кишининг халос бўлишига ёрдам беролмайди. Одамларнинг ички табиати бирламчи гуноҳ таъсирида тамоман ўзгарганлиги боис улар худонинг кўмагисиз, мустақил яхшилик қилиш имкониятига эга эмас. Яхшиликнинг намоён бўлиши инсоннинг шахсий хислати эмас. балки худога бўлган муҳаббатининг самарасидир. Одам гуноҳкор ва гуноҳдан халос бўлиш учун худони доимо ёдда тутиши, унга сифиниши керак. Бу амал билан мустаҳкамланмаса, кутилган натижани бермайди. Одам ўзининг кундалик вазифаларини сидқидилдан бажариши лозим. Ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашиш кишининг худога нисбатан муносабати қанчалик самимий эканлигидан далолат беради.

Протестантизмда тақдири азалга ишониш мавжуд. Унга кўра, худо кишининг тугилишидан олдин тақдирини белгилаб қўяди. Одамнинг ердаги ҳаётида худо унинг тақдирини қандай белгилаганини билиб бўлмайди. Лекин инсоннинг меҳнатсеварлиги, ишдаги омадлилиги, тижоратдаги ютуқлари, бадавлат ва баҳтли яшаши қабилар унга худонинг назари тушганлиги ва покланиш белгилари сифатида қабул қилинади.

Протестантизмда диний маросимлар соддаташтирилган ва ортиқча харажатларга йўл қўйилмайди. Ибодатлар ваъз ва дуо ўқиш, псалом (диний қасида ва ашула)лар куйлаш, Инжилдан парчалар ўқиш билан чекланади. Марҳумлар руҳига, Биби Мариям, авлиёлар ва иконаларга сифиниши, аърофга ишониш қабилар бекор қилинган. Ибодатхоналардан ҳашаматли ва кўп чиқим талаб қилувчи жиҳозлар (қўнғироқлар, меҳроблар, иконалар, ҳайкаллар ва бошқа безаклар) олиб қўйилган.

Хуоса ўрнида шуни айтиш керакки, протестантизм йўналиши Фарбий Европада католик черковининг зўравонлиги, одамлар тақдирига бефарқлиги, маънавий айниши, бойликка ўчлиги, ижтимоний ва маданий ҳаётдаги тараққийпарвар ўзгаришларга тўсқинлигига қарши бўлган янги ижтимоий-сиёсий кучлар мафкураси сифатида вужудга келган. Қайд этиш жоизки, католик черковига қарши қаратилган ижтимоий-сиёсий ҳаракат даҳрийлик ҳаракати эмас, балки черковдаги иллатларга, ижтимоий-сиёсий тараққиётга тўсқинлик қилувчи сиёсий католицизмга қарши қаратилган ҳаракат эди.

## **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Христианликнинг вужудга келиши сабаблари нималардан иборат?
2. Христианлик таълимотининг асосларини аниқланг.
3. Христианликнинг муқаддас ривоятларига қайси манбаларни киритишмиз мумкин?
4. Христианликнинг улуғ байрамларини санаб беринг.
5. Қачон ва нима сабабдан христианликда бўлиниш вужудга келган?
6. Католицизмнинг хусусиятлари нималардан иборат?
7. Католицизмда черковларни бошқаришнинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?
8. Протестантизмнинг католицизмдан фарқларини аниқланг?
9. Православиеда нима сабабдан автокефал черковлар юзага келган?
10. Протестантизм қачон ва қандай сабабларга кўра вужудга келган?
11. Протестантизмнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

## *1-мавзу*

# **ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАРҚАЛИШИ**

**Ислом динининг вужудга келиши. Муҳаммад пайғамбар ва учнинг янги динни шаклланишидаги хизматлари**

Ислом дини юзага келиши жиҳатидан жаҳон динлари ичидаги учнинг ўринда туради. Ислом дини Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Жануби-шарқий Осиё, Кавказ халқларининг тарихида ниҳоятда муҳим ўрин тутади ва айни вақтда ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига катта таъсир ўтказиб келмоқда. Эрои, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистони, Ливия, Тунис, Судан сингари мамлакатларда ислом расмий давлат дини мавқеига эта. МДҲ давлатлари ҳудудида Марказий Осиё, Шимолий Кавказ, Озарбайжон, Татаристон ва Башқирлистан халқлари ўзларининг ислом динида эканликларини эътироф этишади. Ҳозирги кунда турли қитъаларда яшовчи бир миллиардан зиёд киши ирқи, миллати, синфи ва табақавий фарқларидан қатъи назар, ислом дини нормалари ва қалрниятлари атрофида бирлашган ҳамда жаҳон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида салмоқли ўринлардан бирини этгалиди.

Ислом милодий VII асрнинг бошларида Арабистон яриморолида пайдо бўлган. Яриморол аҳолисининг асосий қисми - араблар ташкил этган. Ислом вужудга келиши арафасида араблар асосан чорвачилик билан шугулланар эди. Арабистоннинг қулай географик ўрни (худудидан Фарб ва Шарқ давлатларини боғловчи карvon йўллари ўтган ва учта қитъани туташтириб туради) сабабли, савдо-сотиқ ва ҳинармандчиллик қадимдан ривожланган. Иқтисодий ривожланиш даражаси яриморолнинг худудида турлича бўлган. Унинг бепоён чўлларида яшаган кўчманчи араблар чорвачилик билан шугулланган. Яриморолнинг шимолий қисмida Византия ва Месопотамия каби қадимги маданий марказларнинг таъсири кучли

эди. Карвон йўли ўтган жануби-ғарбий қисми (Ҳижоз)да қадимдан савдо-сотиқ, сунъий суфоришга асосланган деҳқончилик ва қисман ҳунармандчилик ривожланган.

Милодий I асрда Арабистоннинг жануби-ғарбий қисмида шаҳар-давлатлар вужудга келган. IV–VI асрларда бу ерда Макка, Ясириб, Тоиф сингари йирик шаҳарлар мавжуд эди. Уларда истиқомат қилувчи араб зодагонларининг даромадини карвон йўлларидан келаётган бож солиқлари ва савдо-сотиқ тушумлари ташкил этган. Минтақадаги иқтисодий жонланиш натижасида кўчманчи чорвадор қабилаларда уруғ-қабилавий муносабатларнинг емирилиши ва давлат уюшмаларининг пайдо бўлиш жараёни кучайган.

Арабистоннинг қулай географик ўрни, карвон йўллари бўйлаб бой шаҳар-давлатларнинг мавжудлиги қурдатли қўшни давлатларнинг минтақага қизиқишини кучайтирган. VI асрнинг бошларига Арабистоннинг жануби-ғарбий қисмida жойлашган Эфиопия (Ҳабашистон) давлати яриморолнинг карвон йўллари ўтган қисми (Ҳижоз)ни босиб олган. Лекин Ҳабашистон бой ўлкада мустаҳкам ўрнаша олмаган. VI асрнинг иккинчи ярмида Эрон Сосонийлари давлати Эфиопияни Арабистондан суриб чиқарган. Арабистон Сосонийлар давлати таркибига киритилган.

Сосонийлар ҳукмронлиги минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни кескинлаштирган. Бунга сабаб уларнинг Буюк ипак йўлининг аҳамиятини янада ошириш мақсадида, Арабистондан ўтган жанубий карвон йўлини издан чиқаришлири бўлган. Оқибатда жанубий карвон йўли вайрон қилинган. Карвон йўлидан келаётган даромад эса кескин камайган. Арабистоннинг ташқи савдо айланмаси қисқарган ва хўжалиги инқирозга учраган.

Арабистондаги иқтисодий инқироз натижасида аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетган ва маънавий тушкунлик юзага келган. Қабилавий низолар кучайган. Халқ орасида халоскор маҳдийнинг келиши тўғрисидаги ривоят тарқалган.

Бу давр кўчманчи араб қабилалари (бадавийлар)нинг уруғ-қабилачиликдан синфий тузумга ўтиш даврига тўғри келганилиги сабабли вазият янада мураккаблашған, анъанавий тур-

муш тарзи ва нормалари бузила бошлаган. Ижтимоий зиддиятлар ва араб қабилаларининг оғир тантлиқдан чиқиши учун марказлашган мустақил давлатга бирлашишга интилиши қабилар кучайган. Бунинг учун тарқоқ араб қабилаларни бирлаштирувчи мафкура зарур эди. Ислом дини тарқоқ қабилаларни бирлаштирувчи мафкура сифатида тарих саҳнасига чиқкан.

Исломгача Арабистонда турли хил динлар мавжуд эди. Семит қабилалари анъаналарига кўра, Қуёш, Ой, табиатнинг бежилов кучлари, турли худолар ва руҳларга сифинганлар. Ҳар бир қабиланинг ўз худолари, тотем ёки фетишлари мавжуд бўлган. Улар гоҳида бир-бирига қарама-қарши эди. Қабиланинг диний тасаввурлари фақат мазкур қабила аъзоларининг гина бирлигини таъминлаган, умумараб дини эса йўқ эди.

Ибтидоий дин шакллари ва кўпхудолилик билан бирга яккахудолиликка асосланган дин турлари ҳам ёйилган. Араблар қадимдан яккахудолиликка эътиқод қилган яхудийлар билан ёнма-ён яшаганлар. Эфиопия Арабистоннинг бир қисмини босиб олганидан кейин христианлик (исломгача Эфиопияда давлат дини сифатида қабул қилинган) кенг ёйила бошлаган. Сосонийлар давлати Арабистонда зардутийликнинг кенг ёйилишига шарт-шароит яратган. Оқибатда араблар орасида ибтидоий дин шакллари билан бирга яккахудолиликка сифинувчиларнинг ҳам сони ортиб борган.

VI асрда Жанубий Арабистонда ҳанифлар (арабчада – чинакам эътиқод қилувчилар, тақводорлар деган маъноларни англатади), яъни якка худоликка даъват этувчилар ҳаракати кенг ёйилган. Уларни «ҳанифлар» деб аталганлигининг сабаби ҳозиргacha аниқ эмас. Айрим манбаларда ҳаракат иштирокчиларининг кўпчилиги «бану ҳанифа» уруғидан чиққанлиги боис шундай ном берилганлиги қайд этилади. Улар санамлар, фетишлар ва турли худоларга сифинишни қоралаб, ягона худога сифинишни даъват қилганлар. Айрим ҳанифлар ўз худоларини «Оллоҳ» (арабчада – ал-илоҳ ёки семит тилида – ал ёки эл сўзидан олинган бўлиб, худо, Оллоҳ деган маъноларни англатади) деб атаганлар.

Ҳанифлар ҳаракати бошланган даврда Оллоҳ қурайш қабиласининг санами ҳисобланган. Мазкур ҳаракат иштирокчилари

жуда кўп бўлган, лекин истом вужудга келганидан кейин улар тўғрисида маълумот берувчи манбалар деярли йўқ қилиб ташланган. Қуръон ва бошқа манбаларда Сажжоҳ, Тулайҳ, Асвад, Мусайлима каби ҳанифлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Ҳанифлар ўзларини худонинг илоҳий хабарини одамларга етказувчи вакили – пайғамбар деб атаганлар. Бироқ бундай даъволар аҳоли орасида эътиборсиз қолган. Фақат Мұхаммад алайҳиссаломгине истом тарихида буюк пайғамбар сифатида тан олинган.

Мұхаммад 570 йилда Макка шаҳрида таваллуд топган. Унинг туғилиши арафасида отаси, 6 ёшлигида эса онаси Амина ая вафот этган. Ота-онасидан эрта жудо бўлган Мұхаммад дастлаб бобоси Абд ал-Муталлиб томонидан, у оламдан ўтгач эса амакиси Абу Толибнинг қўлида гарбияланган. Мұхаммад ёшлик чоғиданоқ амакисининг савдо ишларида ёрдам берган. У меҳнаткашлiği, одамларнинг эътиборини қозона олиши, уларнинг кўнглига йўл топа олиши ва содиқтиги билан ном қозонган. Шу боис унга «Амин» (солиқ) лекан тахаллус берилган.

Абу Толиб Мұхаммадни 21 ёшида бадавлат бева хотин Ҳадичага иш бошқарувчиликка хизматга берган. Кўп вақт ўтмасдан у Ҳадичага уйланган. Эр-хотиннинг ёшида жуда катта фарқ (Мұхаммад хотинидан 15 ёш кичик бўлган) бўлсада, ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббатга асосланган мустаҳкам оила қурилган. Бироқ Мұхаммаднинг хотинларидан бири Ойшанинг маълумотига кўра, уларнинг ёшларидаги фарқ катта бўлмаган. Шунга кўра, Мұхаммад уйланган вақтла 23 ёшда, Ҳадича эса 28 ёшда бўлган. Агар уларнинг олти фарзанд кўрганларни ҳисобга олинса, Ойшанинг маълумоти ҳақиқатга яқин бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Мұхаммад уйланганидан кейин савдо ишларини давом эттириш ва мулкини кўпайтиришга ҳаракат қилса-да, яашадан энг асосий мақсад Оллоҳга хизмат қилиш деб ҳисобланган. Мулкий таъминланганлик унга диний ишлар билан мунтазам шуғулланиш имконини берган.

610 йилда Мұхаммад худодан ваҳий (худонинг хоҳиш-иродасини ифодалайдиган «ҳақиқат»ларини одамларга мўъжизавий йўллар билан етказиш) келаётганинги айтиб, араб-

ларни ягона худо – Оллоҳ атрофида бирлашишга даъват этган ва инсонларни Оллоҳ иродасига бўйсунинига чақирган.

Маълумки, ягона Оллоҳ тўғрисидаги тоя, унга имон келтирганларнинг биродарлигини англатади. Муҳаммаднинг даъватини қабул қилганилар ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига муҳаббат, эзгулик ва адолат қоидалари асосида бирлашишни ҳақиқий эътиқол асослари леб ҳисоблаганлар. Муҳаммад Оллоҳга имон келтиришга даъват этишини бошлаган дастлабки даврларда янги дин яратишни даъво қилмаган. Шуниси эътиборга моликки, ислом дини (арабчада *ислюм* – итоат этиш, бўйсуниш деган маъноларни англатади) тарқалишининг дастлабки йилларида у Куддус шаҳри гемонга қараб сажда қилган. Христианлар ва иудаизмга сифинувчиларни биродарлар леб ҳисоблаган. Яхудийлар дастлаб Муҳаммадни маҳдий сифатида қабуза қилган бўлсалар-да, кейинчалик унинг қарашларини танқид қилгандар. Диний қарашлардаги ихтилофлар сабабли иудаизм ва христианлар билан ажралиш юз берган. Муҳаммад ўз тарафдорларини барча диний маросимларни арабларнинг сиёсий ва диний маркази – Макка шаҳрига қараб бажаришга даъват этган.

Муҳаммаднинг даъваткорлик фаолияти ластлаб катта қийинчиликларга дуч келган. Ҳатто энг яқин қариндошлари ҳам дастлаб унинг гоясини қабул қилмаганлар. Муҳаммаднинг Макка шаҳридаги 12 йиллик даъватчилик фаолияти муваффақиятсизлик билан якунланган. Макка зодагонлари унинг даъватларидағи ижтимоий адолат, дин аҳдининг биродарлиги, бойларнинг камбағаллар фойдасига хайрия қилишлари, судхўрликнинг қораланиши, ахлоқ нормалариға амал қилиш каби гояларини қабул қилмаган. Бундан ташқари, шаҳарда шу давргача нуфузи баланд бўлмаган ҳошимийлар уруғи вакилини пайғамбар сифатида ҳукмрон уммавий зодагонлари қабул қила олмас эдилар.

Муҳаммаднинг даъватчилик фаолияти билан шуғуланишига қарши турли тўсиқлар мавжуд бўлган. 617 йилда унга даъватчилик билан фақат ўз маҳалласида шуғуланишига рухсат берилган, аммо маҳалладан ташқарига чиқиши қатъиин ман қилинган. 620 йилда Ҳадича (хотини) ва ундан ке-

йин Абу Толиб (амакиси) вафот этган. Яқин кишиларининг мададидан маҳрум бўлган Мұхаммаднинг ҳёти хавф остида қолган ва у шаҳардан чиқиб кетишга қарор қилган. У 622 йилида (таксинан 22 ёки 24 сентябрда) гўсиқтардан муваффақиятли ўтиб, Ясрибга (Мадина) кўчган. Мұхаммаднинг Ясрибга кўчган вақти ҳалифа Умар даврида мусулмон ҳижрий тақвимининг ҳисобига асос сифатида қабул қилинган.

Макка шаҳрига муҳолиф ясрибликлар Мұхаммадни қабул қилганлар (Мұхаммаднинг онаси Амина ая асли ясриблик эди). Мұхаммаднинг даъватларини қабул қилган ясрибликлар ансорлар, Маккадан кўчиб келганлар муҳожирлар деб юритилган. Ясрибда муҳожирлар ва ансорлар мусулмонлар жамоаси (арабчада «муслим» – бўйин эгувчи, ўзини оллоҳга топширган) умма (маълум динга эътиқод қилувчилар жамоаси)га бирлашган. Мусулмонлар Мұхаммадни пайғамбар, диний ва дунёвий ҳокимият раҳбари сифатида тан олганлар. Мұхаммаднинг шарафига Ясрибга кейинчалик ал-Мадина (арабчада – *мадина нуиб*, яъни пайғамбар шаҳри) деган ном берилган.

Мадина шаҳрида Мұхаммад алайҳиссалом раҳбарлигига исломга эътиқод қилувчилар учун манзил – биринчи масжид қурилган ҳамда исломнинг диний ва сиёсий мавқеини акс эттирувчи биринчи низом ёзилган. Бу низомга биноан, исломга эътиқод қилувчи барча кишилар бир ҳалқ деб эълон қилиниб, ўзаро нифоқ, қасос олиш бекор қилинган. Мусулмонларга қўлда қурол билан бир-бирларини ҳимоя қилишлари лозимлиги уқтирилган. Барча мунозарали масалалар бўйича ҳукм чиқариш Мұхаммад алайҳиссалом зиммасига ўтган. Ислом динини қабул қилмаган маҳаллий араблар, насронийлар ва яхудийлар билан алоҳида шартнома тузиленган.

Шундай қилиб, биринчи теократик (грекча *teos* – худо, *kraatos* – ҳокимият деган маънони англатади) давлат вужудга келган. Давлат бошида якка ҳоким диндор киши бўлган. Бу давлатни Оллоҳнинг ердаги вакили – Мұхаммад пайғамбар ҳамда унинг икки ёрдамчиси Абу Бакр ва Умар бошқарганлар. Улар ўз қўлларига нафақат сиёсий ва ҳарбий ҳокимиятни, балки диний ишлар, кишиларининг тарбияси, янги динни тарқатиши билан боғлиқ вазифаларни ҳам олганлар. Шу та-

риқа пайғамбарнинг ҳаёти ва айтган сўзлари секин-аста қонундек мавқеига эга бўлиб борган.

Тез орада ислом динининг таъсири Жанубий ва Еарбий Арабистоннинг деярли барча қабилаларини қамраб олган. Муҳаммад пайғамбар тарафдорлари ислом динига эътиқодни тоғ тарғибот, тоғида эса куч ишлатиш йўли билан қарор топтирганлар. Йирик савдо-сотиқ маркази Макка шаҳри ахолиси ислом динига ҳаммадан кўп қаршилик кўрсатган. 623 йилдан бошлаб мусулмонлар маккаликларнинг карвонларига ҳужум қила бошлаган. Улар катта қўшин билан мусулмонларга қарши чиқкан. 624 йилда Бадр шаҳри ёнидаги жангда Муҳаммад раҳбарлигидаги қўшин маккаликларни торморм қилган. 625 йилда маккаликлар қўшинни Ухуд тоги яқинидаги мусулмон қисмларига катта талафот етказган. Лекин маккаликлар Ясрибдан чекинганлар. 628 йилда Муҳаммад катта қўшин билан Макка шаҳрига яқин келган. Мусулмонлар қўшинлари Макка шаҳри яқинидаги ал-Худоайбия қинчоғига келиб тўхтаган. Шаҳарликлар билан олиб борилган музозаралар натижасида тинчлик шартномаси тузилган. Ниҳоят, Муҳаммад 630 йилда Макка шаҳрини қўлга олди, изгари унга қарши бўлган қурайш зодагонлари эса унинг иттифоқчисига айланганлар. Муҳаммад гарчи ўз она шаҳрига муваффақият қозонган бўлса-да, Мадина шаҳрига қайтишинни маъқул қўрган. Ўлимидан бир неча ой аввал, у Маккага ҳаж қилган. Шу даврдан эътиборан Макка шаҳри ислом динининг муқаллас пойтахти деб эълон қилинган.

632 йилда Муҳаммад вафот этган ва ўзи бошлаган ишни давом эттириш учун минглаб маслакдошларига қолдирган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўлимидан сўнг айрим кўчманчи қабилалар ислом гартибларига қарши қўзғолонлар кўтарганлар. Бироқ бундай қўзғолонлар муваффақият қозонмаган. Яъни Муҳаммад тарафдорлари уларни бостирганлар. Улар ислом динини тарқатиш ва бунинг учун қўшини давлатларни босиб олишини асосий мақсад деб билгандар.

Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин давлат бошлиғи дастлаб умма томонидан сайланган. Умма сайлаган тўрт халифа (хулафо ар-рошидин) – Абу Бакр (632-634 йиллар),

Умар (634-644 йиллар), Усмон (644-656 йиллар), Али (656-661 йиллар) даврларида ислом құшни давлатларга ёйилған. Қисқа вақт ичіда (VII-VIII асрларда) үлар Үрта ва Яқын Шарқни, Марказий Осиёning асосий қисміні, Шимолий Хиндистанни босиб олғанлар ва Хитой чегарасынча етгандар. Бундан ташқары, Шимолий Африкала Ливия, Тунис ва Мароккани ишінәттөретін әтгандар ҳамда Гибралтар бүгози орқали ўтиб, Пиренея яриморолини әгаллатаңдар. Улар ҳатто Франциянанча етиб борғандар ва у ерда Пуатье шаҳри ёнидаги жаңғада (732 йил) мағлубиятта учрагандар.

Бундай зabit этишлар оқибатида жуда кагта ҳудудда ислом давлати – Араб халифалиғи пайло бұлған ва унинг ахолиси исломлаштырылған. Исломлаштырылған түрлі йүллар (кучли иқтисодий воситалар, агар үлар ёрдам бермаса, қарбий күч ишлатып йүли) билан амалға оширилған. Шундай қилиб, қисқа вақт ичіда ислом миллий чегаралан ташқарига чиққан ва сеқин-аста жағон динларидан бириға эга бұлған. Бу эса, албаттa, бир қатор халқдарнинг тарихий тақдирнега таъсир күрсатған.

Хулоса сифатида айттанды. Мұхаммад пайғамбар араб әзатини янги диний мағқура асосида жиплаштыриб, марказлашған давлатта асos солған. Жамияттің иқтисодий, сиёсий ва маънавий инқизордан ҳалос қылған. Инсоният тарихида алоҳида ўринга эга ислом маданияттінинг пойдеворини яратған.

### **Куръон, унинг мазмуні ва түзилиши. Суннат ва ҳадислар**

Мусулмон анъаналарига күра, Оллоқнинг иродаси ва ўғитлары Мұхаммад пайғамбарға фаришта Жаброил орқали вахий (арабчада – үқтирилған деган маънени англатади) қилинған. Ваҳий келған күн исломда Лайлут-ул қадр кечаси (арабчада – тақдирни ҳал қыладыған кече деган маънени англатади) деб юритилади. Ъз навбатида, пайғамбар бу ўғитларни кишиларға етказған. Бу нарса мусулмонларнинг муқаддас китоби Куръонда (арабчада – ўқимоқ деган маънени англатади) баён этилған.

Мұхаммад даврида диний таълимот тартиб билан ёзиб борилмаган. Унинг ҳаётлигінде муқаддас битикка әхтиәж

бўлмаган, чунки дин ва давлат ишлари билан боғлиқ масалаларни пайғамбарнинг ўзи бевосита ҳал этган. У вафот этганидан кейин диний таълимот баён этилган муқаддас ёзувларга эҳтиёж туғилган. Муқаддас битикнинг ягона матнини тайёрлаш мақсадида халифа Абу Бакр 632 йилда Қуръон саҳифаларини тўплаб, дастхат қилишни саҳоба (арабчада – ҳамроҳ, дўст деган маъноларни англатади) Мұхаммад Зайд ибн Собитга топширган. Унинг таҳририда тайёрланган қўлёзма матни суҳуф (арабчада саҳифалар деган маънони англатади) деб номланган. Лекин суҳуф матни билан Қуръон сураларини (арабчада *изра* – деворни теришида иштатиладиган фишт ёки тошнинг бир қатори деган маъноларни англатади) мустақил тўпловчиларнинг матнлари ўртасида тафовутлар мавжуд бўлган. Бу эса динда катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин эди. Халифа Усмон муқаддас битиклар билан боғлиқ тафовутларни бартараф этиш мақсадида ўзининг раҳбарлигига ижодий гуруҳ тузган. Ижодий гуруҳ 651 йилда Қуръоннинг асл нусхасини тайёрлаган. Ундан фарқ қиласидан барча матнлар йўқ қилинган. Тайёрланган нусха халифа Усмон мусҳафи (арабчада – ўрама қофоз, пергамент деган маъноларни англатади) деб аталган.

Маълумки, Қуръони карим жами 114 сурадан иборат. Ҳар бир сура, ўз навбатида, Оллоҳ ўғитларидан иборат оятларга (арабчада – мўъжиза деган маънони англатади) бўлинади. Қуръондаги биринчи сурадан ташқари қолган барча суралар ҳажм жиҳатдан торайиб, кичиклашиб, ихчамлашиб боради. Энг узун суралар Қуръоннинг бошида ва энг қисқа суралар эса охирида жойлаштирилган. Шунинг учун унда хронологик ва мантиқий тартиб йўқ. Қуръонда ҳар бир сурага ном берилган, лекин кўпчилик ҳолларда суранинг номи мазмунига мос келмайди. Биринчи сура «фотиҳа» ёки «очувчи сура» бўлиб, у мусулмонлар тақрорлаб ўқийдиган дуодан иборат. «Ан-нос» сураси билан Қуръони карим якунланади. Ҳар бир сура доирасида оятлар тартиб билан рақамланган. Сураларда оятларнинг сони турлича (масалан, энг қисқа ҳисобланувчи 103, 108, 110-суралар учта оятдан, энг узун – 2-сура эса 286 оятдан иборат). Оятларга суралар каби ном берилмаган. Ҳажми

жиҳатдан оятлар икки сўзнинг биринчидан (масалан, 82-суранинг 1-5 оятлари) ёки тугал фикрни ифодаловчи катта жумлалардан (масалан, 3-суранинг 11, 14, 18, 19, 20 сингари оятлари) тузилган. Кўп оятлар мазмунан бир-бирини тақорлайди. Бунга сабаб, ўша даврда маъдум гоя, ривоят ва кўрсатмаларни тақорор айтиш кенг кўлланилган. Суралар матнинг ўзгартишлар киритмасдан оятларга тақсимлаш XX асрнинг бошларигача давом этган. Шу боис Қуръоннинг ҳар бир тарихий даврдаги нашрларида оятларнинг сони турлича кўреатилган (масалан, 1989 йилда чоп қилинган «Ислом маълумотномаси»да 6204 тадан 6232 тагача оятлар қайд этилган).

Диний ривоятларга кўра, Қуръоннинг матни Мұхаммадга 22 йил давомида ваҳий қилинганлиги сабабли тарихий давр ва шароит таъсирида ундаги айрим кўрсатмалар ўзгариб борган. Унинг матни мазмунида зиддият, бир-бирини инкор этувчи фикрлар пайдо бўлган. Буни ҳал этиш учун насҳ (араб тилида – бекор қилиш деган маънени англ.тадади) назарияси ишлаб чиқилган. Мазкур назария бўйича Қуръонда насҳ (бекор қилувчи) ва мансуҳ (бекор қилинувчи) оятлар мавжуд. Кейинроқ ижод этилган оятлар (носих), илгариғи, мазмунан қарама-қарши бўлган оятлар (mansuҳ)ни инкор этади. Қуръоннинг 40дан ортиқ сураларида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар мавжудлиги қайд қилинган.

Ўз мазмунига кўра, Қуръон турли қонун-қондалар мажмуси, анъана ва удумлар, афсона ва ривоятлардан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги араб аҳолиси ўртасида кенг тарқалган. Қуръонда асосан яккаю-ягона яратувчи худо – Оллоҳ ва унинг иродасига сўзсиз итоат этиши лозимлиги ҳақида гапирилади. Қуръонга биноан, Оллоҳ оламни олти кун давомида, яъни биринчи кун самони, иккинчи кун Қўёш, Ой, юлдузлар ва шамолни, учинчи кун ерда ва сувда яшовчи турли маҳлуклар, шуниндек осмонда яшовчи фаришталар ва ҳавони, тўртинчи кун сувни (барча маҳлукларга таом белгилаган ва шу кундан эътиборан, унинг иродасига биноан, ларёлар оқа бошлаган), бешинчи кун жаннатни, олгиничи кун Одам Ато ва Момо Ҳаволарни яратган. Шанба куни эса ҳеч нарса яратилмаган, барча ишлар якунланган бўлиб, оламда осойиншатлик ва ўйғунлик ҳукм сурган.

Куръонга кўра, Оллоҳ етти оламни яратиб, уларни устмай-уст жойлаштирган. Энг қуи оламда Қуёш ва Ойни мустаҳкамлаган. Сўнг у ерни одамлар оёғи остига гилам каби тўшаган ва унинг сурилиб кетмаслиги учун устига тоғларни бостириб қўйган. Инсонни яратиш худонинг фаолиятидаги энг олий иш ҳисобланади. Оллоҳ дастлаб барча гўзат нарсаларни, кейин одамни яратишга киришган. У инсон жисмини тупроқ ва лойдан ясаб, муайян тузилиш ато этган, сўнг кўз, қулоқ, юрак билан тўлдириб, муқаллас руҳий ҳаёт бафишлаган.

Куръон матни мазмунини тушуниш асрлар давомида қийинлашиб борган. Муқаллас китобни тафсир қилиш (изоҳлаш) анъанаси муаммони янада мураккаблаштирган. Тафсирнинг хилма-хил типлари мавжуд. Уларнинг энг асосийлари қадимги ривоятларга, илк шарҳларга таяниб тафсирлаш, илоҳиётга асосланиб, Куръонни ички зиддиятлардан холи, анъанавий қарашлар билан тушуниб бўлмаслигига асосланиб рационал тафсир қилиш, муқаллас китобнинг мазмунини тушунишни даражаловчи тафсир. Бунда кишининг маънавий баркамоллиги ва тушунчасига катта эътибор берилган. Куръоннинг матнини тафсир қилиш уни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётга мослантиришига имкон берган.

Исломнинг муқаллас манбани – Куръони карим ижтимоий ҳаётдаги ўзаришларга тўлиқ жавоб берниш имкониятига эга эмас эди. Шу тариқа панд-насиҳатлар йиғиндиси – суннат (арабчада – одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи каби маъноларни англатади) вужудга келган. Исломда суннат аҳамияти жиҳатдан Куръондан кейин туради. У Муҳаммад (САВ)нинг сўзлари ва хатти-ҳаракатлари баён қилинган муқаллас ривоятлардан иборат. Суннат VII асрнинг ўргаларида вужудга келган.

Суннат ҳадислардан (арабчада – ҳикоя, хабар, биљдириш, парча деган маъноларни англатади) ташкил топган. Улар Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат. Араб халифалиги ташкил топганидан кейин ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзаришларнинг диний таълимотда акс эттирилиши зарурати ва сиёсий ҳокимият учун курашда турли гуруҳлар Муҳаммаднинг обрў-эҳтиромига таянишга интилиши сабабли, ҳадис-

ларнинг сони жадал суръатлар билан кўпайиб борган. Ҳадисларни тўйлашдаги бундай тартибсизликка фақат IX асрда чек қўйилган. Шу даврга келиб, улар тартибга солинган ва дин, ахлоқ, фиқҳнинг муқаддас манбаига айланган.

Ҳадисларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар «муҳаддис» деб аталган. Муҳаддислар ҳадисларни тўйлашда, биринчидан, иснод (арабчада – таянч деган маънони англатади), яъни ҳадисни маълум қылган кишиларни санаб ўтишлари, иккинчидан, матн, яъни ҳадиснинг мазмунини баён қилишлари керак. Нуфузли ҳадислар тўпламида қўшимча ра-вишда ҳадисларга шарҳлар берилади. Ҳадислар тўпламлари жуда кўп, доимо уларнинг олтитаси алоҳида эъзозланади. Олтита тўпламдан Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) ва Муслим ан-Нишопурӣ (817-875) қаламига мансуб ҳадислар тўплами ишончли деб тан олинган. Исломдаги йўналиш ва оқимларнинг ҳадисларга муносабатларида турлича ёндашувлар мавжуд. Шунга қарамасдан ҳадислар тўпламлари умумий аҳамиятга эга қадриятдир. Шиалик йўналиши алоҳида ҳадислар тўпламига эга бўлиб, уларда Муҳаммаднинг оиласига алоҳида эътибор берилади. Лекин иккала йўналиш ҳам ҳадисларнинг муқаддас ривоятлар сифатидаги аҳамиятини инкор этмайди.

### Ислом таълимоти

Куръон ва суннатнинг мазмуни оддий меҳнаткаш халқ вакилларига тушунарли бўлмаганлиги сабабли, уларни ислом оламида зиёлилар, руҳонийлар ва ҳуқуқшунослар кунт билан ўрганар ва тафсир қиласар эдилар. Кенг мусулмон оммаси учун эса қатор асосий тамойилларни ўз ичига олган «Эътиқод рамзи» яратилган. Бу тамойиллар қуидагилардан иборат:

1) *Оллоҳга ишониши*. Ҳар бир мусулмон (арабчада – бўйин эгувчи, итоаткор деган маъноларни англатади) ягона Оллоҳни тан олиши ва унинг иродасига бўйсуниши шарт;

2) *Оллоҳнинг фаришталарига ишониши*. Мусулмон киши фаришталар (арабчада – малак, малоика) ва ёвуз кучлар (жинлар) мавжудлигига ишониши лозим. Уларнинг барчаси Оллоҳ томонидан яратилган бўлиб, унинг иродасини ифода

этувчи жисмисиз мавжудотлардир. Худога энг яқин бўлган фаришталар зиммасига турли вазифалар юклатилган бўлиб, Жаброил – Оллоҳнинг ҳукмини кишиларга етказувчи, Микоил – коинотни бошқарувчи, Исрофил – маҳсус шохлан ясалган карнайни чалиб қиёмат қуни ҳақида хабар берувчи, Азроил – жон олувчи фаришта вазифасини бажаради. Шунингдек, ўлганларни қабрда дастлабки сўроқ қилувчи фаришталар – Мункар ва Накир, жаннатнинг қўриқчиси – Ридвон, дўзахнинг қўриқчиси – Малик ҳам худонинг яқин ёрдамчилари вазифасини бажарадилар. Оллоҳ иродасига бўйсунишни истамаган яна бир фаришта мавжуд бўлиб, унинг номи Шайтон (Иблис)дир. Шайтон одамларни гуноҳга етаклайди. Кудратли Оллоҳ бу фариштани жиловлаб, бўйсундириб олишга қодир, бироқ у атайлаб Иблисгага эркинлик берганки, бундан мақсад исломга эътиқод этувчи мусулмонларнинг иродасини, ислом динига бўлган муҳаббати ва изчиллигини синаш ҳисобланади. Бу фаришта охирзамонга қадар эркин бўлади;

3) *Оллоҳнинг китобларига ишониши*. Мусулмонлар Қуръонни абадий ва одамлар томонидан яратилмаган деб ҳисоблайдилар. Исломда Оллоҳ муқаддас таълимотини Муҳаммаддан олдин Мусо (Моисей) ва Исо (Иисус)ларга ваҳий қилган. Таврот, Инжил ва Забур (Псалтир – қадимги яҳудий динининг дуолар тўплами) каби муқаддас битиклар Қуръондан олдин юборилган манбалардир. Шунинг учун ҳам ислом бошқа динлар таълимотига ўхшайди. Қуръон муқаддас битикларнинг энг сўнгисидир. Қуръондаги ҳар бир ибора муқаддас ҳисобланади, у худо томонидан ваҳий қилинган ва унга шак келтириш мумкин эмас;

4) *Оллоҳнинг пайғамбарларига ишониши*. Пайғамбарлар илоҳий ҳақиқатни бандаларга етказадилар, уларни ваъз, насиҳат билан ҳақ динга ва яхши ишларга чақирадилар. Қуръонда 25 нафар пайғамбарнинг исмлари қайд этилган, бироқ мусулмонлар Муҳаммадни барча пайғамбарнинг пайғамбари, деб ҳисоблайдилар. Пайғамбарлар икки турга бўлинадилар: расулулар ва набиълар. Оллоҳ алоҳида китоб ва шариат берган пайғамбарлар «Расул» деб аталадилар. Оллоҳ алоҳида ки-

тоб ва шариат ато этмаган, лекин расулга берилган китоб ва шариат асосида иш қилишга буюрилган пайғамбарлар «набийлар» деб аталади. Расуллар набий бўлиши мумкин, лекин набийлар расул бўлаолмайдилар.

5) *охират кунига ишониши*. Охиратда (арабчада – охирги кун, дунёнинг тугаш куни деган маъноларни англатади) Оллоҳ ва у хоҳлаганидан бошқа ҳеч нарса қолмайдиган кун. Унинг қачон бўлишини фақат Оллоҳ билади. Охират кунидаги Ердаги ҳаёт тугайди. Оллоҳнинг қудрати билан ўлганлар қайта тириладилар ва бир жойда – Маҳшар ерида тўпланадилар;

6) *ислом эътиқодини қабуқ қилювчи ҳар бир киши ўз тақдирининг Оллоҳ томонидан олдиндан белгилаб қўйилгани (тақдирни азал)га ишониши лозим*. Куръонда ёзилишича, «Оллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса, унинг кўнглини ислом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини «тор ва танг қилиб қўяр»<sup>1</sup>. Оллоҳнинг иродасига мусулмонлар сўзсиз итоат этишлари шарт;

7) *ўлгандан кейин қайта тирилишига ишониши*. Оллоҳнинг иродаси билан қайта тирилган одамларнинг «Маҳшар ери»да тўпланган куни қиёмат деб аталади. Бу кунда ҳар бир инсон ўз қилмишига лойиқ мукофот, ажр олади: кимдир дўзахла қийноқ азобига дучор бўлса, яна кимдир жаннатда роҳат-фарогатда яшашга мусассар бўлади.

Исломда диний эътиқод, маросим, урф-одат, ҳуқуқ ва ахлоқ нормалардан ташкил топган диндорлар учун оддий, бажарилиши қулай шартлар тўплами фарзлар ишлаб чиқилган. Уларни бажармаганлар исломдан чиқсан деб ҳисобланади. Фарзларнинг энг асосийси «ислом арконлари» деб аталади ва қийидагилардан иборат:

*Калима келтириши* – «Ашҳаду ан ла илоҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна Мұхаммадан абдуҳу ва расулуҳ», яъни «Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Мұхаммад унинг бандаси ва пайғамбари эканлигига шоҳидлик бераман» демак. Калима келтирган киши исломни қабул қиласи, Оллоҳга бўйсунади ва фарзларни бажариш масъулиятини олади.

<sup>1</sup> Куръони карим / Таржимон ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т., 1992. – Б.95.

*Намоз* кунига беш вақт ўқилади, ундан фақат беморлар ва ёш болалар озод қилинадилар. Мусулмонлар эрта тонгда, тушда, тушдан сүнг, кун ботишдан ва уйқудан аввал намоз ўқишлиари керак. Намоздан олдин, албатта, таҳорат (покланиш) маросимига амал қилинади. Агар сув бўлмаса, ҳатто тупроқ билан ҳам таҳорат қилишга ижозат берилади. Мусулмонлар ўз турмуш ташвишлари билан намоз вақтини унутмасликлари учун масжидларда баланд миноралар қурилади ва у ердан туриб масжид муаззин (сўфи)лари баланд овоз билан мусулмонларни намоз ўқиш вақти ҳақида хабардор қиладилар.

*Рӯза*. Ислом динида фақат битта шундай чеклаш мавжуд. Бир ой давомида мусулмон киши эрта тонгдан кечгача таом емаслиги, сув ичмаслиги, ишрат қилмаслиги лозим. Фақат қоронғи тушиши билан меъёрида таом ейишга рухсат берилади. Исломда бир йил 354 кундан ибораг бўлганлиги учун рамазон (рӯза) ойининг вақти доимо ўзгариб туради. У қаҳратон қишига ҳам, ёзги жазирама кунларга ҳам тўғри келиши мумкин. Рамазон ойида меҳнат қилиш одатдагидек кечади. Рӯзани сабабсиз бузган киши фарзга амал қилмаган деб ҳисобланади. Рӯза тутишдан мақсад мусулмонлар ироласини чиниқтиришдир. Шунингдек, рӯза одамларнинг маънавиятини юксалтиради. Рӯза вақтида мусулмонлар бир-бирларига яхши ният тилайдилар, ўзаро муносабатларда ёмонликлар, жанжаллар унутилади ва одамлар гаплашганда ёмон (қўпол) сўзларни ишлатишдан ўзларини тийишга ҳаракат қиладилар.

*Закот*. Ҳар бир мулкдор мусулмон йилда бир марта камбағал, бева-бечора, ночорлар учун йиллик даромадининг бир қисмини бериши шарт. Бу исломга эътиқод қилувчи мулкдор мусулмонлар учун мажбурий амал саналади. Закот ислом давлатларида мунтазам равишда йилнинг охирида олинади. Унинг миқдори пул даромадининг улуши 1/40 (2,5%)га teng. Дунёвий давлатларда мусулмонларнинг айрим қисми закотни масжидларга ихтиёрий хайр-эҳсон сифатида берадилар. Мажбурий бўлмаган яна бир вазифа – садақа. У одатда ихтиёрий равишда камбағаллар, етимхоналар, масжидлар ва молдий ёрдамга муҳтож кишиларга берилади. Садақа ўзига тўқ мусулмонлар учун таскин топшиш, қониқиши ҳисси билан бир-

га, бева-бечора, камбағаллар жамоасининг ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қиласи.

**Ҳаж.** Шариатга биноан, ҳар бир мусулмоннинг ҳаётда ақалли бир марта Макка шаҳрининг муқаддас ерларини ҳамда худога сифиниши ва Қағбани зиёрат қилиши. Зиёрат қуйидаги талабларни бажаришни тақозо этади: Каъбани етти марта айланиш, қора тошни ўпиш, Сафа ва Марва тепаликлари ўртасида тез юриш, Замзам муқаддас қудугидан сув ичиш, Арафот тоғи ёнида туриш, Мино водийсида шайтонга тош отиш, Оллоҳга қурбонлик қилиш каби маросимлар шулар жумласидандир. Ким ҳаж қиласа, «ҳожи» унвонига эга бўлади ва унинг оқ салла ўраб юришига руҳсат этилади.

Мусулмон руҳонийлари юқорида баён этилган бешта асосий фарздан ташқари, яна бир фарз – жиҳод (ғазовот)ни ташвиқ қиласидар. Қуръонда бу ҳақда бирмунча аниқ маътумот берилган. Йилда саккиз ой (тўрт ой қон тўкиш ақиқданган ойлар ҳисобланади) ёмонликка, душман кучларига қарши ёки динни куч ёрдамила ўйиш (бу масалада мусулмонларнинг қарашлари бир-биридан кескин фарқ қиласи) учун курашиш муқаддас иш деб баҳоланади. Мұхаммад пайғамбар ўғитларига кўра, «улуг жиҳод» бу мусулмоннини эътиқоди ва гуноҳларига тавба-тазарру қилиш эҳтиёжи ўртасидаги маънавий кураш бўлса, «куролли кураши» дин йўлидаги одатий ҳаракатdir.

Ислом ақидаларига кўра, муқаддас жиҳодда иштирок этиш, ҳатто ҳалок бўлиш кишини гуноҳлардан фориғ қиласди ва шаҳиднинг жаннатдан ўрин олишида бунинг аҳамияти ката ҳисобланади. Айтиш жоизки, жиҳод тарзida нафақат босқинчилик урушлари, балки миллий озодлик курашлари ҳам олиб борилади (масалан, XX асрда бу шиор остида қатор миллий-озодлик курашлари бўлиб ўтган).

Исломда диний байрамларга алоҳида эътибор берилади. Улар қаторида энг катта эътиборга эга бўлганлари Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит, Меъроҷ, Мавлуд байрамларидир.

**Рўза ҳайит** (арабчада – *Ийд ал-фитр*) Рамазон ойининг тугаганлиги шарафига ўтказиладиган мусулмонлар байрами. У 3 кун давом этади. Байрам намозгоҳда эрталаб намоз ўқиш, ўлганларни ёд олиб худойи, дуои фотиҳа қилиш, йўқсил-

ларга садақа бериш билан бошланади. Барча мусулмонлар Рўза ҳайити кунлари хурсандчилик қиласилар, бир-бирла-рига совғалар инъом қиласилар.

**Курбон ҳайит** – мусулмонларнинг Оллоҳ йўлида муайян жонзодларни қурбонлик қилиши куни. У рўза ҳайитидан 70 кун ўтганидан сўнг нишонланади. Курбон ҳайитининг моҳияти шундаки, диний ривоятларга кўра, Иброҳим пайғамбар ўзининг чин эътиқодини исботлаш учун ўғли Исмоилини Оллоҳ йўлида қурбон қилмокчи бўлганда, худо уни тўхтатиб қўй сўйишига буюрған. Исломда қурбонлик ҳаж маросимининг мажбурий элементларидан бирига айланган. Ривоятларга кўра, марҳум нариги дунёда қурбон қилинган жонивор туфайли Сиротдан (жанинат қўприги) осон ўтиши мумкин. Агар мусулмон киши қурбонлик қилмаса, қўпrikдан ўтиши мураккаблашади ва қўпrik остилаги дўзахга қулаб тушиши мумкин. Қурбон ҳайит катта хурсандчилик билан нишонланади, байрам муносабати билан ажойиб таомлар тайёрланади, эргалаб масжидла ҳайит намози ўқилади, мусулмонлар ўз аждодларининг қабрларини зиёрат қиласилар, камбағалларга салақалар улашилади. Муқаддас жойлар, саждагоҳлар ва масжилларга худо йўлида эҳсон бериш удумлари амалга оширилали.

**Меъроҷ** – Муҳаммаднинг мўъжизавий равишда Буроқда Маккадан Қудусга ва ундан осмонга – Оллоҳ олдига қилган сафар куни. Муҳаммад Оллоҳ билан суҳбатда 99 мингта сўз айтган. Бу сафар шунчалик тез бўлганки, у қайтиб келганида ҳали ётган ўрни совимаган, ағдарилган кўзладаги сув ҳали тўқилиб улгурмаган. Муҳаммаднинг тунги парвози хотирасига бағишилаб ҳар йили ражаб ойи (қамарий тақвим бўйича еттинчи ой)нинг 27-кунида байрам ўtkазилади.

**Мавъуд** (арабчада – туғилиш, пайғамбарнинг туғилган куни деган маъноларни англатади) – Муҳаммаднинг туғилган куни байрами. Бу кун масжидларда маросимлар ўтказилади, уларда пайғамбар шаънига мадҳиялардан иборат шеърлар ўқилади, руҳонийлар ваъзхонлик қиласилар, йўқсилларга садақа берилади. Ислом давлат дини сифатида тан олинган мамлакатларда Муҳаммад пайғамбарнинг таваллуд айёми дам олиш куни деб эълон қилинади.

**Жұма** (арабчада – жамлик, жам бўлини деган маъноларни англатади) – мусулмонларнинг дам олиш куни. Мусулмонлар намозгоҳла пешинни ўқин ва хутба (арабчада – таргибот, нутқ деган маъноларни англатади) эшлиши учун тўпланадилар. Одамлар бу кунда байрамона либосларини киядилар, мазали таомлар тайёрлайдилар, меҳмондорчиликка борадилар.

Исломда диний тарғибот маркази, диний маросимларни бажариш жойи мачит (масжид) ҳисобланади. Шарқда масжидлар азалдан диний таълим маскани ва маданий марказ вазифасини бажариб келган. Масжидларда диний маросимларни бажариш билан бирга янгиликларни эшлиши, кундакик ишларни ҳал этиш мумкин бўлган. Мусулмон руҳоний (мулла)лари мактабларда ўғил болаларга илоҳиётдан дарс берганлар. Айрим йирик мачиглар қошида мадрасалар ташкил этилган.

Мусулмонлар ягона уммани (арабчада – маъдум динга этиқод қылувчилар жамоаси деган маънени англатади) ташкил этилилар. Учма диний жамоаларга бўлинади. Диний жамоага имом (арабчада – оддинда турувчи деган маънени англатади) ва мулла (арабчада – яқинлашган, яқин одам деган маъноларни англатади) раҳбарлик қиласидилар. Йирик мачигларда руҳонийлар жамоасига муфтий (арабчада – фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи деган маънени англатади) раҳбарлик қиласиди. Мулла унвенига мусулмон жамоаси вакиғлари орасидан маҳсус маълумотга эга ёки диний маросимларни бажариш мадакасига эга номзодлар сайланадилар. Ислом давлат дини сифатида тан олинган мамлакатларда муфтилик лавзиимиға номзод тайинланади. Ислом давлат дини мақомига эга бўлмаган мамлакатларда эса муфтилар руҳонийлар ва мутавалият вакиғларининг қурултойида сайланадилар.

Ислом диний тизимининг муҳим таркиби қисмларидан бири *шариат* (арабчада – тўғри йўл, илоҳий йўл, қонун деган маъноларни англатади) ҳисобланади. Шариат мусулмонларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётини тартибга соладиган ахлоқий, ҳукуқий ва маданий нормалар тўпламишир. Унини нормалари ислом юзага келганидан кейинги икки аср лавомида ишлаб чиқилган. Уларга асос қилиб Куръони карим ва суннат, кейинчалик ижмо ва қиёс олинган. Шариат мусулмонининг хатти-ҳаракатларини беш тоифа (категория)га ажра-

тади. Булар: фарз – бажарилиши қатъяян мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар; мандуб (суннат) – амалта оширилиши мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланувчи нормалар; мубоҳ – бажарилиши ихтиёрий нормалар; макрух – амалта оширистиши номаъкул санаатувчи нормалар; ҳаром – қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар.

Ислом жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланувчи оиласга катта эътибор беради. Аёллар тақвадорлиги – ислом эътиқодининг юзага келиши ва мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири. Диндор аёл, биринчи галда она, яъни оиласда ислом анъ-аналари сақданишининг посбонидир. Онанинг болалар билан узвий алоқаси исломий анъаналарнинг авлодлар ўргасида во-рислигини таъминлайди, ислом қадриятларининг тарихан сақланиб қолиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ислом динида оила-никоҳ муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Исломда уч хил никоҳ: доимий, вақтингчалик ва канизаклар билан бўладиган никоҳлар тан олинади. Ҳозирги замонда доимий никоҳ удуми сақланиб қолган. Вақтингчалик никоҳ деярли учрамайди, фақат ҳозирги Эрон Ислом Республикасининг шиа мазҳабига мансуб мусулмонлар яшайдиган айрим ҳудудларидағина сақланиб қолган. Ислом никоҳсизликка ва эътиқодига кўра уйланмасликка қарор қилган руҳонийларга салбий муносабат билдиради.

Исломда ажralиш, яъни эр-хотиннинг никоҳдан чиқиши соҳдалаштирилган ва расмиятчиликларга эътибор берилмаган. Масалан, эр хотинига талоқ эълон қилиши мумкин.

Исломда, бундан ташқари, бир қатор бошқа чеклашлар ҳам мавжуд. Масалан, савдо-молия муносабатларида зўрлаб тортиб олинган нарсалар билан савдо-сотиқ қилиш, сотувчининг ўз мулки бўлмаган товарлар билан савдо қилиши, қарз бериши эвазига даромад олиш (судхўрлик) кабилар ҳаром ҳисобланади.

Ислом дини озиқ-овқат масаласида ҳам ўзига хос чеклашларни тарғиб қилади. Жумладан, чўчқа гўшти, спиртли ичимликлар ва ўлимтик нарсаларни истеъмол қилиш ман этилади.

Бундай чеклашларнинг илдизи жуда қадимга бориб тақалали. Масалан, чўчқа гўштини истеъмол қилишни ман этиши Қадимги Мисрда ва яхудийлар орасида кенг тарқалган.

Ислом динида оргиқча зеб-зийнатга берилиш, масалан, гилла ва кумуш тақинчоқтарни ҳадлан зиёл кўп тақин қорала-нади. Бундай тақинчоқтар жамоа иочор қатламларининг ҳасал қилиши ва газаблананинг олиб келади, деб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ислом эътиқоди асослари мустаҳкэм ва серқирра ҳаёғий воқеаларга таянади. Ислом динининг леярли бир ярим минг йил мобайнида яшаб келаётганинги ва барҳаётлигининг сабаби ҳам шунда.

### **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Исломнинг вужудга келиши сабабларини таҳлил қилинг.
2. Арабистон ярим оролининг аҳолиси исломгача қайси-линга эътиқод қилган?
3. Ҳанафийлар ҳаракати қандай ғояга асосланган?
4. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Макка шаҳридаги даъватларининг муваффақиятсизлик билан якунланиши са-бабини кўрсатини.
5. Нима учун Яерид шаҳри аҳолиси Муҳаммад алайҳисса-ломнинг даъватларини қабул қилган?
6. Куръони карим илмий аҳамияти ҳақида фикр юритинг.
7. Куръони карим сураларига хос ҳусусиятлар нималардан иборат?
8. Ислом иймони ақидалари деганда нимани тушунасиз?
9. Ислом арконларига нималар киради?
10. Исломнинг асосий байрамларини изоҳланг.

## **8-мавзу**

# **ИСЛОМ ДИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ОҚИМЛАРИ ВА ДИНИЙ ҲУҚУҚИЙ МАКТАБЛАРИ**

### **Исломдаги йўналиш ва оқимларнинг моҳияти ва хусусиятлари**

Дин кишиларнинг маънавияти, қадриятлари, яшаш мазмунни, руҳияти билан боғлиқ масалалар ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни ифодалайди. Ижтимоий ҳаёт мақсад ва манфаатлари хилма-хил гуруҳлардан ташкил топади. Дин мазкур жараёнларга тортилар экан, ундан ушбу гуруҳларнинг манфаатларини муайян даражада акс эттириш талаб қилинади. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаёт доимо ўзгариб туради. Унинг таркибий қисми бўлмиш дин ҳам унда юз берәётган жараёнларни ҳисобга олиши лозим. Акс ҳолда у ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи воқеликка айланниб қолади.

Ислом вужудга келган илк даврларда йўналиш, оқим ва мазҳабларга бўлинмаган. Ундаги дастлабки бўлиниш VII асрнинг ўрталарида турли гуруҳларнинг сиёсий ҳокимият учун ўзаро курашлари натижасида пайдо бўлган. Сиёsatдаги ихтилофлар кейинчалик диний таълимот соҳасига ҳам кўчирилган.

Исломла, умуман, ҳар қандай динда бўлиниш сабаблари ўзаро боғлиқ бўлган турли жараёнлар таъсиридан пайдо бўлади. Бундай жараёнлар сабаблари қўйидагилардан иборат:

- 1) диний ақидаларнинг барқарорлиги ёки кам ўзгарувчанлиги сабабли ижтимоий тараққиётдан ортда қолиш натижасида юзага келувчи зиддиятлар таъсири;
- 2) дин ва руҳонийларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишлари зарурати;
- 3) диний таълимотнинг турли миллатлар ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари ва анъаналарига мослашиши;
- 4) диний таълимотга муносабат ва унинг талқинидаги тафовутлар.

Юқоридаги каби таъсирлар оқибатида ҳар қандай динда бўзиниш (йўналиш, оқим ва мазҳаблар) вужудга келади. Лекин динларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини ундаги бўзинишнинг қанчалик хилма-хил эканлигидан келиб чиқиб баҳолаш хатодир. Диндаги қараашлар хилма-хиллиги унинг жамиятдаги илдизини мустаҳкамлайди, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишида тўғри йўлни танлаш имкониятини кучайтиради.

Исломда дастлаб хорижийлар (арабчада – чиқиш, қарши туриш деган маъноларни англатади) йўналиши вужудга келган. Унинг аъзолари халифа Атининг Суря ноibi Муовиянинг ҳокимият учун очиқ курашига қарши муросачилиги ва қагъиятсизлигидан норози гуруҳлардан иборат бўлган. Улар Атининг сиёсатига норозилик билдириб Куфа шаҳридан Харура қишлоғига кетиб қолтган. Шунинг учун баъзи илк манбаларда йўналишни харурийлар деб ҳам юритилади.

Хорижийлар дастлаб сиёсий татаблар билан чиққанлар. Айниқса, мусулмонларнинг ирқи ва ижтимоий келиб чиққишидан қатъий назар тенглигини эътироф этилган. Халифа лавозимига ижтимоий мавқеидан қатъи назар, масъулиятни англаган ва давлатни бошқариш иқтидорига эга номзод сайдланган. Агар халифа жамоа манфаатини ҳимоя қилмаса, эгаллаб турган лавозимидан бўшатилган ёки қатл қилинган.

Вақт ўтиши билан илоҳиётга эътиқод ва амал ақидаларини киритиш таклиф этилган. Унга биноан, худога эътиқод амалий фаолият билан мустаҳкамланиши, мусулмон киши виждан амри билан иш тутиши, диний тартибга нафақат сўзда, балки амалда ҳам риоя этиши лозим. Диний тартибни бажармаган кишилар шафқатсиз жазолангандар. Ислом мусулмонларни камтарона яшашга даъват этади ва унда ўйин-кулиг, мусиқа, майхўрлик ва бойлика ҳирс қўйиш кабилар қораланади.

Хорижийлар йўналишинида қўйидаги асосий гуруҳлар мавжуд:

*I) ибодийлар гуруҳи VII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Унга Абдуллоҳ ибн Ибод (VII асрнинг иккинчи ярмида яшаган) асос солган. У йўналишнинг мўътадил гуруҳи ҳисобланади ва диний таълимотда ижтимоий шарт-шароит-*

ларни ҳисобга олиш ва ҳукмрон сиёсий кучлар билан муроса қилиш, ҳатто уларга ён босишга йўл қўяди;

2) *суфритлар гуруҳи VII* асрнинг иккинчи ярмида Арабистонда вужудга келган. Мазкур гуруҳ мақсадни янириш, вазиятга қараб кураш усулларини ўзгартирин тарафдори саналади;

3) *азракийлар гуруҳи VII* асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Унга Нафи ибн Азрак (685 йилда вафот этган) асос солган. Бу гуруҳ эътиқод масаласида ҳар қандай муросаларни инкор қиласди. Азракийлар гуруҳи мақсадга эришишда қатъни ҳаракат тарафдори ҳисобланади.

Хорижийлар халифа Али ва бошқа сулолалар вакиллари га қарши муросасиз кураш олиб борганлар. Уларнинг ижтимоий-сиёсий тизимга нисбатан муросасизлиги, кишилар ҳаётини нормативлаштириш даражасининг жуда юқорилиги ва уни қатъий назорат қилишига интилиши йўналиш тарафдорлари сонининг камайишига сабаб бўлган. Айни вақтда хорижийлар жуда кам сонли бўлиб, Шимолий Африкала ва айрим араб давлатларида сақланиб қолган. Ислом йўналишлари қаторида аввалги таъсири ва мавқеини йўқотган.

Ислом динидаги йирик йўналишлардан бири шиаликлир (арабчада *шиа* – гуруҳ, партия, тарафдорлар деган маъноларни англатади). У VII асрнинг ўрталарида халифа Али ва унинг тарафдорларини бирлаштирган диний-сиёсий оқим сифатида Ироқда вужудга келган.

Шиалар дастлаб сиёсий ҳокимиятни Мұхаммад пайғамбарнинг авлодлари бошқариши ва ҳокимият отадан фарзандга мерос сифатида ўтиши керак деган талаблари билан чиққанлар. Шунинг учун шиалар Али ва унинг авлодларидан бошқа барча сунний халифаларни зўравонлик билан ҳокимиятни босиб олганликда айблайдилар. Сунний халифаларга Али ва унинг авлоди бўлган ўн икки имомни қарши қўядилар. Охириги (ўн иккинчи) имом Мұхаммад Маҳдий (Оллоҳ йўлига етаклайдиган киши) 873 йилда туғилган. У ёшлик чоғида бедарак йўқолган.

Диний таълимотда шиалар Куръони карим Оллоҳнинг каломи эканлигини тан оладилар, лекин халифа Усмон уни ўз манфаатига мослаштириб, халифа Алиниң ҳокимиятни

эгаллашига оид битта сурани чиқариб ташлаган, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга қуръоннинг ҳақиқий нусхасини қиёмат куни ўн иккинчи имом Ерга олиб келиши ҳақидаги ақида қабул қилинган.

Шиалар, суннийлардан фарқти ўлароқ, Мұхаммад пайғамбар билан боғлиқ ҳадисларни тан олмайдилар. Улар халифа Али ва унинг авлодлари билан бөглиқ маҳсус ҳадислар түплемини тузганлар ва у «Ахбор» деб номланади.

Шу билан бирга, шиалар нймонда бешта ақида (Оллоҳнинг ягоналиги, адолат, охиrat ва ўлгандан кейин қайта тирилиш, пайғамбарлик, имомат)ни тан оладилар.

Шиаликда диний таълимот билан бирга урф-одат ва маросимларда ҳам фарқдар мавжуд. Масалан, улар Макка ва Мадинадан ташқари Карбало ва Нажаф шаҳарларини зиёрат қиласидилар. Халифа Алиниң авлоди бўлган ўн икки имомнинг жабрдийда ва дин йўлида шаҳид бўлганлар сифатида қабрлари муқаддаслаштирилган. Имом Ҳусайнга мотам туғадилар. Бу «шахсей-вахсей» маросими деб аталади.

Шиаликнинг асосий мазҳаблари қуйидагилардан иборат:

1) *алавийлар мазҳабига* IX асрда Ибн Нусайр асос соглан. Шу боис мазҳаб асосчисининг номи билан *нусайрийлар* деб ҳам аталади. Мазҳаб аъзолари халифа Алиниң шахсини илоҳийлаштирадилар ва уни худо каби улуғлайдилар. Алавийлар таълимотида христианлик ақидалари, ой ва ёритқичларга сифиниш, руҳнинг кўчиб юришига ишониш каби қарашлар мужассамлашган. Одамларнинг руҳлари дастлаб юлдузлар бўлган. Али уларни одамларнинг жисмига жойлаган. Тақводор одамларнинг руҳлари вафот этганларидан кейин яна қайта юлдузларга айланади. Гуноҳга ботган одамларнинг руҳлари ҳайвонлар жисмига қучади. Алавийлар мазҳабига мансуб кишилар намоз, рўза ва бошқа ислом маросимларини бажармайдилар ва расмий диний оқимлар томонидан таъқиб қилингандиги сабабли ўз эътиқодларини сир тутадилар;

2) *зайдийлар мазҳаби* VIII асрнинг ўрталарида, уммавийлар сулоласининг инқирози даврида вужудга келган ва Шиаларнинг бешинчи имоми – Мұхаммад ал-Бокирнинг укаси Зайд ибн Алиниң номи билан аталган. Ушбу мазҳаб вакил-

лари Зайдни бешинчи имом деб ҳисоблаб, ундан кейинги имомларни тан олмайдилар. Ақидалари ва маросимлари жи-ҳатидан шиналар ва суннитларнинг ўртасида туриб, ҳар иккала оқимга нисбатан муроса йўлини тугадилар. Зайдийлар халифа Алидан илгариги халифалар ҳокимиютини тан оладилар ва ўн иккинчи имом — Мұхаммад Маҳдийнинг қиёмат кунида қайтиб келишига ишонмайдилар авлиёлар ва мозорларга сифиниши, зоҳидликни инкор қиласидилар;

3) *исмоилийлар мазҳаби* VIII асрнинг ўрталаридан шакллана бошлаган ва IX асрнинг охиirlарига келиб мустақил диний мазҳабга айланган. Бунга шиаларнинг олтинчи имоми -- Жафар ас-Содиқнинг катта ўели И smoил (ичкилик ва мишиштга берилгандиги учун тахт ворислигидан маҳрум қилинган) асос соглан. Диний-фалсафий таълимот тизими неоплатонизм, неопифаторизм, христиан гностицизми кабилалар таъсирида шаклланган. Таълимот зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) қисмларга бўлинади. Зоҳирий қисми шиаларнинг умумий қарашларидан деярли фарқланмайди. У маҳфий таълимотдан бехабар бўлган исмоилийлар оммасига мўлжалланган. Ботиний таълимотда худодан кейинги еттига қуий погона ажратилади. Еттинчи погонани камолотга эришган инсон, яъни пайғамбар ташкил этади. Камолотга эришган инсон ўзида «оламий ақл»ни акс эттирган нотиқ бўлиб, худо таълимотини кишиларга етказади. Исмоилийлар мазҳабидан кейинчалик турли йўналишлар ажралиб чиқкан.

4) *жаъфарий мазҳаби* шиаликнинг диний-хуқуқий тизими бўлиб, ўн иккинчи имомга эътиқод қилувчи имомийларнинг асосий оқимини ташкил этади. Мазҳабнинг асосчиси сифатида олтинчи имом — Жаъфар ас-Содиқ (700–765) қабул қилинган бўлса-да, аслида унинг шаклланишида имом иштирок этмаган. IX–X асрларда бир қатор мужтаҳид ва илоҳиётчилар томонидан мазҳаб таълимоти ишлаб чиқилган.

Шиалик ҳозир Эрон Республикаси, Ироқ ва Яманда кенг тарқалган. Шиа йўналишига мансуб айрим гуруҳлар Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Сурія, Ливан. Миср каби давлатларда ҳам учрайди. Маълум миқдорда шиа йўналишидаги мусулмонлар Озарбайжон, Тожикистон ва Марказий Осиёнинг айрим худудларида учрайди.

Исломдаги энг йирик йұналиш суннийликдир. Суннийлар үзларини асл ислом анъаналари тарафдорлари деб ҳисоблайдилар. Суннийлик ортодоксал (грекчада – диндор, әътиқодлы, яғни, бирон-бир таълимотта, йұналишга, динге оғишмай амал қылувчи деган маңноларни англатади) ислом йұналишидир. Йұналиш исломнинг Мұхаммад пайғамбар даврида вужудга келган таълимотини тан олади. Суннат исломнинг иккинчи маңбаси сифатида қабул қилинган ва унда анъанавий диний маросимлар, маиший турмуш ҳамда ижтимоий ҳаёт қоидаларига амал қилинади.

Суннийликда исломнинг муқаддас манбаларини ижтимоий ҳаётда құллашга муносабат масаласыда қуйилдаги мазхаблар мавжуд:

1) ҳанафия мазҳабига Имом Абу Ҳанифа (Имом Аъзам) асос солған. Мазҳабнинг мағкураси ислом ақидаларини ижтимоий ҳаётта татбиқ этишда ижодий ёндашувга асосланади ва бунда қиёс (арабчада – солишириш, таққослаш, үхшатиши деган маңноларни англатади) қоидаларини құллаш билан мусулмон жамоаси ёки давлат манбаатларига күпроқ мос келувчи ечимни танлашга интилади. Ҳанафия мазҳабига суннийларнинг 1/3 әътиқод қиладилар;

2) моликия мазҳабига Малик ибн Онас (713–795) асос солған ва Мұхаммад алайхиссалом ҳаёттеги даврида вужудга келтирілған диний-хуқуқий тартиботта асосланади. Моликия мазҳаби Қуръон ва суннатни ақтга асосланиб (рационал) талқин қилишга қаршилик қылса ҳам, қиёсни ижтимоий ҳаётда құллашни тұлық инкор этмайды. Ҳозирда ушбу мазҳабнинг Тунис, Жазоир, Мароккаш сингари давлатларда тарафдорлари бор;

3) шофиый мазҳабига Имом аш-Шофиый (767–820) асос солған. Шафиый мазҳаби ҳанафия ва моликия мазҳабларини үзаро муросага келтиріп тарафдори. У диний мағкурасынша күра, қиёс ва ижмо (бирдамлық, яқындық билан қабул қилинған қарор)ларни ижтимоий ҳаётда құллашыда чеклашында үйлек қүйғандығы учун моликия мактабига яқын тұради. Шофиый мазҳаби ҳозирда Сурға, Миср, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида ва жанубий Арабистон давлатларыда сақланыб қолған;

4) ҳандалия мазҳабига Имом Ибн Ҳаибал (780–755) асос солган. Ушбу мазҳаб ижтимоий ҳаёт масалаларини ҳал этишда фақат Қуръон ва суннат қоидаларига асосланиб қарор чиқариш тарафдори ҳамда қиёс ва ижмоларни қўллашида фақат саҳобаларнинг биргаликдаги маслаҳати билан қабул қилинган ҳуқмларни тан олади. Мазҳаб диний масалаларда эркин фикрни инкор қиласди ва таълимоти ижтимоий ҳаётдаги замонавий таълаблардан орта қолганлиги, эркин фикрни рад этишини сабабли, ислом мамлакатларида унинг тарафдорлари кўн эмас.

Суннийликдаги мавжуд диний ҳуқуқий мазҳаблар эътиқод қилувчиларининг миқдори жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса ҳам, ҳуқуқда тенглиги эътироф этилади ва дин асосларига зид леб ҳисобланмайди.

Х асрга келиб, ислом динидан ортодоксал мавқега эга ҳисобланувчи қалом (арабчада – сўз, нутқ деган маъноларни англатади) таълимоти пайдо бўлган. Унинг тарафдорлари мутакаллимлар деб аталади ва илқ намояндлари – ал-Ашъарий (873–935), Магурий (944 йилда вафог этган) ислом ақидаларини ижодий тафсир этишга қарши чиққанлар. Мутакаллимлар мусулмон руҳонийларининг анъанавий давомчилари томонидан танқидга учраганлар. Мутакаллимлар барча нарса ва ҳодисалар асосида Оллоҳ иродаси ётганлигини таъкидлайдилар. Улар, жумладан, Қуръони каримнинг яратилишига оид айрим фикрларни ҳам олға сурадилар. Қуръони каримнинг илоҳий келиб чиқиши тўғрисидаги гояни ҳимоя қилиб, муқаддас китобни эмас, балки уни ифода этувчи ҳарфларни, сиёҳ ва қофознигина инсон томонидан яратилган леб ҳисоблайдилар.

Мутаккалимларга қарама-қарши мұтазилийлар (арабчада – ажralиб чиққанлар, узоқлашганлар деган маъноларни англатади) оқими VIII асрда юзага келган. Оқимга Восил ибн Ато (699–748) асос солган. Унинг аъзолари фалсафа ва мантиқнинг метод ва тушунчаларини илоҳиётга татбиқ этиб, мистикага қарши чиққанлар, Қуръон ва суннатни ақл-идрокка мос талқин этиш ҳамда исломга рационалистик элементларни киритиш тарафдорлари бўлганлар. Мұтазилийлар

таълимоти VIII асрнинг биринчи ярмида расмий эътиқол сифатида қабул қилинган. VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб ортодоксал эътиқол тарафлорларининг ҳокимиятда устунликни қўлга киритганиклари сабабли, бу оқим тақиқланган ва таъқиб қилинган. У ҳукумат томонидан тұхтовсиз таъқиб қилинганини сабабли Үрта Шарқда XI–XII асрларда, Марказий Осиёда XIII–XIV асрларга келиб йўқ бўлиб кетган. Мазкур оқимнинг мінтақалаги сўнити вакилларидан бири – Замаҳшарийдир.

Ислом динида мистик ва тарқидунёчилик гоясига асосланган сўғизм оқими ҳам мавжуд бўлиб, у тахминан VIII асрда араб мамлакатларида вужудга келган. Унинг кенг ёйилиши XI асрға түғри келади. Сўғизмнинг (арабчада – жун, кўпол жун кийим, жун кийим кийиб юрувчи леган маъноларни англатади) асосий гояси барча мусулмонларнинг Оллоҳ олдида тенглиги тўғрисидаги ақидага асосланади. Сўғийлар оламларни ҳалол пок бўлишга, қасб ҳунар эталаб ўз меҳнати билан яшашга, бошқаларнинг меҳнатидан фойдаланмасликка, тенглик ва ижтимоий адолат қоидала-рига амал қилишга даъват этадилар.

Сўғизм таълимотида буддизм ва неоплатонизм элементлари ҳам мавжуд бўлиб, улар сўғизмнинг пантеистик таълимогида яққол қўринади. Пантеизмнинг моҳияти шундаки, унда барча нарса ва ҳодисалар жонли ҳисобланиб, Оллоҳ иродасининг ифодаси деб таъкидланади. Сўғийларнинг асосий гоясига кўра, киши бу дунёдаги фаолиятини фақат бир мақсадга – Оллоҳ билан уйғунлашишга, бирлашишга сафарбар этмоги лозим. Илоҳий ҳақиқатга киши аста-секин, босқичма-босқич эришади.

Сўғийлар таълимотининг айрим элементлари кейинчалик ортодоксал ислом тарқибига ҳам киритилган. Бу ишда ислом руҳонийларидан ал-Ғаззолийнинг ҳиссаси салмоқти бўлган. У сўғизмнинг мистик муроқаба (интуиция), яъни Оллоҳни ҳиссий идрок этиш гоясини қабул қилинган ва сўғизмдан фарқиён ўлароқ, барча мусулмон удумларини бажарини фарз деб ҳисоблаган. Бироқ у сўғизмнинг пантеистик гояларини қабул қилимаган. Ғаззолийнинг ташқи воқеликни нассив

идрек өглии ҳақидаги ғояси мусулмонларда танқи олам нарса ва ҳодисаларига ишбатан юзаки қараши одатини шакллантириган. Бу кейинни асрларда ўз натижасини бера боштаган. Ал-Фаззодийнинг мазкур таълимоти ўрта асрларда илм-фан, жумладан табиатшунослик илмининг ривожланиши ва Марказий Осиёда илмий тараққиётта бекиёс ҳисса қўшиган мутафаккирларнинг етишиб чиқишига тўсқинлик қила олмаган.

Ислом динининг асосий йўналишлари ва оқимлари хусусида тўхтатланганда ундаги икки асосий тамойил ёки йўналиш ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. У ислом дини пайдо бўлганидан бўён ўтган 1400 йиллик ижтимоий тараққиёт давомида шаклланган. Шу ўтган давр мобайнида инсоният феодализмдан капитализмгача, бозор муносабатлари шаклланган даврларгача теократик давлатдан республика, президентлик бошқарувига асосланган давлат тузилишигача бўлган тарихий босқичларни босиб ўтган. Исломдаги бу икки йўналиш фанда традиционализм ва модернизм номи билан машҳур.

Традиционализм «ортодоксал ислом» номи билан ҳам юритилади. У ўзбек тилида илк ислом таълимоти, Қуръон ва суннатларда қайл этилган ғояларнинг асл моҳиятини сақлашиб қолини, замон, давр ўзгариши билан айрим ислом ақидаларининг ҳам ўзгариши мумкинлиги ҳақидаги фикрларни инкор этивчи руҳонийлар фаолияти билан бөглиқдир. Традиционалистлар нуқтai назарича, ислом динининг ақидалари, олам ҳақидаги Оллоҳ таълимоти абадий ва мутлақдир. Замонда ва тарихда бўладиган ҳар қандай ўзгариш Оллоҳ томонидан олдиндин белгиланган ва ҳукм қилинган бўлиб, барча нарса ва ҳодисалар унинг иродаси билан содир бўлади ва мавжуддир. Традиционализм ислом динидаги ҳурфингалик ва эркинлик бўлишига тиш-тиринги билан қарши чиқади, исломдаги ўзгаришларни танқид қиласди. Бунинг ёрқин кўриниши XVIII аср охириларида пайдо бўлган ва ҳозирги кунда жаҳоннинг қатор минтақаларида ортодоксал исломни тарниб қилиувчи ўта жангтари оқимлардан бирин ваҳҳобийлик ҳисобланади.

Ваҳҳобийлар ислом динидаги модернистик тамойилга қарши чиқадилар, фундаментализм даъвоси билан динидаги ҳар қандай ўзгаришларга қарши курашадилар, экстремистик

даъватлар билан дин аҳдини бир-бирларига қарши қўймоқчи, ҳаттоқи давлат ишларига ҳам аралашмоқчи бўладилар ва ўз гояларини қарор топтириш мақсадида диний давлат тузишга ҳам даъво қиласидилар.

Модернизм, яъни ислом динини ижтимоий тараққиёт, фан ва техника ютуқлари билан уйғуналаштиришга уриниш муайян даражада мафкуравий йўналиш ёки таълимот мавқенга этадир. Ислом модернизми асосан XIX асрларда пайдо бўлган. У ислом дунёсининг илфор фикрли зиёлилари томонидан яратилган. Улар Farbda буржуа муносабатларининг ривожланиши ижобий самара берганлиги ва фан-техникининг туркураб ривожланишига олиб келганигини кўриб, Шарқ жамиятларини ҳам ислоҳ қилиш, шариат қонунлари ўрнига буржуа ҳуқуқини тиклашни таклиф қиласидилар. Туркия XX асрнинг 20-йилларида Шарқ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб капиталистик муносабатлар ўрнатти. Туркистонда бундай уринишлар жадидлар ҳаракатида кўзга ташланади. Жадидлар ислом мистик қарашлар ўрнига илм-фанини ривожлантириш миллий тараққиёт учун қанчалик зарур эканлигини биринчилар қаторида англаб етганлар.

### **Марказий Осиё мутафаккирларининг ислом тараққиётига қўшган ҳиссалари**

Ислом динининг Марказий Осиё минтақасида, умуман, жаҳон миқёсида тараққий қилишига ватандошларимиз бекиёс ҳисса қўшганлар. Гарчи ислом дини Арабистон яриморолида пайдо бўлган бўлса-да, маданий жиҳатдан араб балавий қабилаларидан ишлаб чиқариши кучларининг ривожланиши даражаси бўйича анча устун бўлган Марказий Осиё халқлари ислом динининг назарий жиҳатдан ривожланиши ва ҳаёт эҳтиёжлари асосида такомиллашувига салмоқли таъсир кўрсатганлар. Буни тасдиқлаш учун И мом ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳовуддин Нақшбанд каби мутафаккирларни эслаш кифоядир. Уларнинг номлари бутун ислом дунёсида чуқур ҳурмат билан тилга олинади. Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон ҳукумати ўз ички

сүйесатида мустамлакачылык даврида унтушиан, бирок халқымыз тарихида чукур из қодирған буюк зоттарнинг номларини тиктасш ва халқ хотирасида абадийлаштиришга қарата тиған бениҳоя хайрли сиёсат олиб бормоқда.

Юқорида тиға олинган алломалар ислом динининг тараққиётига салмоқли ҳисса құшганлар. Чунончы, бизнинг Ватанимизда бутун ислом дүнёсида энг нуғузги манбалар деб тан олинган олтита ишончлы ҳадислар түпламиининг (ас-саҳиҳ ас-ситта) муаллифлари яшаб ижод қылғанлар. Улар: Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–870), Имом Муслим ибн ал-Хажжоги (819–874), Абу Исо Мұхаммад ибн Исо ат-Термизий (824–892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистаний (817–880), Имом Аҳмад ан-Насорий (830–915), Имом Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Язид ибн Можжа (824–886) каби сиймолардир. Бу олти аллома ичида ҳадис илмида амир ал-мүминийн деган шарафли номга сазовор бўлган *Имом ал-Бухорий* атоҳида эътиборга молик буюк исломшунос оғимдир.

Имом ал-Бухорийнинг тұлық исеми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғирия ибн Ардазбұл ал-Жуафий ал-Бухорийдир. У 810 йил 20 июлда Бухоро шаҳрида туғилиб, Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғида 870 йил 1 сентябрда (60 ёшида) вафот этган.

Имом ал-Бухорийдан ислом оламида жуда қадрланадиган «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ат-тарих» номли асарлар мерос бўлиб қолган. Имом ал-Бухорий бутун умрими ҳадислар түплештира ва ишончлиларини ажратишга сарфлаган. Илмий манбаларда таъкидланишича, ал-Бухорий 600 мингга яқин ҳадисни түплаган олим ва унинг шоҳ асарлари «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ат-адаб ал-муфрад» кабилар ҳисобланади. Имом ал-Бухорийнинг ҳалқымыз маданий әдәти тарихидаги хизматлари шундан иборатки, у фактат ҳадислар түплештириш билан чекланиб қолмаган, балки ўз даврида одамлар орасида меҳр-муҳаббат, сахийтлик, очиқұллик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга муруват, фақир-бечораларга ҳиммат, Ватанга муҳаббат, ҳалолтик ва меҳнатсеварлик каби фазиатларни қарор топтиришга оил йўл-йўриқлар ва ўғитлар ҳам ишлаб чиққан.

1998 йил 1 сенябрда буюк аллома таваллудининг 1225 йиллиги көнг нишонланғанда ва унга бағищланған мажмуа-

нинг яратилиши бежиз эмас. Имом ал-Бухорий мероси ислом ниқобида юрувчи гараз ниятили кимсатардан халқимиз маънавиятини қатқон мисоли ҳимоялайди, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ёш авлодни аждодларимизнинг иборати ҳаёти руҳида тарбиялашга хизмат қиласди.

Ислом дини тараққиётига катта ҳисса қўнгиган яна бир улуг аждодимиз, самарқандлик аллома, қалом илмининг асосчиларидан бири, мусулмон оламидаги энг йирик суннитлик қалом мактаби — мотуридийлик асосчиси *Абу Мансур Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Ханафий ал-Мотуридийдир* (870–944). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2000 йилда Мотуридий тавағудудининг 1130 йиллиги кенг нишонланди. Мотуридийнинг ислом дини тараққиётига қўнгиган ҳисесаси шундаки, ҳанафий оқимини ал-Мотуридий мактабининг излошлари ташкил этган. Қолган қисмими эси яна бир машҳур мутакаллим аллома ал-Ашъарий (774–935 ёки 941) мактабининг излошлари ташкил этганлар.

Жаҳонининг энг машҳур олимлари ал-Мотуридийни бир овоздан қалом илмининг улуғ намояндаларидан бири сифатида тан олганлар. Ал-Мотуридийнинг шоҳ асарларидан бири «Китоб ат-тавҳид» (ёки «Яккахудолилик ҳақидаги китоб») мусулмон илоҳиётшунослигига билиш назарияси баён қитинган биринчи асар ҳисобланади. Унинг қалом илмига таъриф берилган муқаддимасида билимнинг уч манбай, яъни ҳиссий қабул қилиш, ахлоқий тафаккур ва инсон ишончли манбалардан олиши мумкин бўлган анъанавий аҳборот мавжудлиги ҳақида сўз юритилади.

Ал-Мотуридий концепциясининг аҳамияти шундаки, у соғ дин доирасидан чиқиб, ақт-идрокни улуғлайди ва мантиқан асосланган билимнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Афсуски, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган ёки етиб келганилари ҳам асосан хорижий мамлакатларнинг кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади. Юқорида тилга олинган, ислом оламида жуда муҳим ҳисобланган «Китоб ат-тавҳид» асари бизгача тўлиқ стиб келган. Уни 1970 йилда Фатхуллоҳ Хулиф Байруг шаҳрида нашр эттирган.

Абу Мансур ал-Мотуридий ўз даврида исломий илмлар со-  
ҳасидаги энг етук аллома ҳисобланган, ислом дунёси олимла-  
ри томонидан тан олинган ва ҳозир турли диний асарларда зўр  
эҳтиром билан тилга олинади. Уни улуғлаб, «имом ал-худа» ва  
«имом ал-мутакаллимин» (ёки «ҳидоят йўли имоми» ва «мута-  
каллимлар имоми») каби номлар билан ҳам атаганлар.

Ал-Мотуридийнинг нафақат фиқҳ ва қалом илмига, бал-  
ки бошқа фанларга оид асарлар ёзганлиги ҳам маълум. Маса-  
лан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Бе-  
руний номидаги Шарқшунослик институти фондида ал-Мо-  
туридийнинг овчиликка оид «Рисолай жонвор дорий» («Жон-  
новорларга оид рисола») асарининг қўлёзмаси сақланади. Бу  
асарда овчи қўшларни боқиш ҳақида фикр юритилади. Ҳозир-  
ги кунда хорижий ислом оламида ал-Мотуридийнинг номи  
ва таълимоти яхши маълум. Деярли барча ислом мамлакат-  
ларида ал-Мотуридийнинг диний-маънавий меросига бағиши-  
ланган тадқиқотлар олиб борилади.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Farb олимларида ҳам  
ал-Мотуридий меросига кучли қизиқиш пайдо бўлган. Ал-  
Мотуридийнинг шоҳ асарлари – «Китоб ат-тавҳид» ҳамда  
«Таъвилот аҳт ас-сунна» («Суннийлик анъаналари тарихи»)  
дан сақланиб қолган қўлёзма матнлари нашр қилинган ва  
қисман тадқиқ этилган.

1997 йилда аллома ҳақидаги биринчи йирик тадқиқот –  
Геттингем университетининг профессори Ульрих Рудольф-  
нинг «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиётшу-  
нослиги» асари немис тилида нашр этилган. Бу каби тадқи-  
қотлар ислом дини ҳақидаги билимларимизни кенгайтириб-  
гина қолмай, ҳалқимизнинг бой маънавий мероси ва унинг  
жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси-  
ни кўрсатишга ҳам хизмат қиласди.

Марказий Осиёning ислом дини тараққиётига салмоқли  
ҳисса қўшган алломаларидан яна бири – *Бурҳониддин ал-  
Марғониёнӣ* (1123–1197). Ислом оламида фиқҳ (хуқуқ) илми-  
нинг илмий асосларини яратган ватандошимиз Али ибн Абу-  
Бакр ибн Абл үл-Ҷалил ал-Фарғоний ал-Риштоний ал-Мар-  
ғониёнӣ 1123 йилининг 23 сентябрида таваллуд тоиган. У Қуръ-

он ва ҳадис илмларини мукаммал әгаллаб, фиқх, яъни ислом ҳуқуқшунослиги бобида бениҳоя чуқур илмга эта бўлганлиги ва фундаментал асарлар яратгандиги учун Бурҳон удин ва-л-милла<sup>1</sup> ва Бурҳониддин ал-Марғиноний номлари билан машҳурдир.

Ал-Марғинонийнин ислом тараққиётига қўшиған ҳисса-си ислом ҳуқуқшунослигига айниқса салмоқлидир. Бу унинг 1178 йил Самарқанд шаҳрида ёзилган «Ҳидоя» асари билан боғлиқлайди.

«Ҳидоя»да ҳуқуқий масалаларининг ечими дастлаб таникли фиқҳ олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифларнинг эътироzlари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрули муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танланаш йўлига амал қилинган. Шу тарика унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки мукаммал шарҳи ҳам асослаб келтирган.

«Ҳидоя» тўрт жуздан иборат бўлиб, биринчи жузга ибодат масалалари, яъни таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж киритилган. Иккинчи жузга никоҳ, эмизини, талоқ, қулларни озод қилиш, топиб олинган боланинг насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қўл, бедарак йўқолган шахс, шерикчилик ва вакф мутқига оид масалалар киритилган.

Учинчи жузда эса олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, пулни бирорвга ўтказиш, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, икрор бўлиш, сулҳ, бир ишда пул билан ўсерик бўлиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериши, совға, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, васийлик, мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озол бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар ўрин оғлан.

Тўртинчи жузда эса, мерос тақсимоти, дехқончилик ҳамда боғдорчилик хусусидаги шартнома, қурбонликка сўйиладиган жонзод, умуман, қурбонлик қилиши, шарнатга зид (ёмон) нарсалар, ташландик ерларни ўзлаштириши, тақиқланган

<sup>1</sup> «Милла» деганда ҳалқ, яъни мусулмонлар тушунилади. Бу билан олимни улуғлаб, уни ислом оламидаги ҳалқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи дейилади.

иичимликлар, овчилек, гаров, жиноятлар, юк ҳақи тұлаш, васият каби масалалар киритилған.

Бурхониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари бир неча аср давомыда ислом давлатларында ҳуқуқшунослық бүйінча асосий манба бўлиб хизмат қылған. Марказий Осиёда 1917 йилги шўролар инқилоби натижасида шариат қонунлари бекор қилиниб, совет суд тизими ўрнатилгунинг қадар буюк алломанинг «Ҳидоя» асари суд-ҳуқуқ амалиётіда асосий қўлланма вазифасини ўтаб келган.

1991 йилда халқимиз мустақилликка эришгач, бу улуғ ватандошимизнинг ўлмас меросига эътибор яна тикланди. «Ҳидоя» асари ўзбек ҳуқуқшунослиги учун яна шоҳ асарлардан бирига айланди. 1994 йилда «Ҳидоя» қайта нашр этилди. Марказий Осиёда ислом динининг кейинги тараққиёти X–XI асрларда тасаввуф таълимогини шакллантириди. Шарқшунос олим О.О.Усмоновнинг таъкидлашича, тасаввуф Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маънавий ҳаёти тарихидаги эни мураккаб, ўзаро зиддиятларга тўлиб-тошган ва муҳим ҳодисалардан бири бўлиб, тарқидунёчилик, бу дунё бойликлари ва нозу неъматларидан воз кечиш, Оллоҳ васлига етмоқ учун пок, ҳалол, ўз меҳнати или яшаш, ихтиёрӣ равишдаги фәқирик унга хос хусусиятлардан ҳисобланади.

Тасаввуф таълимоти XI–XII асрларда яшаб ижод этган ислом алломаси *Юсуф Ҳамадоний* (1048–1140) номи билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик яссавия, нақшбандия, кубравия, бектошия каби тариқатларни юзага келтирди<sup>1</sup>.

*Аҳмад Яссавиј* (1005–1166) тариқати туркийзабон халқлар маданияти тарихида катта ўрин тутади. Тасаввуфдаги барча йирик тариқатларда бўлганидек, яссавия таълимоти қўйидаги қоидаларга амал қилишга асосланган:

1) мурид ҳеч кимсани ўз пиридан афзал кўрмаслиги, унга доимо таслимиёт изҳор қилмоғи лозим;

2) мурид шунчалик зукко ва идрокти бўлиши керакки, то ўз шайхининг румуз ва ишораларини мукаммал англай олсин;

<sup>1</sup> Қаранг: Маънавият юлдузлари / Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. – 1999. – Б.134.

3) шайхнинг барча акволи (сўзлари) ва афъоли (ишлари)га мурид содиқ бўлиб, унга мутлақо муте ва мұнтақид бўлмоғи лозим;

4) ўз муршиди (пирининг барча топшириқларини чусту чолоклик (чакқонлик) ила силқидилдан бажариб, уни ҳамиша рози қилиб юрмоги зарур. Чунки ризои Оллоҳ унинг (яъни шайхнинг) измидадир;

5) мурид ўз сўзига содиқ, ваъласига вафоли бўлиб, муршиди қўнглида ҳеч қандай шак-шубҳа туғдирмаслиги зарур;

6) мурид ўз ваъдасига вафодор, сўзида устувор турмоги лозим;

7) мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулкини, бутун борйүғини ўз шайхига нисор этмоқ учун доимо тайёр турмоги лозим;

8) мурид ўз муршидининг барча сир-асрорларидан огоҳ бўлиб, унинг ифисини ҳеч вақт хаёлига келтирмаслиги керак;

9) мурид ўз шайхнинг барча таклифларини назарда тутиб, унинг мушкулотини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт;

10) мурид худо висоли учун ўз шайхи йўлида бугун молу жонини нисор этмоққа тайёр туриши, унинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт<sup>1</sup>.

Аҳмад Яссавий ўз тариқатини шеърий услубда «Ҳикмат» номли асарида баён этган. Яссавий таълимоти кишилар ўтрасида поклик, ҳалоллик, тўғрилик, меҳр-шафқат, ўз қўлининг кучи ва пешона тери билан ҳаёт кечириш орқали Оллоҳ висолига етиш мумкин, деган ғояни олга сурган. Яссавия таълимоти баъзи кишиларнинг мол-дунёга ҳирс қўйинини қоралайди, камтарликка, гарибпарварликка даъват қиласади. Шундай қилиб, Аҳмад Яссавий Марказий Осиёда илк тасаввух илмига асос солган, ислом динининг тараққиётига ҳисса қўшган.

Ислом дини тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган яна бир ватандошимиз Хоразмнинг Хивақ шаҳрида дунёга келган Нажмиддин Кубро (1145–1221) ҳисобланади. Исломшунослик илмида унинг таълимоти кубравия тариқати номи билан

<sup>1</sup> Уша асар. – Б.136.

машхурдир. Ёшлигидан илмга чанқоқ Нажмиддин Миср, Эрон ва Шарқнинг бошқа мамлакатларида таҳсил олган. Унинг ислом динига қўшган ҳиссаси шундаки, зикрни овоз чиқармасдан (хуфия) ижро этиши усулини киритган. Кубравия тариқати ҳадис ва шариатга асосланади. Бу таълимотга кўра, инсон ўз моҳият-эътибори билан кичик оламни ташкил этади ва катта дунё бўлмиш коинотдаги барча нарсаларни ўзида мужассамлаштиради. Илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос мақомларда жойлаштирилгани сабабли, ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай юқсакларга қўтарилиб, илоҳий сифатларга эга бўлиш, яъни камолотга эришиш учун, маълум риёзатли йўлларни босиб ўтишлари зарур. Бунинг учун қўйидаги ўнта асосга таянмоқ лозим: тавба, зуҳд фи-дунё, таваккал, қаноат, узлат, мулозамат аз-зикр, таважжуҳ, сабр, муроқаба ва ризо.

Ушбу ўнта талабнинг қисқача моҳияти шундаки, киши бу дунё лаззатлари ва мол-дунёга ҳирс қўйишдан ўзини ти-йини, сабр-қаноатли бўлиши, ўзлигидан кечиб, худога муҳаббат қўйиши, унга чексиз ишониши лозим. Нажмиддин Кубродан қатор асарлар мерос қолган. Масалан, «Фавоъих ал-жамол ва фавотих ал-жалол», «Ал-усул ал-ашара», «Рисолат ал-хөъиф ал-хәъим мин лаумон ал-лаъим» кабилар шулар жумласидан. Унинг яна бир асари – «Рисолатун одоб ул-зокирин» («Зикр айтувчилар одоби ҳақида рисола») форс тилида бизгача етиб келган бўлиб, ҳозир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг кутубхонасида сақланмоқда.

Нажмиддин Кубро тариқати Мовароуннаҳр, Хурросон, Ҳиндистон ва бошқа мусулмон халқлари орасида кенг тарқалган. Унинг таълимоти асосида кубравия мактаби вужудга келган ва деярли XV асрнча тасаввуф таълимотини ифодаловчи асосий йўналишлардан бири бўлган.

Нажмиддин Кубро Урганч шаҳрини мўғул босқинчларидан ҳимоя қилишда шиддатли жангда шаҳид бўлган. Ўшандада у 70 ёшда бўлган.

Узоқ вақт мобайнинда мўғул мустамлакачилигига қарши олиб борилган курашлар XIV асрнинг иккинчи ярмига ке-

либ Марказий Осиёда соҳибқирон Амир Темур бошчилигидаги мустақиллик учун уруслар ғатабаси ва Мовароунинарда ягона давлат барни этилиши билан яқунланган. Ислом дини бу даврда Амир Темур ва темурийлар сиёсатида, мамлакатдаги маънавий бирлик, маданий юксатиш, адолат ўрнатиш ва сақлашни ишинга қаратилган. Ислом дини асосида шаклланган тасаввуф, айниқса, нақшбандия ўша давр маънавиятининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилган. Нақшбандия исломга таянган ҳолда инсоннинг ахлоқий поклик, меҳнат ва билим эгаллашига кенг йўл очиб берувчи ғояларни тарғиб қилиб, маънавий-ижтимоий ҳаётда катта ижобий аҳамиятга эга бўлган. Баҳовуддин Нақшбанд, Ёқуб Чархий, Хўжа Муҳаммад Порсо, Хўжа Акром каби нақшбандия назариётчилари шу даврда яшаб ижод этгандар.

Марказий Осиёда XIV асрда тасаввуф илми соҳасида вужулга келган тариқат *Хўжа Муҳаммад Баҳовуддин Нақшбанд* (1318–1389) номи билан боғлиқдир. Баҳовуддин Нақшбанд 1318 йилда Бухоро ёнидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғидаги туғилган (кейинчалик Нақшбанд шарофати билан Қасри Орифон деб атала бошланган).

Нақшбанд таълимоти асосида ихтиёрий фақирлик ётади. Атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг ёзишича, у умр бўйи деҳқончилик билан кун кечирган ва ўз қишлоғидаги унча катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экса-да, уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган. Нақшбанд бўйра устида ётиб кун кечирган ва бутун умрини ўз ихтиёри билан фақирликда, йўқчиликда ўтказган. Нақшбанд тариқатининг асл ақидаси – «дил ба ёру, даст ба кор», яъни «доимо қўнглинг Оллоҳда, қўлинг эса ишда бўлсин», деган ғояни олға суради. Нақшбандия таълимоти XV асрда Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон сингари мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган. Бу таълимот тарафдорлари аскетизм (таркидунёчилик)га, бой-зодагонларнинг зулми ва истибододига қарши бўлганлар, фақат ўз қўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга кишиларни чақирганлар. Улар шу билан бирга савдо-сотик, деҳқончилик, хунармандчилик, бадиий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, хаттотлик, нақ-

қошлик, миниатюрачилк, қурувчилик каби барча фойдалы ва хайрли юмуналар билан шуғуланишга даъват этгандар.

Хожа Баҳовуддин Нақшбандни Марказий Осиё ҳалқлари жуда юксак қадрлайтилар. 1993 йилда мамлакатимизда Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги кенг инионланганлиги бежиз эмас. Нақшбанднинг нафақат диний, балтаки дунёвий ҳунарларни ҳам этгалишга даъват этганини мустақиллигимиз тақозо этган ҳалқ бунёлкорлигига ғоявий маддад бўлади. Шу боис ҳалқимиз тасаввуф иётмининг дархаларидан бири бўлмиш Хожа Баҳовуддин Нақшбанд таълимотига асрлар оша яна мурожаат қилиши табиийдир. Зоро, тарихий хотирасиз келажак бўлмайди.

### Исломнинг ҳозирги замондаги ўрни ва мавқеи

Ислом дини XX аср охирларига келиб, ўз нуфузи ва мавқенига кўра, ер куррасида христианликдан сўнг иккинчи ўринни эттади. Ҳозир ислом динига деярли 1,5 млрд. киши эътиқод қўлмоқда. Агар ислом дини пайдо бўлган даврларда асоссан Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган бўлса, XX асрнинг охирларига келиб Осиё, Африка, Европа ва Шимолий Американинг қатор мамлакатларига ёйилган. Бунинг обьектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Объектив сабаби шундаки, ислом дини яхудийлик, христианлик динларининг ижобий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган, диний эътиқод ва сигинишларни инсон ҳаётининг турли ҳолат ва вазиятларига мослаштира олган ҳамда диний эътиқод қулайлигини таъминлайди. Шу боис у Европа ва Шимолий Американинг муқаддам христианлик ёки яхудийлик эътиқодида бўлган ёхуд диний эътиқоди умуман бўлмаган фуқароларининг аксариятини ўзига жалб эта олган. Айни вақтда ҳам ислом динига кириш Европа ва Шимолий Америкада муайян удумга айланиб бормоқда. Бу ҳол, табиийки, бошқа диний конфессиялар раҳбариятини ташвишлантироқда. Улар ислом эътиқодини қабул қилувчилар нуфузининг ортиб бориши, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида ислом қадриятларининг устуворлигига олиб келиши бошқа диний конфессияларнинг мавқеини заиф-

лаштиради деб хавотир олмоқдалар. Аслида бундай ташвишлар ўринсизdir. Ҳақиқий ислом кишилар ўртасида меҳроқибат, поклик, ҳалоллик, шафқат, раҳмлиллик, хайр-саҳоват, адолат ва инсоф каби қадрияларни эъзозлайди, инсонни эзгуликка ундаиди.

Ислом дини ниқоби остида иш кўрувчилар, гараз мақсадли сиёсий кучлар, турли экстремистик элементлар бундан мустаснодир. Дин ниқобида иш кўрувчи манфур, террорчи кучлар ислом эътиқодининг миллионлаб кишилар қалбига кириб бориши жараёнини асло тұхтата олмайди, аксинча, иймонли, диёнатли диндорлар уларни улоқтириб таштайдилар ва ислом оламининг ифлосланишига йўл қўймайдилар. Ислом дини XXI асрға келиб жаҳон ижтимоий-сиёсий саҳнасида йирик сиёсий-ғоявий омил мавқеига эга бўла бошлади. Агар собиқ Иттифоқ тузуми даврида жамиятда секуляризм (лотинчада – дунёвий деган маънони англатади) ва даҳрийлик (атеизм) сиёсати ҳукмрон бўлган бўлса, Марказий Осиёнинг мустақилликка эришган ёш давлатлари сиёсатида секуляризм бирмунча юмшатилди, диний эътиқодга эркинлик берилди. Натижада ислом дини сиёсий ҳаётга аралашиб имконига эга бўлди. Мустақилликка эришган ёш давлатлар ўз сиёсий йўлларини ташлашида Фарб демократияси анъаналарига мурожаат қилдилар.

Ҳокимиятлар тақсимланиши, демократия принципларининг сиёсий ислоҳотлар учун асос қилиб олиниши жамиятда ислом ҳаракатларининг кучайиши ва ҳокимиятга даъвогар куч сифатида майдонга чиқишига олиб келди. Мамлакатда диний эътиқодга эркинлик берилишининг айrim кишилар томонидан нотўғри талқин этилиши натижасида, 1991–1992 йилларда Фарғона водийсида экстремистик кучлар расмий ҳокимиятнинг ўрнига ислом тартибларини ўрнатиш учун очиқдан-очиқ ҳаракат қилишига киришилдилар. Ҳукумат томонидан республикадаги фаолияти тутатилган «Акромийлар», «Адолат», «Тавба», «Ўзбекистон ислом уйғониш партияси» сингари экстремистик гашкилотлар ислом динининг сиёсийланиш бораётгандигини кўрсатмоқда.

Бу ҳаракатлар эндилиқда мустақилликка эришган Ўзбекистонда юзага келган объектив қийинчиликлар (ишизлар

сонининг күнайини, турмуш даражасининг пасайини, ўзатувчан шароитларда эскича бошқарув устубларининг давлат ҳокимияти идораларида инерция шаклида сақланниб қолғанлыги кабилардан устомонлик билан фойдаланиши ва мамлакат ҳәттини ислом қонунларига асосланган узанга буриб юборишига уриниб құрдилар. Буни айрим чет ол диний экстремистик ташкилотларининг маңаллар гуманнатарапи (Жума Наманғоний, Тохир Йўллошев сингари ёт унсурлар) амалда оширмоқчи бўлдилар. Бироқ расмий сиёсий ҳокимият ҳамда ҳукуқни муҳофаза қилувчи хизмат ҳодимларининг ҳуниёрлиги ва себилиги натижасида диний экстремистик мафкуранинг пайи қирқилди.

Ўзбекистондаги воқеалар динининг сиёсийлашуви муаммосининг фақат бир кўрининшилди. XX асрининг охирига келиб, ислом дини жаҳон миқёсилада етакчи ижтимоий-сиёсий мавқени даъво қилди.

Эрон ислом инқилобининг етакчи раҳбарларидан Оятулло Ҳумайнин бундан деярли 20 йил муқаддам таниқи итальян журналисти Ориана Фаллагига берган интервьюосида шундай деган: Ислом адолатdir. Ислом эътиқодига мувофиқ, ҳар қандай диктатура — катта гуноҳdir. Ислом деярли ҳамма нарса: эркинлик, демократия ва бошқаларdir. Ислом сиёсий-диний таълимотdir. Унда, бир томондан руҳонийлик сиёсатини, иккинчи томондан эса сиёсат руҳонийликни тўлдирди. Исломда диний фатволардан кўра кўпроқ сиёсий даъватлар устувордир. Оллоҳ номи билан қасамёл қиласманки, ислом сиёсатdir<sup>1</sup>.

Оятулло Ҳумайнининг бу сўзлари диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, XX аср охирига келиб, исломнинг нафақат диний-ахлоқий, балки ижтимоий-сиёсий таълимот ҳам эканлиги исботланди. У жаҳоннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларига таъсир этгib турувчи воситага айланди.

Айни кунда ислом динининг шунчаки бир таълимот эмас, балки ғоят катта қудрат ва салоҳиятга эга мафкура эканлигини Яқин ва Ўрта Шарқ, Болқон яримороли, Кавказ, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг Кашмир ўлкалари-

<sup>1</sup> Қаранг: Центральная Азия и Кавказ. – Стокгольм, 2000. – С.16.

да кечәётган диний мазмундаги ижтимоий жараёнлар янада яққол тасдиқламоқда. Ислом жаҳон миқёсида жиддий сиёсий кучга айланмоқда. Бироқ унинг ҳақиқий моҳиятини бузиш, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланиш исломнинг халқаро обрўйига путур етказмоқда, айрим калтабин сиёсатчиларнинг ислом динига қолган барча динларни қарама-қарши қўйишлирга сабаб бўлмоқда. Бу билан ҳақиқий исломнинг инсонпарварлик, эзгулик ва адолатлилик каби моҳияти хавф остида қолмоқда. Бир гуруҳ экстремистлар, террорчилар ўз ғаразли мақсадлари билан ислом моҳиятини қоришириб юбормоқда. Бундай шароитда ислом динининг азалий инсонпарварлик, поклик, ҳалоллик, раҳм-шафқатлилик, имонлилик тамойилларининг устуворлигига эришиш, жаҳон аҳлини бу қадриятларга ишонтириш, унинг умуминсоний табиатини илмий изоҳлаб бериш давр талабидир.

### **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Исломда йўналишлар ва оқимларнинг юзага келиш сабаблари нималардан иборат?
2. Суннийлик ва шиалик ўртасидаги тафовутларни аниқланг.
3. Шиаларнинг исломнинг муқаддас манбаларига муносабатларини изоҳланг.
4. Нима сабабдан хорижийларнинг тарафдорлари жуда кам сонли бўлиб қолган?
5. Нима сабабдан суннийликка эътиқод қилувчилар «ортодоксал» ислом тарафдорлари деб аталади?
6. Суннийликда диний экстремизмнинг манбаи бўлган диний-ҳуқуқий мактабни аниқланг.
7. Сўғизм оқимининг асосий ғоялари ва мақсади нималардан иборат?
8. Ислом илоҳиётининг ривожланишига салмоқли ҳисса кўшган Марказий Осиё мутафаккири ким?
9. Маркази Осиёда тасаввухнинг қайси тариқатлари юзага келган?
10. Исломдаги анъанавийлик ва замонавийлик жараёнларининг ўзига хослиги нималардан иборат?

## **9-мавзу**

# **ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МОҲИЯТИ, МАҚСАДЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **Диний экстремизм ва фундаментализмнинг моҳияти, мақсадлари ва хавфи**

XX асрнинг охирларида ҳалқаро хавфсизликка таҳдид со-  
лувчи глобал муаммолар қаторига диний экстремизм ва фун-  
даментализм оғати қўшилди. Ядрорий уруш хавфи, экологик  
фожия каби глобал муаммолар инсоният тақдирига қанчалик  
вайронкор таҳдид қиласеттан бўлса, диний экстремизм ва тер-  
роризмнинг бузгунчилик таъсири кўлами улардан кам эмас.  
2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган фожия шуни кўрса-  
тадики, бу оғат нафақат иқтисодий қолоқ ёки ривожланаёт-  
ган, балки ривожланган давлатларга ҳам бирдай хавфлидир.

Жаҳон миқёсида диний экстремизм ва фундаментализм-  
га қарши кураш ҳалқаро даражада кучларнинг бирлаштири-  
лишини тақозо этади. Бу курашда энг аввало диний экстре-  
мизмнинг юзага келиши сабаблари, моҳияти ва хусусиятла-  
рини ўрганиш лозим.

Диний экстремизм (лотинчада – *extremum* энг кейинги,  
охирги деган маъноларни англатади) ижтимоий ҳаётда юз  
бераётган жараёнлар таъсирида пайдо бўлади ва унинг ил-  
тилизлари узоқ ўтмишимизга бориб тақалади. Зоро, диний экс-  
тремизм диний дунёқараш пайдо бўлиши билан юзага кел-  
сан ижтимоий воқеликдир. Фақат у турли тарихий давларда  
иљма-хил кўриниш, шакл ва мазмунда намоён бўлади.

Фарбий Европа мамлакатларининг мустамлакачилик сиё-  
сати (салиб юришлари, буюк географик кашфиётлардан ке-  
йин жаҳонни бўлиб олиш учун кураш), Усмоний турк дав-  
латининг Фарбий Европага таҳдиди (XIV–XVI асрлар) диний  
шиорлар асосида олиб борилган. Усмоний туркларнинг  
Фарбий Европага таҳдиди ривожланиши даражаси тахминан

төңг ғивицизацияларнинг түқнашуви бўлган. Буюк географик қаинфиётлардан кейин Европа жаҳон миқёсida иқтисолий, ҳарбий-техникавий устуниликка эришган. Мазкур кўрсаткичлар бўйича оргла қолган ҳалқлар Еарбнинг тажовузига диний шиорлар асосида бирлашган. Мазкур шиорлар ҳалқни анъанавийликни сақлааб қолиш, жамиятни Еарбда ишлаб чиқилган «қолин»ларга асосан модернизациялашга қарши курашга даъват этган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Саудия Арабистонида ижтимоий ҳаётни Еарб модели асосида замонавийлаштиришга қарши кураш жараёнида диний фундаменталистик ва экстремистик ваҳҳобийлик мазҳаби юзага келган. Анъанавий тараққиёт йўлини сақлааб қолишни таълаб қилган барча консерватив кучлар мазҳаб атрофида бирлашган. Ваҳҳобийлик Саудия Арабистонида расмий эътиқод сифатида мустаҳкамланган.

XX асрда дунёнинг икки тизимга бўлиниши туфайли юқоридаги муаммо вақтинчалик орта сурилди. XX асрнинг охирида коммунистик тузум ва мафкуранинг мағлубияти сабабли олдинги муаммолар яна қалқиб чиқа бошлади. Шулардан бири индустрисал давлатлар билан ривожланаётган ва қолок давлатлар ўртасидаги зиддиятлардир. Мазкур муаммо турли кўринишларда, хусусан дин соҳасида ҳам ўта кескин тус олди.

XX асрнинг охирларида диний экстремизм диний-сиёсий ҳаракат сифатида авж олди. Шунинг учун экстремистик рұҳдаги диний оқимлар ўта жангарилик, муросасизлик ғоялари билан қуролланган, дунёвий ғоялар ва диндаги мөдернистик йўналиш тарафдорларини таъқиб этувчи, ҳатто террорчилик воситасида жисмонан йўқ қилишгача борувчи ашадлий ақидапарастлар ҳаракати сифатида баҳоланади.

Экстремизмнинг илмий адабиётда ягона бир таърифи мавжуд эмас. Шунга қарамай, экстремизм деганда радикал қарашларга эга бўлган, ўз ғояси ёки фикрини бошқаларга ҳар қандай воситалар билан сингдиришга интиладиган кишиларнинг эътиқоди тушунилади.

Диний экстремизм деганда диннинг ижодий табиатини инкор этувчи, дунёвий хатти-ҳаракатларни диний мафкура мақсадларига бўйсундиришга уринувчи ҳаракат тарафдорлари

назарда тутилади. Аслини олганда, диний экстремизм – фундаментализмнинг бир күриниши. Диний экстремизм заманила фундаментализм ётади. Бироқ айрим тақиқотчилар, диний экстремизмни бўрттириб кўрсатиш мақсадида, фундаментализмдан фарқлашта уринадилар. Аслида диний экстремизм ва фундаментализм бир-биридан узоқ ҳодисалар эмас. Диний экстремизм тўғрисида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун унинг белгилари ҳақидаги тушунчаларга эга бўлиш лозим.

Диний экстремизм конфессия ичидағи турли оқимлар ва мазҳабларнинг ўзаро кураши ёки конфессиялараро қарама-қаршиликлар сабабли вужудга келади. Маълумки, муайян динда доимо йўналишлар, оқимлар ва мазҳаблар ўртасида тўхтовсиз кураш боради. Бу объектив ҳодиса. Зеро, диний ташкилотларга раҳбарлик уларнинг иқтисодий ресурсларига эгалик қилиш, сиёсий ҳокимиятга таъсир ўtkазиш имкониятини беради. Лекин диндаги бўлинишларни фақат манфаатлар курашининг натижаси сифатида қараш масалага холисона ёндашувнинг бузилишига олиб келади. Ҳар бир дин ўзига хос тилсимотдир. Шу боис ҳам диннинг муқаддас манбалари тафсири турли тарихий даврларда унинг янги қирраларини очади. Инсоният илоҳий ҳақиқатни англаш сари борали. Бундай ҳақиқат эса кишининг ички дунёси ва руҳий моҳиятини тушунишига ёрдам беради.

Диний экстремизмнинг энг бирламчи хусусияти шундаки, у жамиятда қабул қилинган ижтимоий норма ва қадриятларни инкор қиласи ёки уларга қарши курашади. У сиёсий саҳнага чиқиш, ҳокимият тепасига келиш, давлат бошқарув услугини диний ўзанг баюриш кабиларга ҳаракат қиласи. Диний экстремизм ҳодисаларни фақат яхши ёки ёмон, қора ёки оқ деб баҳолашга одатлангани учун демократия ва плюрализмни инкор этади.

Диний экстремизмнинг манбаи мутаассиблик (фанатизм) дир. Мутаассиблик кишиларнинг муайян нарса, фикр ёхуд гояга кўр-кўрона, унинг чуқур моҳиятига етмасдан, бутун вужуди билан қаттиқ ишониши, уни бошқа ҳамма нарса ва гоялардан тўғрир ёқ деб билиши натижасида бошқаларга ҳам турли воситалар билан сингдиришга ҳаракат қилишидир.

Жамиятда мутаассиблик қўйидаги сабаблар натижасида вужудга келади:

а) аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий турмушки даражасининг пастлиги ва ижтимоий муносабатларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

б) фуқароларининг диний билими ва савиясининг етарли даражада ривожланмаганлиги, диний жаҳолатнинг устунлиги.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг бир тарафлама, асосан, хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, республикада замонавий техника ва технологиялар асосида ишловчи корхоналар ва саноат учун малакали мутахассис кадрларни етказиб берувчи билим даргоҳиарининг камлиги сабабли, малакали маҳаллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммоси ҳал қилинмай қолган. Республика раҳбарияти бу муаммони четдан мутахассис кадрларни олиб келиш билан ҳал қилишни афзал кўрган. Маҳаллий аҳоли вакиллари, асосан, ёрдамчи ишчи бўлиб ёки юқори малака талаб қўлмайдиган касбларда ишлаганлар. Зоро, бундай касбларда меҳнат қилувчиларнинг иш ҳақи жуда камлиги сабабли вилоятлардаги маҳаллий аҳоли вакилларида ишчилик касбларини ўзлаштиришга нисбатан қизиқиш уйғонмаган. Бунда миллий менталитетимизнинг таъсирини ҳам қайд қилишимиз лозим. Маҳаллий аҳоли ўзи учун номаълум бўлган саноат корхоналарида мураккаб касбларни ўзлаштиришдан кўра асрлар давомида аждодларидан мерос бўлиб келган қишлоқ хўжалигида ёки шаҳарлардаги савдо-молия тизимларида ишлашни афзал кўрган.

Юқорида таъкидланганидек, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда қурилган саноат корхоналарининг асосий қисми хомашёга дастлабки ишлов беришга мўлжалланган бўлиб, улар бошқа республикаларга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун олиб кетилган. Хомашё ёки ярим тайёр маҳсулотларнинг бозорларда арzon нархларда сотилиши аҳоли турмуш даражасининг бошқа минтақаларга нисбатан паст бўлиб қолишига сабаб бўлган.

Маҳаллий аҳоли вакиллари орасида юқори малакали ишчи кучининг камлиги ва иқтисодий турмуш даражасининг паст-

лиги турли экстремистик ва фундаменталистик руҳдаги диний оқимларнинг ёйилишига қулай шарт-шароит яратган.

Ўша даврда олиб борилган даҳрийлик сиёсати оқибатида мустамлака давригача ислом дунёсининг марказларидан бири бўлган Марказий Осиё ўзининг илгариги нуфузини йўқотган. Аҳолининг диний билимлари даражаси пасайиб борган ва асосан диний маросим ҳамда анъаналарни бажариш даражасига тушиб қолган. Бунинг сабаблари қўйидагилардан иборат:

а) динга қарши кураш давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлангирилганлиги, диний таълимотни илмий ўрганиш учун етарли шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиги;

б) собиқ Иттифоқ даврида аҳолига диний таълим беришнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

в) диний ташкилотлар ва уламоларнинг куч ва имкониятларидан аҳолини тарбиялашда фойдаланилмаганлиги.

Диний экстремизм ва мутаассиблик диний фундаментализмнинг негизида (лотинча *fundamentum* – асос деган маъненинг англатади) вужудга келали. XX асрнинг бошларида «фундаментализм» атамаси диндаги модернизация жараёнларига тўсқинликни акс эттирувчи тушунча сифатида илк бор қўллана бошланган. Шу лаврда АҚШда «Фундаментлар (асослар): ҳақиқатга шаҳодат келтириши» номли рисолалар тўплами нашр қилинган. Унда христианликнинг фундаментал назарияларини нималар ташкил этиши изоҳланган. Тўплам юзасидан бошланган мунозараларда диндаги фундаментал аҳамиятга эга қадрияларни ҳимоя қилувчилар фундаменталистлар деб атала бошланган.

Юқорида қайд этилган мисоллардан хulosса қилганда, «диний фундаментализм» атамаси даствор христианликка нисбатан қўлланила бошлаган. Албатта, атаманинг даствор кимга ёки нимага нисбаган қўлланилганлиги муҳим эмас, лекин ҳозир диний фундаментализм, экстремизм ва терроризм деганда Farb ва ҳатто айрим Шарқ мамлакатларида исломни байроқ қилиб оловчи кимсалар ва гуруҳлар ўтмиш тарихни эсга олиб қўйсалар асло фойдадан холи бўлмайди.

Диний фундаментализм муайян диний эътиқод, тарихий давр ёки биргина минтақага хос ижтимоий ҳодиса эмас. Мазкур

воқелик ҳар қандай динга хос хусусият бўлиб, турли тарихий даврларда диннинг ажратмас йўлдоши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб ислом давлатларида диний тикланиш ва жонланниш ҳодисаларига нисбатан «фундаментализм» атамаси қўлланила боштаган. Ҳозирги кунда киниларда зиддиятли ҳис-туйғуни ўйғотувчи «ислом фундаментализми» атамаси шу вақтдан бошлаб жаҳон миқёсига ёйилган.

*Диний фундаментализм* деб диний ақидаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, илоҳий башиорат ва мўъжизатарни жузъий тушунишни инкор қўйувчи қарашлар тизимига айтилади.

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг мақсади қўйидагилардан иборат:

а) диннинг соғлигини сақлаб қолиш ниқоби остида ғараз мақсадли диний ташкилотлар ва гуруҳдарнинг сиёсий ҳокимиятини қўлга олиш ва диндорлар назоратида бўлгун ҳукуматни тузишга интилишлари;

б) қўзланган ёвуз ниятга эришини учун диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида уни заифлаштирувчи ҳар қандай жараёнларга қарши курашиш.

Юқорида қайд этганимиздек, диний экстремизм ва фундаментализм барча динларга хос хусусиятдир. Ҳозир у ижтимоий ҳаётла турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Масалан, Ғарб жамиятларида секуляризация жараёнлари кенг кўламда ижтимоий ҳаётга татбиқ этилганлиги сабабли Шарқ давлатларида кескинлик касб этмади. Шарқда жамиятнинг секуляризация жараёнлари давом этмоқда ва ислом давлатларида бу ҳали бошланғич босқич даражасидадир. Шунинг учун Шарқда бу жараёнларнинг давлат ҳавфсизлигига таҳдидини бартараф этиш мақсадида муайян қонуний чоратадирилар амалга оширилмоқда. Масалан, Шарқда дунёвий тараққиёт йўлини танлаган давлатлар (жумладан, Туркия, Ўзбекистон сингари мамлакатлар)да диний руҳдаги сиёсий партиялар тузиш қонун билан тақиқланган.

Ўзбекистонда диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий ҳаётда фаоллашувининг сабаблари қўйидагилардан иборат:

- а) коммунистик мағкуранинг емиригини сабабли маънавий ҳаётда юзага келган бўшлиқ ўрнини тўлдириш зарурати;
- б) собиқ Иттифоқ давлатида дин ва диндорларнинг таъқиб қилингандиги;
- в) одамларда миллий ўзликни англаш туйфуси ва этник жиҳатдан ўзининг насл-насабини излашнинг кучайганлиги;
- г) айрим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар;
- д) хорижий давлатларнинг диний экстремистик ва фундаменталистик руҳдаги оқим ва мазҳабларни қўллаб-қувватлашлари.

XX асрнинг иккинчи ярмида Шарқ давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши суръатларининг ошиб бориши, фан ва техника тараққиети ижтимоий ҳаётда Farb маданияти таъсирининг кучайишига сабаб бўлди. Таъкидлаш жонизки, бундай жараёнлар муқаррар равишда миллий урф-одатлар ва анъаналар, жумладан диний анъаналарнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқенини ўзgartиради, миллий маданиятда ва диний таълимотда модернизация жараёнларини вужудга келиради. Ижтимоий ҳаётдаги бундай ўзгаришлар диний экстремизм ва фундаментализм тўсқинлигига дуч келади. Жаҳон миқёсида, хусусан Ўзбекистонда диний экстремизм ислом экстремизми шаклида ўта кескин кўринишда намоён бўлмоқда. Ислом экстремизми вакиллари қуидаги гуруҳларга бўлинади: биринчидан, ислом экстремистлари (бузгунчилари, леса тўғрироқ бўлади) ҳозирги замон мусулмонлари яшайдиган давлатларнинг раҳбарларида мусулмончиликдан асар ҳам қолмаган, улар даҳрийлардир, леган даъво билан чиқадилар. Шунинг учун диний экстремистлар ислом ақидаларини ижтимоий ҳаётда қайта тиклаш учун қатъий ҳаракатга ундейдилар; иккинчидан, улар ислом, шариат қонунларини мамлакат миқёсида ўрнатишга, бинобарин, очиқдан-очиқ, ислом давлатини барпо этиш учун курашга чақирадилар.

Ислом экстремизми ва фундаментализмининг Ўзбекистонда 80-йилларнинг охирлари ва 90-йилларнинг бошларидан ёйилиши ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар тотувлигига жиддий хавф туғдирди. Мазкур хавфнинг қанчалик хатар-

ли эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида атрофлича баён қилинган. Президент И.А.Каримов диний экстремизм ва фундаментализм бириичи навбатда фуқароларнинг ишюҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқариша кўринаётганлигини қайл этган. Бу бежиз эмас, чунки ўтиш даври сиёсий тизи тида давлат бошқарув органлари янгидан шакллантирилган. Сиёсий ҳаётга раҳбарлик қилиш тажрибаси энди шаклланётган бир вақтда ҳокимият органлари давлат бошқаруви жиловини мустаҳкам кўлда тутиб туриш имкониятига эга эмас. Диний экстремистлар бундай қулай имкониятдан «унумли» фойдаланишига интиладилар<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда ўтиш даврида демократик жамият қуриш механизми аста-секин, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб борилмоқда. Фундаменталистлар бундай вазиятда ўзларини демократия учун курашувчи фидойилар сифатида кўрсатишга уриналилар. Уларниң адолат ҳақида оммабоғи – ғизбадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган айрим гуруҳлар, хусусан ёнларимизнинг кўркўона эргашишлари, фундаменталистларга қарам бўлиб қолишлари кузатилади. Бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида яратилган миллӣ ғоя асослари, буюк давлат қуриш кабилар мазкур аҳоли қатламлари кучини бунёдкорликка, вайронкор ғоялар таъсирига қарши иммунитет ҳосил қилишга йўналтирилган.

Ўзбекистон кўп конфессияли давлат. Ҳозир кунда Ўзбекистонда йигирмага яқин диний конфессиялар фаолият олиб бормоқда. Диний экстремистлар мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршиликлар келтириб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Диндорлик белгилари бўйича тафовутлар миллатлар ўртасидаги тотувлик, минтақадаги ҳалқлар дўстлигига рахна солиши мумкин.

Мамлакат ичкарисида диний конфессиялар ўртасида юзага келиши эҳтимоли бўлган адovat мусулмон ва иномусулмон давлатлар ёки уларниң жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбеки-

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б.51–62.

стон ҳақида нохуш тасаввурларни юзага келтирипни ёки мамлакатимизни можаролар гирлобига тортиши мумкин.

Диний экстремизмнинг яна бир хусусиятларидан бири шундаки, у ижтимоий онгда динни барча иқтисодий, сиёсий ва ҳалқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситасидир деган нотўғри тасаввурни қарор топтириши мумкин. Аслида, диний дунёқараш дунёвийлик ёки атеизм каби борлиқни акс эттирувчи ғоялар тизимишнинг таркибий қисмидир. Масалан, дунёвийлик динийлик ёки даҳрийликни инкор этмайди, яъни у динийлик ва даҳрийлик оралиғида жойлашган маънавий-маданий ҳолатдир. Дин ҳам ўз навбатида умуммиллий маданий юксалиш йўлида дунёвий давлат билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида Амир Темур даврида ислом динининг марказлашган давлат тузиш учун курашувчи кучларни жисплостирувчи восита вазифасини бажарганигини, сиёсий барқарорлик, ижтимоий тотувлик ва тараққиётга хизмат қилганлигини мисол келтиришимиз мумкин.

Диннинг ижтимоий тараққиёт йўлидаги фаолиятига анъанавийлик ва ақидапарастлик тарафдорлари тўқсинглик қиласди. Агар диндаги замонавийлик ва анъанавийлик тарафдорлари жамият ва давлат манфаатлари йўлида ўзаро муросага кела олмасалар мавжуд зиддиятлар конфессия доирасидан чиқади, ижтимоий тус олади. Шу вақтдан бошлаб мазкур зиддиятлар жамият ва давлат учун таҳдид солувчи кучга айланади.

Асрий мустамлакачилик чангали ва тутқунликдан қутулган ёки ўз мустақил йўлини тиклаш йўлида турган давлатлар учун диний экстремизм ўта хавфли кучга айланди. Диний экстремизмнинг мутаассибликни ўзига қурол қилиб олган фундаменталистик, террорчилик ташкилотлари томонидан бундай мамлакатларга экспорт қилиниши хавфи кучайди. 1998 йилда Наманган вилоятидаги Ота Валихон масжидида ин Қурган айрим «ислом раҳнамолари»нинг кирдикорлари ҳам фикримизнинг бир исботидир. Намангоний тахаллусини олган Жума Хўжаев покистонлик муҳожир Амжет Али таъсирида Фарғона зодийсида ислом экстремизмининг ашаддий оқими – ваҳҳобийликни кенг тарғиб қилди.

Маълумки, ваҳҳобийлик XVIII асрнинг охирларида Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Арабларнинг Туркия истиблодига қарши кураши, жамиятни модернизациялаштириш ва анъанавийликни сақлаб қолиш тарафдорлари ўртасидаги ракобат, диний таълимогда авлиёларга сифиниш ақидасининг кенг ёйилишига тўсқинлик мазкур диний-сиёсий оқимни юзага келишининг асосий сабаблари эди.

Ваҳҳобийлар исломни Мұҳаммад пайғамбар давридаги асл ҳолатига қайтарни, уни сохта авлиёлардан ҳалос қилиш мақсадида Оллоҳ ва инсон ўртасидаги воситачи-руҳонийларга қарши чиққанлар, муқаддас мозорлар ва авлийларга сифинишни инкор қилғанлар. Мусулмонларнинг бойликка ҳаддан ортиқ иҳлюс қўйишлари, спиртли ичимликларни истеъмол қилишлари, наша ва сипарета чекишлари, мусиқа, театр ва рассомчилик билан шуғулланишлари, бадиий завқшавқ олишлари кечирилмас гуноҳ деб эълон қилилар.

Ҳозирги даврда ваҳҳобийлик Саудия Арабистонида расмий тан олинган оқим бўлса-ла, илгариги муросасизлик хусусияти бир қадар мўътадиллашуви билан алмашган. Зоро, Арабистондаги муқаддас қаламжолар қайта тикланган ва давлат томонидан муҳофаза қилинмоқда. Лекин улар исломнин назоратида бўлган давлат тузиш, унинг ижтимоий ҳаётга таъсирини кучсизлантирувчи ҳар қандай янгиликларга қарши мамлакат ичкарисида ва ҳалқаро миқёсла кураш мақсадидан воз кечмаганилар.

Ўзбекистонда ўринашиб олган ваҳҳобийларнинг машъум режаси ҳалқни мавжуд тузумга қарши қўзғатиб, жиҳод, яъни даҳрийларга қарши урушга даъват этиш ва келажакда ислом давлатини ёки собиқ Кўқон хонлигини қайта тиклаш эди. Ваҳҳобийлик экстремистик оқимишагилар бу мақсадларини амалга ошириш учун «Ислом лашкарлари» ва «Адолат» уюшмаларини ташкил этгандар. 1991—1992 йилларда Наманганд вилоятида «Отавалихон» жоме масжидида Абдулла Ўтаев, Тоҳир Йўлдошев бошчилигига 100—200 кишидан иборат гуруҳ тузилган. «Адолат» ҳаракати фаоллари маҳаллаларда қўнгилли назоратчилар гуруҳларини ташкил этнлар. Гуруҳлар аъзолари кечки пайт маҳалласидан ташқарида юрган одамларни

тұхтатиб сүроқ қилиш, маст кишиларни масжид олдидаги устунларга боелаш усулларини құллаган. 1992 йил март-апрель ойларда уларнинг ноқонуний фаолияти туғатылған.

Ваҳҳобийтік экстремистик мазҳабининг айна Фарғона вилоятида фаоллашуви ҳарбий-сиессій ва ҳарбий-стратегик ақамиятта эта бўлиб, у муайян жуғрофий-сиессій мақсадларга бўйсундирилған эди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Фарғона ва Наманған вилоятлари эса Тожикистан ва Қыргизистон билан чегараадони. Тожикистанда бўлиб ўтган биродаркушлик уруши оқибатларига ҳозирги даврда ҳам тұлық барҳам берилгани йўқ. Бундай вазиятларнинг барчаси улар учун ўзларининг жирканч мақсадларини амалға оширишда қўл келган.

Ўзбекистонга ноқонуний суқилиб кириб, филиалини ташкил этган диний экстремистик ва фундаменталистик ташкилотлардан яна бири – «Ҳизбут-тахрир ал-исломий» (Ислом озодлик партияси). Партия 1953 йил Фаластинда пайдо бўлған. Унга шайх Тақиийиддин Набаҳоний (1909-1979) асос солған. Ташкилот филиалларининг асосий қисми Фарбий Европа давлатларидаги фаолият олиб боради. Шарқ мамлакатлари Миср, Иордания, Тунис, Қувайт ва Туркияда бундай ҳаракатлар айниқса көнг тарқалған. Ташкилот расмий давлат ҳукуматини тұнтарыш йўли билан ислом давлатини ўрнатышта ҳаракат қиласи. Мавжуд ислом давлатларини эса халифаликни қайта тикташ орқали бирлаштиришга даъват этади.

Ташкилот ваҳҳобийлардан фарқли ўлароқ, курашнинг экстремизм, терроризм усулларига нисбатан ғоявий, мағкуравий воситаларини афзал қўради. Лекин Ўзбекистонда унинг содир этган бомба террорчилиги амалиётлари, 2005 йил 12-13 май қунларидаги Андижондаги хунрезликлар кураш усуллари жиҳатидан ваҳҳобийларга жуда яқин туришини қўрсатди. Қайд этиш лозимки, ваҳҳобийлар ташкилотларига нисбатан ҳизбутчилар яширин иш олиб бориш усулларини жуда пухта эгаллаганлар ва улардан хавфлироқ. Ташкилот таркибий жиҳатдан пирамида шаклида тузилған бўлиб, унинг аъзолари 4-5 кишидан иборат «ҳалқа»ни ташкил этади ва «дорислар» деб аталадилар. Ҳалқанинг раҳбари «мушриф» ҳафтада ками-

да бир марта таълим машғулотини ўтказади. Дорислар бир-бирларини фақат исми ёки таҳаллуси орқали биладилар. Ташкилотга аъзо бўлаётган номзод унинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни сир сақчалиши тўғрисида қасам ичади. Минтақавий раҳбарлар — мутамад ташкилотининг умумий раҳнамоси, яъни амир томонидан белгиланади. Мутамад вилоят миқёсида ишлайдиган маствоул ва тумандада иш олиб борадиган мусоидга раҳбарлик қиласди. Ташкилот аъзоси ўз даромадининг 5—20% миқдорида солиқ тўлаб туриши лозим.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилоти ўзининг асл мақсадини ниқоблашга интилади. Шунинг учун Европа давлатларида фаолият кўрсатаётган унинг айрим ташкилотлари очиқ иш олиб борадилар. Лекин унинг мақсади қонун доирасида иш олиб борувчи жамоат ташкилотидан кескин фарқ қилишини кўрсатади. Ташкилотнинг мақсади қуидагилардан ибрат:

- тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлани;
- мамлакатнинг иқтисодий фаолиятини издан чиқариш;
- миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш;
- мамлакатга қурол-аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кириб, фуқароларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш;
- мустақил давлатни қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарам қилиш<sup>1</sup>.

Давлатимиз раҳбарининг зийраклиги ва ҳушёrlиги туфайли ва ҳадобийлар, ҳизбутчилар, акромийлар сингари диний экстремистик ва фундаменталистик ташкилотларнинг фаолияти узоқ давом этмади. 1992 йилда уларга зарба берилди. Бироқ бундай ташкилотларнинг айрим йўлбошчилари — Жума Хўжаев (Намангоний), Тоҳир Йўлдошев кабилар Тоҷикистон ва Покистонга қараб қочганилар, ва хорижлик жангари ислом экстремистлари томонидан қўллаб-куvvatланганлар. Жума Йўлдошевга «Намангон» ҳарбий бағальонини тузиш ва 400 га яқин жанггариларни тайёрланни учун шаронит яратиб берилган. Покистонга қочган жиноятчи Тоҳир Йўлдошевни эса «толибон» ҳаракатининг бошлиқлари ўз ҳимоя-

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳусниодинов З. М. Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – 2000. – Б.46–60.

ларига олганлар. Улар Тоҳирни Покистоннинг Пенновар турмасидан катта нул эвазига қутқариб, унга покистонлик ҳарбий йўриқчи Абдулла ва тожикистонлик алоқачи Абдулазизни бириттириб қўйишган. Абдулла Тоҳирга портловчи ва заҳарли кимёвий моддалардан, Бирлашган Араб Амирлигининг йўриқчилари пиёдаларга ва танкларга қарни миналар ва зенит қуролларидан, Абдулазиз эса шифрланган маълумотлардан қандай фойдаланишини ўргатганлар.

Бу фактлар шундан далолат берадики, ислом экстремистлари дин ниқоби остида тўғридан-тўғри мустақил Ўзбекистон давлатини йўқ қилиш ва унинг ўрнига Покистон ёки Эрон каби ислом давлатини барпо этиш режасини амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ислом экстремизми мамлакатимиз ҳудудида кўп марта зарбага учради. Халқ ундан нафратланди, чунки экстремистлар ўта қонхўрлик намуналарини кўрсатдилар. Улар айrim ҳокимият раҳбарларига қарши сунқасдлар уюштириб, халқни зўрлик билан орқаларидан эргаштироқчи бўлдилар. Экстремистлар халқ орасида «қайтганлар» ёки «ҳақиқий динга» эргашмаганлар ҳақида қандайдир «қора рўйхат» борлиги ва бу рўйхатдагиларнинг бирин-кетин шариат йўли билан жазоланишлари ҳақида турли миши-мишларни тарқатдилар. Ўртдошлиаримиз ўртасида қўрқув, саросима кайфиятларини юзага келтирмоқчи бўлдилар. Бироқ ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг қатъий ва муросасиз тадбирлари ёрдамида диний экстремизмнинг пайи қирқилди. Унинг ашаддий йўлбошчилари қўлга олиндилар ва ошкора суд қилиниб, ҳақиқий башаралари фош этилди.

Бироқ ислом экстремизми ушбу ҳудуддан супуриб ташланган, дейиш тўғри эмас. Экстремизм очиқ кураидан қочиб, ўзининг ҳуфиёна ҳаракатини давом эттиради. Айниқса, экстремистлар ёшларни ўз таъсирига олмоқчи бўладилар, ҳукуматимиз томонидан дин аҳлига қўрсатилаётган ҳурмат, турли имтиёзлар ва яратиб берилаётган шарт-ишаоролардан гарзли мақсалтарда фойдаланиб қолишга уринадилар.

Диний экстремизмнинг ашаддий кўриниши ҳисобланувчи ваҳҳобийлик каби азалий эътиқодимизга ёт диний мазҳабларнинг фаолиятига ҳушёрлик билан қарашиб нафақат ҳукуқни

муҳофаза қилувчи органлар ва маҳалла фаоллари, балки юртимизда дунёвий ва демократик давлат барло этиш иштиёғи билан яшаётган ҳар бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарзлир.

Диний экстремизм нима учун кучли ва таъсирчан, унга кимлар раҳнамолик қўлмоқда, деган саводлар тугилади. Буларга жавоб бериш учун диний экстремизм ва фундаментализм орқасида турувчи, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватловчи диний ташкилотлар хусусида маълумотга эга бўлиш мақсадлга мувофиқидир.

Мусулмон олами XX асрда сони ва кўлами бўйича дунёда етакчи мавқега эга бўлиш учун иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан фаоллашди. Халқаро Ислом конференцияси ташкилотига (1969 йилда асос солинган) янгидан-янги давлатлар аъзо бўлди. Натижада ислом давлатларига қизиқиш билан бирга, уларнинг тез ривожланиши ва бирлашишига хавф-хатар манбаи сифатида қарашлар ҳам юзага келди.

Таъкидлаш жоизки, ислом дини ўзидан илгари пайдо бўлган динлар: яхудийлик, буддавийлик ва христианликнинг ижобий томонларини ҳам ўзида мужассамлантирганлиги ва кишилар ўртасида ҳамжиҳатлик, тинчлик, саховатлилик, инсонпарварлик, ҳалоллик ва одиллик тамойилларининг тикланишини тарғиб этганлиги учун жаҳоннинг бошқа динларига нисбатан ўз тарафига ҳар йили миллионлаб кишиларни жалб этмоқда. Ислом динига кириш кўлами бошқа динларга кириш кўламига нисбатан жаҳон миқёсида салмоқлидир.

Исломни қабул қилмаган давлатлар унинг мавқенини тобора ошиб боришидан ташвишга тушмоқдалар. Атоқли Фарб сиёсатшунослари буни назарда тутиб, мусулмонларни бирлашуви бутун дунё учун оғатга айланишини ташвиш билан қайд этмоқдалар. Фарб мағкурачилари ислом дунёсини ичидан парчалаш учун узоқ муддатга мўлжалланган стратегияни ишлаб чиққанлар. Унга биноан, ислом дини ичida мавжуд бўлган турли мазҳаблар ва оқимлар ўртасида «асл ислом» учун бўладиган ўзаро даъво ва зиддиятлардан фойдаланиш, зиддиятларни рағбатлантириш, турли жангари ташкилотларни тузиш каби тактик режалар ишлаб чиқилган. Бундай ташкилотларга қўйидағилар киради: Ливандада «Ҳизбут-таҳрир» ва «Амаль», Фаластинда «Хамас», Мисрда «Ал-жиҳод-Ал ислом»

мия» ва «Ал-Жамаа Ал-Исломия» каби жанггари исломий ташкilotлар киради. Айрим ташкilotлар эса ўз фаолиятларини тўхтатган ёки бошқа тактик йўлларга ўтган. Булар жумласига 1967 йилда тузилган ва Миср президенти Жамол Абдул Но-сирга суиқасд уюштирган «Такфир вал хитра», «Мусулмон биродарлар» каби диний террорчилик ташкilotлари киради. «Ал жиҳод ал-Ислом» ташкilotи 1981 йил боктябрда Миср Президенти Анвар Саодатга суиқасд уюштирган.

Марказий Осиёда диний экстремистик руҳда бўлган ташкilotлар таянч нуқтасини топишга, гоявий жиҳатдан мустаҳкамланиб олишга ва бу ҳудудда ислом давлатини барпо этишга интиладилар. Бундай ҳаракатлар шўро тузуми даврида ҳам бўлган. Бироқ улар, айниқса, шўро тузуми парчалаганидан сўнг ёш мустақил давлатларнинг мағкуравий жиҳатдан заифлиги ва миллий мағкурасининг ҳали шаклланишга улгурмаганлигидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринадилар. Ўта жанггари ваҳҳобийлик оқимининг четдан экспорт қилиниши ҳам айнан шу зарарли мақсадларга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов диний экстремизм ва ислом фундаментализмининг барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувликка хавфи ҳақида қуидаги фикрни баён этган: «Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обўғизлантиришдан иборат»<sup>1</sup>.

Диний экстремизм ва фундаментализм даъватларига кўр-кўрона ишониш ва уларни рағбатлантириш эски замонни кўмсовчи, дунёвий қадриятлар устувор бўлган ҳаётни истамайдиган кимсалар дунёқарашидир.

Бу ҳақда, хусусан, мамлакатимиз халқларининг эҳтиёжи ва орзу-умидларига зид файриинсоний ақидаларга эргашишнинг оқибатлари хусусида Президент И.А.Каримов шундай дейди: «Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчilar ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим. Бу даъватлар охир-оқибатда бундай одам-

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б302.

ларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яқъол англашимиз, айниқса, ёшларимиз буни аниқ тасаввур қилиши лозим. Бундай нуфузли одамларга бўйсунмай қўйиш шахсий фожиага айланиб кетиши ҳам мумкин. Қулларча мутелик, шахснинг эрксизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, саъй-ҳаракат ва ташаббус кўрсатиш эркинлигининг мутлақо чекланиши бунинг энг оғир оқибатларидир»<sup>1</sup>.

Республикамизда диний экстремизм ва ислом фундаментализмининг қўли баланд келса, қўйидаги мудҳиш оқибатлар келиб чиқиши мумкин:

- фуқаролар урушининг бошланиши;
- иқтисодий ҳаёт ва ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши;
- қочоқлар оқимининг чайдо бўлиши;
- миллатчилик, тараф тарафчилликнинг кучайиши;
- жиноятчилик, ахлоқий бузуқтик, зўравонлик кабиларнинг оммавийлашуви;
- диний қарама-қаршиликлар натижасида қурбонларнинг кўпайиши, бегуноҳ қон тўклиси;
- мамлакатнинг қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи давлатларга қарам бўлиб қолиши.

Бу оқибатларни кўз олдига келтириш, ҳозирги тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва турли диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро ҳурматнинг қадрига этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган қоидаларни ҳурмат қилиш ва уларга оғишмай риоя этиш, ҳар бир гап ва хатти-ҳаракат учун чуқур масъулиятни ҳис этиш ҳар бир инсон учун муқаддас бурчdir.

Диний ва миллий низолар қандай оқибатларга олиб келишини қўшни мамлакатлар – Афғонистон ва Тожикистанда вужудга келган ҳолат яна бир карра исботлаб турибди. Ваҳдо-бийлик, акромийлик ва шу қаби бошқа диний ақидапарастликлар халққа фақат кулфат келтириши мумкин. Буни ваҳдо-бийларнинг Фарғона водийсидаги қилмишлари исботлади. Уларга эргашиш, ёвуз ниятлиларни қўллаб-кувватлаш мустақилликка нонкўрлик қилиш ва хоинлик билан баробардир.

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б.59–60.

## **Диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашнинг асосий йўналишлари**

Диний экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш онгли равищда олиб борилиши зарур. Бунинг учун, авваламбор, қуйидаги муҳим жиҳатларни англаш лозим:

—дин, уни сиёсийлаштириш ва фундаментализмнинг айнан бир нарса эмаслиги;

—фундаментализмнинг глобаллашув жараёнлар билан узвий боғлиқлиги;

—фундаментализм ва экстремизмнинг терроризм воситасида ижтимоий воқеликда қарор топиши;

—экстремизм ва фундаментализмнинг мақсад ва воситалари нуқтаи назаридан фарқланишини кабилар.

Диний экстремизм ва ислом фундаментализмiga қарши курашнинг асосий йўналишлари айнан шу жиҳатларни аниқлаш орқали белгиланади. Бунинг сабаби диний экстремизм ва фундаментализмнинг ўта жиҳдий ва қалтиқ мафкуравий ҳодиса эканлигидадир. Диний экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш кўр-кўронга ва бир ёқлама олиб бориласлиги лозим, чунки диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашнинг самараси тўғри илмий методологияни танлашга боғлиқдир.

Мазкур мuloҳазалардан келиб чиқиб ёндашилганда, ислом дини, сиёсий ислом ва фундаментализм айнан бир нарса эмас. Ислом экстремизми ва ислом фундаментализми ислом дини билан эмас, балки сиёсий ислом ва турли экстремистик сиёсий кучлар билан боғлиқдир.

Сиёсий ислом ва унинг ашаддий жантгари кўриниши бўлмиш ислом экстремизми терроризм ва фанатизм билан боғлиқдир. Ислом экстремизми ва фундаментализмiga қарши курашнинг асосий йўналиши ислом динига эмас, балки сиёсий исломнинг манфур кўринишларидан бири — ислом экстремизми ва терроризмга қарши қаратилиши лозим.

Мамлакатимиз ва айрим жаҳон матбуот воситалари ёрдамида тарқатилган бъязи манбаларда ислом дини, сиёсий ислом, терроризм ва диний экстремизм қориштириб юборилмоқда. Натижада ҳатто айрим давлат арбоблари (маса-

лан, АҚШ Президенти Ж.Буш) беихтиёр ислом динига сиёсий ислом билан бевосита боғлиқ бўлган терроризмни ҳам унинг таркибий элементи, деб киритмоқда. Ваҳоланки, терроризм ва ислом экстремизми ислом дини билан фақат конфессионал жиҳатдан боғлиқ.

Мамлакатимизнинг ички ишлар органлари ходимлари диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишини аниқлашда бу хатота йўл қўймасликлари, ҳақиқий ислом билан ислом динини ниқоб қилиб олган, аслида маълум сиёсий мақсадларни кўзловчи экстремистик кучларни фарқлай олишлари, образли қилиб айтганда, «бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмаслик»лари керак. Бу, айниқса, аждодлари ва тарихий ўтмиши ислом дини билан бевосита боғлиқ бўлган ватандошларимиз учун кечиравли эмасdir.

Экстремизмга қарши кураш давомида ҳалқимизнинг энг муқаддас қадриятларидан бири – ислом динига заар етказиш хунук оқибатларга олиб келади, ҳалқни давлатга қарши қўяди, давлатимиз томонидан ислом динини ривожлантириш, ислом тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни улуғлашга қаратилган доно сиёсатга шак келтиради, уни обрўсизлантиради. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Ички ишлар органлари ходимларининг сиёсий онги ва сиёсий маданияти мазкур масалада етарли билимларни эгаллашни тақозо этади. Бу эса ислом динини ноўрин айблаш, унга жангари, агресив диний таълимот, деган сиёсий тамфа босилишининг олдини олади. Ислом динини агресивликда, террорчиликда айблаш жаҳон миқёсида ислом дини нуфузи ва ислом мавқеининг ошиб боришидан талвасага тушиш, глобал иқтисодий, сиёсий, маланий ва демографик жараёнларда гегемонлигини тарихан йўқотаётган постиндустриал жамиятларнинг сиёсий кучлари учун хосдир.

✓ Ислом фундаментализми жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув ва интеграция жараёнларига нисбатан салбий таъсир шаклида майдонга чиқсан. Бу нарсани англамаслик ислом фундаментализмига қарши курашнинг асосий йўналишини аниқлашга имкон бермайди.

Айтиш жоизки, исломда ҳам, христианлик ва бошқа динларда бўлганидек, фундаментал тушунчалар кишилар-

нинг эзгулик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, адолат ва поклик каби тасаввурлари асосига қурилган. Шу бөнс том маънодаги диний фундаментализм экстремистик руҳдаги фундаментализмдан фарқ қиласи. Фундаментализмга қарши курашнинг йўналиши шу маънода дин асосларига эмас, балки унинг бегона, ёввойи тармоғи бўлган экстремистик руҳдаги фундаментализмга қаратилмоғи лозим.

Анъанавий ислом дини фундаментализм байроби остида ривожланмоқда. Сиёсий ислом эса ислом динини муайян сиёсий мақсадларга эришиш йўлида ўзига шиор ёки ниқоб қилиб олишта уринмоқда.

Фундаментализм жаҳонда кечётган глобаллашув (лотинчада *globus* – шар, бутун ер юзини қамраб олувчи воқеа ёки ҳодиса), стандартлашув (инглизчада *standart* – намуна, нусха, мөъёр, умум эътироф этилган ёки тавсия қилинадиган намуна, нусха, мөъёр), вестернизация (инглизчада *west* – фарб, фарб дунёсига хос турмуш тарзини ташвиқот қилиш, олиб киришга ҳаракат) ва консюмеризм (истеъмол эркинлигини тарбиб қилиш)га қарши реакция тарзida вужудга келди. Буни қуйидагича изоҳдаш мумкин. «Совуқ уруш» даври тугаганидан сўнг, жаҳонда умумий информация тармоғи (интернет), умумий бозор, умумий истеъмол, колектив ҳамкорлик, коллектив хавфсизлик каби ҳодисаларга умумий эҳтиёж сезила бошланди. Ислом дунёси мамлакатлари учун ислом анъаналарига асосланган турмуш тарзи ва удумларига Фарб стандартлари, нормалари ва қадриятларининг кириб келиши анъанавий тафаккурда қарши реакция ҳолатларини шакллантириди. Йўлдош орқали алоқалар, электрон почта ва шу кабилар Шарқ оламига Фарб қадриятларининг тобора чукурроқ сингиб боришини тезлаштириди.

Ислом мамлакатлари Фарб давлатларида шаклланган секуляризм (яъни, динни давлатдан ажратиш) сиёсатини қабул қилмасликка ҳаракат қиласи, ўз ҳукмини жаҳон ҳамжамиятига ўтказмоқчи бўлади. Бу нарса ислом фундаментализми-ни христианликнинг диний қонунларидан бири бўлган пра-вослав фундаментализмидан фарқ қилишга олиб келади. Фарб технологияси илми ва техникаси ютуқларидан тобора кўп

баҳраманд бўлаётган Шарқ христианликдан эмас, балки кўпроқ Фарб мафкурасидан чўчиди.

Бу кайфиятни Эрон Ислом Республикасининг собиқ раҳбари марҳум Оятулла Ҳумайний Италия газетаси «Коррьере делла Сера»нинг мухбири таникли журналист Ориана Фаллачига 1979 йилда Эронда содир бўлган ислом инқилобидан сўнг берган интервьюсида яққол ифодалайди. Жумладан, у: «Биз сизларнинг фанларингиздан ҳам, техникангиздан ҳам чўчимаймиз. Биз сизларнинг фояларингиздан ва одатларингиздан чўчимиз»<sup>1</sup>, – дейди. Дарҳақиқат, Шарқ ислом дунёсининг раҳбарлари Фарб техникаси билан бирга кириб келувчи Фарб маънавияти, мафкураси, одат ва удумларидан чўчишади ва Шарқ мусулмон аҳолисини ислом талабларига зид қадриятлар таъсирига тушиб қолади деб ўйладилар. Бунинг олдини олиш учун айрим сиёсий ислом намояндлари исломдан ўзга динни таш олмайдилар, ислом динида бўлмаган барча кишиларни ўзларига душман деб ҳисоблайдилар.

Бу кайфиятлар турли жантари сиёсий кучларга мадад беради, ислом динини ҳимоя қилиш ниқоби остида ислом дунёсини қолган бутун жаҳон ҳалқларига қарши қўяди. Айрим ислом мафкурачилари ислом дунёси мамлакатларини бирлаштирувчи ислом давлати – ислом халифалигини тикламоқчи бўладилар. Бу ишга ислом корчалонларидан Усома бин Лодин, Шомил Басаев, Ибн Хаттоб, Жума Наманғоний ва бошқалар қаттиқ бел боғлаганлар. Улар ислом ақидаларига бутунлай зид усуллар – терроризм, гаровга олиш ва кишиларни даҳшатга солувчи миш-мишлар воситасида ўзларининг қабиҳ ниятларига эришмоқчи бўладилар. Хулоса қилиб айтганда, жангари фундаментализм терроризм воситасида ижтимоий воқеликда қарор топмоқчи, бунинг учун айрим ёш мустақил давлатларнинг ички зиддиятлари ва иқтисодий қийинчиликларидан устомонлик билан фойдаланмоқчи, расмий ҳокимиятга қарши турувчи кучларни шакллантируммоқчи, ҳалқ бирлигини бузмоқчи бўладилар. Бу соҳада улар маблағ ва кучни аямайдилар,

<sup>1</sup> Қаранг: Центральная Азия и Кавказ. – Стокгольм, 2000. – С.16.

реал ҳокимиятга нисбатан ҳар қандай норозиликни қўллаб-куватлайдилар. Бундай шароитларда сиёсий ҳокимиятнинг муҳим тармоғи бўлган ижроия ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хусусан, ички ишлар органлари ходимларидан чуқур сиёсий билимдонлик, юксак малака ва ҳушёрлик талаб қилинади.

Фундаментализмга қарши кураш самарали олиб борилиши лозим. Бу ишдаги саводсизлик ҳалқимиз эъзозловчи буюк қадрият – ислом динига путур етказади, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамчиги олдида обрўйини тўқади, турли аксилин-қилобчи кўчларга эса бу нарса қўл келади. Улар мустақил Ўзбекистон ҳалқини танланган дунёвий демократик тараққиёт йўлидан чиқиб, ўрта аср диний давлатчилик йўлига киришига жон-жаҳди билан ҳаракат қиласидар. Буни ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими тўғри англашлари, ислом динига ёт унсурларга аниқ зарба бериш малакасига эга бўлишлари талаб этилади. Зоро, оқ-қорани фарқлаш ҳар бир вижданни ходимнинг касбий ва вижданний бурчидир.

### **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Диний экстремизм нима?
2. «Диний фундаментализм» тушунчаси дастлаб қайси динга нисбатан қўлланилган?
3. Диний мутаассиблик нима?
4. «Ислом фундаментализми» ибораси қачон пайдо бўлган?
5. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг мамлакатимизда юзага келиши сабаблари ва мақсадлари нималардан иборат?
6. Фундаментал қадриятларга эътиқод қилишнинг ижобий жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
7. Диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашнинг асосий йўллари ҳақида фикр юритинг?
8. Президентимиз И.А.Каримов диний экстремистик ва фундаменталистик руҳдаги секталар фаолиятининг миллий мустақиллигимизга таҳдидини нималардан иборат деб ҳисоблайди?

## **10-мавзу**

# **МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **Виждон эркинлигининг ҳуқуқий асослари**

Мустақиллик йилларида ҳалқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ўзлигимизни англадик, тарихимизга холисона қарааш, бебаҳо маънавий мулкимиз бўлган ислом динига эътибор кучайди. Ҳалқимизнинг гўзал анъаналаридан бири – Наврўз байрамининг тикланиши, Рўза ва Қурбон ҳайитларининг расман умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб белгиланиши маънавий покланиш йўлидаги жиддий ҳаракатларнинг амалий кўрининишидир.

Мустақилликка эришганимизга қадар юртимизда фақат 87 та масжид фаолият кўрсатган. Бугун Ўзбекистонда 2000дан зиёд масжид ишлаб турибди. Мустақиллик йилларида жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Масалан, 1980 йилда собиқ Иттифоқ бўйича фақат 17 киши муқаддас ҳаж зиёратига борган бўлса, 2001 йилнинг ўзидаёқ 4 мингдан зиёд юртдошларимиз бу саодатга мушарраф бўлганлар. Мустақилликка эришганимиздан бўён ўтган қисқа вақт ичida минглаб юртдошларимиз ҳаж ва умра зиёратини амалга ошириш баҳтига мусассар бўлдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг собиқ раиси муфтий Абдурашид қори Баҳромов бу ҳақда шундай дейдилар: «Илгарилари юртимизда истибодод мафкураси ҳукмронлик қилган даврлар, ҳаж сафарига бориш жуда қийин бўлиб, сафар ижозати ниҳоятда паст даражада чекланган эди. Таассуфки, узоқ йиллар давомида диёримиз мусулмонларининг бу борадаги орзу ниятларига етарли даражада эътибор берилмади. Натижада, кўплаб уламоларимиз ва бир қанча имон-эътиқодли ки-

шиларимиз етмеш йиллар мобайнида түлак ва орзулар қилиб, ҳажга бора олмасдан, армон билан дунёдан кетдилар. Эндиликла минг-минглаб мұммән-мусулмонлар муборак ҳаж сафарыға борицига мушарраф бұлмоқдалар ва бұладилар»<sup>1</sup>.

Лекин Совет Иттифоқи мағқураси барҳам топиб, конфессиялар тизими шаклланмаган даврда (хозир Ўзбекистонда 20га яқин диний конфессия фаолият құрсатмоқда) мамандықатимиз ҳудудига ҳар хил йұналишдаги дин тарғиботчилари ва мазҳаблар суқилицілік кира бошладилар. Ҳуқуқий мақоми ва фаолияти тушунилмас даражада аралашып кетган, рүйхатта олинмаган диний ташкилотлар, ҳар хил секталар сони ҳудудимизда билиб бұлмас даражада күпайған эди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилингандығы ва бу йұналишларнинг ҳуқуқий тартибға солиниши тарихий ақамиятта молик ҳодиса бўлди. Унинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатын назар, қонун олдилада тенгдирлар», – дейилган. Бироқ, динга эътиқод қилиш – ҳар бир фуқаронинг ўз ихтиёрига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига биноан ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Шунингдек, Конституциянинг 57-моддасида таъкидланишича, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Республиканинг сувениритети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоваратни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиғига ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жа-

<sup>1</sup> Абдурашид қори Баҳромов. Мустақиллик ва виждан эркинлиги // Демократия ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – №34. – Б.47.

моат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан янги таҳрирдаги «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун Ўзбекистонда диннинг мавқеи ва ўрнини жуда аниқ ва равшан белгилаб беради, секуляризм принципининг ҳар қандай дунёвий давлат учун муҳим эканлигини кўрсатади.

Қонуннинг 5-моддаси Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётининг деярли барча соҳаларида мамлакатнинг динга муносабатини ёритиб беради. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар-хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диндорларнинг мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва то тувликни кўллаб-қувватлади. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (розелизм), шунингдек ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоидани бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятларига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлатнинг вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятларини ва даҳрийлик тарбиботига оид ҳаракатларини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикалан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабаларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва конституциявий тузумга қарши таргигот олиб бориш, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват үйғотиш, ахлоқий негизлар ва фуқаровий тотувликни бузиш, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида низо чиқариш ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жинояччиликка кўмаклашадиган, шунингдек, фаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти қатъиян ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазиқ үтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

Ўзбекистонда диннинг таълим тизимига муносабати ҳам умумжаҳон тараққиёти тақозо этган, ўзини тарихан оқдаган тамойилларга асосланган. Ўзбекистон Республикасида секуляризм принципига риоя қилинади, яъни таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизими ўқув дастурларига диний фанларнинг киритилишига йўл қўйилмайди. Республика фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқлари динга муносабатларидан қатъи назар таъминланали.

«Вижлон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўгрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний ташкилотлар тузишининг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилишдан иборат расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар ва ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқароларнинг ташаббуслари билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун

уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари тузилиши мумкин.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўладилар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширишлари мумкин.

Тегишли линий маълумотга эга Ўзбекистон фуқароси диний ташкилот раҳбари бўлиши мумкин. Диний ташкилот раҳбарлигига Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми 1991 йил 14 июнла (мустақилликкача) қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги дастлабки қонунда жуда заиф белгиланган бўлиб, диний ташкилотлар тузиши осонлаштирилган эди. Натижада айрим вилоятларда диний ташкилотларнинг сони бениҳоят ортди, диний ташкилотларга баразли мақсадли шахслар ҳам суқилиб кира бошладилар ва турли сиёсий даволар билан ҳақиқий дин аҳлини экстремистик йўлларга торта бошладилар. Жамиятнинг маънавий соҳасида содир бўлаётган ислоҳотлардан устомонлик билан фойдаланмоқчи бўлган турли диний экстремистик кучлар янги таҳрирдаги «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган ҳуқуқий асослар билан чекландилар ва бизнинг ҳудудимизда диний давлат қуриш ҳақидаги хом хаёлларидан маҳрум бўлдилар ва ҳалқимизнинг нафратига дучор бўлдилар, айрим жанггарилар эса ўз қилмишларига яраша жазо ҳам олдилар.

Ўзбекистонда диний эътиқод эркинлиги деярли йигирмага яқин диний конфессиялар фаолияти учун шароит яратди. Ҳозир Ўзбекистонда турли мазҳаблар, секталар ҳам ўз маслақдошларига эга. Булар адвентистлар, кришначилар, баптистлар, евангелистлар, иеговачилар, шиалар, буддавийлар, католиклар, яхудийлар, лютеранлар ва ҳатто баҳаилар бўлиб, ўз диний урф-одатларини эркин амалга оширадилар. Ўзбекистонда диний мазҳаблар ва оқимлар кўп бўлишига

қарамай, ўз нуфузи ва мавқеига кўра икки асосий конфесия мамлакат ижтимоий ҳаётида салмоқли ўрин тутади. Булар ислом диний бошқармаси ва рус православ черковидир.

1995 йил Тошкентда «Ягона осмон остида биргаликда яшайман» деб номланган ҳалқаро христиан-мусулмон конференцияси бўлиб ўтди. Унга Марказий Осиёнинг мусулмон ва православ руҳонийлари, БМТ вакиллари ва умумжаҳон черковлар кенгаши делегатлари қатниашдилар. Хориждан келган меҳмонлар Ўзбекистонда ҳукм сураётган динлар ва конфессиялараро ўзаро ҳурмат ва тотувликни кўриб мамлакатда демократик давлат шаклланаётганига амин бўлишиди. Дарҳақиқат, динлараро ҳамжиҳатлик юксак маърифат ва ахлоқни тақозо этади. Барча динларга хос бўлган эзгулик, меҳршафқат ва тинчликеварлик ғоялари айрим дин ниқобида юрган экстремист унсурлар даъватларига тамомила зил эканлигини ҳаётнинг ўзи исбот этмоқда. Айрим дин арబлари ҳам Ўзбекистондаги истиқомат қилувчи фараз мақсадли шахсларни танқид қилишмоқда. Масалан, Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир (Иким): «Дин – самовий ишдир, сиёsat – дунёвий ишдир, дин пешволарининг сиёsatга аралашишлари керак эмас, улар таълим-тарбия беришлари лозим»<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистонда диннинг мавқеи собиқ шўро давридаги ҳолатдан бутунлай фарқ қиласди. Дин тараққиёти учун давлат барча шароитларни яратмоқда ва диний эътиқод қонун йўли билан кафолатланған. Дин мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. У ҳалқимизнинг маънавий покланиши, аждодларимиз меросининг вориси бўлишлиги, асрлар давомида орзу қилган мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва фаровон ҳаёт қуришимиз учун хизмат қиласди.

Ўзбекистонда диннинг мавқеи ва ўрни бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боради. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий-маданий ва маърифий сиёsat бу борада муҳим қадам бўлмоқда.

<sup>1</sup> Владимир (Иким). Маънавиятнинг гуллаши. Мустақиллик ва динлараро тутувлик // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 1999. – №41. – Б.45.

## Жамият маънавий ҳаётига диннинг ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, собиқ шўро тузумида ҳукмрон бўлган атсизм (даҳрийлик) мағкураси ҳам барҳам топди. Ислом дини асрий тутқунликдан сўнг яна ўзининг мавқеини тиклаб, жамиятнинг маънавий ҳаётида аҳамиятга эга бўла бошлади.

Ўз навбатида ислом динига эркинлик бериш қатор ижтимоий ва маънавий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Гарчи «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги қонун асосида дин давлатдан ажратилган бўлса-да, ижтимоий ҳаётда, айниқса жамиятнинг айрим табақалари орасида диний мағкуранинг салмоғи ортиб борди.

Ислом динининг жамият ҳаётидаги ўрни ва салмоғи хусусида ва диний эътиқоднинг қайта тикланиши билан боғлиқ тадбирлар илмий изланувчилар томонидан кенг ёритилган. Диннинг бугунги ва эртанди мавқеининг тақдири гўғрисида мулоҳазаларни баён этиш ичкни ишлар идоралари ходимлери учун муайян методологик ишланма ёки концепция вазифасини ҳам ўташи мумкин.

Умуман, дин ҳозирги шароитда муҳим ижтимоий-маданий ҳодисадир. Диннинг жамият маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрнини билиш учун унинг жамият ва шахс ҳаётида қандай ўрин эгаллашини, диннинг давлатга ва шахснинг динга муносабатини тарихан қандай ўзгариб борганлигини илмий таҳдил қилиш лозим бўлади.

Илмий жиҳатдан Караганда, диннинг жамият ҳаётига таъсир этиш жараёнини тарихан икки тенденция асосида таҳдил этиш мумкин. Булар – сакрализация ва секуляризация тенденциялари.

Сакрализация (лотинчада *sacer* – муқаддас деган маънони англатади) деганда ижтимоий ҳаётни, ижтимоий институтларни, кишилар ҳаёти ва онгини муайян диний эътиқод доирасида талқин қилиш ва изоҳлаш тушунилади.

Сакрализация Шарқ ва Фарб маданиятида турлича қиёфада ва мазмунда ривожланган. Ўзбекистонда сакрализация ислом дини анъаналарини жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларини мутлақ забт этиши, ҳар қандай урф-одат, анъана, удум ва

едатларга диний қиёға берип ва жамиятни бошқариш ишларында ҳам илохийлаштиришда кузатиш мүмкін. Масалан, ўзбек маданий меросини диний ва дунёвий томонларга бўлиш қийин. Ҳатто илмиёт тараққиёт ҳам диний қобиқла ривожланшиб келган. Диний элемент жамият ва киши ҳайтига цунчалик чукур ўринаша олганки, ундан ҳар бир ҳатти-ҳаракат удум ва маросимда дунёвий элемент билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳозирги ўзбек книисининг менталигети диний элементни ядро сифагида уз ҳаёти доирасида ушлайди.

Дин тараққиётини тарихан дунёвий тараққиёт билан тенг кечган, унга доимо мослашиб келган. Ҳозирги кезларда дин ҳатто дунёвий тараққиётта таъсир этиш ёки етакчи бўлишга ҳам давъо қилмоқда.

Фарб маданий анъаналаридан сакратизация ҳодисаси Шарқ маданий тараққиётидан тубдан фарқ қиласи. Фарбла сакратизация жараённи тарихан клерикализация (лотинчада *clericalis* – черковда оид ҳизни мазнени антикаги) ҳодисасини юзатга келтирган. Клерикализация нафакат шахсий ва ижтимоий ҳаётни ташкиллаштиришни бошқарган, балки бу ҳолатни тояйни асосларини ҳам яратган. Ўрта асрларда бу жараён ўзининг юкори нуқасига етган. Фарб ижтимоий ҳаётида черков хукуқий ва сибсий институт мавқеини эгаллаган. Диний қоидлардан четлашиб ёки чекиниш черков томонидан салбий баҳоланган. Бу ҳодисани яхшироқ тасаввур қилиши учун ҳур-фирклилик ва дунёвий тафаккур тарафдорларини жисмонан йўқ қилишга қаратилган машъум инквизиция ҳукмларини эслаш кифоя. Клерикализация ўрта асрларда Марказий Осиёда ҳам кузатилган. Инсоният меросига бекиёс ҳисса қўшган, табиатшунослик илмини антик даврдан сўнг сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишига уринган. Фарб табиатшунос олимларидан Жордано Бруно, Николай Коперник, Галилео Галилей ва бошқалар сингари Шарқда илмий тафаккур заҳматкашлари Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ва айниқса Мирзо Улугбек дунёвий илмларни ривожлантиришга уринганларни учун дин пешволари томонидан таъқиб қилинганлар, кўплаб Фарб олимлари эса ўрта асрларда қатл этилганлар, Жордано Бруно, Ариэл Акосто каби сиймолар

эса диний эътиқодга шак келтирғанлардың учун Рим католик черковининг ҳукми билан тириклийн ўтда күйдиргандар. Бу даврларда фан динга бўйсундирилган, фалсафа ва этика фанлари эса диний эътиқод нормаларини ижтимоий воқеликда мустаҳкамланишига хизмат қилиар эди. Инсоннинг оилавий ҳаёти, болалар тарбияси, оила-никоҳ муносабатлари Farbda черков томонидан назорат этилса, Шарқда эса ислом дини мисолида шариат қонунлари (мусулмон ҳуқуқи) асосида тартибга солиб турилар, жамият ва инсоннинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатига илоҳий тус берилар ва ягона Оллоҳ амрига боғланар эди.

Сакрализация Шарқ мамлакатлари (мусулмончилик тарқалган давлатлар)да харизматик ҳокимият мавқеига эга эди. Подшоҳ, султон, амир ёки хон бир вақтнинг ўзида ҳам дунёвий ишлар, ҳам диний ишлар бўйича масъул эди. Қози, ҳоким каби бошқа амалдорлар одатда дин номидан иш кўрар эдилар. Подшоҳ Оллоҳнинг ердаги ноиби, яъни вакили деган ақида ҳалқ орасида кенг тарқалган эди. Подшоҳнинг амри вожиб, яъни Оллоҳнинг амри каби сўзсиз бажарилиши лозим, деган фикр омма онгига сингдирилар ва дин пешволари томонидан ташвиқ қилинар эди.

Сакрализация Шарқ тасаввур фалсафасида, айниқса сўфизмда яққол кўзга ташланади. Ҳусусан, сўфизм фалсафасининг йирик намояндадаридан бири Аҳмад Яссавий таълимоти тўла-тўқис дунёвий ҳаётни илоҳий ҳаётга бўйсундиришга қаратилган бўлиб, инсон ҳаётининг мазмунини Оллоҳ муҳаббатига эришиш, у билан уйгунлашиш деб билади. Сакрализация диний фанатизм ва доктриналарни ўзгаришади. Сакрализация диний фанатизм ва доктриналарни ўзгаришади.

Сакрализацияга қарама-қарши тамойил (тенденция) секуляризациядир. Секуляризация (лотинчада – дунёвий деган маъниони англатади) диний эътиқоднинг жамият ва киши ҳаётининг барча соҳаларидаги мутлақ ҳукмронлигига барҳам бериш, ҳокимиятни дин таъсиридан ҳолос қилиш, дунёвий тараққиёт йўлига ўтиши кабиларни англатади.

Секуляризация жараёни дин ва диний ташкилотларнинг жамият ҳаётидаги ўринининг ўзгариши, диннинг давлатдан ажralишига олиб келади.

«Секуляризация» атамаси илк бор 1646 йилда Весфаль сулхини тузни учун юборилган француз вакиали Лонгвил томонидан ўзаро музокараларда ҳамда черков мулкини давлат ва шахс ҳисобига мусодара қилинш, миллийлаштирип жараёнини ифода этиши учун ишлатилган.

Маълумки, ўрта асрларда черков ва руҳонийлар йирик ер эгаси эдилар. Уларга жамият мулкининг жуда катта қисми тегишли бўлган. Ижтимоий тараққиёт секуляризация жараёнини тезлаштирган. Farbda Реформация даврида (тажминан XIV аср ўрталари ва XVII асрнинг бошларини ўз ичига олади) давлатнинг черковдан қарамлиги заифлашган. Секуляризация бу даврда кўпроқ юридик атама сифатида ижтимоий мулкни черков тасарруфидан давлат ва хусусий шахслар тасарруфига ўтиш жараёнини ифодалаши учун ишлатилган.

Секуляризация жамиятнинг сиёсий соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. XVIII асрлардан бошлаб давлат черковга қарам бўлмай, ўзининг ички ва ташки сиёсатини мустақил юргизиш имкониятига эга бўлган. Бу айниқса таълим-тарбия соҳасига ижобий таъсир кўрсатиан. Диний ўқув ларгоҳлари билан бирга дунёвий мактаблар, гимназия ва университетлар пайдо бўлган. Дунёвий билимлар ва табиатшунослик илми гуркираб ривожланган, фан-техника тараққиётига кенг йўл очилган.

Айниқса Farb мамлакатлари томонидан янги ерларнинг очилиши, бир неча географик кашифиётлар жамиятда секуляризация жараёнини янада мустаҳкамлаган ва XVIII асрнинг охиirlariga келиб қатор Европа мамлакатларида капиталистик муносабатларнинг ривожланишига олиб келган.

Гарчи қатор табиий фанларга ўрта аср Шарқ мутафаккирлари асос соглан ва ривожлантиришга ҳисса қўшган бўлсаларда, жамиятнинг секуляризация қилиниши, диннинг дунёвий ишларидан четлаштирилиши Farb мамлакатларида ижобий натижа берган. Р.Декарт, И.Ньютон, Э.Майер, Ч.Дарвин, Гумбольд каби Farb олимлари табиатшунослик соҳасида салмоқли натижаларга эришганлар. Бу эса Farbda фан ва техниканинг мислесиз тез ривожланиши учун асос бўлган.

Секуляризация давлатни диндан, мактабни эса черковдан ажратган, уларнинг бир-биридан мустақил тарзда ривожланишига олиб келган.

Фарбдан фарқли үлароқ, Шарқда жамият ҳаётида ислом динининг чексиз ҳукмронлиги ва давлат ишларига аралашуви ўрта асрдаги илмий тараққиётни янги тарихий даврларда давом этишига тўсқинлик қилган.

Фожиа шундаки, дунёвий илм Шарқда турғун ҳолатда қолди. Бу эса ижтимоий тузумни ҳам ўрта асрларга хос монархистик бўлишлигига, авторитаризм билан боғлиқ харизматик ҳокимият бошқарувига кенг йўл очди. Ҳозирги Фарб билан айрим Шарқ мамлакатлари, аниқроғи, христиан ва ислом субмаданиятлари ўртасидаги нотекис ижтимоий ва илмий-техникавий тараққиёт секуляризация жараёнини Шарқда ке-чикканлиги натижасида содир бўлган деб изоҳлаш мумкин.

Секуляризация принципи мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни билан ҳуқуқий кафолатланган.

Таъкидлаш жоизки, айрим Фарб олимлари секуляризацияни атеизм, яъни даҳрийлик билан аралаштириб юборишади. Аслида эса секуляризация ва атеизм бошқа-бошқа тушиунчалардир.

Атеизм тўғридан-тўғри, яъни қатъий равишда диний эътиқолни инкор этади, илмий материалистик дунёқарашни ёқлаб чиқади. Атеизм тарафдорларига Фарбда Л.Фейербах, К.Маркс, Ф.Энгельс, Э.Фромм, Ф.Ницше, Жан Пол Сартр, А.Камю сингари олимлар киради.

Секуляризм эса динга нисбатан бирмунча юмшоқ муносабатда бўлади, фан ва диннинг ҳур ривожланиши, ўзаро толерант (ҳамжиҳат)лик мавжудлигининг тарафдори бўлиб чиқади. Секуляризация, бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётида ижобий аҳамиятга эга саналади.

Узил-кесил айтиш мумкинки, ҳозир Ўзбекистонда секуляризация принципига риоя қилинмоқда. Бу расмий, давлат сиёсати даражасида намоён бўлмоқда. Давлат сиёсати секуляризация принципини мафкуравий воситалар ёрдамида шахс ва жамият онгига сингдирмоқчи бўлади ҳамда турли тал-бирларни амалга оширади.

Лекин аҳолининг аксарият қисми секуляризм принципини қабул қилмайди. Бунинг сабаби секуляризмни атеизм

били алмасытириб юборини, секуляризмнинг ҳаётбахи шалохияги, дунёвий демократик жамият қуриш ҳамда инсон ҳукуқ ва эркинликлари қафолати учун қанчалик мұхим эканлигини барча ҳам бирдей айтты олмасыттырады.

Ўзбекистон таңлаган тараққиёт йўли – дунёвий демократик йўл. Секуляризм бу тараққиёт учун муайян даражада методологияк аҳамиятга эга. Лекин секуляризм оммавий онга бирданига ўрнаша олмайди. Бунинг сабаблари турлича. Масалан, ислом дини тарихан дунёвий ҳаётга нафақат мослаша олади, балки диний ва дунёвий тафаккур бирлигига устувор мавқега ҳам эга бўлди. Шўро тузуми атеистик мағкура билан гўёки секуляризмни ижтимоий воқеъларда қарор тоғтирмоқчи бўлган ва динни кувгин қилган. Бироқ атеизм мағкураси ислом динини инсонларнинг турмуши тарзи ва тафаккур воситасига тарихан айланниб қолгандигини ҳисобга олмаган. Шунинг учун ҳам даҳрийлик мағкураси расман тан олинган бўлса-да, ҳаётла қарор топа олмаган. Хўни, кейинги ижтимоий тараққиётда, жамият ҳаётида дин қандай ўрин тутади ва қандай аҳамиятга эга ҳамда секуляризмнинг тарихий тақдиди нималарга боғлиқ, леган саводлар туғилади.

Диннинг ҳозирги замон ижтимоий ҳаётда, ҳалқаро муносабатларда, маданий ҳаётдаги мавқеидан келиб чиққан ҳолда гаъкилдан жонзки, дин бундан кейин ҳам кинниларни ўзаро ҳамжиҳатликка, тинчликка, эгулилкка ундовчи омил бўлиб қолаверади.

XX аср ва XXI аср бошларининг кўзга кўринган руҳонийларидан бири, ҳалқлар учун курашга катта ҳисса қўшган арбоб, ҳалқаро Нобель мукофоти совриндори, ламаизм динининг етакчиси Далай-лама XIV диннинг зарурлиги ҳақила қўйидаги фикрларни баён этган: «техника ҳеч қачон инсонларга олий баҳт келтирмайди. Техникавий воситалар фақат жисмоний қониқиш беради, агар у туфайли баъзи ҳолларда маънавий қониқишга эришиш имкони пайдо бўлса-да, у давомийлик каеб этмайди. Бошқа томондан қаралса, агар инсон фақат маънавий соҳадан баҳт изласа, у жисмоний йўқотишиларда унчалик кучли изтироб чекмайди. Жаҳоннинг барча динлари ақл бебонлигини тизгинлашга бирдек даъват

этади, чунки барча баҳтсизликтарнинг илдизи шундадир. Ҳар бир дин мўминлик, итоаткорлик ва донишмандлик хос бўлган шундай руҳий ҳолатга даъват этади ва унга эришиш йўлини кўрсатади»<sup>1</sup>.

Дин ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга вазифани бажаради. Бироқ динни сиёсий мақсадлар учун ниқоб қилиб олиш, диний давлат барпо этиш воситасида яна ўрта аср сакрализация тенденциясини ижтимоий ҳаётда тиклашга уриниш дунёвий қадриятларга асосланган конституциямиз ва амалдаги қонунларимизга зиддир. Энг асосийси, дунёвий тараққиёт йўлини танлаган ҳалқимиз диний эътиқодни чукур хурмат қилган ҳолда дунёвий яратувчанглик фаолиятини афзал кўрди. Чунки жаҳон ҳамжамиятининг энг илғор мамлакатлари фақат дунёвий тафаккур орқали фан-техника ва ижтимоий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришмоқдалар. Ёш мустақил Ўзбекистон давлати ҳам шу йўлни маъқул кўрди ва дунёвий тараққиёт йўлидан бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш вазифасининг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан динга ва диндорларга нисбатан олиб борилаётган сиёсатга ҳам бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждан эркинлигининг мустаҳкамланиши, ижтимоий муносабатлар секуляризм принципи асосида ривожланишининг қайд этилиши, фуқароларнинг диний ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши фикримизнинг яққол исботидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йилда қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тӯғрисидаги» қонун Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги умумий вазифаларни аниқлаштириди, диний ташкилотлар ва диндорлар фаолияти билан боғлиқ масалаларнинг ижодий ҳал этилиши намунаси вазифасини ўгади. Аммо бу соҳада муаммолар тўлиқ ҳал қилинди, деган фикр масалага юзаки муносабатда бўлишни ва оқибати жамият учун хавфли бўлган ҳодисаларни вужулага келтириши мумкин.

<sup>1</sup> Далай-Лама XIV. Ҳақиқий душманимиз – ўз ичимизда // Демократизация ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – №3–4. – Б.42.

Республикамизда диний ташкилотлар вт фуқароларнинг диний эътиқоди билан боғлиқ муаммолар фақаттина дин соҳасидаги мавжуд муаммолар билан чекланмайди, балки масалага комплекс ёндашувни талаб қиласди. Бу муаммоларни бир неча қисимларга ажратиб ўрганиши мумкин:

1) демократияни ривожлантириш. Жамиятни демократлаштириш фуқароларни давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Уларни мавжуд сиёсий тузумни сақлаб қолиш, сиёсий барқарорлик учун курашга сафарбар этади;

2) бозор иқтисодини ривожлантириш асосида аҳолининг моддий турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, диний экстремизм ва терроризм иқтисодий қолоқ давлатларда айниқса кескин тус олмоқда. Иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши динни ниқоб қилиб олган сиёсий унсурларни таг-томири билан қўпориб ташлашнинг муҳим шартларидан биридир;

3) аҳолининг маданий савиёсини ошириши. Диний ақидана-растликтининг муҳим манбаларидан бири жаҳолатdir.

### **Назорат учун саволлар ва топшириқлар**

1. Виждон эркинлиги деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний муаммоларнинг акс эттирилиши ҳақида фикр юритинг.
3. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг дунёвий давлат қуришдаги аҳамияти тўғрисида мулоҳаза билдириш.
4. Диний ташкилотларни тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари нималардан иборат?
5. Ўзбекистонда фуқароларнинг диний кийимларни кишилари қонун билан қандай тартибга солинади?
6. Секуляризм нима?
7. Жамият тараққиётига секуляризм ва клерикализм жараёнлари қандай таъсир этади?
8. Ўзбекистонда секуляризм принципларининг жорий қилинишида юзага келган муаммолар нималардан иборат? Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар тузишнинг ҳуқуқий мақомини тушунтириш.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТ АСОСИЙ АДАБИЁТ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуни – Т., 1997.

Кадрлар тайёрлаш миллий ластури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 1991 йил 14 июнь қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – №5–6.

*Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. – Т., 1996.

*Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин Т.2. – Т., 1996.

*Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Т.3. – Т., 1996.

*Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996.

*Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш замон талаби. Т.5. – Т., 1997.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998.

*Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т.7. – Т., 1999.

*Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000.

*Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. – Т.10. – Т., 2002.

*Каримов И. А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003.

*Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004.

*Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005.

*Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т.14. – Т., 2006.

*Каримов И. А.* Илму маърифат знёси ҳеч қачон сўнмайди (Президент Ислом Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига багишиланган тантанали маросимдаги нутқи) // Халқ сўзи. – 2006. – 3 нояб.

*Каримов И. А.* Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш устувор вазифамиздир (Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига багишиланган тантанали маросимдаги маърузаси) // Халқ сўзи. – 2006. – 7 дек.

*Каримов И. А.* Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини куриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т., 2007.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. – 2006. – 26 авг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 19 июнь фармони.

*Абдулсамедов А. Э.* Динлар тарихи. – Т., 2004.

Диншунослик асослари: Ўқув қўлланма // Масъул муҳаррир А.Э.Абдулсамедов. – Т., 1995.

*Жўраев У., Саиджонов Й.* Дунё динлари тарихи. – Т., 1998.

*Мунаавваров З. ва бошқ.* Дунёвий давлат ва дин. Кўнгилдаги бузилиш. – Т., 1998.

*Мўминов А. ва бошқ.* Диншунослик: Маъruzalар матни. – Т.. 2000.

Основы религоведения: Учебное пособие / Под общ ред. М. Н. Яблокова. – М., 1995.

Религиоведение / Под ред. М.М.Шахнович. – СПб., 2006.

*Қодиров А. Қ., Нарбеков А. В.* Диншунослик: Маъruzalар матни. – Т., 2003.

## КЎШИМЧА АДАБИЁТ

Куръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Аловуддин Мансур). – Т., 1992.

*Абдулазиз М., Бахманёр Ш.* Мусулмончиликдан илк сабоқлар. – Т., 1992.

Авесто: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т., 2001.

- Альмеев Р. В.* В плена иллюзий: религиозный экстремизм – угроза миру и стабильности. – Т., 2005.
- Андронова Л. П.* Католицизм: Словарь. – М., 1991.
- Ахмедова Э., Габидуллин Р.* Культурология. Мировая культура. – Т., 2001.
- Аҳмад Яссавий.* Девони ҳикмат. – Т., 1992.
- Бойс М.* Зороастрийцы. Верования и обычай. – М., 1998.
- Васильев Л. С.* История религий Востока. – М., 1997.
- Василюк Ф.* Переживание и молитва. – М., 2005.
- Попов Е. В.* Введение в культурологию: Учебное пособие. – М., 1996.
- Гузары Айдын.* Хизбут-тахрир аль-ислами: мифы и реальность. – Т., 2005.
- Жүзжоний А. Ш.* Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фикълари. – Т., 2002.
- Закруллаев А. К.* Ўзбекистонда ғайриқонуний фаолият кўрсатадиган диний экстремистик ташкилотлар ва улар ҳақида қисқача тушунча. – Т., 2004.
- Инжил.* – Алмати, 1993.
- Имом ал-Бухорий.* Илму маърифат нури: Сайланма ҳадислар. Илм; Ватан; инсон; маърифат; матонат. – Т., 1998.
- Исханов С. А.* «Ҳидоя»нинг мусулмон ҳуқуқи манбай тизимида тутган ўрни // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2003. – № 2. – Б.56–61.
- Кошифий В.* Футувватномаи Султоний. – Т., 1994.
- Комилов Н.* Тасаввuf. I-китоб. – Т., 1995.
- Кривелев И.* Библия: историко-критический анализ. Т.1 – М., 1999.
- Кунрапа З.* Пайгамбаримиз ва ашараи мубашшара. I-китоб. – Т., 1995.
- Кунрапа З.* Ҳазрати пайгамбаримиз ва ислом дини. 2-китоб. – Т., 1996.
- Леви Стросс К.* Структурная антропология. – М., 1983.
- Махмудов Т.* «Авесто» ҳақида. – Т., 2000.
- Мень А.* История религии. Кн.1. – М., 1994.
- Мизун Ю. В., Мизун Ю. Г.* Тайны богов и религий. – М., 1999.
- Мунавваров З.* Просветительская деятельность – основа государственной политики в области религии // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – №4. – С.62–66.

Мұхтасар. – Т., 1994.

Назаров Т. «Ислом ходири» концепцияси. – Т., 2005.

Нарбеков А. В. Зардунитийлік ақын нормаларининг мәдениеті ва хусусиятлары: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2005.

Панова В. Ф., Вахтин Ю. Б. Жизнь Мухаммеда. – М., 1991.

Померанц Г., Миркина З. Великие религии мира. – М., 2006.

Радугин А. А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии: Курс лекций. – М., 2000.

Рак И. Миры Древнего Ирана. – Екатеринбург, 2006.

Сайдкасимов С. Ислам не приемлет насилие // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – №4. – С.68–78.

Сайдкасимов С. Ислам отвергает террор // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2005. – №2. – С.8–22.

Солижонова Г. Имом Исмоил ал-Бухорий ҳадислариды оила ҳуқуқи // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – №1. – Б.91–94.

Тейлор Э. Первобытная культура. – М., 1992.

Тимоти Уинтер. ХХI асрда ислом (Постмодерн дүнёда қиблани топиш). – Т., 2005.

Усмон Тұрар. Тасаввүф тарихи. – Т., 1999.

Хожи Исматулақ Абдулақ. Марказий Осиёда ислом маданияти: Қисқача маълумотнома. – Т., 2005.

Хұдобайбердинев О. Шариат ва фикх // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – №4. – Б.67.

Шарипов Б. Х. Экстремистские и террористические организации Ближнего Востока и опыт борьбы с ними // Экстремизм, терроризм, гурухий ва уюшған жиноятчиликка қарши кураш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 1999. – С.176–177.

Юнусова А. Т. Религия и общество // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – №1. – Б.10–14.

Қодиров А., Исмоилов М. «Курбанлик» ёки «шахидлик» күрнишидаги терроризм // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – №2. – Б.16–19.

Хасанов А. А. Макка ва Мадина тарихи. – Т., 1992.

Хусниддинов З. М. Ислом – йұналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.. 2000.

## М<sup>+</sup> НДАРИ ЖА

<b>СҮЗ БОШИ</b>	5
<b>1-мавзу. ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИГ ПРЕДМЕТИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	4
Диншунослик фанининг моҳияти, предмети ва вазифалари .....	1
Динининг тузилиши ва функциялари .....	15
<b>2-мавзу. ДИНИНИГ ИЛК ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АСОСИ ДУНЁҚАРАШГА ТАБСИРИ</b>	26
Динининг вужудга келиш сабабларини урганинг асосий ёнданувватар .....	26
Динининг илк шакллари ва уларнинг хусусиятлари .....	35
<b>3-мавзу. МИЛЛӢ ДИНЛAR</b>	
Месопотамия диний тизимининг вужудга келиши ва ривожленини .....	44
Қадимги Миср диний тизими .....	51
Қадимги Греция диний тизими .....	55
Қадимги Ҳиндистон дини .....	61
Қалимги Ҳитой дини .....	64
Иудаизм дини .....	69
<b>4-мавзу. ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ</b>	
Зардустийликчунинг келиб чиқиши сабаблари ва муқаддас битиги .....	75
Зардустийлик таълимоти ва маросимлари .....	80
<b>5-мавзу. БУДДАВИЙЛИК ВА ҲИНДУИЗМ: ДУНЁҚАРАШ, ИЖТИМОИЙ АСОСЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
Буддавийликнинг моҳияти ва хусусиятлари .....	90
Ҳиндуийликнинг таълимоти ва маросимлари .....	103

<b>6-мавзу ХРИСТИАННИК МОҲИЯТИ, МАНБАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
Христианлик таълимоти ва маросимлари .....	117
Католиклар ва иравоставларининг ўзига хос жиҳатлари .....	128
Протестантларнинг ўзига хос жиҳатлари .....	149
<b>7-мавзу. ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАРҚАЛИШИ</b>	
Ислом динининг вужудга келиши.	
Муҳаммад пайғамбар ва унинг	
янги динни шаклланишидаги хизматлари .....	157
Куръон, унинг мазмуни ва	
тузилиши. Суннат ва ҳалислар .....	164
Ислом таълимоти .....	168
<b>8-мавзу. ИСЛОМ ДИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ОҚИМЛАРИ ВА ДИНИЙ ҲУҚУҚИЙ МАКТАБЛАРИ</b>	
Исломдаги йўналиш ва оқимларнинг	
моҳияти ва хусусиятлари .....	177
Марказий Осиё мутафаккирларининг	
ислом тараққиётига қўшган ҳиссалари .....	186
Исломнинг ҳозирги замондаги ўрни ва мавқеи .....	195
<b>9-мавзу. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МОҲИЯТИ, МАҚСАДЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	
Диний экстремизм ва фундаментализмнинг	
моҳияти, мақсадлари ва хавфи .....	199
Диний экстремизм ва фундаментализмга	
қарши курашнинг асосий йўналишлари .....	215
<b>10-мавзу. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	
Виждон эркинлигининг ҳуқуқий асослари .....	220
Жамият маънавий ҳаётида диннинг ўрни ва аҳамияти .....	226
<b>ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАВИЁТ</b> .....	234

## **ДИНШУНОСЛИК АСОСЛАРИ**

*Ўқув қўланмаси*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Таҳририят-ноширлик ҳайатида маъқуланган*

**Муҳаррир *Сарварбек Қосимов*  
Техник муҳаррир *Ахмадхўжса Юлдашев***

Босишга рухсат этилди 08.10. 2007. Офсет босма. TimesUZ гарнитураси.  
Бичими 60x84 1/16. Нашриёт-ҳисоб табаги 14,0. Босма табаги 15,0.  
Адади 1000 дона. Буюртма 213.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68